

О. НОСИРОВ, С. ЖАМОЛОВ,  
М. ЗИЁВИДДИНОВ

# ЎЗБЕК КЛАССИК ШЕЪРИЯТИ ЖАНРЛАРИ

Педагогика институтларининг филология  
факультетлари студентлари учун қўлланма

*Н. М. МАЛЛАЕВ таҳрири остида*

ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» — 1979

Қўлланманинг ғазал, мустазод, мусаммат, марсия, қитъа, туюқ, фард, маснавий, нома ва мунозара қисмлари *О. Носиров*; таърих, таржибанд, таркиббанд, муаммо, чистон, соқийнома — *С. Жамолов*; қасида, рубоний, масал қисмлари *М. Зиёвиддинов* томонидан ёзилган.

1750

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1979

Н  $\frac{60602-258}{353 (04)-79}$  114-79 460301000б

Адабиёт тарихи адабий тур ва жанрлар тарихи ҳамдир. Адабий процесс маълум адабий тур ва жанрларни вужудга келтиради, уларни шакллантиради ва такомиллаштиради. Сўз санъати тараққиётининг муайян бир босқичида вужудга келган жанрлар кейинги босқичларида ҳам сақланиб қолади, янги гоёвий-эстетик вазифаларни бажаради, такомиллашади, янгиланади. Бинобарин, адабий тур ва жанрлар поэтик форма сифатида жуда барқарор ҳодисадир. Шу билан бирга, айрим жанрлар маълум бир вақтга ёки бутунлай истеъмолдан чиқиб кетиши, адабий процесс янги вужудга келган жанрлар билан бойиб, ривожланиши мумкин.

Адабий тур ва жанрларнинг тараққиёти, одатда, прогрессив адабий оқимларнинг тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, буюк сўз санъаткорларининг ижодиёти кўпинча уларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Тўғри, реакцион адабий оқим намояндалари ҳам прогрессив ёзувчилар қўллаган адабий тур ва жанрлардан фойдаланадилар. Аммо улар ўша тур ва жанрларнинг такомилида ижобий роль ўйнай олмайдилар. Уларнинг гоёвий-эстетик маҳдудлиги бунга йўл бермайдди. Реакцион адабий оқим заминида баъзан ўзига хос адабий жанрлар — поэтик формалар ҳам вужудга келадди. Лекин, одатда, бундай жанрлар ўша адабий оқим доирасида қолиб кетади, у билан бирга умр кўради, у тугаши билан кўпинча тугаб ҳам кетади. Мабодо, бошқа оқим истеъмолига ўтса, унга мос янги моҳият, хусусият ва принциплар касб этади. Қайси халқ адабиётида бўлишидан қатъи назар, адабий тур ва жанрларнинг қатор

умумий белгилари мавжуддир. Бироқ айни замонда алоҳида адабий тур ва жанрлар конкрет бир миллий заминда — реал тарихий-адабий муҳит, миллий анъана, фольклор ва санъат анъаналари ҳамда бошқа кўпгина факторлар замишида юзага чиққани ва тараққий қилгани сабабли ўзинга хос моҳият, хусусият ва принципга эга бўлади. Бундан ташқари, алоҳида миллий адабиётлар янги — «миллий» адабий жанрларни вужудга келтиради. Адабий алоқалар адабий жанрларнинг кенгроқ ёйилиши, умумлашуви ва такомилга, айрим «миллий» жанрларнинг «муштарак» жанрга айланишига олиб келди.

Ўзбек классик адабиёти хилма-хил тур ва жанрларга бойдир. Уларнинг тараққиётида прогрессив—дунёвий адабиёт, демократик тенденциядаги демократик ва маърифатчилик адабий оқимлари етакчи бўлади. Бунини, хусусан, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижоди мисолида тўлароқ ва равшанроқ кўриш мумкин. Навоий ижодиёти билан ўзбек назми ҳам, ўзбек насри ҳам камол топди, тур ва жанрлар жиҳатидан бойинди, дostonчиликда фалсафий-дидактик («Ҳайратул-аброр»), ишқий-романтик («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»), саргузашт («Сабъи сайёр»), қаҳрамонлик — жангнома («Садди Искандарий») ва фалсафий («Лисонут-тайр») дostonлар, лирикада — ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, таркиббанд, таржиъбанд, соқийнома, қасида, рубоий, қитъа, туюқ, фард, муаммо, чистон ва бошқалар, бадий насрда — ҳикоя, маноқиб ва бошқалар яратилди. Тўғри, бу жанрлардан бирмунчаси Навоийга қадар бўлган ўзбек адабиётида ҳам бор эди. Аммо адабий жанрлар доирасининг кенгайиши ва такомилида ҳеч ким Навоийчалик буюк хизмат қилмади, уларни янги тараққиёт поғонасига олиб чиқмади. Навоий каби, кейинги атоқли прогрессив сўз санъаткорлари ҳам мавжуд жанрларнинг янада ривожланиши, уларнинг янги ғоявий-эстетик моҳиятга эга бўлиши, янги ғоявий-эстетик миссияни бажариши, янги сифат ва хусусиятлар билан такомиллашуви ҳамда янги адабий жанрларнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнадилар. Бошқа халқлар адабиётида бўлгани каби, ўзбек классик адабиётдаги тур ва жанрларнинг шаклланиши ҳамда такомилида ўзбек халқ поэтик ижодиётининг — фольклорнинг, шу билан бирга, ўзбек ва бошқа туркий

халқлар учун муштарак бўлган қадимий туркий оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўрни ва роли каттадир. Бунини бевосита фольклор заминида вужудга келган туюқ синга-ри «туркий» жанрлар мисолидагина эмас, балки ёзма адабиётда анча анъана ва тажрибага эга бўлган бошқа жанрлар мисолида, уларнинг фольклорга хос компонент, сифат ва хусусиятлар билан бойлиги, тақомиллашувида, ғоявий-бадний моҳиятида ҳам кўриш мумкин. Демак, фольклор ўзбек классик адабиёти, жумладан, шеърининг жанрларининг шаклланишида муҳим замин, тажриба мактаби, адабий фактор бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, ўзбек адабиёти бошқа халқлар — туркий халқлар, эрон ва араб тиллари гуруҳларида сўзлашувчи халқлар адабиёти билан алоқада ўсди, тақомиллашди. Ўзбек адабиёти мана шу адабиётлардан баҳраманд бўлиш билан бирга, ўз навбатида, уларга самарали таъсир ҳам этди. Адабий алоқа ва ўзаро таъсир халқлар адабиётида муштарак ҳодиса ва хусусиятларни, «сайёр» сюжет, анъанавий образлар, умумий ягона поэтик формаларни ва бошқаларни вужудга келтирди. Муштараклик адабий жанрларга — газал, рубоий, қитъа, мусаммат, қасида ва бошқа жанрларга, шунингдек, ҳамсаҳнлик ва бадний наср жанрларига ҳам хосдир.

XIX асрнинг охирига келиб ўзбек адабиёти рус адабиёти билан, рус адабиёти орқали, қисман бўлса-да, Европа адабиёти билан алоқага кириша бошлади. Бу алоқа ўзбек адабиётига, жумладан, жанрлар тараққиётига маълум ижобий таъсир эта борди. Фурқат ва бошқа маърифатпарвар ёзувчилар ижодида публицистика жанрининг вужудга келиб ривожланиши бошлагани бунга мисол бўла олади.

Сўз санъати асарларини тур ва жанрларга тасниф этиш тарихи жуда қадим замонлардан бошланади: антик дунёнинг буюк арбоби Аристотель «Поэтика» асарида кўпгина жанрларнинг хусусиятларини белгилаган, қонда ва таърифини ишлаб чиққан эди. Бошқа кўпгина назариячилар сўз санъати асарларини тасниф қилишни давом эттирдилар ва тақомиллаштирдилар. Уларнинг хизматлари ва назарий хулосаларини эътироф этган ҳолда, адабий асарларнинг жанрлари таснифи ва қонун-қондаларини ишлаб чиқишда В. Г. Белинский буюк бир назариячи эканини таъкидлаш керак. Адабий асарларни

жанр жиҳатидан тасниф этишда ҳозирги адабиётшунослик ҳам В. Г. Белинскийга — унинг «Разделение поэзии на роды и виды» («Поэзиянинг тур ва хилларга бўлиниши») асарига таянади.

Ўзбек классик адабиёти асарларининг жанр жиҳатдан тасниф этиш, уларнинг хусусиятларининг белгилашда ҳам, шубҳасиз, адабий-назарий асарлар, жумладан, В. Г. Белинскийнинг «Поэзиянинг тур ва хилларга бўлиниши» асари маълум аҳамиятга эга. Ўзбек классик адабиёти ўзига хос тарихий-маданий муҳитда, Яқин ва Урта Шарқ халқлари адабиёти билан алоқада ўсди, ривожланди. Бинобарин, ўзбек классик адабиёти асарларининг назарий жиҳатдан ёритишда, жумладан, жанр жиҳатидан тасниф қилишда Шарқ адабиётшунослиги — «Илми адаб» ва унинг уч назарий таркиби — «Илми аруз», «Илми қофия» ва «Илми бадеъа» ҳамда адабиётшуносликнинг бошқа соҳалари катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ўзбек классик адабиёти назарий масалаларининг кенгроқ ва тўлароқ ёритишда бевосита ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган, унинг назарий жиҳатлари тадқиқ қилинган ҳамда ўзбек тилида яратилган асарлар билан бирга бошқа туркий тилларда, форс-тожик ва араб тилларида ижод этилган назарий асарларнинг, тазкиралар, мажмуалар, луғатлар ва бошқаларнинг аҳамияти ҳам катта. Ўзбек классик адабиёти масалаларини, жумладан, жанрини ўрганиш Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон», «Мажолисун-нафоис», «Муфрадот», Заҳириддин Бобирнинг «Рисолаи-аруз» («Мухтасар»), Муҳаммад Хоксорнинг «Мунтаҳабул-луғот» каби асарларига, кўплаб тазкира ва бошқа асарларга мурожаат қилишдан ташқари, форс-тожик ва араб тилларидаги адабиётшуносликка доир асарларга — Ҳалил ибн Аҳмад, ас-Саолибий, Форобий, Беруний, Родий, Шамс Қайс, Рашидаддин Ватвот, Хўжа Наср Тусий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Миратоулла Ҳусайний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Воҳид Табризий ва бошқа-бошқа муаллифларга, шу билан бирга, адабиётнинг назарий масалалари ҳақида ҳам маълумот берилган бадий асар ва бошқа маибаларга мурожаат этишга тўғри келади. Шунинг таъкидлаш лозимки, бир назарий проблема ҳақида ёки жанрнинг таъриф-таъсифи ҳақида бир неча муаллифнинг муштарак фикр-мулоҳазалари билан бирга, кўп ҳолларда тафовут ва ҳатто

баъзан зид таъриф-тавсифларга дуч келиш ҳам мумкин. Бундай ҳол китоб муаллифларининг савияси ва маълум масалага индивидуал муносабати, мушоҳада ва мулоҳазаси, шунингдек, баъзан айрим ҳодисаларни тарихий, қонуний конкретлиги ва тараққиётда давом этиши билан боғлиқдир. Масалан, XIII аср назариячисининг ғазал ҳақидаги таъриф-тавсифи шу жанрнинг умумлашган ягона таъриф-тавсифи бўла олмайди, чунки у даврда ғазал илк шаклланиш поғонасида бўлган. Шунингдек, ҳатто XIV аср назариячисининг таъриф-тавсифи шу жанрнинг бутун хусусиятларини қамраб ололмайди, чунки ғазал XV асрдан кейин ҳам тараққий этиб, янги сифат ва хусусиятларга эга бўла борди. Бинобарин, маълум назарий масалани, жумладан, жанрларнинг моҳияти ва хусусиятларини ўрганишда бир эмас, бир неча, турли даврларга мансуб манбага мурожаат этишга тўғри келади.

Совет адабиётшунослиги ўзбек классик адабиётини, унинг кўпгина назарий масалаларини ўрганишда катта муваффақиятларга эришди: ўзбек классик адабиётининг кўпгина обидалари нашр этилди, оммалаштирилди. В. Абдуллаев, А. Абдуғафуров, Б. Валихўжаев, В. Зоҳидов, Ё. Исҳоқов, Ғ. Қаримов, Р. Мажидий, Н. Малласев, Р. Муқимов, Х. Расулов, Ҳ. Сулаймонов, И. Султонов, М. Шайхзода, С. Ёркинов, А. Қаюмов, С. Ғаниева, А. Ҳайитметов ва бошқаларнинг монографик тадқиқотлари, олий ўқув юртлари учун адабиёт тарихи дарсликлари ва ЎзССР Фанлар академияси томонидан беш томлик адабиёт тарихи яратилди. Бу тадқиқотларда, шунингдек Ҳ. Арасли, И. С. Брагинский, Ё. Э. Бертельс, М. Гулизода, А. Мирзоев ва бошқа қардош олимларнинг тадқиқотларида классик адабиёт жанрлари ҳам маълум даражада ёритилди. Шу билан бирга, классик адабиёт жанрлари «Адабиётшунослик терминлари лугати»да ва бошқа ўқув қўлланмаларида таъриф-тавсиф этилди. Алоҳида жанрларга бағишланган махсус тадқиқотлар, асарлар яратилди, мақолалар оммалаштирилди. Булар сирасига Мақсуд Шайхзоданинг «Ғазал мулканинг султони» (Мақсуд Шайхзода. Асарлар, IV том), Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожда Навоийнинг роли» («Навоийга армуғон», ТошДПИ тўплами, «Фан», 1968), Ё. Исҳоқовнинг «Навоий ижоднда рубоий жанри» («Ўзбекстонда иж-

тимойи фанлар», 1968, №9), М. Юнусовнинг «Классик ва ҳозирги замон поэзиясида рубоий» («Барҳаёт аён-аналар», Тўплам, 1969), О. Носировнинг «Ўзбек адабиётида газал» (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат пашриёти, 1972), Р. Орзибсковнинг «Лирикада кичик жанрлар», (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат пашриёти, 1976), «Ўзбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат» (ЎзССР «Фан» нашриёти, 1976) китоблари, И. Ҳаққуловнинг «Ўзбек классик адабиётида рубоий» (1975), М. Абдувоҳидовнинг «Ўзбек адабиёти тарихида мунозара жанрининг шаклланиши ва тараққиёти» (1978) кандидатлик диссертацияси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, жанрлар тарихи ва назариясини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Лекин шунга қарамай, олий ўқув юртлари филология факультетлари студентлари, адабиёт ўқитувчилари ва адабиёт мухлислари учун ўзбек классик адабиёти жанрлари бўйича махсус қўлланмага эҳтиёж катта. Бундай қўлланма китобхонларга классик адабиёт жанрларининг шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг назарий-поэтик хусусиятлари ҳақида билим беради. Бадий насрнинг ўрнини камситмаган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, ўзбек классик адабиётида шеърят етакчи бўлган, кўпчилик асарлар шеърӣи формада яратилган. Уни яратишда муаллифлар ўз тадқиқот, кузатиш, назарӣи хулосалари билан бирга адабиётшунослар қўлга киритган ютуқларга ҳам таяндилар, уларга мурожаат қилдилар.

Ғазал классик шеърятнинг етакчи жанрларидан бири бўлиб, у ўзбек классик адабиёти тараққиётининг кўп масала ва хусусиятларини ифодалайди, лирик жанрларнинг муштарак хусусиятларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бу жанрга кенгроқ ўрин берилди. Достончилик ҳақида кўпгина тадқиқотларда, жумладан Б. Валихўжаевнинг «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» (ЎзССР «Фан» нашриёти, 1974) асарида ҳамда дарсликларда анча муфассал сўзлангани учун достон ва унинг жанрлари қўлланмада камроқ ёритилди.

Ўзбек классик адабиёти жанрларига онд назарӣи масалаларнинг етарли ўрганилмагани, айрим мунозарали масалалар давом этиб келаётгани — терминларда

ҳамда адабий-назарий ҳодисалар таъриф-тавсифида турлилик мавжудлиги қўлланмада маълум из қолдириши табиий.

Мазкур қўлланманинг яратилиш жараёнида гоят катта ёрдам ва маслаҳатлар бсрганликларни учун республикада хизмат кўрсатган фаи арбоби, адабиётшунос Н. М. Маллаевга ва Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор В. А. Абдуллаевга муаллифлар чуқур миннатдорлик изҳор қиладилар.

*О. Носиров.*

## ҒАЗАЛ

### ҒАЗАЛ — ЛИРИК ТУР ЖАНРЛАРИДАН БИРИ

*Ғазал* ( غزل <sup>oz.</sup> ) арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси хотин кишига хушомад қилмоқ, ошиқона муносабатда бўлмоқдир<sup>1</sup>. Кейинчалик бу сўз адабий термин сифатида ишқ-муҳаббат куйланган лирик шеърга нисбатан татбиқ қилина бошланди. Бироқ халқ орасида «ғазал» сўзи умуман шеър, шеърят ва қўшиқ маъносида ҳам қўлланган. Масалан:

Дарёларнинг ул юзида  
Турган ғазал, ёр-ёр,  
Шаънингизга айтиб эдим  
Битта ғазал, ёр-ёр<sup>2</sup>.

Ғазал жанри, унинг ўзига хос хусусиятлари ўтмиш адабиётшунослари ва шоирлари эътиборини ўзига жалб этди. Улар турли адабий жанрлар ҳақида ёзар эканлар, ғазал, унинг ғоявий-тематик хусусиятлари, келиб чиқиши, формал-поэтик хусусиятлари, бадий санъатлари тўғрисида ҳам фикр юритганлар.

Ғазал жанри асрлар давомида ғоявий-бадий ўсиб, такомиллашиб борди, унинг янги хусусият ва хиллари пайдо бўлди. Шу билан боғлиқ ҳолда ғазал таърифи ҳам ўзгариб, янгиланиб борди. Ғазалнинг илк таърифини Шамсиддин Муҳаммад Қайс ар-Розийнинг «Ал-мўъжам фи маойир-ал-ашъор ал-Ажам» («Ажам шеърлари ўлчовида ҳаракат белгилари (зеру забарлар)») (1217—1218) асарида кўрамиз: «Ғазал асл луғатда хотинлар, уларга ишқ қўйиш ва дўст бўлишга интилишдир.. Ға-

<sup>1</sup> Х. К. Баранов. «Арабско-русский словарь», М., 1958, стр. 721.

<sup>2</sup> «Ўзбек шеърнати антологияси», т. II, Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1961, 241- бет.

залда хотинларга дўстлик ва уларга дилнинг ҳаваси тас-  
вирланади»<sup>1</sup>.

«Ҳадоийқ ас-сеҳр фи дақойиқ аш-шеър» («Сеҳр боғ-  
лари») асарининг муаллифи Рашидаддин Ватвот (XII  
аср) ҳам лириканинг бу турига диққат қилган эди. Аммо  
у ғазал, ташбиб ва насибни бир нарса деб ҳисоблаган<sup>2</sup>.

Абдурахмон Жомий ғазалнинг асосий мазмуни му-  
ҳаббат, ошиқнинг кечинмалари, айрилиқ азоблари, ви-  
сол шодлиги ва бошқалар тасвиридан иборат деб би-  
лади<sup>3</sup>.

Ғазал Навоийга умр бўйи ҳамроҳ ва ҳамдари, содиқ  
дўст ва дил таржимони бўлди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи  
ёзади:

«Яна рўзгор ҳаводисидин ул фикрлар барча кўнг-  
лумдин борди ва ишқи ожизкуш зулму бедоди ул хаёл-  
ларни хотиримдин чиқорди, оллимға анча душворлиғ-  
лар юзланди ва теграмда онча сазб гирифторлиғлар  
айланди ва бошимға сипеҳр онча бало тоши отти ва  
ишқ сипоҳининг лагадкўби заиф пайкарим била сўнгак-  
ларимни онча оёқ остида ушаттиким, не сўзумдин хаба-  
рим ва не ўзлугум била ўзумдин асарим қолди. Ишқи-  
м ошуби туғёнда ҳар суубатким юзланур эрди, чун бир ҳам-  
дари рафиқим йўқ эрдиким, дардимдин шаммаи изҳор қил-  
гаймен, бирар байт бирла ул ҳол мазмуни назм қилиб,  
кўнглумни холи қилур эрдим ва жунунум шиддати ға-  
лаёнида ҳар ошубким оллимға келур эрди, чун бир  
ҳамзабон мушфиқим йўқ эрдиким, махфий ўтумни ошкор  
этгаймен, бирар матлаъ била ул маънини адо қилиб,  
қаттиғ ҳолимни шарҳ этар эрдим. Бу восита била кўн-  
глум ўтиға ороме ва ишқим бедоди ноҳамворлиғига ан-  
доме ҳосил бўлур эрди»<sup>4</sup>.

Навоийнинг ғазалиётга алоҳида эътибор бериши ва  
у ҳақда ўз қарашларини баён қилиши табиий бир ҳол  
эди.

Алишер Навоий, аввало, ғазалиётнинг гоявий-тема-

---

<sup>1</sup> Шамсиддин Муҳаммад Қайс ар-Розий. «Ал-  
мўҷам фи маойир-ал-ашъор ал-Ажам», Теҳрон, 1314 ҳ., 306-бет.  
(Таржима бизники—О. Н.)

<sup>2</sup> Рашидаддин Ватвот. «Ҳадоийқ ас-сеҳр фи дақойиқ аш-  
шеър», Теҳрон, 1938, 28-бет.

<sup>3</sup> Абдурахмон Жомий. «Баҳористон», нашриёти «Ирфон»,  
Душанбе, 1966, саҳ. 85.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. «Ҳазойинул-маоний», I том, Ўзбекистон  
ССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1959, 9-бет.

тик томонларига кўпроқ эътибор беради. Шоир фикрича, ғазалиётнинг асосий етакчи мавзуи «дард ва сўз» (ишқ ва ишқ оташи)дир.

Эй Навоий, сену Хусрав била Жомий таври,  
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз<sup>1</sup>,

яъни шоир шеърларни Хусрав Деҳлавий ва Жомий сингари ёзиш лозимлигини, санъатпардозлик ва ёлгон (ранг) сўз (шеър)га муносиб эмаслиги, шеър учун дард ва сўз (ҳарорат) кераклигини уқтиради.

Алишер Навоий, гарчи ғазалнинг мавзуи «дард ила сўз» деса-да, унинг ғазалиёти тематикаси ғоят кенг ва хилма-хилдир. У ҳаётнинг жуда кўп ҳодисалари тўғрисида гўзал ғазаллар битди. Навоий ўз салафлари анъаналарини давом эттирибгина қолмай, истиснодди новатор шоир сифатида ижод қилди, ғазални ғоявий-бадий такомиллаштириб борди.

Форс-тожик поэзиясининг атоқли намояндалари Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий, Камол Хўжандий ва Абдурахмон Жомий, ўзбек ғазалнависларидан Атойин, Сақокий, Лутфий, айниқса Навоий ва бошқа шоирлар яратган ғазаллар ўтмишдаги тадқиқотчилар учун ғазалнинг ғоявий-тематик томонларини тўғрисида ҳам, унинг формал-поэтик хусусиятлари ҳақида ҳам фикр юритиш имкониятини берди.

Қабул Муҳаммад, Муҳаммад Ғиёсиддин бин Жалолиддин сингари олимлар ғазал ва унинг хусусиятлари тўғрисида анча кенг ва атрофлича маълумот берадилар.

XIX асрда яшаган ҳиндистонлик олим Қабул Муҳаммаднинг «Ҳафт қулзум» («Етти денгиз») асарининг VII қисми адабиёт масалаларига бағишланган. Унда муаллиф адабий жанрлар ва уларнинг хусусиятларини тўғрисида анча кенг ва мукаммал маълумот беради. У, жумладан, ғазал тўғрисида фикр юритиб, қуйидагиларни ёзади:

«Билки, ғазал лугатда хотинларга дўст бўлишга интилиш демакдир. Истилоҳда (термин сифатида) шундай шеърки, бир хил вазн ва қофияда бир неча байт айтилган бўлиб, аввалги мисралари ўзаро қофияланади, уни матлаъ ёки мабдаъ дейдилар. Агар иккинчи байтнинг

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий «Ҳазойинул-маоний», III том, ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1960, 219- бет.

мисралари ҳам ўзаро қофиядор бўлса, зебматлаъ, ҳуснматлаъ дейилади. Охирги байтни мақтаъ ёки хотима дейилади. Шарт шуки, ғазалнинг чегараси 11 байтдир, баъзилар ғазалнинг чегараси 12 байт, баъзилар 19 байтгача бўлади, дейдилар. Аммо айрим сўнгги давр шоирлари 21 байтгача бўлади, дейдилар. Биз 27 байтли бир ғазални ҳам учратдик. Лекин ғазалнинг чегараси 19 байтгачадир, ундан ортиқ бўлса, уни қасида дейдилар».

Бу ерда Қабул Муҳаммад ғазалнинг деярли барча формал хусусиятларини кўрсатади. Айтилганларга мақтаъда шоир таҳаллуси бўлиши мумкинлигини қўшилса, таъриф мукамал бўлади. Шунингдек, мазкур ўринда Қабул Муҳаммад ғазал мазмунини қандай бўлиши кераклигига ҳам диққат қилади:

«Ғазалда етакчи масала севгилининг жамоли зикри, севгилининг чиройини сифатлаш ҳамда ошиқнинг кечинмаларини тасвирлашдир. Панд-насиҳат шеърининг бошқа турларида зикр этилади».

Қабул Муҳаммад ғазал ҳақида фикр юритган вақтда ўзидан олдин барча олимлар айтган мулоҳазаларни ҳисобга олган, шунинг учун ўтмиш адабиётшунослари орасида унинг ғазал ҳақидаги таърифи мўътабар бўлиб қолди. Бироқ Қабул Муҳаммад ва ундан олдин ҳамда кейин ўтган шоирлар, олимлар ва фозиллар ғазал мазмунини, ғоявий-тематик доирасини анча тор тушунганларига диққат қилсак, ғазал фақат ишқий мазмунга эга бўлади деб айтилган гаи ҳақиқатга тўла мос келмаслиги аён бўлади<sup>1</sup>.

Ғазал лирик поэзияда севги-муҳаббат мотивларини куйловчи жанр сифатида пайдо бўлди. Унинг асосий етакчи мавзуи инсоннинг инсонга бўлган дунёвий муҳаббати, реал дунё гўзалига бўлган ишқий эди. Форс-тожик ғазалиётининг илк намояндалари Хусрав Деҳлавий, Унсурий, Ҳасан Деҳлавий, Салмон Соважий ва бошқа шоирларнинг ғазаллари учун асосий мавзу муҳаббат бўлди ва кўп асрлар мобайнида бу ҳол давом этди. Бироқ бу шитим туйғу таранишнинг табиатан халққа яқин, тушунарли бўлган жанр учун доимий бўлиб қоллиши мумкин эмас эди. Чунки ғазалнинг кучли таъсири

---

<sup>1</sup> Қўлламанинг «Ғазал турлари классификацияси» бобида бу ҳақда муфассал тўхталамиз.

яхши англаган шоирларнинг ижтимоий ҳаёт воқеалари ва унга бўлган муносабатларини бу жанр орқали беришлари қонуний бир ҳол эди.

Натижада Саъдий ва Ҳофиз ғазалиётида янги мавзу, гоյ ва образлар пайдо бўлди. Чунончи, Саъдий ва Ҳофиз ўз ғазалларига ҳаёт ва унга муҳаббат, май ва шодлик, табиатнинг гўзал тасвири, панд-насиҳат; адолатсиз ҳаёт тасвири, ундан шикоят, бахт ва бахтли замон ҳамда бошқа шулар сингари мутараққий гоյ ва мавзуларни олиб кирдилар. Шу билан 'баробар ғазалларда янги образлар: ориф, ринд, золим шоҳ, риёкор шайх, вонз ва бошқалар пайдо бўлди. Кейинчалик Қамол Хўшандий, Абдурахмон Жомий, Бедил ва бошқа кўпгина шоирлар ғазалиётдаги энг яхши анъаналарни ўзлаштирдилар ва 'жанрнинг бундан кейинги тараққиёти учун катта хизмат қилдилар. Улар ғазалнинг гоյвий-тематик доирасини янада кенгайтirdилар, Саъдий ва Ҳофиз ғазалларида ҳали тўла шаклланиб етмаган образлар системасини мукаммаллаштирдилар.

Худди шунга ўхшаш гоյвий-тематик хусусиятлар тақомилини ўзбек ғазалиёти тарихида ҳам кўриш мумкин. Носириддин Рабғузӣй, Хоразмӣй, Сайфи Сароӣй, Аҳмадхўжа ас-Сароӣй, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имоd Мавлавӣй Туғлихўжа, Атоӣй, Саккокий ғазаллари учун асосий тема дунёвий муҳаббат ва у билан боғлиқ бўлган масалалар эди. Бироқ Лутфӣй ва, айниқса, Алишер Навоӣй ғазалиётнинг гоյвий-тематик чегарасини жуда ҳам кенгайтириб юбордилар. Ғазалиётда ижтимоий ҳаёт воқеаларини акс эттириш, фалсафӣй, ахлоқӣй-таълимӣй гоյларни ифодалаш янги образлар галериясини вужудга келтирди.

Шундай қилиб, замонлар ўтиши билан ғазалнинг гоյвий-тематик доираси кенгайди, турлари кўпайди, образлар системаси бойиди. Ҳатто Алишер Навоӣй ижодидан бошлаб сатирик ва юмористик ғазаллар пайдо бўлди ва кейинги даврларда гоёт кенг тарқалди.

Ғазал ҳам, бошқа лирик тур жанрлари сингари, кпшининг ички ҳис-туйғуларини ифодалайди, унда ҳаёт воқеа-ҳодисаларига бўлган шоир муносабати лирик қаҳрамон ички кечинмаларининг бутун қарама-қаршилиги, тўлалиги, теранлиги (Белинский) тасвири орқали берилади. Шунинг учун ғазал чуқур лиризм билан суғорилган бўлади ва лирик қаҳрамон образи асосий планда тура-

ди. Ҳазалиётда лиризм образ қалбининг энг нозик туйғулари тасвири, маъшуқанинг гўзал портрети ва табиатнинг ажойиб лавҳаларини рассом каби чизиш, ўқувчининг қалб торларини черта билиш орқали юзага чиқарилади.

Ҳазалининг ғоявий-тематик томонларига диққат қилинса, Шарқ шеърятига хос бўлган лирик тур жанрлари — қасида, рубойи, туюқ, таржиъбанд, таркиббанд, қитъа, фард, муаммо, чистон ва бошқаларнинг асосий ғоявий-тематик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бир жанр эканини билиш мумкин. Қасидадаги мадҳ, рубойидаги фалсафа, май ва риндона кайфиятлар, туюқнинг бадий баркамоллиги, таржиъбанд ва таркиббанддаги ҳаёт тўғрисидаги чуқур мулоҳаза ва тафаккур, қитъа ва фарддаги панд-насиҳат (дидактика), муаммолардаги киноя, чистонлардаги ҳажв ва юмор — буларнинг ҳаммаси ғазалда мужассамлашади. Демак, шонр ғазалда юқорида айтилган жанрларда берилиши мумкин бўлган ҳамма фикр ва кайфиятни ифодалай олади. Яна шунини айтиш керакки, ғазал музика санъати билан мустақкам алоқада яшайди, унинг тараққиёти учун хизмат қилади. «Бу ҳол унинг кенг халқ оммасига манзур бўлишида катта роль ўйнайди. Абдураҳмон Жомий ғазалининг мана шу хусусиятларини кўзда тутиб:

«Аз фунунн шеърн фан беҳтарин омад ғазал,  
Чун пакуъ рӯён, кидар сурат беҳанд аз жинсу инс»  
(«Шеърят фанининг энг яхшисидур ғазал,  
Ўзаллар юзи инс-жинсдан хушдур ҳар маҳал»),

деган бўлса, Алишер Навоий:

«Ғазал тарзига аввал айлаб синтез,  
Жаҳон ичра солдим улуг рустхез»;

Муҳаммад Фузулий:

«Ғазалдур сафо баҳши аҳли назар,  
Ғазалдур гули гулистони ҳунар»

ва XVI аср шонри Сайфи Бухорий:

«Панж байтеки дилпазир бувад,  
Беҳтар аз хамсатайин медонам»  
(«Кўнгилга мақбул беш байтли шеърни  
Икки «Ҳамса»дан ҳам авло биламан»),

деган эди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> II. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, I китоб, 214—215-бетлар.

Ғазалнинг формал-поэтик хусусиятлари деганда, унинг қофияланиш усули, матлаъ ва мақтаъ, байтлар сони, тахаллус қўлланиши, композицияси, ғазалнинг хиллари ва бошқалар назарда тутилади.

Қофия схемаси. Одатда, ғазал **а-а** схемасида қофияланган матлаъ (мабдаъ) билан бошланади. Ундан кейинги байтларнинг жуфт мисралари матлаъ билан қофиядош бўлади. Охирги байт **мақтаъ** деб аталади, аксар ҳолларда худди шу байтда (баъзан ундан олдинги байтда) шоирнинг тахаллуси келади. Масалан, 7 байтли ғазалнинг қофияланиш схемаси қуйидагича бўлади:

**а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а, ж-а.**

Матлаъ, одатда, битта бўлади. Бироқ айрим ғазаллар қўш матлаъли бўлади. Бундай ғазаллар *ғазали ҳусни матлаъ* (ғазали зебиматлаъ) деб юритилади.

Қўпинча матлаъ ғазалнинг асосий мавзуини белгилайди. Ундан кейинги байтлар матлаъда айтилган фикрни изоҳлайди, ривожлантиради, кенгайтиради, тўлдирди. Шунинг учун ҳам шоирлар матлаънинг чуқур маъноли, бадий жиҳатдан баркамол ва гўзал бўлишига интиланлар, курашганлар.

Ғазалнинг мақтаъи унда айтилган фикрларга якун ясайди. Матлаъ билан мақтаъ орасида маълум узвий ғоявий-бадий алоқа бўлади. Матлаъ бирор тезисни қўйса, мақтаъ ўша тезисни шарҳловчи ўзидан олдинги байтлардаги фикрларни умумлаштиради, якунлайди, лирик фалсафий хотима ясайди. Баъзан матлаъдаги биринчи мисра мақтаъда иккинчи мисра бўлиб келиши, яъни ғазал қандай бошланса, шундай тамомланиши мумкин. Бу ҳам ғазалнинг ғоявий-бадий монолитлигини ифодалайди. Масалан, Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» девонидаги ғазаллардан 32 таси мана шундай яратилган.

**Тахаллус қўллаш.** Одатда, ғазалнинг мақтаида шоирнинг тахаллуси ёки номи келади. Шунга қараб мазкур ғазал кимга тегишли эканини билиш мумкин. Тахаллуснинг ғазалда қачондан қўллана бошлагани ҳозирча аниқ эмас. Е. Э. Бертельс бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

«Форсий-дарий лирикада тахаллуснинг пайдо бўлиш тарихи ўрганилган эмас. Шуниси қизиқки, тахаллус

дунёвий лириканинг илк намуналарида деярли учрамагани ҳолда, сўфий поэзияси тараққиётининг илк даврларидаёқ Бобо Қўҳий (1050 йилда ўлган), Абдуллоҳ Ансорий (1088 йилда ўлган), Аҳмади Жом (1141 йилда ўлган) асарларида учрайди. Бу шоирларнинг шеърлари бизгача жуда кўп ўзгаришлар билан етиб келган деб тасаввур қилинган тақдирда ҳам, таҳаллус кейинчалик киртилган деб бўлмайди, у асарларнинг оригиналидаёқ бор эди. Нима учун сўфий шоирлар таҳаллусни кўп ишлатганлар деган саволга ҳозиржавоб бериш амри маҳол. Ўз фикримизнинг тўғрилигига ишонтиришга ҳаракат қилмаганимиз ҳолда, шундай фаразни айтмоқчимиз: маълумки, илк сўфий шоирлар кўпинча шаҳарларда яшар ва ҳунармандлар билан яқин алоқада бўлиб турар эдилар. Яна шу маълумки, ўша давр бадий ҳунар усталарининг энг яхши маҳсулотларига *عمل فلانى* («Фалонийнинг иши») деб имзо чекиш одати бор эди. Сўфий шоирлар шеърларидаги таҳаллуснинг ана шу одатга қандайдир алоқаси йўқмикан деган фикрга бепхтиёр келасан киши»<sup>1</sup>.

Е. Э. Бертельснинг фикрига қўшимча равишда қуйидагиларга диққат қилинса, масала янада ойдинлашади:

1. Ўтмишда эксплуатацияга асосланган жамиятда кенг халқ оммаси ўқиб, ёзиш имкониятидан маҳрум эди. Улар ғазалларни тинглар ёки қуйлар эдилар. Қўшиқ тексти кимники эканини фақат таҳаллусидангина билдиш мумкин эди, холос. Буни идрок этган шоирлар таҳаллус қўллай бошлаганлар.

2. Ғазаллар баъзан вазни, қофияси, радифи, мазмуни, темаси билан бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин (назира татаббуъ). Бундай ҳолларда таҳаллус англашилмовчиликнинг олдини олади.

Классик шеъриятдаги жуда кўп терминлар ўйга алоқадор сўзлардан тузилган (масалан, *байт*—ўй, *рукн*—устун, *тарсеъ*—айвон ва б.). Шоирлар ҳам ўз асарларини маълум маънода бинога ўхшатган бўлсалар, шеър охирига таҳаллус қўйиш меъморнинг ўзи қурган бинога помини ёзиб қўйишидек бир ҳодиса экани ажабланарли эмас. Алишер Навоий ҳам шунга ишора қилиб, қуйидагиларни ёзади:

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. «История персидско-таджикской литературы», стр. 519.

Ўйлаким ҳар кимса неким қилғуси,  
 Баъзи ишта бор онинг бир белғуси.  
 Ким ўзи тахсисиға имлодур ул,  
 Муҳри ё тавқиё, ё тамғодур ул.  
 Сафҳа дебоси-ю назм нишосидур,  
 Ким тахаллус нозими тамғосидур.  
 Бу нишони бирла топти имтиёз,  
 Не варақким назм қилди аҳли роз,  
 Ким бу Саъдий ё Низомийнинг дурур,  
 Ё бу Хусравнинг, бу Жомийнинг дурур<sup>1</sup>.

Албатта, тахаллуснинг пайдо бўлишида бошқа сабаб ва омиллар бўлиши ҳам мумкин. Аммо юқорида айтилганларнинг ўзидек тахаллус қўллаш маълум ижтимоий, ҳаётий сабаблар натижасида, ҳаёт ва турмуш талабларига жавоб сифатида пайдо бўлганини кўрсатиб турибди.

Ўзбек ғазалчилигида тахаллус ғазалчиликнинг илк давриданоқ қўлланила бошлади. Бунинг сабаби бизнинг классик ғазалчилигимиз форс-тожик классик ғазалчилиги анъаналарини ҳам ўзлаштиргани, унга нисбатан бир оз кечроқ пайдо бўлганидир.

**Ғазаллар тахаллусиз ҳам келадими?** Ҳа, ғазалиётнинг илк намуналарида ҳам, кейинги даврлар ғазалларида ҳам, айниқса, бизнинг замонамизда яратилаётган ғазалларнинг кўпчилигида бундай ҳолни учратиш мумкин. Масалан, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сида келтирилган 12 та ғазалдан 10 тасида, Алишер Навоий девонидаги ғазаллардан 27 тасида тахаллус йўқ. Замонамиз шуаросидан Собир Абдулла, Ҳабибий, Оразий, Саида Зуннуова, Чархий, Эркин Воҳидов ва бошқалар аксар ҳолларда тахаллус қўллайдилар, айрим шоирлар эса бунга аҳамият бермайдилар. Эҳтимол, улар ҳозирги кунда матбуот, радио, телевидение ва бошқалар халқ ҳаётига жуда сингиб кетганлиги ва бунинг устига халқимизнинг саводхонлиги ошиб кетганлигини назарда тутарлар. Шунга қарамай, биз бу чиройли анъанани давом эттириш керак деган фикрдамиз. Чунки тахаллус ишлатилиши ўзига хос адабий пропаганда вазифасини ўтайди.

**Ғазалнинг ҳажми.** Қабул Муҳаммад «Ҳафт қулзум»да кўрсатганидек, ўтмишда ғазалнинг ҳажми масаласида ягона бир фикр бўлмаган. Аммо «поэтикага

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. XI том, «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, Т., 1966, 242-бет.

донр илгари ёхуд сўнгги даврларда ёзилган асарларни кўздан кечирсак, аксарият ғазалнинг 5—15 байт донрасида турганини маъқул деб билгаплар. Бунинг жони бор. Чунки турли замонларда, турли муҳитда яшаган санъатшунослар ҳар бир бадний асарининг таъсир кучи, имкон томонларини ўйлаганлар»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий ҳам ўз қитъаларидан бирида ўз шеърларининг (демак, ғазалларнинг ҳам) ҳажми тўғрисида гапириб, бундай деб ёзди:

Навоий шеъри тўққиз байту, ўн бир байт, ўн уч байт,  
Қи лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин.  
Букм, албатта, етти байтдин ўксук эмас, яъни  
Таназул айлай олмас рутба ичра етти гардундин<sup>2</sup>.

Филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймон томонидан Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний»сидаги ғазаллар ҳажми бўйича тузилган қуйидаги таблицага диққат қилайлик:

| Байтлар<br>сони | „Ғаройиб ус-<br>сиғар“да | „Навоируш-<br>шабоб“да | „Бадосеул-<br>васат“да | „Фавойидул-<br>кибар“да | Ҳам-<br>маси |
|-----------------|--------------------------|------------------------|------------------------|-------------------------|--------------|
| 5               | 2                        | —                      | —                      | —                       | 2            |
| 6               | 1                        | 3                      | 1                      | —                       | 5            |
| 7               | 434                      | 446                    | 437                    | 430                     | 1 747        |
| 8               | 30                       | 8                      | 8                      | 12                      | 58           |
| 9               | 163                      | 162                    | 187                    | 183                     | 695          |
| 10              | 8                        | 7                      | 1                      | 3                       | 19           |
| 11              | 11                       | 23                     | 14                     | 20                      | 69           |
| 12              | —                        | —                      | 1                      | —                       | 1            |
| 13              | 1                        | 1                      | 1                      | 2                       | 5            |
|                 | 650                      | 650                    | 650                    | 650                     | 2 600        |

Кўринадик, Алишер Навоий, 7 байтли ва 9 байтли ғазалларни кўп ёзган. Худди шундай ҳолатни бошқа ўзбек шоирларининг кўпчилик ғазалиётида ҳам кўриш мумкин.

Ғазалдаги байтлар сонининг чегараланганлигини икки сабаб билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ғазал лирик шеърдир. «Лирик асар,—

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. «Ғазал мулкининг султони».

<sup>2</sup> Алишер Навоий. «Ҳазойинул-маоний», III том, 703-бет.

деб ёзган эди улуг рус танқидчиси В. Г. Белинский,— оний бир сезгидан туғилгани учун узун бўлолмайди ва бўлмаслиги керак, акс ҳолда, у совуқ ва сунъий бўлиб, китобхонга раҳат бериш ўрнига уни бездиради»<sup>1</sup>. Бу фикр ғазалга ҳам бевосита тааллуқлидир.

**Иккинчидан**, ғазал музика санъати билан, айниқса, мақомлар билан чамбарчас боглиқ ҳолда тараққий қилган. Ғазалдаги байтлар сони куй ва ҳажмга мутаносиб бўлмоғи, унга мос келмоғи лозим эди. Ашула қилиб айтилиши зарур бўлган шеър қисқа бўлмаса, тингловчига ҳам, ижрочига ҳам малол келади, куйнинг таъсир кучини сусайтиради.

Классик шоирларимиз ижодиёти учун Навоий ғазалари ҳажм масаласида ҳам асосий мезон эди. Шунинг учун улар кўпинча Навоийга эргашдилар, яъни 5—13 байтли ғазаллар битдилар.

Ғазалнинг ҳажм жиҳатидан маълум даражада стабиллашуви шулар билан изоҳланади.

Ғазал композицияси. Ғазалнинг композицияси масаласи ҳам муҳим масаладир. Ғазал композицион жиҳатдан икки хил бўлади:

1. Пароканда ғазал.
2. Воқсабанд (сюжетли) ғазал.

Пароканда (яъни маълум бир воқеа-сюжет асосига қурилмаган) ғазалдаги ҳар бир байт ўзинча мустақил, тугалланган бир мазмунга эгадир. Шунинг учун ҳам бундай ғазалдаги байтларни бир илга тизилган қимматбаҳо ҳар хил гавҳарларга ўхшатадилар. Аммо бундай ғазаллардаги ҳар бир байт ташқи кўринишидан мустақилдек туюлса-да, улар орасидаги ғоявий-бадий бирлик билиниб туради. Бундай бирлиكنи шеърнинг ғоявий-эстетик мантиқи, лирик қаҳрамоннинг ички дунёси ҳамда вазн, қофия, радиф сингари поэтик компонентлар келтириб чиқаради.

Шу маънода Атоининг қуйндаги ғазалини кўриб чиқайлик:

Жамолнинг васфини қилдим чаманда,  
Қизорди гул устини анжуманда.  
Таманно қилгани лаълининг кўнглум,  
Қиши билмас ониким, қолди қанда.

---

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. «Избранные сочинения», М., 1947, стр. 183.

Чу жонимдин азиз жонона сенсан,  
Керакмас жон манго сенсиз баданда.  
Манго ул дунёда жаннат на ҳожат,  
Эшикинг тупроғи басдур кафанда.  
Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн,  
Букуи Яъқубтек байтул ҳазанда.  
Узун сочингдин узмасман кўнгулни,  
Оёғинг қанда бўлса, бошим анда.  
Тилар эл мансаби олий ва лексин,  
Атойи сарви озодингга банда<sup>1</sup>.

Бу ғазал темаси муҳаббат бўлиб, ошиқнинг маъшуқага нисбатан оташин севгиси тавсифи ғазал мазмунини ташкил этади. Аммо ҳар бир байтда қандайдир мустақиллик, алоҳидалик сезилади, яъни кейинги байт мазмунини олдинги байт мазмунининг давоми эмас.

**Биринчи** байтда айтилишча, ошиқ чаманда ўз маҳбубаси жамолини васф қилганда, анжуманда бирга бўлган ва ўзини гўзал деб ҳисоблаб юрган гул уятдан қизариб кетди; яъни маҳбубанинг ҳусни гул ҳуснидан аъло. Демак, I байт — сенинг жамолнинг гулдан гўзал.

**Иккинчи** байтда айтилишча, ошиқ кўнгли ёрнинг лаъл лабларини орзу қилади. Бироқ маҳбуба огзи ғоят кичик бўлганидан, бу лабларни кишилар тополмайдилар. Демак, II байт — лаъл лабларининг кўнглим орзу қилади.

**Учинчи** байтда айтилишча, маъшуқа ошиқ учун жондан азиз, агар маъшуқа бўлмаса, унга ҳаёт керак эмас, яъни маъшуқа ҳаётдир. Демак, III байт — сенсиз ҳаёт керак эмас.

**Тўртинчи** байтда айтилишча, ошиқ учун жаннатдан ёр эшиги тупроғи афзалдир. Демак, IV байт — эшигинг тупроғи жаннатдан афзал.

**Бешинчи** байтда айтилишча, маъшуқа ҳусн элининг подшоҳи (яъни ҳуснида Юсуф билан тенг), ошиқ ундан ташлаб кетмаслигини илтимос қилади. Акс ҳолда, ошиқ севимли ўғилдан ажралиб, ғам-қайгу уйида ғариб бўлиб қолган Яъқуб ҳолига тушади. Демак, бешинчи байт — мени ташлаб кетма.

**Олтинчи** байтда айтилишча, ошиқ ўз кўнглини маъшуканинг узун сочларидан ҳеч узолмайди, шунинг учун у ўз бошини маъшуқа оёғига қўяди, чунки гўзалнинг

---

<sup>1</sup> О т о й и. Танланган асарлар. ЎзССР Давлат адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958, 16-бет. (Бу нашрда Атойи *Отойи* тарзида берилган.)

сочлари унинг оёғигача тушган (байтда бош ва оёқ жуда чиройли тазод қилинган). Демак, VI байт — бошим узун сочингга фидо.

**Еттинчи** байтда айтилганича, эл (кишилар, ўзгалар) олний мансаб, амал истаса, ошнқ маҳбубасининг озод сарвдек қаддига банда (ошиқ)дир. Демак, VII байт — мен сарви қаддинг бандасиман.

Кўринадики, ҳар бир байтда ғазалнинг асосий темаси бўлган муҳаббат билан боғлиқ масалаларнинг маълум бир томони очилади, ҳатто бир қарашда тасодифий фикр-мулоҳазалар келтирилгандек туюлади. Шу маънода қараганда, Атойининг бошқа жуда кўп ғазалларидаги каби, мазкур ғазалида ҳам сюжет йўқ. Шундай ҳолни Навоийгача бўлган шоирларнинг кўпгина ғазалларида ва Навоийнинг ҳамда ундан кейинги шоирларнинг ғазалларида ҳам кўриш мумкин.

Бироқ бундай композиция ғазалнинг эстетик таъсир кучини, ундан ўқувчи ва тингловчи оладиган завқни камайтирмайди. Чунки ундаги умумий мантиқий боғлиқлик, вазн, қофия, радиф, оҳанг, мусиқийлик ўқувчида завқ-шавқ уйғотади, ҳаяжонли лирик кайфият пайдо қилади.

Ғазалнинг композиция жиҳатдан иккинчи хили воқеабанд (якпора ёки мусалсал) ғазаллардир. Бундай ғазалларда маълум силсилага тушган, ҳаётий воқеаларнинг бирор эпизоди натижасида вужудга келган кайфиятлар тасвирланади. Бундай ғазалларни кичик бир лирик лавҳа деб билмоқ лозим. Булар ўзбек классик адабиётида ғазалнинг шаклланишида катта роль ўйнаган Лутфий ижодидан бошланди ва Навоий ижодида камол топди, кейинчалик гўзал бир анъанага айланиб, Бобир, Машраб, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва бошқа жуда кўп шоирлар ижодиётида давом этди.

Воқеабанд ғазалларда композиция ғоят пухта бўлади: экспозиция, тугун, кульминация, ечим сингари компонентлар бўлади. Демак, бундай ғазалларда том маънода сюжет мавжуд.

Алишер Навоийнинг қуйидаги ғазалини кўриб чиқайлик:

Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар,  
Сўнгра дегил кўнгул отлиғ нотавонимдин хабар.  
Чун манга бердинг хабар, лутф айлаб ул ён доғи элт  
Хотири мажруҳ ила озурда жонимдин хабар.

Гар булар қўнғлига таъспр айламасдек бўлса, айт  
 Ер юзини гарқ айлаган ашқи равонимдин хабар.  
 Вар мунга ҳам қилмаса парво, дегил афлок элнн  
 Кеча-кундуз жонга еткурган фиғонимдин хабар.  
 Қилса истигно керакким, айлағай албатта раҳм.  
 Гар десаиш жоним аро доғи ниҳонимдин хабар.  
 Айтким, тутқил хабар мендин, йўқ эрса топмоғунг  
 Олам ичра нисабон ному нишонимдин хабар.  
 Арз қил тадриж илаким, шодлиғидин ўлмайин,  
 Эй Навоий, келса ногаҳ дилситонимдин хабар<sup>1</sup>.

Келтирилган ғазалда тасвир этилаётган воқеа ошиқ (лирик қаҳрамон)нинг сабога мурожаатидан иборат. Мана шу мурожаат ғазалнинг бутун мазмунини, моҳиятини ташкил этади. Ғазалдаги бирор байтни тушириб қолдириш ва ё ўрнини алмаштириш мумкин эмас, акс ҳолда, мазмунга ҳам, композицияга ҳам путур етади.

Кейинги даврларга келиб, воқеабанд ғазаллар яна ҳам кўпайди. Бундай ғазалларни Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Фурқат, Аваз ва Завқий сингари шоирлар ғазалиётида кўплаб учратиш мумкин.

Ҳажвий ва юмористик ғазалларнинг пайдо бўлиши ва камолотига назар ташласак, уларнинг энг кўп қисми якпора, сюжетли эканини кўрамыз. Одатда, ҳажвий ва юмористик ғазаллар жамият ҳаётида, айрим кишилар ва кишилар группасида учрайдиган салбон хислатларни танқид қилишга қаратилган бўлади. Бундай ҳол бу ғазалларда муайян бир мавзунин атрофлича ишлаш заруриятини келтириб чиқаради.

## ЎЗБЕК ҒАЗАЛИЁТИНИНГ ВУЖУДГА ҚЕЛИШ ЗАМИНИ

Ғазал жанр сифатида энг аввал араб поэзиясида мавжуд эди.

С. Айний, Е. Э. Бертельс, И. С. Брагинский, А. М. Мирзоев ва бошқа олимлар кўрсатиб ўтганларидек, форс-тожик адабиётида ғазал илк марта Рўдакий ижодида шакллана бошлади ва кейинчалик Саъдий ва Ҳофиз ижодларида камолот чўққисига эришди. Форс-тожик классик ғазалпётн халқ оғзаки ижоди, тасаввуф адабиёти, музыка каби омиллар билан мустаҳкам алоқада пайдо бўлди ва ривожланди.

Ўзбек классик адабиётида ғазалиётнинг пайдо бўли-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Ҳазойинул-маоний», I том, 197-бет.

ши ўзбек дунёвий адабиётининг тугилиши ва камолоти, шунингдек, халқ оғзаки поэтик ижоди ва форс-тожик классик ғазалиёти, музика санъати анъаналари билан боғлиқдир.

Маълумки, ҳар қандай адабий процесс ҳаёт талаблари билан юзага чиқади. Шундай экан, XIII—XIV асрларда ўзбек дунёвий адабиётининг тугилиши социал ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан мустақкам боғлиқ бўлгани табиийдир.

Ўрта Осиё халқларининг мўғул яғмосига қарши олиб борган кураш ва бу курашда ғалабага эришгани, сарбадорларнинг озодлик учун олиб борган кураши, йирик феодал давлатнинг вужудга келиши, шаҳарлар ҳаётининг жонланиши, ҳунармандчилик, илм-фан ва бошқаларнинг тараққиёти, синфий зиддиятнинг чуқурлашуви, феодал-клерикал зулмга қарши халқ норозилиги ва ғалаёнининг кучайиши дунёвий адабиётнинг моҳияти, унинг тараққиёт йўли ва ғоявий-эстетик функциясини белгиллаган ҳаёт факторлари бўлди.

Гарчи дин ва тасаввуф намояндалари зўр бериб дин ва хурфотни, аскетизмни ва мистицизмни тарғиб этаётган бўлсалар-да, реал ҳаёт муносабатлари одамлар оғинга кўпроқ сингиб бораётган эди. Натижада адабиётга дунёвий мавзу, ғоя ва образлар кириб кела бошлади. Прогрессив дунёвий адабиётнинг тугилиши ва такомилда инсон ва унга бўлган муҳаббат, инсон ва унинг ўзлиги, инсон ва унинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, орзу-армонлари тасвири етакчи ғоявий мазмун бўлди, етакчи мавзу бўлди.

Дунёвий адабиёт тараққиётида Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Сайфи Саройи, Қутб, Атоийи, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби шоирларнинг роли ғоят катта бўлди. Улар ўз ижодларида ўша давр учун муҳим ва актуал бўлган дунёвий ғоя ва проблемаларни кўтариб чиқдилар, уларни прогрессив позициядан туриб ҳал этишга ҳаракат қилдилар.

Бадий асарнинг темаси ва ғояси унинг жанрини белгилайди. Шундай экан, ўзида дунёвий масалаларни акс эттира олувчи, ўқувчи юрагига тезроқ етиб бора олувчи адабий жанрларнинг тугилиши ва камолоти табиий эди. Ўзбек классик поэзиясидаги рубоий, туюқ, ғазал сингари лирик тур жанрлари ана шундай заминда пайдо бўлди.

Дунёвий адабиётнинг етакчи мавзуларидан бири ҳаётий, инсоний муҳаббат эди. Форс-тожик адабиётида муҳаббат мавзуда ёзилган лирик асарларнинг жуда катта қисмини газаллар ташкил қилгани каби, ўзбек дунёвий поэзиясида ҳам бу жанр дунёвий муҳаббат ғояларини куйлаш учун ғоят қулай бўлди. Натижада газал муайян бир жанр сифатида шаклланди. Бу жанрнинг шаклланишида Лутфийга қадар ўтган шоирлар ва Мавлоно Лутфий катта ўрин тутди.

Ўзбек классик адабиётида ҳам худди форс-тожик, озарбайжон классик адабиётида бўлгани каби, газал феодал-сарой доирасидан кўра саройдан ташқи адабий муҳитга кенгроқ тарқалган эди. Атоий, Саккокий, Лутфий ижодлари бунинг ёрқин далилидир.

Кейинчалик бу жанр феодал-сарой адабиёти ва реакцион диний адабиёт вакиллари ижодидан ҳам ўрин олди. Сарой шоирлари ва диний-мистик адабиёт намояндалари бу жанрнинг халққа яқинлигини, унга манзурлигини кўриб, ўз ғояларини ўтказишда газалдан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Улар ўз газалларида ҳукмронларга итоаткор бўлиш, уларга бўйсунуш, дин-шариат қонуналарига итоат қилиш ва фатализм сингари реакцион ғояларни тарғиб этдилар. Шунингдек, улар кўпинча газалларда чинакам инсоний муҳаббатни эмас, илоҳий ёки сохта ҳиссиётга асосланган «муҳаббат»ни куйладилар, феодал саройи аъёнлари диди-завқига мос формалар етакчи бўлиб қолди. Феодал сарой ва диний адабиётда бу жанр ўз тароватини йўқотиб, тақлидчилик ва шаклбозлик етакчи бўла бошлади. Реакцион адабиётдаги ғоявий қашшоқлик, тушкунлик мана шундай оқибатларга олиб келди.

Реакцион адабиётдаги тақлидчилик тўғрисида буюк озарбайжон шоири, газалнинг тенгсиз усталаридан бири Фузулий ёзган эди:

Муддаи айлар мана теглид назму нэсрда  
Лейк намэрбут элфазу мукэддар заты вар.  
Пәһливанлар бадпалар сәйр идәндә һар яна,  
Туфл һам чәлан әдәр. аммо ағачдан аты вар<sup>1</sup>.

Фузулий муддаи-тақлидчиларни тифл—болаларга ўхшатади, уларнинг шеърят билан шуғулланишларини

---

<sup>1</sup> Фузулий. Сечилмиш эсэрлэри, Азарбайжан Дэвлэт Нашрийяты, Баки, 1958, саҳ. 253.

болаларнинг ёғоч миниб, паҳлавон чавандозларга тақлид этишларига қиёслайдн.

Шуниси характерлики, реакцион сарой ва диний адабётларда ғазал етакчи жанр бўлолмади, у адабиётлар учун қасидачилик ва мадҳхонлик асос бўлиб қолаверди.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмига келиб эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш процесси кучайди. Бу даврда халқ тилига эътибор янада ортиб борди. Уша давр шоирлари ўзбек тили имкониятларининг анча катта эканини ифодаловчи кўп асарлар яратдилар. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» таржимаси ўзбек тили анча қудратли, бой тил бўлиб қолганини, энди бу тилда юксак бадий асарлар яратиш мумкинлигини равшан кўрсатди.

Атойи, Саккокий, Гадойи, Лутфий ва бошқа кўпгина туркигўй шоирлар ўзбек адабий тили камолотида катта роль ўйнадилар. Бироқ бу тилнинг адабий тил сифатида шаклланишида ҳаммадан кўра кўпроқ хизмат қилган улуғ Алишер Навоий бўлди. Буюк шоир ўзбек тилининг имкониятларини кенг намоён қила билди, у энг кичик жанр—фарддан тортиб Шарқ шеърятининг чўққиси бўлган «Хамса»га қадар асарларни яратиш учун ўзбек тилининг қобил ва қодир эканини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан исбот қилди.

Эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва камолоти бадий адабиёт тараққиётига хизмат қилгани каби, бадий адабиёт адабий тилнинг шаклланиши ва камолотида етакчи бўлди.

Ғазал адабий тил ва бадий адабиётнинг ривожига хизмат қилди, адабиётни халққа янада яқинлаштирди.

Ўзбек ғазалиётининг илк намуналарини Носириддин Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома» асарларида, шунингдек, XIV асрда яшаб ижод этган Ҳофиз Хоразмий,<sup>1</sup> Сайфи Саройи, Аҳмадхўжа ас-Саройи, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Ймод Мавлавий, Туглнхўжа каби шоирлар ижодида учратамиз. Бу шоирларнинг ғазаллари жанр талабларига тўла жавоб бера олинган билан характерлидир.

<sup>1</sup> Бу шоирнинг адабий меросини Ҳиндистон қўл ёзмалари фондидан проф. Ҳамид Сулаймон топиб, биринчи бор жамоатчиликка унинг шеърятини намуналарини тақдим қилди.

Масалан, Мавлоно Қози Муҳсиннинг қуйидаги ғазалини кўрайлик:

Севдугум бан одамийлар жонидур,  
Қаму хублар хубининг султонидур.  
Кечти Лайли, кечти Ширин хублиғи,  
Ушбу кун менинг шаҳум давронидур.  
Бандасидур бўйининг сарву чинор,  
Ою гунаш юзининг ҳайронидур.  
Янгоги сайрулара олма сотар,  
Дудоғи дардийларининг дармонидур.  
Не янгоқким мот этар тоза гули,  
Не дудоқким мисрий шаккар конидур.  
Энгаки зиндонина тушган асир,  
Улки букуи Юсуфи Капъонидур.  
Қоша, кўза алданурсан доийлар,  
Муҳсинунг тафарружи раҳмонидур<sup>1</sup>.

Ғазалда севикли ёрнинг «сарву чинор бандаси» бўлган бўйи, ой ва қуёшни ҳайрон этган юзи, олма каби яноғи, Миср шакари сингари дудоғи, энгагидаги ошиқ учун зиндон бўлган қулдирғичи тасвир этилиб, лирик қаҳрамонининг унга бўлган муҳаббати куйланади. Ғазалда кейинчалик ўзбек классик адабиётида кенг тарқалган талмеҳ («Кечти Лайли, кечти Ширин хублиғи»), ўхшатиш («Не янгоқким, мот этар тоза гули, Не дудоқким, мисрий шаккар конидур»), муболаға («Ою гунаш юзининг ҳайронидур») ва бошқа бадий образлар ишлатилган.

Аммо шеърда катта ижтимоий масалалар кўтариб чиқилмаган. Ғазал кўп планли эмас, балки бир планли, яъни муҳаббат ҳақидадир. Тўғри, ўз замонаси учун бу ҳодиса прогрессив эди: халққа яқин ғояларни ифодалар эди. Ғазал тили халққа яқин, содда. Унда халққа тушунарли бўлмаган араб сўзлари жуда оз.

Худди шундай гапни Муҳсинга замондош бўлган шоирлар ғазаллари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Прогрессив дунёвий поэзия вакиллари бўлган Атоий, Саккокий, Гадонийлар эски ўзбек адабий тилида чиройли ва содда услубда ғазаллар битдилар, Алишер Навоий ҳам, унинг замондошлари, масалан, Хондамир ҳам бу шоирларнинг ғазал жанрида кўпгина яхши асарлар яратганликларини уқтирадилар.

<sup>1</sup> XIV аср Хоразм ёдномалари. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1973, 116-бет.

Атойи, Саккокий, Гадоий ва Лутфий XV асрнинг биринчи ярмида — жамият катта социал ва иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечираётган даврда яшаб, ижод этдилар. Шунинг учун улар, XIV асрда яшаб ижод этган шоирлардан фарқли ўлароқ, ўз ғазалларида дунёвий муҳаббат ғояларининггина эмас (гарчи бу мавзунинг ва ғоялар улар ижодида ҳам асосий ва етакчи бўлса-да), баъзан ҳаётнинг бошқа масалалари ҳақида ҳам фикр юритадилар. Чунинчи, Саккокий севимли маҳбубанинг гул юзини, нордек яноғини, ниста каби оғзини, Исо нафасли, жоду кўзли эканини ғоят чиройли тасвирлаш билан бирга, унинг характериини шарҳлар экан, аксар ҳолларда маҳбубанинг ситамкор, адолатсиз, тошмеҳр эканлигини айтади:

Билурсенким, кечар дунёи фони,  
Қулунгга қилмағил жавру жафони.  
Басе кўп ваъдалар қилдингу бординг,  
Кел, энди ваъдага қилғил вафони.  
Вафоу ҳусн ичинда минг яшогил,  
Ижобат қил, плоҳи, бу дуони.  
Агар бўлса бало хубларини севмак,  
Қабул қилдим бу йўлда минг балони.  
Закоме бер лабиниңдин, десам, айтур:  
— Қавунг, кетсун, бу Саккокий гадоини!<sup>1</sup>

Ғазалдан кўринишича, ошнқ ўта садоқатли, маъшуқа эса жабру жафо қилувчи, у ваъдасига бевафо. Шунинг учун ҳам шоир маъшуқадан шикоят қилади. Бироқ «шоирнинг ёрдан шикояти, шубҳасиз, чуқурроқ ва кенгроқ ижтимоий моҳиятга эга бўлиб, у феодал муҳитнинг иллатларига қарши, қўшинларнинг таловчилиги, айрим зодагонларнинг мутакаббирлиги ва мунофиқлигига қарши норозилик кайфиятларини ифодалайди»<sup>2</sup>.

Атойи ғазалиётида ҳам фақат севи-муҳаббат мотивларининггина эмас, бошқа ижтимоий ғоялар ҳам кўрилади. Саккокийга нисбатан Атойида социал мотивлар, таркидунёчилик ва бадбинликка қарши кураш ғоялари кучлироқдир. У дунёни севишга чақиради, некбинликни улуғлайди, гарчи изчил ва тўла бўлмаса-да, феодал зулми остида хонавайрон бўлган меҳнаткаш омманинг

<sup>1</sup> С а к к о к и й. Тапланган асарлар, ЎзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958, 60-бет.

<sup>2</sup> Н. М. М а л л а е в. Ўзбек адабиёти тарихи, I китоб, 364-бет.

пжтимоий порозилик кайфияти ва исёнкорлик руҳини акс эттиришга интилади.

Ўзбек адабиёти, айниқса ғазалиёти тараққиётида хусусан Лутфийнинг хизматлари улкандир. Шунинг учун ҳам Навоий Лутфий тўғрисида бундай деб ёзади:

«Ўз замонининг маликул-каломи эрди. Форсий ва туркийда назирни йўқ эрди. Аммо туркийда шўҳрати кўнрақ эрди»<sup>1</sup>.

Лутфий, аввало, ғазалнавис шоирдир. У ўз ғазалларида форс-тожик шеърини анъаналари, ўзбек халқ оғзаки адабиёти ютуқларидан фойдаланибгина қолмади, кўпгина ихтиролар ҳам қилди. Унинг ихтиролари қаторига, энг аввало, ғазал жанри учун етакчи бўлган муҳаббат мавзуини ишлаш услубини киритиш мумкин. У муҳаббат мавзуида ғазаллар битта экан, киши хотирасида мустақкам ўрнашиб қоладиган миниатюр лавҳалар яратишга интилади, турмушнинг реалистик деталлари тасвирини беради.

Лутфий ғазалларида социал норозилик мотивлари Атоий, Саккокий, Гадоий ғазалиётига нисбатан анча кенг ва кучлидир. Шоир замонанинг ноқил қурилганини, адолатнинг поймол этилганини, қалам аҳли хор бўлганини, зулм, адолатсизлик, инқилозламалик, адоват авж олганини кўрди. Шоир буларнинг ҳаммаси тўғрисидаги ўз фикри ва ҳукмларини катта жасорат билан айта олди:

Айттимки: «Бу Лутфийга жафо қилма, вафо қил!»

Айтурки: «Бизнинг даврда ул расм қолибтур»<sup>2</sup>.

Йўқтурур ёлғиз бу Лутфий жонига жаври рақиб,  
Қайда бир доно дурур, ул жаври подон тортадур»<sup>3</sup>.

Замонасига ғоят реал характеристика! Ошиқ маъшуқадан жафо эмас, вафо қилишни сўрайди. Бироқ бунга жавобан маъшуқа замонада вафо қилиш одати қолиб кетганлигини айтади.

Лутфий ўз маҳбубасининг жафокор, адолатсизлигини, ошиққа эмас, рақибга дилдор эканини тасвир этар экан, кўпинча уни шоҳларга, султонлар ва, умуман амир,

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Мажolisun-nafois», Илмий-таъқидий текст, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961, 72- бет.

<sup>2</sup> Лутфий. Девон. «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1965, 67- бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 79- бет.

амалдорларга муқояса қилади. Бу, албатта, катта ижтимоий аҳамият касб этади.

Чунончи,

Лутфийн мискинга бу ҳижрон туни  
Раҳм қилинг, гарчикн султонисиз<sup>1</sup>.

Гарчи султонлар раҳм-шафқат ҳиссидан маҳрум бўлсалар-да, ошиқ ёрдан—султондан раҳм қилишни сўрайди.

Лутфийнинг ўзбек ғазалиётига киритган яна бир янгилиги шу бўлдики, висол шодлигини тасвирловчи ғазаллар ҳам яратди. Буларда шоир учрашув шодлиги, висол оғуши, ҳижрон ва ғамнинг кетгани ва бошқаларни тасвирлайди.

Масалан, қуйидаги ғазалга диққат қилайлик:

Кўрдум сени, кетти ғам, алминнатуллоҳ,  
Жон топти ҳаёт ушбу дам, алминнатуллоҳ,  
Давлат кунн туғди очилиб субҳи саодат,  
Ҳижрон туни бўлди адам, алминнатуллоҳ,  
Ул дуйнға жон етмиш энди, ёнди бадарға,  
Ким кўрди сенингдек санам, алминнатуллоҳ,  
Рухсори юзунг давлатида хаста кўнгулда  
Бўлди ғами айём кам, алминнатуллоҳ,  
Лутфий сори кўз учи била қилди нигоҳи,  
Ёр этти бағоят карам, алминнатуллоҳ<sup>2</sup>.

Мазкур ғазал лирик қаҳрамоннинг висол онисидаги қувончи, унинг бахтли дақиқалари тасвирини жуда чиройли берган.

Хулоса қилиб айтганда, «Лутфий қиёфасида эски ўзбек поэзияси биринчи марта узил-кесил ғалабани қўлга киритди. Лутфий ўз замонасидаги энг яхши форс шоирлари билан мусобақалашди ва бу курашда ғолиб бўла олди»<sup>3</sup>.

Ўзбек ғазалиётининг замин — илдиэларидан бири ўзбек халқининг бой оғзаки ижодининг баракали таъсирини яққол кўриш мумкин. Бу таъсир бадий воситаларда, вазнининг халқ оғзаки ижодиётига яқинлиги, радиф ва қофияларнинг аксар ҳолларда туркий сўз бўлишида ва бошқаларда кўринади.

---

<sup>1</sup> Л у т ф и й. Девон. 119- бет.

<sup>2</sup> Л у т ф и й. Девон, 251- бет.

<sup>3</sup> Е. Э. Бертельс. «Навои и Джами», стр. 58.

Ўзбек ғазалчи шоирлари халқ оғзаки ижодиётидан образлар, бадий тасвир воситаларини олдилар, халқ орасида кенг тарқалган мақол, матал, идеоматик ва фразеологик бирикмалар билан ғазалларни безадилар. Атойи, Саккокий, Гадоний, Лутфий ғазалларида фольклор мотивларини кўплаб учратиш мумкин. Ҳатто мазкур шоирларнинг айрим ғазаллари бошдан-оёқ халқ мақоллари тасосига қурилган. Жумладан, Лутфийнинг:

Аёқнингга тушар ҳар лаҳза гесу,  
Масалдурким: «Чирог туби қаронгу»<sup>1</sup>

матлан билан бошланувчи ғазали бунга мисол бўла олади.

Кейинчалик бу ҳол ўзбек ғазалиётида, айниқса Алишер Навоий ғазалиётида катта ўрин тутди, камол топди:

Мазран даҳр аро соч лутф ила эҳсон тухми,  
Ҳар не эксанг, ани-ўқ чунки ўрарсан охир<sup>2</sup>.

Тўқуб май мухтасиб, мен йиғладим, лекин ул усрукка:  
Сув келтирмак ҳамону кўза синдурмак ҳамон эрмиш<sup>3</sup>.

Ишқнинг ўтун ёшурдим, эл аро ёйди рақиб,  
Ким иситмани ннҳон тутса, қилур марг аён<sup>4</sup>.

Шуни ҳам айтиш керакки, Хоразмий, Атойи, Саккокий, Гадоний каби шоирларнинг кўпгина ғазаллари арузнинг ўзбек халқ оғзаки шеърияти вазнига яқин баҳрларидадир. Илк ўзбек ғазалиётидан тортиб кейинги вақтларгача яратилган ғазаллар кўпроқ арузнинг рамал баҳрида ёзилган. Масалан, Атойининг 260 та ғазалидан 109 таси рамали мусаммани мақсурда битилган<sup>5</sup>.

Кейинчалик арузнинг бошқа вазнларида ҳам ғазаллар яратилди. Аммо ўзбек ғазалиёти учун рамал баҳри етакчи бўлиб қолаверди. Масалан, Алишер Навоийнинг

---

<sup>1</sup> Лутфий. Девон. 228- бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. «Ҳазойинул-маоний». III том, 176-бет.

<sup>3</sup> Уша асар, III том, 268- бет.

<sup>4</sup> Уша асар, I том, 492- бет.

<sup>5</sup> А. Самойлович. «Чагатайский поэт XV века» («Записки коллегии востоковедов при Азиатском музее АН СССР», т. II, вып. 2, Л., 1929), стр. 261.

2600 ғазалидан 1600 га яқини шу вазнда битилган. Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг кўрсатишича, Ҳусайн Бойқаро девонига кирган ғазалларнинг ҳаммаси рамалда ёзилган.

Алишер Навоий «туркий» деб атаган рамал баҳри ундан кейинги барча ғазалнавислар ижодида ҳам stack-чи вазн бўлиб қолди. Ҳатто ҳозирги замон ўзбек шоирлари ғазалларида ҳам бу вазн ўз шухратини йўқотгани йўқ. Ғ. Ғулом, С. Абдулла, Ҳабибий, Чархпий, Э. Воҳидов ва бошқа шоирларнинг кўп ғазаллари ҳам шу вазндадир.

\* \*

\*

Ўзбек классик адабиётининг йирик намоёндалари ҳам, уларнинг ижодларини у ёки бу даражада ўрганган қадимги тазкиранавислар ҳам, ҳозирги замон адабиётшунос олимлари ҳам ғазал жанрининг заминлари тўғрисида фикр юритганда, форс-тожик ғазалиётининг таъсири масаласига диққат қиладилар. Устоз ғазалнависларнинг номларини зикр қилганларида, биринчи ўринда форс-тожик шоирлари номларини айтадилар. Масалан, Алишер Навоий ғазал жанри устозлари ҳақида гапириб, Ҳусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Жомий номларини тилга олади:

Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ,  
Қим андин яхши йўқ назм иҳтимол.  
Бири муъжиз баёнлиқ соҳири Ҳинд,  
Қи ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.  
Бири Исо нафаслиқ ринди Шероз,  
Фано дайрида масту лоуболи.  
Бири қудси асарлик орифи Жом,  
Қи жоми Жамдурур сингон сафоли.  
Навоий назмига боқсанг, эмастур  
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти ҳоли<sup>1</sup>.

Ўзбек шоирлари учун форс-тожик классик шеърнати анъаналари ўзига хос бир мактаб эди. Улар бу поэзиядан ўрганиб, ундаги анъаналарни ўзбек поэзиясига татбиқ қилар ва катта муваффақиятларга эришар эдилар. Уша вақтларда эски ўзбек тилида ижод этган шоирлар, аввало, лирик турнинг кичик жанри — ғазалда ўз

<sup>1</sup> Ҳазойинул-маоний, IV том, 1960 й., 731-бет.

кучларини синаб кўрар ва бу соҳада форс-тожик шоирлари билан мусобақалашар эдилар. Шунинг учун ҳам, Е. Э. Бертельснинг кўрсатишича, «Лутфий ўзининг бутун маҳоратини кичик лирик формани ишлаб чиқишга қаратди. Унинг учун ҳамма эътироф этган ғазал усталари Камол Хўжандий ва Ҳофиз асосий намуна эди. Лутфийнинг ўзи Камол билан мусобақалашини ўзининг асосий вазифаси қилиб қўйган эди»<sup>1</sup>.

Форс-тожик ва ўзбек халқларининг қадимий дўстлиги ва ҳамкорлигини кўрсатувчи жуда кўп маданий-адабий фактлар мавжуд. Жумладан, Навоий, Бобир, Машраб, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Аваз сингари ғазал усталари фақат ўзларидан олдинги ёки ўзларига замондош бўлган ўзбек шоирларининг асарларигагина эмас, балки форс-тожик адабиёти вакиллари бўлган Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Абдурахмон Жомий, Мирзоабдулқодир Бедил ва бошқа шоирлар ғазалларига ҳам мухаммаслар боғладилар, назира ва татаббуълар ёздилар. Бундай шеърлар тожик ва ўзбек тилларида ёзилган.

Форс-тожик ғазалиёти таъсирини ўзбек тилида илк ғазаллар ёзган шоирлардан Хоразмий ижодида ҳам яққол кўриш мумкин. Хоразмий «Муҳаббатнома»си икки тилда ёзилганлиги шоирнинг ҳар икки адабиётни ҳам яхши билишини кўрсатади. Унинг форсча шеърларининг бадиий даражаси ўзбекча шеърларникидан кам эмас.

Ғазал тўғрисида фикр юритган ўтмишдаги ва ҳозирги олимларнинг барчаси бу жанрнинг музика билан мустаҳкам алоқада эканини, ғазалнинг туғилиши ва тараққиётида музика катта роль ўйнаганини қайд қилдилар.

«Шундай лирик асарлар борки, уларда поэзияни музикадан ажратиб турувчи чегара қарийб йўқолиб кетади»,— деб ёзган эди В. Г. Белинский. Ана шундай лирик асарлар қаторига ғазални киритиш мумкин. Лирик турнинг ҳеч қайси жанри ғазалчалик музикага яқин эмас десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбек классик поэзиясида илк ғазал намуналарини

---

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. «Навои и Джами», стр. 58.

<sup>2</sup> В. Г. Белинский. Танланган асарлар, Тошкент, 1955, 135-бет.

яратган Хоразмий ўз «Муҳаббатнома»сига киритган ғазалларининг қайси куй билан айтилишини таъкидлайди:

Хусайний пардаси узра тузуб соз,  
Муғанний бу ғазалии қилди оғоз<sup>1</sup>.

Шунингдек, Сайид Аҳмад ҳам ўз «Таашшуқнома»сидаги ғазалларнинг куйини кўрсатиб ўтади:

Эшитгил бу ғазални чун Ироқий,  
Ажам созин тузуб, айтай ироқи<sup>2</sup>.

Шоирларнинг ўзлари ҳам ғазал билан музиканинг алоқадорлигига катта аҳамият берганлар. Чунончи, Лутфий ва Навоийдан тортиб то XIX аср охиригача яшаб ижод этган шоирларнинг ҳаммаси мисра ёки байтда «ғазал» сўзига ёнма-ён ҳолда музикага тегишли бўлган бирор сўз ва терминни ишлатадилар.

Масалан, Лутфий ёзади:

Даврунгизда олиму обид қўюб илму амал,  
Бўлди фикру зикр аларға доимо савту ғазал<sup>3</sup>.

Навоий ёзади:

Васли замони булажаб, соқий, қадаҳ тут лаболаб,  
Мутриб, тузат савту тараб, ўткар, Навоий, бир ғазал<sup>4</sup>.  
Чун ғазал гулзорида мажмаъ тузиб,  
Булбул ойин минг тараннум кўргузуб<sup>5</sup>.

### ЎЗБЕК ҒАЗАЛИЕТИНИНГ ЕТАКЧИ ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Адабиёт жамият ҳаётининг, воқеаларнинг образли инъикоси бўлганлиги сабабли унинг тараққиёт этаплари ҳаётнинг тараққиёт этаплари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам адабиётни даврлаштиришнинг етакчи принципини жамиятнинг тараққиёт қонунлари белгилайди.

<sup>1</sup> А. М. Ш е р б а к. «Огузنامه», «Муҳаббатنامه», ИВЛ, М., 1959, стр. 129.

<sup>2</sup> «Ўзбек адабиёти», I том, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, 343- бет.

<sup>3</sup> Л у т ф и й. Девон, 156- бет.

<sup>4</sup> А л и ш е р Н а в о и й. «Хазойинул-маоний», III том, 385- бет.

<sup>5</sup> А л и ш е р Н а в о и й. Асарлар, XI том, «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1966, 13- бет.

Яна шунн ҳам айтиш керакки, адабиёт ва санъат айрим вақтларда жамият тараққиётидан ўсиб кетиши ёки орқада қолиши ҳам мумкин. Маркс бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

«Санъатга келганда, маълумки, унинг тараққиётидаги маълум даврлар жамиятнинг умумий тараққиёти билан мутлақо мос келмаслиги мумкин»<sup>1</sup>.

Бу фикрни, умуман, санъат ва адабиётгагина эмас, айрим адабий жанр ва турларга нисбатан ҳам тўла татбиқ қилиш мумкин. Чунки адабиётдаги айрим жанрларнинг, жумладан, ғазал жанрининг пайдо бўлиши ва камолоти ҳам ижтимоий тараққиётнинг муайян этаплари таълибидан келиб чиқади.

Ўзбек классик ғазалиёти тараққиёти этапларини белгилашда муайян даврдаги ғазалиётнинг ғоявий-тематик хусусиятлари, образлар системаси, адабий метод, қарама-қарши оқимларнинг ўзаро кураши, формал-поэтик турлар, традиция ва новаторлик, етакчи бадий хусусиятлар, халқ оғзаки ижодиёти билан муносабат ва бошқа масалаларга эътибор бермоқ зарур.

Шу айтилганларга асосланиб, ўзбек классик ғазалиёти тараққиёти этапларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. XIV—XV асрнинг биринчи ярми ўзбек ғазалиёти.
2. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср ўзбек ғазалиёти.
3. XVII—XIX асрнинг ўрталаригача бўлган ўзбек ғазалиёти.
4. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалиёти.

#### **XIV—XV асрнинг биринчи ярми ўзбек ғазалиёти**

XIV — XV асрлар катта ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой давр бўлди. Халқнинг озодлик учун мўғул истилчиларига қарши олиб борган кураши ғалаба билан тугади. Ўрта Осиёда маҳаллий мустақил феодал давлати вужудга келди. Бу даврда илм-фан ва маданиятнинг тараққиётинда жонланиш бошланди. Бу кўтаринкиликнинг таъки сабаблари ижтимоий ҳаёт воқеалари эди. Айниқса, мўғул истилоси ва маҳаллий зулмга қарши бошлан-

---

<sup>1</sup> Карл Маркс ва Фридрих Энгельс. Танланган асарлар, I том, Ўздавнашр, Тошкент, 1959, 362- бет.

ган сарбадорлар ҳаракати катта аҳамиятга эга бўлди. «Бу ҳаракат прогрессив маданият, санъат, адабиётда демократик мотивларнинг тараққий этишига, шубҳасиз, кучли ва самарали таъсир этган»<sup>1</sup>. Бундан ташқари, феодал ишлаб чиқаришнинг ривожини, шаҳарлар ҳаётидаги тараққиёт, иқтисодий-ижтимоий кўтаринкилик ўша давр илм-фани ва маданиятининг ўсишига катта ижобий таъсир қилди.

Ўзбек дунёвий адабиёти учун характерли хусусият дунёвийлик, инсоний севги, инсоннинг ўзлигини таниши ва ҳимоя қилиши ҳамда айрим ижтимоий мотивлар (чумончи, золимларга нафрат, одил шоҳ, бахтиёр ҳаёт орзуси ва бошқалар)нинг куйланиши эди. Лекин бу даврда ўзбек ғазалчилиги эндигина шаклланиб келаётганлиги сабабли айрим мотивлар ғазалга кечроқ кириб келди. Масалан, одил шоҳ ва адолат проблемаси, сатирик тасвир XIV асрдаги ғазалиёт учун етакчи тенденция эмас эди. Бу давр ғазалиётининг етакчи тенденцияси дунёвий муҳаббат темасининг ёритилиши эди. Шоирларнинг ҳаёт воқеаларига бўлган барча муносабатлари шу темага боғлиқ ҳолда баён қилинар эди.

Хотин-қизларни улуғлаш, уларга бўлган инсоний муҳаббатнинг куйланиши XIV аср ва XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шоирлари фалсафасидаги юксак гуманизмнинг ифодаси эди. Улар эзилганларнинг эзилгани бўлган аёлларни энг ёрқин бўёқлар билан тасвирлаб, улардаги энг олижаноб хислатларни улуғлайдилар.

Бу даврдаги ўзбек прогрессив ғазалиётининг асосий ғояси инсон, унга бўлган муҳаббатдир. Атоийи, Саккокий, Лутфийлар учун инсон дунёда ҳамма нарсадан улуғ ва мукаррамдир. Улар ўзларининг инсонга бўлган оташин гуманистик муносабатларини муҳаббат мавзуини куйлаш орқали берадилар. Шундай қилиб, муҳаббат улар талқинида оддий инсоний эҳтирослик доирасидан чиқиб, маълум фалсафий категорияни ташкил қилади. Улардаги муҳаббат маҳбубага, реал дунёга, унинг гўзаллигига, умуман, ҳаётга бўлган севги тажассумидир.

Дунёвий муҳаббат мотивларини куйлаш феодал муҳиtida илғор ғояларни тарқатишга имкон бера оладиган восита бўлиб, мафкура майдонида муҳим роль ўйнар эди. Шоир ўзининг ижтимоий, сиёсий, фалсафий, адабий-

---

<sup>1</sup>Н. М. Маллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи», I китоб, 212-бет.

эстетик қарашларини, илғор дунёвий ғояларини, маърифатпарварлик тўғрисидаги фикрларини дунёвий севги қобиғига ўраб баён қилиши мумкин эди. Чунончи, Сайфи Саройининг қуйидаги ғазалини кўрайлик:

Ул юзи ой ким, жаҳоннинг жонидур,  
Бу замона хубларининг хонидур.  
Ёсамин тан қомати сарви равон,  
Зулфи жаннат боғининг райҳонидур.  
Ғамзасининг олдина олам асир,  
Кўзлари даври қамар фаттонидур.  
Кипругининг ўқина жонлар нишон.  
Қоши ёсининг жаҳон қурбонидур.  
Шамс анинг ҳар кун ёқосидан туғар,  
Ул сабабдан ул жаҳон нуронидур.  
Бесласин ушшоқ жонин чун букун,  
Кўз қамар юз ҳусннинг давронидур.  
Кўргали Сайфи Саройи қул ани,  
Ҳақ таоло сунъининг ҳайронидур<sup>1</sup>.

Ғазалнинг мавзуи дунёвий севги бўлиб, асосий мазмуни ёрнинг беқиёс гўзаллиги — портрети тасвиридан иборат. Бироқ Сайфи Саройи мазкур ғазалда ўзининг дунёвий фалсафасини ҳам беради. Чунончи, дунё гўзали зулфини жаннат боғи райҳонига қиёслаши, жаҳоннинг нуронийлиги маҳбубадан деб, ҳаёт афзалликларини, дунёвийликни жасорат билан ифодалаши ва бошқалар.

Кўринадики, ғазалиётда, асосан, лирик қаҳрамоннинг маъшуқага бўлган оташин, садоқатли, сўнмас муҳаббати куйланар, маъшуқанинг ой ва қуёшни хижил қилувчи ҳусни, қоронғи тун каби қора сочлари, оҳу кўзлари, ҳаётбахш лаблари, нор яноқлари, кумуш бадани, камондек қошлари, ўқ каби киприклари васф этиларди.

Ғазалиётдаги ушбу тенденция унинг образлар системасини ҳам белгилайди. XIV—XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек ғазалиётида асосан уч образни: ошиқ, маъшуқа ва рақиб образларини кўрамиз.

Илк ғазалиётдаги ошиқ садоқат, фидойилик намунасидир. У ўз маҳбубаси деб ҳамма нарсадан кечган, ўзини маҳбубанинг қули деб билади:

Десангким: «Жон сипар қилгил, Атойим!»  
Турубман ушмуноқ ўлдур, от, ойим.  
Қулунгмен соқлосанг жоним боринча,  
Агар соқломасанг, сен бил, сот, ойим!<sup>2</sup>

<sup>1</sup> XIV аср Хоразм ёдномалари, 116—117- бетлар.

<sup>2</sup> О т о й и. Танланган асарлар, 116- бет.

Ошиқ кўпинча Фарҳод, Хисрав, Мажнун, Вомиқ ва бошқа машҳур афсонавий ошиқларга ўхшатилса, маъшуқа Ширин, Лайли, Узро, ҳуснда Юсуф билан қиёсланади. Ошиқ ва маъшуқа образларининг бундай талқин қилиниши халққа яқин ва манзур эди. Чунки булар тўғрисидаги афсоналар халқ орасида машҳур бўлиб, Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Вомиқ, Узро ва бошқалар унинг сеvimли қаҳрамонларига айланиб кетган эдилар. Улар халқ наздида муҳаббат, садоқат, чин инсонийлик, олижаноблик тимсоли эдилар. Кейинги даврларда ошиқ ва маъшуқани бу афсонавий қаҳрамонларга ўхшатиш анъана сифатида давом этарди.

Бу давр ўзбек ғазалиётидаги маъшуқа образининг бир характерли хусусияти бор: шоирлар асосий эътиборни маъшуқанинг ташқи қиёфаси тасвирига берганлар. Масалан, Атойининг қуйидаги ғазали фақат маҳбубанинг ташқи қиёфаси тасвирига бағишланган:

Яноғунг равзанинг жаннат гулидур,  
Бўюнг туби, лабинг кавсар елидур.  
Қўзунг наргис, юзунг насрину зулфинг  
Гулистони Эрамнинг сунбулидур.  
Азалдан то абад жон андалиби  
Жамолнинг гулшанининг булбулидур.  
Сабо даввори зулфингдин ўтарда  
Сулаймон лашкарининг гулгулидур.  
Атойини агар оламга сотсанг,  
Сот, эй зоҳид, ки ул хублар қулидур<sup>1</sup>.

Маҳбубанинг фақат ташқи қиёфасини тасвирлаш Хоразмий, Гадоний, Саккокий ва бошқаларнинг ғазалларида ҳам учрайди.

Агар маҳбубанинг ички дунёси ҳақида ёзсалар, кўпинча уни золим, адолатсиз, рақибга ёр, ошиққа дил-озор, ҳақиқий муҳибнинг қадрини билмайдиган жафокор дилбар сифатида тасвирлайдилар ва шу йўл билан адолатсизликка қарши норозилик кайфиятларини ифодалайдилар, баъзан бундай кайфият очиқ исён руҳини касб этади. Масалан:

Нозанинларда вафоу меҳр бор дерлар, вале  
Кўп эшитдук биз дағи бу сўзни, аммо кўрмадук<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Отой и. Танланган асарлар, 83- бет.

<sup>2</sup> Отой и. Танланган асарлар, 104- бет.

Тортиб замонга хубларининг жаврини мудом,  
Қўрдунгми ҳеч биринда булардан вафо, кўнгул?¹

Бу даврда маъшуқа образини шундай тасвир этишнинг нжтимоий моҳияти ҳам бор эди.

Атойидаги мана шу моментга эътибор бериб, адабиётшунос Н. М. Маллаев ёзади:

«Ошиқнинг шикоят ва надомат овози янада баландроқ кўтарилиб, яшаган муҳитининг айрим иллатларига—ҳаддан ошган ситам, мунофиқлик, шафқатсизлик ва бошқаларга қарши норозилик кайфиятлари мужассамлашади»². Атойидаги шикоят мотивларига нисбатан айтилган бу сўзларни унинг замондошларига нисбатан ҳам тўла айтиш мумкин.

XIV—XV асрнинг биринчи ярми ўзбек ғазалиётида рақиб образи ҳам алоҳида ўрин тутди. Рақиб образининг характерли хусусияти шуки, у маълум даражада реалистик моҳият касб этади. Чунки рақиб образида ўша давр ҳаётида учраб турадиган характерли хусусиятлар акс этган. Атойи, Гадоий, Саккокий, Лутфий каби таниқли шоирлар рақибни тасвирлар эканлар, ҳаётдан керагича материал топа олар эдилар. Улар атрофини кўпгина сотқин, иккиюзламачи, ёлғончи, багри тош, бадфеъл, инсонийликдан, севги-муҳаббатдан маҳрум шахслар ўраб олган эдилар. Давр шоирлари ўз асарларида ана шундай кишиларнинг роҳат-фароғатда яшаётганликларини алам билан тасвирлабгина қолмай, улар ошиқларнинг бахтига чанг солиб, битмас-туганмас алам келтираётганликларини, ошиқлар рашк ўтида қоврилаётганлигини ҳам кўрсатадилар.

Масалан:

Тишлар рақибинг борсам эшигингга гадо деб,  
Итликни магар ўзина ул қилди қабола³...

Балоедур рақиб, охир балодин  
Худой учун ҳазар қилсанг не бўлди?⁴

Дедимки: «Рақибни қошингдан кўтар!» Айтур:  
«Бир гул қаниким, оллида юз хор топилмас»⁵.

¹ С а й ф и С а р о й и. Шеърлар, 24- бет.

² Н. М. М а л л а е в. Ўзбек адабиёти тарихи, I китоб, 347- бет.

³ С а к к о к и й. Танланган асарлар, 17- бет.

⁴ О т о й и. Танланган асарлар, 166- бет.

⁵ Л у т ф и й. Девон, 87- бет.

Юқорида келтирилган мисолларда илк ғазалиётдаги рақиб образи учун характерли бўлган барча хусусиятлар акс этган. Рақиб хусусиятлари ҳақида гап борганда, одатда, у итга ўхшатилиб, унинг очкўзлик, қутуриш аломатлари тасвирланади. Лутфий кўпинча ёрни гулга ўхшатар экан, рақибни хор (тикан)га қиёслайди ва чиройли реалистик деталлар, манзаралар яратади. Рақиб образи жамловчи моҳиятга эга бўлиб, у ошиқ билан маъшуқа орасида зиддият туғдирувчи, «севги тиканаги» сифатидагина эмас, балки ёмонликнинг, адолатсизликнинг, жабр-ситамнинг бир тимсоли сифатида намоён бўлиб боради.

Илк ўзбек ғазалиётининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапирганда етакчи бадий хусусиятлар ҳақида ҳам сўзлаш лозим. Чунки бу нарса ғазалларнинг тараққиётида, кейинги даврдаги камолотида катта ақамият касб этди, ўша даврдаги кўпгина бадий воситалар, услуб кейинчалик ғазалчиликда анъанага айланди.

XIV—XV асрнинг биринчи ярми ўзбек ғазалиёти учун характерли хусусият шуки, у ўзбек халқ оғзаки ижодидан озиқланиб туради. Оғзаки ижод учун характерли ғоявийлик, юксак бадий тил элементлари, бадий воситалар: ўхшатиш, сифатлаш, қочирим, қарғиш, лексик бирикмалар, доимий эпитетлар, мақол ва маталлар ғазалиётда жуда кўп учрайди.

Айниқса, афсоналарнинг сюжет ва образларига мурожаат қилиш, халқ образли ифодалари ва мақол, ҳикматли сўзларидан фойдаланиш бу давр ўзбек ғазалиёти учун яна бир характерли хусусиятдир. Атойи, Саккокий, Лутфий ва бошқа истеъдодли ғазалнавис шоирлар асарларига назар ташласак, ўзбек халқ оғзаки ижоди учун хос бўлган томонлар акс этмаган бирор шеърни топиш қийин. Бу соҳада, айниқса, Атойи ва Лутфий катта муваффақият қозондилар. Мисол тариқасида Лутфийнинг қуйидаги ғазалини кўрайлик:

Нортэк янғоқнинг шавқидин жонлар бари афғор эрур,  
Кўнглум қачон топсун мурод, бир нору минг бемор эрур.  
Мен худ ажалдин ишқингиз йўлида қайғурмай вале,  
Юзунгни кўрмай ўлганим ҳажрингда бас душвор эрур.  
Ирнинг хаёли гар ниҳон тутсам кўнгулда, не ажаб,  
Муфлис киши топса гуҳар, ёшурмоғи ночор эрур.  
То зулфингиздин боғладим зуннор тарсолар бикин,  
Иймоним ортар дам-бадам, бу не ажаб зуннор эрур.  
Кўрсанг эшигингда мени беҳуд тушуб, айб этмаким,

Ақлимни ғорат қилғучи ул ғамзаи айёр эрур.  
Исо фалакка ошти, чун бўлди лабинг жон бергучи,  
Шармандаликдин кетмаса кўкта анга не бор эрур.  
Келдим эшикка, орзум юзинг дурур, кўргуз чиқиб,  
Келгинки, Лутфий ҳожати учмоқ эмас, дийдор эрур<sup>1</sup>.

Келтирилган ғазалда халқ иборалари («нортёк ян-гоқ», «ишқингиз йўлинда»), мақол («муфлис киши топса гуҳар, ёшурмоғи ночор эрур», «бир нору минг бемор»), талмеҳ («Исо фалакка ошти») ва бошқаларни учратамиз.

Ғазалга қофия қилиб келтирилган сўзлар жарангдор бўлиш билан бирга, улар асосий мазмунни ифода этади, ғазал услубини халқ асарлари услубига яқинлаштиради. Буларнинг ҳаммаси ғазалнинг халқчиллигини таъминлаган.

XIV—XV асрнинг биринчи ярми ғазалиёти учун характерли яна бир хусусият шундан иборат эдики, шоирлар лирик қаҳрамон кечинмаларини баён этиш, маъшуқа портретини тасвирлаш, унинг зулми, адолатсизлигини кўрсатишда реал ҳаётда учрайдиган айрим воқеа-ҳодисаларни муқояса предмети сифатида келтирадилар, кичик ҳаётий деталларни ғазалиётга олиб кирадилар. Натижада золимлар зулми, одамларнинг ўзаро муносабатлари, савдо-сотнқ алоқалари, ҳунармандчилик ва деҳқончиликка оид миниатюр эпизодлар, табиат ҳодисалари тасвири ғазалиётдан ўрин олади. Бу нарса ғазалиётга дунёвийлик, ҳаётийлик бағишлайди, ишқий-интим кечинмаларнинг конкрет ва реал бўлмоғига олиб келади.

Масалан:

Манфаатдур манго санам дарди,  
Агар эл қошинда зарар кўринур<sup>2</sup>.

Бу байтда савдо-сотнқ муносабатларидан фойдаланилган. Эл учун санамнинг дарди зарар бўлса, ошиқ учун у фойда келтиради.

Тузоққа илди кўнглум андалибин,  
Гулистон ичра холинг доналардек<sup>3</sup>.

Бу байтда бутун бир тугалланган манзара бор. Дилбарнинг юзи — гулистон, ошиқнинг кўнгли — унинг иш-

<sup>1</sup> Л у т ф и й. Девон, 71- бет.

<sup>2</sup> О т о й и. Танланган асарлар, 82- бет.

<sup>3</sup> О т о й и. Танланган асарлар, 106- бет.

қида куйловчи андалиб. Маҳбуба юзидаги хол — қушларни тутиш учун тузоқ олдиға сепилган дон. Қуш дон деб домға тушганидек, ошиқ кўнгли ҳам маъшуқа холи деб ишқ домға гирифтор бўлди.

## **XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср ўзбек ғазалиёти**

Ўзбек адабиёти XV асрнинг иккинчи ярмида янги тараққиёт босқинчиға кўтарилди, ғоявий-бадний юксак асарлар вужудға келди, адабий тур ва жанрлар такомиллашди. Ўзбек классик адабиётининг ривожи биринчи навбатда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти билан, унинг прогрессив адабий йўналишға бош бўлиб, реакцион йўналишға қарши кураши билан боғлиқдир.

Ўзбек классик адабиётининг тараққиёти ғазал жанри мисолида ҳам равшан кўринади. Ғазал энг кенг тарқалган лирик формаға айланди. Алишер Навоий ўзбек ғазалиётининг буюк яловбардори бўлди.

Буюк Навоий ўз ижодини ғазалдан бошлади. Бу ҳақда унинг ўзи қуйидагиларни ёзган эди:

Фаразким чу назм ўлди туҳмат манға,  
Ёйилди жаҳон ичра шуҳрат манға.  
Ғазал тарзиға айлаб аввал синтез.  
Жаҳон ичра солдим улуғ руст-хез.  
Уқур вақти аҳли саломат муни,  
Қўриб олам ичра қиёмат муни.  
Ҳар аснофи зикри эмас шаънима,  
Билур ҳар киши боқса девонима<sup>1</sup>.

Навоий ғазалчиликда жуда эрта шуҳрат қозонди, катта муваффақиятларға эришди. Алишер Навоий умрининг охиригача ғазаллар битди. Ғазалиёт унинг доимий дўсти ва ҳамроҳи бўлиб қолди. Проф. Ҳамид Сулаймоннинг аниқлашича, буюк шоир ўзбек тилида 2600 дан ортиқроқ ғазал ёзган<sup>2</sup>.

Қўраминики, ғазалларнинг сони жиҳатидан ўзбек классик адабиётинида ҳеч ким Навоийға тенглаша олмайди. Хассос адабиётшунос ҳам бўлган Бобир: «Алишербек назари йўқ киши эрди. Туркий тил билан то

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий, Ҳамса, ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1961, 638-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. «Ҳазойинул-маоний», I том, XIV бет, 1-таблица.

шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хуб айтқон эмас»,—деганда ғоят ҳақ эди<sup>1</sup>. Навоий «ғазалчиликни янги тараққиёт поғонасига кўтарди. У ғазални ҳаётга, ҳаётнинг эҳтиёж ва талабларига янада яқинлаштирди, унинг тематик доирасини кенгайтди. Унинг ғазалларида севги темаси чинакамига кенг ижтимоий-фалсафий категория бўлди. Навоий ғазалларида ижтимоий ҳаётнинг деярли барча масалаларини қамраб олди. Ғазаллар улўғ шоир ва мутафаккирнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларининг бадий гажассуми, XV аср ҳаётининг шоир лирик кечинмалари орқали ифодасидир... Навоий фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларни алоҳида байтларгагина эмас, балки бутун-бутун ғазалларига тема қилиб олди.

Навоий ўзбек классик адабиётида дастлабки ҳажвий ғазалларнинг асосчисидир...

Навоий ғазалнинг образлар галереясини ҳам кенгайтди ва бойитди. У кўпчилик ғазалларга хос ошиқ, ёр ва рақиб образлари билан чегараланиб қолмади. Ғазалда бош лирик қаҳрамон—Навоий XV асрнинг улўғ мутафаккири ва маданият арбоби, олим ва санъаткори сифатида гавдаланади. Шу билан бирга, Навоий шоҳларнинг (кўпроқ салбий), шайх ва зоҳидларнинг (сатирик) ва бошқа ижтимоий табақаларга мансуб кишиларнинг образларини ҳам яратди<sup>2</sup>. Бундан ташқари, Алишер Навоий, Н. М. Маллаев таъкидлаганидек, воқеабанд ғазаллар битди, реализм тенденцияларини ривожлантирди, ғазалнинг вазн хилларини кўпайтириб, ҳазаж, ражаз, рамал, мунсарих, музориъ, мужтасс, сари, ҳафиф ва бошқа баҳрларда ғазаллар битди.

Навоийнинг ғазалиётдаги новаторлиги, аввало, образлар системасида кўринади. Унинг салафлари яратган ғазалиётда ошиқ, маъшуқа ва рақиб образлари бирмунча ёрқин тасвирланган бўлса-да, Навоийда анча кенг ва ҳар тарафлама ёритилган ринд, мутафаккир сингари ижобий қаҳрамонлар, шайх, зоҳид, воиз, фақиҳ, муҳта-

---

<sup>1</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобир. «Бобирнома», ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1960, 233-бет.

<sup>2</sup> Н. Маллаев. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожиди Навоийнинг роли ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1961, № 3.

сиб, адолатсиз шоҳ каби салбий образлар уларда йўқ ёки бағоят хира тасвирланган эди.

Навоийга қадар яратилган ғазалларнинг қаҳрамони ошиқ фидокор, олижаноб севги эгаси, катта гуманист сифатида тасвирланган бўлса-да, у маъшуқанинг барча зулмларига кўнувчи, маълум даражада пассив эди. Бунинг устига ошиқ ўзининг муҳаббати билан масрур эди. Навоийда ҳам шунга ўхшаш ошиқлар образи бор. Бироқ унинг кўпчилики ғазалларида ошиқ жасоратли, ўз қадрини билувчи, вафо ва муҳаббат изловчи, садоқатли, фидокор сифатида тасвир этилади. Бошқача қилиб айтганда, Навоийдаги ошиқ маъшуқани барча олижаноб хислатларга эга бўлган инсон деб билади, шу билан бирга, ўзини ҳам соҳиби қадр деб ҳисоблайди, ўзига ҳам эътибор талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан қуйидаги ғазални кўрайлик:

Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигори кўзлоли,  
Сарви қадди истабон сиймин узори кўзлоли.  
Ерлиғ кўз тутконимиз кўзлади чун ўзга ёр,  
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ерда ёри кўзлоли.  
Чун ғубори маркабидин равшан айлар эл кўзин,  
Телмуруб турғунча бориб шаҳсувори кўзлоли.  
Сайру боғу дашт этарбиз ҳам яна бир ёр учун,  
Боғ сори кўз сололи, дашт сори кўзлоли.  
Гар анингдек шўх шаҳр ошуби офат топмасак,  
Бир фақиру меҳрибони ғамгусори кўзлоли.  
Гарчи нопайдо эрур мақсад армон қолмасун,  
Хосу ом ичра қила олғунча бори кўзлоли.  
Эй Навоий, бўлмоғунг андин булар бирла халос,  
Келки, ҳам васлин тилаб сабру қарори кўзлоли<sup>1</sup>.

Мазкур ғазалнинг қаҳрамони — ошиқ ўз нигорига беҳад вафодор. Бироқ маҳбуба унга севги билан жавоб бермайди. Шунинг учун ошиқ ўзининг садоқатли муноси — кўнглига мурожаат қилади ва ғазалнинг охиригача бағри тош маҳбубадан гинасини баён этади, ёрдан меҳрибон, садоқатли ва вафодор бўлишни талаб этади. Но-меҳрибон, бевафо ва садоқатсиз ёрдан воз кечишни авло деб билади. Унинг «Кел-кел, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут», «Вужудим ўртадинг, эй ишқ, эмди тарким тут» деб бошланувчи ва яна кўпгина ғазаллари ана шундай шеърлардандир.

Шоир маъшуқа образини ишлашда ҳам ўз салафла-

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Хазойинул-маоний», I том, 621-бет.

ридан анча илгари кетди. У маъшуқа образини анча ҳаёт-тийлаштирди, уни реалистик штрихлар билан такомиллаштирди, том маънодаги маҳбуба ҳолига келтирди. Навоий ёр образини тасвир этаётганда, унинг ҳам ички дунёсини, ҳам ташқи кўринишини (хусну малоҳатини, кийинишини ва б.) шундай чизадики, маҳбуба мавҳум бир маъшуқа бўлмай, XV аср муҳити, ҳаёти, урф-одати, кийим-кечаги ва бошқалари билан конкрет бир инсон — ёр сифатида гавдаланади. Ёр портрети тасвирланган бир ғазални мисол тарзида келтирамиз:

Ул зақанни упуу гулгунадин наззора қил,  
Қим эрур бир олмаким, ранги эрур оқу қизил.  
Ожиз ўлғай зулфининг савдолари тақриридин,  
Гар қуруғ жисмим тароғ янглиғ саросар чекса тил.  
Неча ўзни ёшуруб чин юзга солиб гунчадек,  
Тангдилларга боқиб, хандон бўлуб бир ҳам очил.  
Сочида шабнам бурунчак, эй кўнгул, эрмас ажаб  
Сунбул узра гар тушар шабнам, таажжуб қилмагил.  
То кийиб санжоби тўн, гулгун ўтук, қилдинг хиром,  
Йўқ сенингдек кабки раъно ҳусн саҳросида, бил.  
Раз қизи ҳамдамлиғидин ою йил маст ўлмағинг,  
Неча бўлғай ўтти умр ар ўлмаган бўлсанг ойил,  
Қўрмаган бўлсанг, Навоий, сарв уза гул, қил назар,  
Қим ул ой гулгуна суртуб хилъатин қилмиш яшил<sup>1</sup>.

Мазкур ғазалда шоир маҳбубанинг портретини чизади: ғўзал ўз юзига упу ва гулгуна (элик) суртгач, у ярми оқ, ярми қизил олмага ўхшайди. Унинг зулфи таърифини айтиб тугатиб бўлмайди. Ёрнинг қип-қизил лаблари гунчага ўхшайди, у сочларига бурунчак (попук)лар қадаган, синжоби тўн ва қизил этик кийган, юришлари каклик хиромини эслатади. Бу тасвир XV аср ўзбек қизлари портретини кийим-кечаги, упу-элиги билан бирга кўз ўнгимизда намоён қилади.

Алишер Навоий новаторлигининг яна бир қирраси лирик қаҳрамон қиёфасида ҳам маълум бўлади. Шоир лирик қаҳрамонни ўз салафлари каби фақат ошиқ сифатидагина эмас, балки ринд, шоир, файласуф-мутафаккир сифатида ҳам тасвирлайди. Натижада лирик қаҳрамон ўша замоннинг комил бир шахси, олижаноб кишиси каби намоён бўлади.

Алишер Навоий яратган образлар галереясида салбий образлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Навоий шоҳ,

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Хазойинул-маоний», II том, 379-бет.

шайх, зоҳид ва воизларнинг салбий — сатирик образларини яратди. Бу, умуман, XV аср адабиётида жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик бўлган жасорат эди. Чунки, аввало, Навоий буюк гуманист сифатида адабиётга халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашади ва унинг манфаатини ҳимоя қилиб, золим, жоҳил, адолатсиз шоҳларни танқид остига олади, иккинчидан, кенг меҳнаткаш омма орзу-истакларини ифодалаб, шоҳларни одил, маърифатпарвар бўлишга чақиради.

Алишер Навоий ғазалиётида шоҳлар, воизлар, зоҳидлар қиёфасини фош қилувчи байтлар, ҳатто махсус шеърлар бор. Алишер Навоий салафларида шайх, зоҳид образлари маълум жиҳати билангина намоён бўлса, Навоий уларни тугал лирик образ сифатида яратди, улар ҳақида махсус ҳажвий ғазаллар битди.

Масалан:

Ул шайхки, минбар уза афсунга берур тул,  
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли сурук гул.  
Ғафлатдин агар ваъз ила уйғотсалар элни,  
Ул айлар уютмоқ учун афсонага машғул.  
Боштин оёғи минбарининг пояси дoston,  
Ҳам ўзи-ю, ҳам маърифати жоҳилу мажҳул.  
Кўрмай хирад асҳобида бир фардни оқил,  
Топмай киши афсунида бир нуктани маъқул.  
Ҳар неки ҳадис оти қўюб, барчаси мавзуъ,  
Нақлики машойихдин этиб, бориси мажҳул.  
Юз пора қилиб, минбари ўт ёққали авло,  
Бу шарт илаким, бўлса ўзи қотилу мақтул.  
Иблис сифат эл сори майл этма, Навоий,  
То бўлмағасен зарқу риё қайдида мағлул<sup>1</sup>.

Бу ғазалда зоҳиран шайх, элни ғафлат уйқусидан уйғотувчи бўлиб кўринган, аслида эса шайтон каби йўлдан оздирувчи, хирад ва ақлдан маҳрум бўлган, ёлғондан ҳадис айтиб, элни алдовчи риёкор шайхнинг сатирик образи чизилган. Ғазал охиридаги хулоса айниқса киши диққатини тортади: Навоий бундай шайхнинг қатл этилишини орзу қилади, аммо шайх шунчалар ифлоски, уни ўлдирувчи киши унинг ўзи бўлсин, дейди. Шоирнинг «сода шайх», «воиз» радифли ва бошқа ғазаллари ҳам мана шундай асарлардандир.

Ғазалиётда Навоийнинг буюк хизматларидан яна бири шу бўлдики, у ғазални ҳаётга яқинлаштирди, ғазал-

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Ҳазойинул-маоний», IV том, 212-бет.

да реалистик тенденцияларни кучайтирди. У ростгўйликни, ҳақиқатни сўзлашни ўзига шиор қилиб олган эди. Навоий:

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,  
Рост наво, нағмаға таҳсин дегил,

деб ёзган эди.

Навоий ғазалларида инсон ва унинг ички кечинмаларини баён қилар экан, ҳар вақт ҳақиқатни кўрсатишга интилади. У реалистик миниатюр картиналар яратиб, замонасининг кўпгина томонларини ҳаққоний кўрсата олди. Натижада у яратган образлар ҳам, лавҳалар ҳам реалистик моҳият касб этди.

Алишер Навий ғазалиётни тематик-ғоявий мазмун, образлар системаси ва жанр хилланишлари жиҳатидан такомиллаштириш билан бирга, у ғазалиётнинг формал-поэтик камолотига ҳам катта ҳисса қўшди. Бу ғазалиёт композициясига ҳам тааллуқлидир. Навоий Лутфийда бошланган воқеабанд ғазаллар битиш анъанасини камолотга етказди. Бу борада у шунчалик катта маҳоратга эришдики, унинг кўпгина ғазалларидаги бирор байтнинг ўрнини алмаштириш ёки бирортасини тушириб қолдириш мумкин эмас, акс ҳолда, шеърнинг мундарижасига путур етади, айтилмоқчи бўлган фикр чалкашиб кетади.

Навоийнинг ғазалиётдаги хизматларидан яна бири шу бўлдики, у ғазалдаги байтлар сирасини қатъийлаштирди. У асосан 7, 9 ва 11 байтли ғазаллар битди. Навоий ғазал энг кам икки байтдан иборат бўлмоғи керак деб ҳисоблаган. «Ҳазойинул-маоний»га киритган 2600 ғазалидан 1700 дан ортиқроғини етти байтли қилиб ишлаган. Бунинг сабаби, бизнингча, музика билан боғлиқдир. Чунки тўла шаклланган музика асарини шеър байтлари сонига қараб ўзгартириш анча мушкул бўлганидан, кўпича айрим байтлар тушиб қолади ёки етмай қолса, айрим байтлар такрорланади. Шунинг ҳисобга олган шоир ўз ғазалларидаги байтлар сонига ҳам катта эътибор берган.

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср ўзбек ғазалиётининг иккинчи буюк вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобир эди. Ўз лирикасида Лутфий ва Навоий анъаналарини давом эттирди, улар ижодидаги юксак гуманизм, чинакам дупёвийлик, ҳаётга муҳаббат, оташин севги ва бошқа мотивлар Бобир лирикаси учун ҳам асос бўлди.

Бобир ғазалиётда анъаналар вориси ва давомчиси бўлибгина қолмади. У классик поэзиямиз учун янги бўлган мавзуъ ва образларни олиб кирди, ғазалнинг айрим турларини тажриба қилиб кўрди.

Бобир ғазалиётга диёр ва унга бўлган оташин севги мавзуини ҳам олиб кирдики, бу ўзбек классик адабиётида катта аҳамиятга молик эди. (Тўғри, ватанпарварлик ғоялари Алишер Навоий ғазалиётида ҳам кучлидир. Аммо у диёр мавзуида бир неча рубоий ёзган бўлса-да, махсус ғазаллар битмаган эди.)

Бобирнинг айрим ғазалларида диёр ва унга бўлган оташин севги асосий ўрин тутди. Шоир ўзининг бундай севгисини оригинал бир услубда беради. Бобир мероси тадқиқотчилари: Ҳ. Ёқубов, М. Шайхзода, В. Зоҳидов, Н. Маллаев ва бошқалар айтганидек, «ёр» билан «диёр»ни бир-бирига узвий боғлайди. «Шоир ватанни кўпинча севимли «ёр» образи каби тасвир қилади, ёрни диёрга, ёр ҳажрини диёр фироқига тенг қўяди, бу икки образни — «ёр» билан «диёр»ни кетма-кет тизади ёки бири орқали иккинчисини ифодалайди, диёрсиз ёрни, ёрсиз диёрни кўз олдига келтиролмайди»<sup>1</sup>. Шоирнинг «Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била», «Гаҳи соғини, не бўлди, зорларни», «Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим», деб бошланувчи ва бошқа кўпгина ғазаллари шундай шеърлардир.

Бундан ташқари, шоир соф ошиқона ғазаллар орасида ҳам ўзининг ватанга бўлган муҳаббати ва соғинчини, фурқатдаги изтироб ва кечинмаларини беради.

Бобирнинг шахсий ҳаёти, унинг тугилиб ўсган диёрдан узоқ тушиши, ғариблиги ва юртни қўмсаши диёр мавзуида махсус шеърлар битишига сабаб бўлди.

Ғазалиётдаги Бобир хизматларидан яна бири шуки, у ғазал тилини халқ тилига тағин ҳам яқинлаштиради. Агар Бобир ғазалларини унинг салафлари ғазаллари билан қиёсласак, тил нуқтаи назаридан анча фарқ этишини кўрамиз. Бобир ғазаллари учун характерли момент тилининг жуда ҳам соддалигидир. У ўз ғазалларида китобхонлар учун тушунилиши қийин бўлган сўз ва ибораларни ғоят кам ишлатади. У қофия ва радифларни кўп ҳолларда соф туркий сўзлардан тузади. (Масалан,

---

<sup>1</sup> Н. М. Маллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи». I китоб, 652-бет.

1965 йилда босилган Бобир «Девон»ига кирган 114 ғазалдан 80 дан ортиғи учун туркий сўзлар қофия ва радиф қилиб олинган.) Бобир ғазалиёти тилининг нақадар содда, халққа яқинлигини қуйидаги ғазал мисолида ҳам кўриш мумкин:

Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,  
Бизни унутқонни унутмоқ керак.  
Айшу тараб гулбуниға сув бериб,  
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.  
Ҳар нимаға ғам ема, ғам кўп турур,  
Айш била ўзни овутмоқ керак.  
Тийрадурур зухд дамидин кўнгул,  
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.  
Қўйма машаққат аро, Бобир, кўнгул,  
Ўзни фароғат била тутмоқ керак<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Бобир ғазалиёти Навоий анъаналарининг қонуний давоми бўлди, XVI аср мутараққий ғазалиёти етакчи тенденцияларининг тажассуми бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда ўзбек ғазалиёти янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ғазал ғоявий-бадий такомиллашди, унинг формал-поэтик ва ғоявий-тематик турлари кўпайди, образлар системаси бойиди, реалистик тенденциялар кучайди, халққа яна ҳам яқинлашди. Бу жанр Навоий ижодида ўзининг мантиқий интиҳосига етди.

### **XVII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган ўзбек ғазалиёти**

XVII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган ўзбек адабиёти ўзбек адабиёти тарихининг янги давридир. XVII—XIX асрларда зулм, истибдод, эксплуатация яна ҳам кучайди, турли хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар мамлакат, халқ хўжалиги тараққиётига салбий таъсир кўрсатди, реакция кучайди, ҳукмрон доиралар халқ онгини заҳарлаб, ҳар қандай прогрессга қарши беаёв кураш олиб бордилар.

«Лекин феодал-клерикал реакция кишиларни, илм аҳлларини қанчалик даҳшатли кулфатларга гирифтор қилмасин, барибир у илм-фан, санъат ва адабиётдаги илғор традицияларни емириб ташлай олмади, чинсоннинг заковати ва даҳоси тараққиётини бўға олмади

<sup>1</sup> Б о б и р. Асарлар. I жилд, Тошкент бадий адаб 1965, 73- бет.

<sup>2</sup> В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, ! тувчи» нашриёти, Тошкент, 1967, 9- бет.

Прогрессив адабиёт яшада давом этди. Бугина эмас, у диний реакцион ва феодал-сарой адабиётига қарши курашда тоблани ва ғолиб бўла олди.

XVII—XIX аср ўрталардаги ўзбек адабиётида ғазал ўзининг олдинги роли ва аҳамиятини сақлаб қолди, янада камол топди, Навоийнинг энг яхши адабий анъаналари асосида тараққий қилди.

Реакцион феодал-сарой адабиёти билан прогрессив демократик тенденциядаги адабиёт ўртасида борган кураш ғазалчиликда ҳам ўз ифодасини топди. Реакцион адабиёт вакиллари Аҳсанӣ, Сўфи Оллоёв, Адо ва бошқа кўпгина шоирлар ҳам ғазаллар битдилар. Улар ижод этган ғазаллар ўта реакцион гоёларни ифодалар эди. Реакцион сарой адабиёти намояндалари бошқа адабий жанрларда бўлгани каби ғазалиётда ҳам шаклбозликни авж олдирдилар, назирагўйликка, кераксиз мураккаб жимжимадорликка берилдилар.

Прогрессив демократик тенденциядаги ўзбек адабиёти вакиллари феодал-клерикал адабиётга қарши кураш олиб бордилар. Бу кураш синфий курашнинг идеологияда акс этиши, шу билан бирга, адабиётда, жумладан ғазалчиликда, энг илгор гоёларни тарғиб қилиш учун, юксак гуманизм, реалистик тенденция, халқ ва классиклар анъаналари учун, бадий ижодда новаторлик учун ҳам кураш эди.

Бу давр ғазалиёти ғазалчиликнинг барқарор анъаналарини, жумладан севги мавзуси ва у билан боғлиқ гоёвий-бадий хусусиятларни давом эттирди. Бу давр прогрессив ғазалиётдаги янги ижтимоий масалалар, публицистик, гражданлик мотивлари муҳим янгилик эди.

Публицистик ғазалларнинг дастлабки намуналарини Машраб ижодида кўраимиз. Унинг дунёқарашидаги исёнкорлик руҳи ғазалларида айниқса ёрқин акс этди, инсонпарварлик, халқчиллик, эзувчиларга бўлган ўтли нафрат туйғулари унинг кучли публицистик ғазаллар яратишига сабаб бўлди.

Машраб ўз публицистик ғазалларида антиклерикал ва антифеодал гоёларни кўтариб чиқади, халқнинг оғир аҳволда яшаётганини кўрсатиб, уларни ҳимоя қилади, дунёга келиб, «ғамзада кетгани»ни айтади ва қайта дунёқуриш тўғрисида ўйланиб қолади.

Шоирнинг «Дунёга келиб, лойиға билмай бота қолдим», «Дунё сориға бир келибон ғамзада кетдим», «Дунё-

га келнб ранжу балони кўруб ўттим», «Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлик билан», «Ёрни кўйида ўлгон бормукни», «Қарорим йўқ кўнгулда лаҳзае девона Машрабман», «Бу тани хокинию руҳи равонни на қилай?», «Наманган шахридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?», деб бошланувчи ва бошқа шеърлари мана шундай публицистик ғазаллардир.

Жумладан, шоирнинг қуйидаги ғазалини кўриб чиқайлик:

Дунё сориға бир келпбон ғамзада кеттим,  
Бир лаҳза дам олмай турубон, лаҳзада кеттим.  
Бир мушфиқи ҳамроз жаҳон ичра тополмай,  
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.  
Суртмай бу қаро юзни ўшал равзада бир йўл,  
Юз ҳасрату меҳнат била меҳнатзада кеттим.  
Ҳар жон келуру кетгусидир билсам они ҳам,  
Юз ғамзада бўлдум, яна мотамзада кеттим.  
Хорис бўлибон дунёда юрди неча гумроҳ,  
Урён келибон мунда яна арбада кеттим...  
Ёрини хаёл айлади, Машраб кўзин очти,  
Юз дарду алам бирлаки меҳнатзада кеттим<sup>1</sup>.

Маълумки, Машраб дунёқараши қарама-қаршиликлар билан тўла, мураккаб эди. Бу нарса у яшаган даврнинг мураккаблиги, қарама-қаршилиги билан изоҳланади. Мазкур ғазалда ҳам шоирнинг қарашларидаги қарама-қаршиликлар акс этган. Ғазал гўё дунё тўғрисидаги шоир ҳукми каби жаранглайди. Дунё ғамхона, меҳнатхонадир. Одам қанчалик ҳасрат ўтида куймасин, у жаҳон ичра бир мушфиқ ҳамроз тополмайди. Ҳаётда кўпгина гумроҳ кишилар борки, улар дунёда мол—бойлик тўплаш учун яшайдилар. Шуларнинг ҳаммаси лирик қаҳрамонни — Машрабни ҳаяжонлантиради, ғамзада қилади.

Машраб мазкур шеърида шу ноодил қурилган ҳаётдан қутулиш ҳақида ҳам ўйланиб қолади. Лекин унинг ўйлари паришон, қарама-қарши. Охирги байтга диққат қилсак, шоир ёр (худо)ни хаёл айлаш шу азоблардан қутқариши мумкин деган фикрни ифодалайди. Бироқ шоирнинг яшаган муҳитидан норозилик кайфияти ғазал учун етакчи бўлиб қолаверади.

Публицистик ғазалларнинг яхши намуналарини Тур-

---

<sup>1</sup> М а ш р а б. Танланган асарлар, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1963, 73- бет.

дн ижодида ҳам кўрамир. Айниқса, у Субҳонқулихоннинг адолатсизлигини фош қилишга бағишланган ғазалларида оташнафас публицист сифатида кўзга ташланади.

Маълумки, Турди мамлакатда осойишталик ва фаровонлик яратмоқ учун, одамларнинг бахт-саодатли бўлишлари учун ислом дини мустаҳкам бўлмоғи, дин-шариат талабларига қаттиқ амал қилмоқлари керак деб сидқи дилдан ишонар эди. Шунинг учун ҳам у кўпчилик асарларида мамлакатнинг оғир аҳволини тасвирлар экан, бунинг сабаби диннинг бўшашиб кетганидан, мамлакатнинг «номусулмонлиги», «кофиристонлиги», амир-амалдорларнинг диндан чиқиб кетганлиги деб билади. Лекин бу—масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, Турди бундай ғазалларида яшаган муҳити, унинг адолатсизлигидан норози, ғазабкор бир шоир сифатида гавдаланади. Турдининг «Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг, тенглик қилинг», «Мусулмон бўлма асло ҳеч мазҳаб йўлида, ўзбак» деб бошланувчи шеърлари ана шундай ғазаллардир.

Худди шу давр газалиётида яна бир тенденцияни кузатиш мумкин: Алишер Навоий бошлаб берган анъана асосида ҳажвий ғазаллар тараққий қилди. Ҳажвий ғазаллар янада оммабоп бўлиб, уларда зулм-адолатсизлик фош қилинганлиги учун тез тарқалар, шуҳрат топар эди. Турди, Гулханий, Махмур ва улар сингари шоирлар ҳажвий ва юмористик ғазаллар битиб, уларда эксплуататор синфлар ва реакция дин аҳлларини қаттиқ қамчилайдилар. Айниқса, Махмур ҳажвий ғазалларнинг катта устаси бўлиб етишади.

Ҳажвий ва юмористик ғазалиёт прогрессив шоирлар қўлида замон иллатларини фош этишнинг кучли ва синалган қуроли эди.

Махмурнинг сатирик ва юмористик ғазаллари эксплуататор феодалларни, уларнинг садоқатли таянчи ва мафкурачиси бўлган алдамчи, фирибгар дин-шариат пешволарини фош этишга қаратилган.

Шоирнинг «Ҳапалак», «Ғазали Муҳаммад Ражаб Авж дар бораи худ», «Ғазали Ҳожи Ниёз», «Ғазали лоуболи дар бораи худ», «Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор халта будур», «Ғазал гуфтани мулла Яъқуб», «Ғазали қозий Хўжа сағбон» сингари асарлари публицистик сатирик ғазалларининг энг яхши намуналаридир. Махмур бу ғазаллари учун аристократия вакиллари, руҳонийлар,

амалдорларни объект қилиб олади. Уларни шафқатсиз танқид қилиб, ҳаётдаги ёмонликларнинг тимсоли сифатида кўрсатади.

Бу даврдаги ҳажвий ғазалиётнинг бадий хусусиятларида ҳам айрим янгиликлар пайдо бўлади:

1. Анъанага кўра, ғазалларнинг сарлавҳаси бўлмайди. Унинг биринчи мисраси ё қофияси ва радифи унинг номи вазифасини бажаради. Бироқ бу даврда яратилган жуда кўп ҳажвий ва юмористик ғазалларнинг сарлавҳалари бор.

2. Бу давргача яратилган ҳажвий ғазалларда (масалан, Навоий ғазалларида) конкрет, реал бир шахс ҳақида эмас, умумлашган шахслар тўғрисида баҳс юритилар, ёмонларнинг умумлашган образлари яратилар эди. XVII асрдан бошлаб худди шундай ғазаллар билан бир қаторда конкрет шахсларга, ғазал яратаётган шоирга замондош бўлган айрим кишиларга бағишланган, улар образини реалистик тасвирловчи ҳажвий ғазаллар ҳам пайдо бўлди. Бундай ғазаллар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, Махмурнинг юқорида зикр қилинган ғазалларининг ҳаммаси конкрет шахсларга бағишланган. Аммо уларда гарчи реал бир шахс ҳақида гап борса-да, ўшандай кишиларнинг анча умумлашган типик образлари яратилган. Бу нарса шуни кўрсатадики, XVII асрдан бошлаб ғазалда реалистик тенденция янада кучайди.

3. Бу даврдаги ҳажвий ғазаллар кўпинча фош этилаётган кишининг ўз номидан ёзилар (кўпроқ Махмурда), «иқрор этиш» усулида битилган ғазаллар халқ орасида катта таассурот қолдирар эди. Чунки бу усул кўпроқ халқ оғзаки ижодига хос эди.

Бу даврдаги ўзбек ғазалчилигига буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг ҳам таъсири катта бўлди. Фузулий ижодиётидаги ҳаётга ва кишиларга бўлган оташин муҳаббат, эзувчи золимларга ўтли нафрат, юксак гуманизм фалсафаси ҳамда бадий гўзаллик ва баркамоллик ўзбек шоир ва китобхонларини мафтун қилди. Натижада унинг шеърляти халқ ўртасида катта шухрат топди, у ўзбек халқининг ўз шоиридек бўлиб кетди.

XVII—XVIII асрларда жуда кўп шоирлар Фузулий шеърлари таъсирида асарлар битдилар, унинг ғоявий-бадий анъаналарини давом эттирдилар, озарбайжон тили элементларини ўз шеърларига олиб кирдилар. Бу-

ни Вафойй, Турди, Машраб, Роқим, Равнақ, Андалиб, Нишотий, Мужрим Обид ва Мунис сингари кўпгина шоирлар ижодиётида, жумладан, ғазалиётида кўриш мумкин. Худди шундай ҳодиса XIX асрда ҳам давом этди. Нодира, Увайсий, Ғозий, Гулханий, Махмур каби шоирлар Фузулий анъаналарини давом эттирдилар.

XVII—XIX асрнинг ўрталаридаги ўзбек ғазалиёти формал-поэтик жиҳатдан ҳам тараққий қилди, ғазалнинг турлари кўпайди. Бу даврда ғазали муламмалар, ғазали мувашшаҳлар ва ғазали мушоиралар кўп яратилди.

Машраб, Махмур, Мунис каби кўпгина истеъдодли шоирлар ғазали муламманинг гўзал намуналарини яратган бўлсалар, Нодира, Увайсий ва бошқа шоирлар ғазали мувашшаҳнинг яхши намуналарини битдилар. Маҳзуна, Фазлий каби шоирлар мушоира ғазаллар яратдилар.

### **XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалиёти**

XIX асрнинг иккинчи ярми Туркистонда катта ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой давр бўлди. 1853—1876 йиллар орасида Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олинди. Халқ икки ёқлама зулм—колониал ва миллий зулм остида қолди. Натижада халқнинг иқтисодий аҳволи жуда оғирлашди. Бироқ Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши объектив равишда ижобий ҳодиса эди. Чунки «Россия Шарққа нисбатан ҳақиқатан прогрессив роль ўйнади... Россиянинг ҳукмронлиги Қора денгиз ва Каспий денгизлари ҳамда Марказий Осиё учун маданийлаштирувчилик ролини ўйнайди»<sup>1</sup>. Россия қиёфасида Ўрта Осиё халқлари фақат колониал зулм келтирган «халқлар турмаси»нигина эмас, «Европадаги революцион ҳаракатнинг илғор отряди»ни<sup>2</sup> ҳам кўрди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши натижасида бу ерга дунёда энг ҳаққоний ва революцион таълимот — марксизм-ленинизм таълимоти кириб келди. Асрий қолоқлик ва жаҳолатда яшаб, озодлик йўлини тополмай озор чекаётган халқ тўғри йўл кўрсатувчи машъалга

---

<sup>1</sup> Карл Маркс, Ф. Энгельс. Сочинения, т. XXI, стр. 221.

<sup>2</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Коммунистлар партиясининг манифести, Ўздавнашр, Тошкент, 1948, 18-бет.

эга бўлди. Ўрта Осиёга капиталистик муносабатларнинг кириб келиши бу ерда ҳам пролетариатнинг шаклланишига хизмат қилди. Янги пайдо бўлган маҳаллий пролетариат рус пролетариати қиёфасида ўзига содиқ дўст, чинакам иттифоқдош топди ва ҳар иккаласи барча эксплуататорларга — маҳаллий ва колониал зулмга қарши онгли, уюшган ҳаракатни бошлаб юборди. Улар буюк Ленин асос солган ва тарбиялаган Коммунистик партия раҳбарлигида инқилобий курашга бел боғладилар ва охири енгиб чиқдилар.

Маълумки, чор истилоси арафасида Ўрта Осиёда уч мустақил хонлик бўлиб, улар ўртасида тўхтовсиз қонли урушлар давом этарди. Бу урушлар халқ ва мамлакат бошига чексиз кулфатлар келтирар, иқтисодий, маданий тараққиётга салбий таъсир қиларди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши феодал ўзаро урушларга хотима берди.

Ўрта Осиёда маданият ва фаннинг камол топишида рус илм-фани ва маданиятининг таъсири катта бўлди.

«Ҳар бир миллий маданиятда,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— иккита миллий маданият бор. Пуришкевич, Гучковлар ва Струвеларнинг великорус маданияти бор, лекин Чернишевский, Плехановнинг номи билан характерланидиган великорус маданияти ҳам бор»<sup>1</sup>.

В. И. Ленин назарда тутган иккинчи великорус маданияти ҳам Ўрта Осиёга кириб келди. Натижада бу ерда матбаа, кутубхона, музей, театр, дунёвий билимлар берувчи мактаблар, маҳаллий тилда турли газета ва журналлар пайдо бўлди. И. В. Мушкетов, П. С. Семёнов-Тяньшанский, В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, Н. Веселовский, В. В. Бартольд ва бошқа кўпгина олимлар Ўрта Осиё табиати, тарихи, этнографияси, маданияти, тили ва бошқаларини ўргандилар ҳамда жаҳон аҳамиятига эга бўлган қатор қимматли асарлар битдилар<sup>2</sup>.

Ўрта Осиёда чиқадагиган вақтли матбуотда рус шоир

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 20- том, Ўздавнашр, Тошкент, 18- бет.

<sup>2</sup> XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги сиёсий, маданий ҳаёт ҳақида қаранг: И. Мўминов. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан, ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1960; Е. В. Бунаков. Развитие капитализма в Узбекистане, изд-во библиотеки им. Ленина, М., 1942; Ғ. К. Қаримов. Ўзбек адабиёти тарихи, III китоб; А. Абдуғафуров. Ўзбек демократик адабиётида сатира, Ўзбекистон ССР «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1961; А. Абдуғафуров. Фурқат. ЎзССР «ФАН» нашриёти, 1977.

ва ёзувчилари ҳақида турли материаллар, улар асарларидан парчалар эълон қилиб турилди. Натижада маҳаллий шоирлар рус ва у орқали чет эл адабиёти намуналари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўрта Осиёда матбаачиликнинг пайдо бўлиши шоирлар аудиториясини кенгайтириб юборди. Бу, ўз навбатида, адабиётнинг ижтимоий аҳамиятини, таъсир кучини оширди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi маданият арбоблари онгида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил реакцияни пайдо қилди. Прогрессив позицияда турган, ҳаёт ҳақиқатига маълум даражада объектив баҳо бера оладиган маданият арбоблари бу ҳодисани қутладилар. Чунончи, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш, Абай, Иброй Олтинсарин, Бердақ ва бошқа ўша замоннинг илғор фикр эгалари тарихий оқимни тўғри баҳолай олдилар. Аммо Ҳазиний, Мафҳум, Қорий сингари реакцион адабиёт вакилларида бир гуруҳи Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishiни худо томонидан юборилган жазо деб баҳоладилар, бошқа гуруҳи колонизаторлар тегирмонига сув қуйиб, маҳаллий халқни зулм ва жаҳолат исканжасида тутиб туришга ёрдам бердилар.

Масалан, Қорий «Лозим мудом сандин кўз ёшидин таҳорат» деб бошланувчи газалида<sup>1</sup> дунё ишларидан воз кечиш, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тавба қилиш сингари ғояларни тарғиб қилади ва шу билан меҳнаткашлар диққатини ҳаётдаги қийинчилик, адолатсизликдан четга тортмоқчи бўлади. Бу нарсa эксплуататорлар манфаатига хизмат қилишдан ўзга нарсa эмас. Шунинг учун ҳам «бу адабиёт лагери йирик шоирларни етиштириб чиқара олмади, унинг вакиллари эса адабиётимиз тарихида мустаҳкам ўрин эгалловчи бирорта ҳам аҳамиятли асар ярата олмадилар»<sup>2</sup>.

Бу даврда прогрессив адабий йўналиш сифатида демократик-маърифатчилик адабий йўналиши вужудга келди, такомиллашди. Бу адабиёт классик адабий мерос, буюк Навоий анъаналари, халқ огзаки ижоди, қисман бўлса-да, рус ва жаҳон классик адабиёти таъсири заминида камол топди.

<sup>1</sup> Қ о р и й. Девон, литографик нашр, 48—49- бетлар.

<sup>2</sup> А. А б д у л а ф у р о в. Ўзбек демократик адабиётда сатира, 46- бет.

Ўзбек демократик адабиёти учун юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик, халқлар дўстлиги, ёрқин келажакка, ҳақиқат ва адолат тантанасига комил ишонч, колониал зулмга, социал тенгсизликка, диний жаҳолатга нафрат ғоялари етакчи эди<sup>1</sup>.

Айниқса, 1905 йилги биринчи рус революциясидан кейин Ўзбекистонда юз берган ўзгаришлар адабиётга янги инқилобий ғояларнинг кириб келишига сабаб бўлди. Завқий, Аваз, Анбар отин, Ҳамза ва Айний асарларида замоннинг янги руҳи акс этди.

Демократик адабиёт вакиллари газалиётдаги етакчи ғоялардан бири ватанпарварлик эди. Ватан ва унга бўлган муҳаббат мотивларини тасвирловчи кўпгина ғазаллар яратилди. Бу соҳада, айниқса, Фурқат ижоди характерлидир. Унинг «Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса», «Умр хуш ўтмас баҳор айёми саҳро бўлмаса», «Бир қамар сиймони кўрдум балдаи Қашмирда», «Чаманда гунчадин бўйнингга тоқмишсан жарас, булбул», «Фигонким, ул бути сиймин зақандин айрилиб қолдим», «Одам эрмас ҳар киши гар айламас ёд Андижон», «Ғариби бу вилоят хонумонидин адашганман», «Бу баҳор айёми бўлди, келинг, эй аҳбоблар», «Ҳасратий, кел-кел бери, ул шўхи жонондин гапур», «Фасли навбаҳор ўлди, кетибон знмистонлар» деб бошланувчи ғазаллари шу мавзуда битилган.

Бу ғазалларда Фурқатнинг она-ватанга бўлган чексиз муҳаббати, юртдан йироқлик, алам-изтироби равшан сезилади. Ўқувчи кўз ўнгида ватанини жон-дилидан севувчи лирик қаҳрамон қиёфаси намоён бўлади.

Характерли ўрни шундаки, Фурқат ватан ва унинг гўзал табиитини чизар, унга бўлган ўз муҳаббатини куйлар экан, доимо ватан тақдири, халқ тақдири ҳақида ўйлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалчилигида маърифатпарварлик ғояси айниқса катта ўрин тутди.

Маълумки, демократик адабиёт намояндалари Фурқат, Аваз, Муқимий, Завқий, Нодим сингари шоирлар маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилдилар. Ке-

---

<sup>1</sup> Қаранг: 1. А. Абдуғафуров. Ўзбек демократик адабиётида сатира, 18—56-бетлар; 2. Ғ. К. Каримов. Ўзбек адабиёти тарихи, III китоб, 37—48-бетлар.

йинчалик улар сафига Ҳамза, Айний, Авлоний каби маърифатпарварлар кириб келдилар.

Гарчи бир вақтларда Ўрта Оспёдан ал-Фарғоний, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек сингари буюк сиймолар етишиб чиққан, башариятнинг урфон хазинасига катта ҳисса қўшган бўлсалар-да, кейинчалик турли ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра, илм-фан, техника тараққиёти сустлашиб қолган эди. Эксплуататор синфлар халқни жаҳолатда сақлашдан манфаатдор бўлиб, ҳар қандай прогрессни бўғишга уринар эдилар. Шунинг учун ҳам Фурқат ўзининг машҳур «Гимназия» манзумасида афсусланиб, қуйидагиларни ёзган эди:

Эсизким, бизни (нг) ўтмиш хону беклар,  
Кечиб ишратда зое субҳу шоми.  
Кетурмай ёнига бир аҳли дониш,  
Ўзига хос этиб неча авоми.  
Чу илму фазл элини тутмадилар,  
Қилибон тарбиятда эҳтиромни<sup>1</sup>.

Демократик шоирлар халқнинг огир аҳволини ўйлар эканлар, унинг бахт-саодатли бўлишининг калити маърифатдир деган хулосага келадилар. Бундай гоялар Авазнинг «Мактаб», «Тил», «Топар экан қачон?», «Уламоларга», Комил Хоразмийнинг «Қамол», Ҳамзанинг «Илм иста», «Китоб», «Қалам» ва бошқа асарларида яққол кўринади.

Авазнинг «Халқ», «Топар экан қачон?», «Тил», «Мактаб», «Уламоларга» каби асарлари маърифатпарварлик руҳида ёзилган ғазалларнинг энг яхши намуналаридир. Шоир бу ғазалларида ўз халқининг маърифий жиҳатдан орқада қолганини зўр ачиниш билан кўрсатади:

Халқи оламни бори айлар тараққий кун-бакун,  
Биз таназзул айлабон қолдик, эдик не кора халқ<sup>2</sup>.

Шоир халқнинг бахтли бўлмоғининг асосий шартин маърифатли бўлишда деб билади:

Кўларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,  
Эй Аваз, бўлмас бунингдек борҳо овора халқ<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Фурқат т. Танланган асарлар, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, II том, 1960, 20-бет.

<sup>2</sup> Аваз Ўтар ўғли. Девон. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976, 243-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда,

Шоир:

Очинглар миллати вайронни обод этгуси мактаб,  
Ўқусин ёшларимиз, кўнглини шод этгуси мактаб<sup>1</sup>,—

деб бошланувчи ғазалида ҳар қандай ёмонлик, қолоқлик ва жаҳолатнинг сабаби нодонлик, ўқимаслик эканини кўрсатади ва мактабни улуғлайди. Мактаб, Аваз фикрича, вайрон миллатни обод қилувчи, миллат инқирозининг олдини олувчи, жаҳлу нодонликни емирувчи восита.

Аваз халқнинг оғир аҳволини, унинг маърифат нурларидан бебаҳра эканини кўрар экан, дин-шарият уламоларига хитоб қилиб, уларни айблайди.

Аваз Ўтар ўғлининг маърифатпарварлик ғазаллари ўзининг юксак оптимизми билан ажралиб туради. Шоир маърифат нур сочувчи, ҳамма илми, бахтиёр бўлади-ган замоннинг келишига қаттиқ ишонади.

Авазнинг «Тил» ғазали ҳам маърифатни тарғиб этувчи шеър сифатида жуда қимматли. Аваз Ўтар ўғли яшаб ижод этган даврда Хоразм билан Россия ўртасидаги алоқалар кучайган эди. Шундай шароитда рус тилини ўрганиш кишилар учун катта фойда келтириши мумкин эди. Тўғри, Хоразмдаги мактаб ва мадрасаларда араб-форс тиллари ўқитиларди. Бу тилларни ўрганишни пропаганда қилиб ўтиришга ҳожат йўқ эди. У ҳолда шоир қайси тилни ўрганишни назарда тутган? Фикримизча, албатта, рус тилини. Аммо шоир бунини очиқ ёзмайди. Сабаб шуки, руслар руҳонийлар томонидан кофир деб ҳисобланар, уларнинг тилини ўрганиш эса гуноҳ саналарди. Шунинг учун шоир ўқувчиларнинг фаҳму донишига суянган ҳолда, қайси тилни ўрганишни пропаганда қилаётганини очиқ айтмайди.

Шоир ўзининг мазкур ғазалида одамлар орасида алоқа ва муносабатларнинг воситаси бўлган ғайри тилни она тилидек билиш зарурлигини ва бу илм-ҳунар ривожини учун аҳамиятли эканини ёзади:

Ғайри тилни саъй қилинг билгали, ёшлар,  
Қим илму ҳунарлар ривожини ондин аёндур.  
Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка они ғайрат этинг, фойдали кондур<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Аваз Ўтар ўғли. Девон, 38-бет.

<sup>2</sup> Аваз Ўтар ўғли. Девон, 180-бет.

Маърифатпарварлик ғоялари Ҳамза ғазалларида ҳам кучли. Шоирнинг «Қимда дониш бўлса», «Ўқи», «Илм иста», «Китоб», «Қалам» сарлавҳали ғазаллари фикримизнинг далилидир.

Ҳамза ҳам Фурқат ва Аваз шеърларида айтилган ғояларга ҳамоҳанг равишда «ҳар муроду мақсад»га етмоқнинг калити илм-маърифат деб билади. Шоир фикрича, китоб (маърифат) «ҳар балодин асрагувчи энг муҳим қиммат яроғ», «қалқон»дир.

Шоирнинг қуйидаги ғазалига диққат қилайлик:

Ким билурди одаму олам надур, ҳайвон нечук?  
Бўлмаса эрди агар инсонда бу осор илм.  
Қайси бир мавжуда боқсанг билмоққа кайфиятин,  
Лозим ўлғай топмоққа аввал ўқиб ахбор илм...  
Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди илм,  
Оламининг зулмати тундир, одамнинг нодори илм<sup>1</sup>.  
Ҳар муроду мақсадинга етмоқ истарсан мурод,  
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм.  
Ул ҳақиқат ойинига сайқал истарсан, Ниҳон,  
Илм иста, илм иста, истағил зинҳор илм<sup>2</sup>.

Ғазалда шоир дунёдаги ҳамма нарса тўғрисидаги зарур маълумотларни илм бериши мумкин, холос, шунинг учун одамлар илм истамоқлари керак дейди.

XX асрнинг ўнинчи йилларига келиб 1905 йилги рус революциясининг таъсири натижасида Ўрта Осиёда инқилобий кўтаринкилик бошланди. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши бошлангач, ҳозирги Ўзбекистоннинг турли жойларида рус пролетариати билан маҳаллий ишчилар ҳамкорлигида инқилобий чиқишлар бўлди. Бу нарса, албатта адабиётда акс этмай қолиши мумкин эмас эди. Бу йилларда яратилган бадий асарларда кўпгина шоирлар яқинлашиб келаётган инқилобий бўронни ҳис эта бошлаганликлари сезилиб туради. Бу жиҳатдан айниқса Аваз, Ҳамза, Айний ва бошқа шоирларнинг поэзияси диққатга сазовор.

Аваз Ўтар ўғли ўзининг «Сипоҳийларга», «Зевар ҳам, Саодат ҳам», «Уламоларга», «Йўқ бўлинг» каби ғазалларида яқинлашиб келаётган ҳуррият кунига ишо-

---

<sup>1</sup> М а з м у и: оламнинг зулмати тун бўлса, одам учун зулмат илмсизликдир (аслида қофия талаби билан «нодор илм» бўлиши керак).

<sup>2</sup> Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а Ниёзий. Асарлар, I том. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1966, 91- бет.

нади, золимларнинг умри тугаб бораётганини кўрсатиб, ҳақиқий озодликни улуғлайди. Авазнинг бундай қарашлари унинг «Сипоҳийларга» ғазалида айниқса яхши ифодаланган:

Эйки, мунча зулм этиб, миллатни айларсан хароб,  
«Лоюхиббуз золимин» деб тангри қилгонда хитоб.  
Дам-бадам бедоду жабру зўрлиқлар айлабон,  
Солма мазлум элни кўнглига мунингдек изтироб.  
Мунчаким зулм айлагунг, бордур мукофоти замон,  
Оқибат бир куп анга масъул бўлиб бергунг жавоб,  
Бор умидим: тезда бўлғуси ҳуррият кун,  
Эй Аваз, қолмас булут остида донм офтоб<sup>1</sup>.

Аваз озодлик ҳақида фикр юритибгина қолмайди: у маҳаллий буржуазия идеологлари бўлган жадидларнинг ёлғон «ҳуррият»ини фош этади, ҳақиқий озодлик жадидлар айтганидек эмаслигини кўрсатади:

Ҳайқириб эрта-кеча сизлар муаззин ўрнида,  
Бўлдингиз ёлғончиликда эл аро овозалар.

«Хуррият» эрк» дебонки ёлғон алфозлар била  
Оқибат мазлумлара юттирдингиз хунобалар<sup>2</sup>.

Ғазал мақтаида шоир улар устидан ўз ҳукмини чиқаради:

Эй Аваз, қил жидду жаҳд сен эл билан шому сабоҳ,  
Қолмағай оламда бори хону ҳаромизодалар<sup>3</sup>.

Ўзбек демократик шоирлари чинакам халқчил шоирлар эдилар. Улар турмушни халқ манфаати нуқтаи назаридан тасвир этдилар, уларнинг асарларида, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, халқпарварлик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари етакчи ўрин эгаллар эди. Демократик шоирларнинг аксарияти бадиий асар турмушни ҳаққоний тасвирлаши керак деб ҳисоблар эди.

Чунончи, Муқимий ёзади:

Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин,  
Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Аваз Утар ўғли. Девон, 41- бет.

<sup>2</sup> Аваз Утар ўғли. Девон, 169- бет.

<sup>3</sup> Ушаерда.

<sup>4</sup> Муқимий. Асарлар тўплами, I том, Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1960, 164- бет.

Шунингдек, Аваз Утар ўгли ҳам ўз ижодий принципи тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди:

Балои ногаҳондур кизбким, андин паноҳ этгил,  
Улар ҳолатда ҳам деб рост сўз ҳолин табоҳ этгил<sup>1</sup>.

Демократик шоирларнинг ижодий принциплари, ай-ниқса, Фурқатнинг «Шоир аҳволи ва шеър муболагаси тўғрисида» маснавийсида яхши ифодаланган. Бунда шоир адабиёт турмушни ҳаққоний кўрсатиши кераклигини уқтиради:

Ёзармиз баче шод бўлса кўнгул,  
Ва ё ғамга муътод бўлса кўнгул.

На ҳол ўлса анга мувофиқ қилиб,  
Яна рамзу мазмунига лойиқ қилиб<sup>2</sup>.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек демократик адабиёти реализм адабиёти эканини, унда танқидий реализм тенденцияси етакчи бўлиб борганини кўрсатади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги сатирик поэзиянинг тараққийси танқидий реализмнинг ривожига самарали таъсир этди. Бу, биринчи навбатда, Муқимий, Завқий, Аваз ва Нодим сингари шоирлар ижоди билан боғлиқдир.

Ўша даврнинг буюк ҳажвиячилари бўлган Муқимий, Завқий, Аваз ва бошқа шоирлар замонадаги ярамасликларни, ҳукмрон синф ва уларнинг кирдикорларини, руҳонийларни фош этарканлар, типик шароитларда типик характерлар яратадилар.

Муқимийнинг «Сайлов», «Дар мазаммати замона», «Дар шикоят Лахтин», «Ҳажви ҳалифани Мингтепа», «Турфа нодон баччағар», «Дар мазаммати қурбақа», «Авлиё», «Чойфуруш», «Уруғ», «Асрорқул», Завқийнинг «Дар мазаммати замона», «Бўл!», «Қарз», «Кўп қизиқ», «Каждор замона», «Ҳажви Игчи эшон», «Абдурахмон шайтон», «Ғўдаслик бой», «Пашшалар»; Авазнинг «Шайх», «Икки шайх», «Кўсаман» сингари кўпгина сатирик ғазаллари танқидий реализм методи билан ёзилган. Бу ғазалларда замон руҳи жуда яққол сезилиб туради,

<sup>1</sup> Аваз Утар. Таълафган асарлар, 13- бет.

<sup>2</sup> Фурқат. Таълафган асарлар, II том, 47- бет.

замоннинг етакчи хусусиятлари реалистик акс эттирилади.

Масалан, Завқийнинг «Бўл!» радифли ғазалида Ўрта Осиёга кириб келган капиталистик муносабатлар оқибати бўлган ҳамма нарсани пул билан ўлчаш ҳодисаси жуда реалистик акс эттирилган:

Аҳли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззози бўл!  
Ақчадин лангар чўи ушлаб растанинг дорбози бўл!  
Шеър эшитмайди биров, даврон қулоғи кар анга,  
Бир ҳовуч олтин, кумушинг хуш жаранг овози бўл!

Тегмагай ҳаргиз нишонга отган ўқ юз ҳажв ила,  
Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳ тирандози бўл.  
Истамас бўлса замона Завқий ёзган шеърини,  
Қим эшитсун арзини хоҳ рози, хоҳ норози бўл!

Мазкур ғазалда шоир замон фақат пулдор бойларники экани, маънавий гўзаллик ҳеч кимни қизиқтирмаслигини тасвирлайди. Чиндан ҳам, Ўрта Осиёга капиталистик муносабатлар кириб келгач, бу ерда капитализмнинг асосий ричағи бўлган пулнинг, демак, савдонинг ҳамда савдо аҳлининг роли ва нуфузи ортган эди.

Руҳонийларни танқид қилиш, уларнинг иккиюзламалиги, риёкорлигини фош қилишга бағишланган ғазаллар Навоий, Машраб, Мунис, Огаҳий ва бошқа анчагина шоирлар поэзиясида кўп учрайди. Аммо XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги антиклерикал ғазалиётга диққат қилсак, ўтмишдаги ғазаллардан кўпгина хусусиятлари билан фарқ қилишини кўрамиз. Бу фарқ, аввало, турмушни акс эттириш методида кўринади. Чунончи, Навоий, Мунис, Огаҳий каби шоирлар қандайдир умумий, мавҳум шайх, зоҳид, воиз образини яратиш орқали риёкор шарият пешволарини танқид қилган бўлсалар, демократик адабиёт вакиллари конкрет тарихий шахс тасвирига интиладилар. Бугина эмас, Муқимий Завқий ва бошқа шоирлар шарият пешволарини ижтимоий мараз сифатида кўрсатишга интиладилар ва маълум муваффақиятга эришадилар.

Муқимийнинг «Ҳажви халифани Мингтепа», «Турфа нодон баччағар», «Дар мазаммати қурбақа», «Авлиё», «Асрорқул», Завқийнинг «Ҳажви Игчи эшон», Авазнинг

---

<sup>1</sup> Завқий. Танланган асарлар, ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958, 17-бет.

«Шайх», «Икки шайх» ғазалари дин, шариат пешволарини қаттиқ қораловчи ва фош этувчи асарлардир.

Бу ғазалларнинг кўпчилиги конкрет тарихий шахсларга бағишланган бўлиб, ўзини халқ орасида авлиё деб кўрсатиб, турли «каромат»лар бунёд этган, аслида риёкор, алдамчи, молпараст кишилар кирдикори фош этилди. Албатта, бундай ғазалларнинг таъсир кучи бағоят зўр эди, улар эл орасида шариат пешволари нуфузининг пасайишига сабаб бўлар эди.

Бу жиҳатдан Муқимийнинг «Ҳажви халифаи Мингтепа» ҳажвий ғазали характерлидир. Бу ҳажвий ғазал халқ орасида «Дукчи эшон», «Йигчи эшон» ва «Оқ дўппи эшон» деган номлар билан машҳур бўлган мингтепалик мутаасиб Муҳаммад Али халифага бағишланган. Эшон халқни алдаш учун, бойлик, мол-дунё орттириш учун турли найранглар ишлатади. Натижада у тез орада халқ орасида машҳур бўлиб кетади. Бундай кишини фош этиб, унинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатиб ҳажвий ғазал ёзиш катта жасорат эди. Шу билан бирга Дукчи эшон қиёфасида умуман шариат ҳомийлари қорасмолини кўрсатиш катта аҳамият касб этарди. Тўғри, Дукчи эшон ҳақида у исён кўтаргач, кўп асарлар битилди. Аммо Муқимийнинг ғазали исёндан аввал, яъни эшон ҳамма орасида энг обрўли бўлиб турганда яратилган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек демократик адабиётида танқидий реализм ижодий методида яратилган кўпгина ғазаллар пайдо бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалиёти образлар системасига ҳам диққат қилсак, бир қатор янгиликларни кўрамиз.

Бу давр ғазалиёти образлари системасидаги новаторлик шу бўлдики, демократик шоирлар ғазалиётга янги ижтимоий муносабатлар натижасида пайдо бўлган янги кишилар образини олиб кирдилар, ғазалиётдаги образлар системасини бойитдилар.

Бу давр ғазалиётидаги образлар ошиқ, маъшуқа, рақиб, мутафаккир, риёкор шайхлар, шариат пешволари, золим амалдорларгина бўлиб қолмай, янги замон туғ-

---

<sup>1</sup> Қ а р а н г: М у қ и м и й. Асарлар тўплами, II том, 184-бет. 26-изох.

дирган бутунлай янги образлар, чунончи, судхўрлар, савдогарлар, юмористик ғазалларда оддий меҳнат аҳли, созандалар, ҳунармандлар ва бошқалар ҳамдир. Агар традицион ошиқ, маъшуқа, мутаффакир, рақиб ва шайх ҳамда бошқа образларни биз, асосан, ишқий, фалсафий ва публицистик ғазалларда кўрсак, товламачи, судхўр, савдогарлар образларини сатирик ғазалларда, созанда, ҳунарманд, умуман, меҳнат аҳли образларини кўпроқ юмористик ғазалларда учратамиз.

Муқимийнинг қатор юмористик ғазалларида кенг меҳнаткаш омма вакилларининг аянчли аҳволи тасвирланади. Бундай шеърларнинг қаҳрамонлари оддий кишилар бўлиб, гарчи катта талант эгаси, моддий бойликларни яратувчилар бўлса-да, оғир аҳволда яшайдилар.

Масалан, Фарғона водийсида ҳаммага машҳур бўлган созанда Исмоил ота ҳақида ёзилган қуйидаги юмористик ғазални кўрайлик:

Камбағал бир тўда гўдак ичра қолгон кўсамен,  
Рост хоҳиким, гумон қил, хоҳ ёлгон, кўсамен.  
Кўп бўғилганмен, ҳаво иссиғ, кетарман эрта-кеч,  
Дафъи савдо қилғали ўшу Аравон кўсамен.  
Ўйга авқоти учун ун-мун олиб бермоқчиман,  
Бир тийин йўқ, дўстлар, ёнимда, ҳайрон кўсамен.  
Гоҳи беҳуд, гоҳи худ ҳолимга йиғлаб, гоҳ кулиб,  
Алғараз ким, бир нафасда неча алвон кўсамен.  
Эрта билан бор жанозамга, хабар даркор эмас,  
Ош смай ёткан кечам, албатта, ўлгон кўсамен.  
Зийнат эркакка сақол эркан, сақолим йўқ учун,  
Халқ аро ўлгунча шумшук, бад намоён кўсамен.  
Хайр мардумда, Муқимий, кам қолиб тушмай чақа,  
Най чолурга қолмаган бир зарра дармон кўсамен<sup>1</sup>.

Мазкур ғазалда шоир ўз замонасида санъат аҳли оғир қийинчиликда яшаётганлигини кўрсатади. Гарчи бу ғазал (ва шу циклдаги бошқа ғазаллар ҳам) конкрет бир санъаткорга бағишланган бўлса-да, шоир ўша замондаги барча санъаткорларни — созанда, шоир ва бошқаларни назарда тутган эди.

Бугина эмас, демократик адабиёт вакиллари ғазалларидаги лирик қаҳрамон оддий меҳнаткаш халқнинг вакили бўлганидан ташқари, эксплуататорлар зулми остида эзилган, бечора халқ кўпгина ғазалларнинг қаҳра-

<sup>1</sup> Муқимий. Асарлар тўплами, II том, 58-бет.

мони бўлиб қолди. Бундай ғазаллар қаторига Муқимийнинг «Толем», «Уруғ», Завқийнинг «Дар мазаммати замона», «Қарз», «Қаждор замона», «Уй пули», «Золим пули», Авазнинг «Халқ», «Топар экан қачон?», «Фидойи халқим», «Уламоларга», «Бировлар» каби шеърларини киритиш мумкин. Бундай ғазалларда шоирлар халқнинг хонавайрон бўлганини, зулм остида инграб ётганини, замонанинг нотўғри қурилганини, халқ маърифат нурларидан бебаҳра, жаҳолатда қолганини зўр ачиниш ва алам билан тасвирлайдилар. Бу ғазалларнинг қимматли ўрни шундаки, шоирлар бу адолатсизлик мангу эмаслигига, тезда халқ рўшнолик кўришига катта ишонч билдирадilar, оптимист сифатида муҳокама юритадилар. Шу жиҳатдан Авазнинг қуйидаги ғазали диққатга сазовордир:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тиги бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.  
Бир неча авбошлар бундоғ ҳукмрон айласа,  
Қолмағай, ори, на ёнглиғ меҳнату озора халқ?  
Не аларда бордурур илму адолатдин асар,  
Не ажабким, топмаса доғи дилига чора халқ?!  
Етган офатни бошига доимо тақдир деб,  
Ҳасрату армон билан кетгуси бора-бора халқ.  
Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанни сақламоқ,  
Бўлди қурбон бу сабабдин миллати ағёра халқ.  
Халқи оламни бори айлар тараққий кун ба кун,  
Биз тапаззул айлабон қолдик, эдук не кора халқ.  
Қўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,  
Эй Аваз, бўлмас мунингдек борҳо овора халқ<sup>1</sup>.

Ғазалда шоир «бағри юз минг пора», «меҳнату озора» қолган, «дили доғига чора топмаган», «овора халқ»нинг аҳволини реалистик тасвирлаш билангина кифояланмайди. У халқ ўз тақдири учун курашмоғи керак деган фикрни ҳам олға суради, халқнинг бундай оғир аҳволга тушишига бебош ҳукмдорлар айбдор деб ҳисоблайди, уларни қоралайди. Мазкур ғазалда шоир халқнинг келажакига комил ишонч билан қарайди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалиёти тил жиҳатидан ҳам, бадиий тасвирий воситалар жиҳатидан ҳам ғазалиётнинг янги босқичи бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ғазалиётда оригинал ўхшатишлар, халқ иборалари, лексик бирикмалар ва бошқалар кўп қўлланган.

---

<sup>1</sup> А в а з У т а р ў г л и. Девон, 243- бет.

## Чунончи, ўхшатишлар:

Ҳеч ошиқларни (нг) оҳи сенга таъсир этмади,  
Бу бало кўнглунгни қаттиқликда пўлод айладинг<sup>1</sup>.

Юзларингни (нг) офтобдин чидолмай тобина,  
Ё магар кўз мардумиға соябондур қошларинг<sup>2</sup>.

Оташин сархонае кўксум, найи нолам баланд,  
Масканим гулхан кули, қилди самандар қоматинг<sup>3</sup>.

То сани мандин бўлак ҳам ўзга ёринг бор учун,  
Нола айларман кўнгуллар най каби афғор учун<sup>4</sup>.

Шавқидин кўрким еса-қўйса киши бир луқмавор,  
Гўйиё ширмойи иссиғ оч гадоға нон келур<sup>5</sup>.

Агар минг хатми қуръон этсалар қўйлар сўюб арзир,  
Ўлумдн қолди қолганлар, бўлуб эрди бало сайлов<sup>6</sup>.

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуг,  
Мутгаҳамлик дафтарин бошида туғро баччағар<sup>7</sup>.

Рўзу шаб йўлингда термулдим ба қадде дилрабо,  
Интизорингни чекиб чун ҳалқаи дар ҳар кўзум<sup>8</sup>.

Ёзбон бедод учун хатлар юзунг авроқида,  
Золими яғморақам мирзолигингдан доғман<sup>9</sup>.

## Халқ иборалари:

Бозор шабда қайси тарафдин, дебон, келур,  
Ҳайрон йўлида дийдаларим чормен яна...

Ногоҳ, Муқимий учраса ақлу ҳушим кетиб  
Кўрган еримда сурати девормен яна<sup>10</sup>.

Неча замондур, кўзга ниҳондур,  
Ҳар ким ёмондур — солдим худоға<sup>11</sup>.

<sup>1</sup> Муқимий. Асарлар тўплами, I том, 69- бет.

<sup>2</sup> Муқимий. Асарлар тўплами, I том, 85- бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 90- бет.

<sup>4</sup> Ўша асар. 171- бет.

<sup>5</sup> Ўша асар. 195- бет.

<sup>6</sup> Ўша асар. 144- бет.

<sup>7</sup> Муқимий. Асарлар тўплами, II том, 11- бет.

<sup>8</sup> Ўша асар, 37- бет.

<sup>9</sup> Фурқат. Танланган асарлар, I том, 160- бет.

<sup>10</sup> Муқимий. Асарлар тўплами, I том, 55- бет.

<sup>11</sup> Ўша асар. 60- бет.

Рангу, рухсору, назокатларки, жоно, сандадур,  
Мўмин эрмас айлаган инкор, айлансун қулинг<sup>1</sup>.

Иқболи давлатингиз бўлсун баланд доим,  
Ераб, тижоратингиз қилсун қаён, афандим<sup>2</sup>.

Базм аҳли бўлсалар майхоралар анда зариф,  
Дарди йўқ, ағёр ўшал мажлисда асло бўлмаса<sup>3</sup>.

Тоқатим йўқ тургали жаврингдин, аммо шунчаким,  
Бир тараф кўнгул узуб сендин кетолмайман, бегим<sup>4</sup>.

Қошингга чин солиб танҳо, чекиб домони ноз ўтдинг,  
Ниёз аҳлига ўтгил бир боқиб, ёринг худо бўлсун<sup>5</sup>.

Молу жонга кўз тикиб, тўпланди чор атрофдин,  
Уйма-уй босқин ясаб олгур қароқчи-дуздлар.

Ўлди кўплар беажал, номус бўлди поймол,  
Қиз анодин ажралибким, бўталардек бўзлар<sup>6</sup>.

Ҳийлакор доғулидек сурат совуқ, сийрат бузуқ,  
Бир чўқиб, икки қарайдурғон ало қарғо эшон<sup>7</sup>.

Танг кўзингдек мунча тангу тор бўлмай ўл!  
Жамоат вақти пешин жомияда тайёр бўлмай ўл<sup>8</sup>.

Эл аро афсоналар қилди, кўринг,  
Ҳар тарафдин чиқди минг байту ғазал<sup>9</sup>.

### Мақол-маталлар:

Бор масалким: «Яхши одам дер эдим, ўзи билур».  
Йўқса найлардим қачон сизларга мен даъво анор<sup>10</sup>.

Мани қачонғача ҳижрон ғамида йиғлатасан,  
Кўзум ёши сани бир кун тутор, майлигаму?<sup>11</sup>

Бузда риш, эшакда жон, тўти гапургони билан,  
Эй афандим, сизга ул албатта инсон бўлдиму!<sup>12</sup>

---

<sup>1</sup> Муқимий. Асарлар тўплами, I том, 78- бет.

<sup>2</sup> Уш а а с а р. 141- бет.

<sup>3</sup> Ф у р қ а т. Танланган асарлар. I том, 22- бет.

<sup>4</sup> Уш а а с а р. 145- бет.

<sup>5</sup> Уш а а с а р. 162- бет.

<sup>6</sup> З а в қ и й. Танланган асарлар, 16- бет.

<sup>7</sup> З а в қ и й. Танланган асарлар, 35- бет.

<sup>8</sup> Уш а а с а р. 55- бет.

<sup>9</sup> Уш а а с а р. 67- бет.

<sup>10</sup> М у қ и м и й. Асарлар тўплами, I том, 184- бет.

<sup>11</sup> Уш а а с а р. 210- бет.

<sup>12</sup> Уш а а с а р. 212- бет.

**Жадал бирла киши мақсудиға етган эмас, оре,  
Бўлул вақти билан ҳар навъ хор оҳиста-оҳиста<sup>1</sup>.**

**Топса зийнат муддани бирла ул ой не айбким,  
Эй биродар, боғ аро гул бирла топкай хор зеб<sup>2</sup>.**

ХІХ асрнинг иккинчи ярми ва ХХ аср бошларидаги ғазалиётнинг тилида ҳам янгиликлар юз берди. Бу давр шоирлари халқ орасида жуда кўп қўлланадиган, аммо ҳали поэзияга (демак, адабий тилга ҳам) кириб, мустаҳкам ўрин олмаган сўзларни ҳам кўп қўллайдилар.

Демократик шоирлар реакцион адабиёт вакиллари назар-писанд қилмаган «паст», «қора» сўзларни ишлатишдан қўрқмадилар, улар халқ лексикасини чуқур ўрганиб, адабий тилга олиб кирдилар ва жило бердилар.<sup>3</sup>

Чунончи, М у қ и м и й д а ҳамёна (I т., 77-б.), қалайсиз? (I т., 96-б.), тасаддуқинг кетай (I т., 110-б.), масту пиён (I т., 113-б.), афандим (I т., 141-б.), қирон келсун (I т., 165-б.), яқоси тугмачик (I т., 181-б.), ширмой (I т., 195-б.), илашмоқ (I т., 196-б.), буз, эшак (I т., 212-б.), сайлов (II т., 11-б.), оқча (II т., 17-б.), бир қоп сомон (II т., 25-б.), мағзоба (II т., 36-б.), қорни йўғон қурбақалар (II т., 38-б.), пўстун (II т., 39-б.), зарда қилиб (II т., 41-б.), кўсамен (II т., 57-б.), шумшук (II т., 58-б.), доғули, жаллоб, кўкнор (II т., 66-б.), улоқчилар (II т., 69-б.), арава (II т., 70—72-бб.), лой (II т., 72—73-бб.), искап топар (II т., 74-б.), безгак (II т., 75—76-бб.), жўжа (II т., 77-б.), буқоқ, хуржун, чова, тўрва, шоҳсоққа, арқон, бордон (II т., 81-б.); Ф у р қ а т д а: камзули қирмизи (I т., 100-б.), хуштор (I т., 101-б.), айланай (I т., 108-б.), сандал (I т., 118-б.), тандур (I т., 220-б.); А в а з д а: ватанпарвар (18-б.), ҳуррият (22-б.), ҳаромизода (30-б.), ситампарвар (70-б.), З а в қ и й д а: қўнғиз (15-б.), лангарчўп, раста, дарбоз (17-б.), ўтхона—паровоз маъносида (29-б.), уй пули (30-б.), қўш ўрқачли нор (55-б.) каби сўзлар ишлатилади.

Бундан ташқари, демократ шоирлар ғазалларида жуда кўп русча-интернационал сўзлар ишлатилган. Кейинчалик бу сўзларнинг кўпчилиги бизнинг тилимизда ўзлашиб кетди. Масалан, вогон (вагон), рад (ряд), ха-

<sup>1</sup> Ф у р қ а т. Танланган асарлар, I том, 23-бет.

<sup>2</sup> А в а з. Ўтар. Танланган асарлар. 76-бет.

<sup>3</sup> Қ а р а н г: Ғ. Қ. Қ а р и м о в. Ўзбек адабиёти тарихи, III китоб, 58—61-бетлар.

рошо (хорошо), миллиўн (миллион), газит (газета), га-  
лош, поезд, мошин (машина), самовор (самовар), бе-  
лат (билет) вексел (вексель), тилгроф (телеграф), тил-  
гром (телеграмма) ва ҳ. к.

Бундай ҳодиса демократик адабиётнинг халққа яқин-  
лиги, тушунарли эканлигини кўрсатади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги  
ғазалнавис шоирлар шунинг учун ҳам аксар қофия қи-  
либ мураккаб, тушуниш қийин бўлган сўзларни эмас,  
ҳаммага тушунарли, содда сўзларни ишлатганлар.

### Ўзбек ғазалиёти классификацияси

Ғазал асрлар давомида ғоявий-бадий такомилла-  
шиб, унинг ўзига хос турлари пайдо бўлди. Бу турлар  
кўпинча формал-поэтик хусусиятларига қараб гуруҳлан-  
ган. Ўтмишдаги адабиётшунослар ғазални формал-поэ-  
тик хусусиятларига қараб тасниф қилганлар. Бундай  
тасниф учун етакчи принцип қофиянинг қандай позиция-  
да келиши ҳисобланган. Чунки Шарқ классик поэзияси-  
да қофия, бир неча функциялар қатори, жанрларни  
фарқлаш вазифасини ҳам бажарган. Бундан ташқари,  
традицион тасниф учун ғазалларнинг тили, унинг якка  
ёки икки ва ундан ортиқ шоир томонидан яратилганли-  
ги ва бошқа формал-поэтик хусусиятлари ҳам принцип  
қилиб олинган.

Ўзбек классик ғазалиётида ғазалнинг қуйидаги тур-  
лари бор:

1. Оддий ғазаллар;
2. Ғазали ҳусни матлаъ;
3. Ғазали қитъа;
4. Ғазали мусажжаъ;
5. Ғазали муламмаъ;
6. Ғазали мувашшаҳ;
7. Ғазали мушоира;
8. Ғазали зуқофиятайн;
9. Ғазали зебқофия.

**Оддий ғазаллар.** Классик ва ҳозирги замон ғазалчи-  
лигимизда энг кўп тарқалган ғазаллар **оддий ғазаллар**-  
дир. Ғазалиёт тараққиётининг ҳамма этапларида ҳам  
бу тур қуйидагича қофияланган:

*а-а, б-а, в-а, г-а, д-а* ва ҳ. к.

## Масалан:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврӯзи,  
Кечти Баҳман замҳарир қиш, қолмади қори, бузи.  
Кун кела минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,  
Тонг пазирлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.  
Тонг отарда тўрт саридин эснаюр боди сабо,  
Кийик юрур, киндик йипордек исланур ёбон-ёзи...  
Ҳури айн учмоқ ичинда енг солуб, таҳсин қилур,  
Ёз уза мундоғ ғазални айди Носир Рабғузӣ<sup>1</sup>.

Кейинги даврларда яратилган ғазалларнинг кўпчили-  
ги шу тарздаги оддий ғазаллардан ташкил топган. Бундай  
ғазаллар ғазалиёт учун хос бўлган барча темада яратила-  
верган. Оддий ғазал ғазалнинг бошқа турлари учун ўзак,  
замин бўлди. Ғазалларнинг бошқа турлари оддий ғазал-  
нинг у ёки бу жиҳатдан хилланиши, тадрижий тақоми-  
лидир.

Ғазали ҳусни матлаъ. Ғазал турларидан яна бири  
ғазали ҳусни матладир. Бундай ғазалларнинг ўзига хос  
хусусияти шундан иборатки, ғазал матлаи ва ундан ке-  
йинги байт ҳам тўла қофияли бўлади, яъни ғазал қўш-  
матлалли бўлади.

Ғазалда иккинчи матланинг бўлиши унинг бадий-  
лигини, жозиба-тароватини оширган. Бундай ғазалларни  
ўзбек шеъриятида кўпроқ «ғазал мулкнинг султони»  
(М. Шайхзода ибораси) Навоий ижодидан бошлаб кў-  
рамиз.

Бир мисол келтирамиз:

Тун оқшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним,  
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.  
Не ғам, кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним,  
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.  
Ғамидин дурри макнундек, сиришким оқти Жайҳундек,  
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.  
Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушти ашқабдин,  
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуршиди рахшоним.  
Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлғум, ваҳ,  
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, нетиб эй оби ҳайвоним.  
Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,  
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.  
Навоий киби ҳижрондин, бу оқшом ўлди афғондин,  
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбек шеърини антологияси, II том, Ўзбекистон ССР Давлат  
бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1961, 44—45- бетлар.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Ҳазойинул-маоний, I том, 421- бет.

**Ғазали қитъа.** Ғазали қитъа формал жиҳатдан қитъага ўхшаб кетади. Бундай ғазалнинг матлаи қитъадагидек ўзаро қофияланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам қитъа ғазал ёки ғазали қитъа деб юритилган. Мисол тарзида шоир Алмайдан бир ғазал келтирамиз:

Дедим: қулоғингга олтун исирға тақ, ярошур.  
Деди: тешуклари оғрийди, тор, майлигаму?  
Дедим: сочингга улағил кумуш попук, ярошур.  
Деди: белимга теғиб оғритор, майлигаму?  
Дедим: қўлингга жавоҳир узук солғил, ярошур.  
Деди: қўлимда сўнгок йўқ, сиқор, майлигаму?...  
Дедим: висолиинг-ла Алмайини қил меҳмон,  
Деди: ойим урушур ҳам сўкор, майлигаму?<sup>1</sup>.

Ғазали қитъа ғазалиётнинг илк даврига хос бўлиб, кейинги даврларда, масалан, Навоий замонасида жуда кам яратилган. Биз «Мажолисун-нафоис» асарининг I ва II мажлисларида келтирилган 84 ғазал матлаининг бирортаси ҳам ғазали қитъа матлаи эмаслигини кузатиб аниқладик.

Бироқ ғазалнинг бу тури бутунлай йўқолиб кетмади. Бобир, Машраб ижодиётида, шунингдек XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаган шоирлар (масалан, Ҳамза) ғазалиётда, замонамиз шоирлари ижодида аҳён-аҳёнда бўлса-да бу тур учраб туради. Бунга Ҳамзанинг «Ўқи», «Мактаб», «Қалам» сингари ғазаллари мисол бўла олади. Шунингдек, Собир Абдуллагининг:

«Чор девон» гулшани ичра кезибон бир неча ой,  
Қилибон сайру тамошо, туну кун ишлар эдик»<sup>2</sup>,

деб бошланувчи ғазали ҳам ана шу турдадир.

**Ғазали мусажжаъ.** Ғазали мусажжаъ (ёки сажли ғазал), асосий қофиядан ташқари, ички қофияларга ҳам эга бўлган ғазалдир.

Одатда, сажъ усули Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари прозаси учун хосдир. Сажъ ҳам бошқа тасвирий восита ва бадий санъатлар каби авторнинг айтмоқчи бўлган фикрларини кучлироқ ифодалаш учун хизмат қилади.

<sup>1</sup> Алмаи. Танланган асарлар, ЎзССР бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1965, 14-бет.

<sup>2</sup> Собир Абдулла. Девон, I т., «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1965, 83-бет.

Унинг прозадаги роли қофиянинг шеърятдаги роли кабидир.

Сажъ кўпроқ халқ оғзаки ижодиётида учрайди. Халқ қўшиқларида, мақол ва маталларида, шунингдек, дoston ва эртакларида сажъ усули жуда кенг қўлланган. Бу бадий асарнинг таъсирчанлиги, бадийлиги, жарангдорлигини кучайтиришга хизмат қилган. Халқ ижодиётига хос бу хусусият ёзма адабиётга ҳам кириб боради. Сажъ ўзбек ёзувчиларидан кўпроқ Рабғузӣй, Навоӣй, Бобир, Гулханий, Нодира, Нишотӣй ва бошқа шоирлар ижодида, уларнинг прозасида кўп учрайди.

Фикримизча, ғазали мусажжаъ ғазал жанрини халқ оғзаки ижоди намуналарига яна ҳам яқинлаштириш, унинг эслаб қолинишини осонлаштириш ва халқ куйларига мослаштириш истагидан келиб чиққан.

Маълумки, кўпинча халқ қўшиқлари *а-а-а-б* ёки *а-а-б-а* усулида қофияланади. Масалан, Маҳмуд Кошғарийнинг асаридан келтирилган парчалардан бирини кўрайлик:

Узлағ ячағ кузатти,  
Ўғри тузақ узатти,  
Беглар бегин озитти,  
Қочса қолди қуртулур<sup>1</sup>,

Агар Маҳмуд Кошғарийдан келтирилган тўртликни иккилик формасига келтирсак, у ғазали мусажжаъга ўхшаб кетади:

Узлағ ячағ кузатти, ўғри тузақ узатти,  
Беглар бегин озитти, қочса қоли қуртулур.

Мана шу хусусият туркий, жумладан, ўзбек ғазалиётидаги ғазали мусажжаъга бир замин бўлган.

Лутфӣй, Навоӣй, Бобир, Машраб, Мунис, Нодира, Увайсий, Огаҳӣй, Муқимий, Фурқат каби шоирлар шеърятда бундай ғазаллар кўп.

Ғазалнинг бу тури шоирдан катта маҳорат талаб қилади. Шоир, умумий қофиядан ташқари, ички қофиянинг ҳам мукамаллигига эришиши керак. Бинобарин, бундай ғазалларни шоирлар кўпинча камолот босқичида яратганлар.

Ғазали мусажжаъ қофияланиш усулига кўра икки

---

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 255-бет.

хил бўлган. Биринчисининг қофияланиш схемаси қуйи-  
дагича:

\_\_\_\_\_ а,  
\_\_\_\_\_ а,  
\_\_\_\_\_ б, \_\_\_\_\_ б,  
\_\_\_\_\_ б, \_\_\_\_\_ а,

ва ш. к.

Масалан:

Ҳажринг кунин бир йилчау, ҳар соатин бир ойча бил,  
Ҳайрат маҳалли бўлмагай ўн икки ой гар бўлса йил.  
Ул ишвагар чун очти юз, кўзга назар йўқ, тилга сўз,  
Ким ашкидин боғланди кўз, ҳайраттин ул янглигки тил..  
Кўрди Навоий жон аро, ғам шуъласи хирмон аро,  
Кўз мардумидек қон аро кўргач либосингни қизил<sup>1</sup>.

Кўринадики, бундай ғазалларда, одатда, матлаъ  
ички қофияли бўлмайди, фақат мисраларгина ўзаро қо-  
фияланади. Ғазали мусажжаъда иккинчи ва ундан ке-  
йинги ҳамма байтда ички қофия бўлади.

Ғазали мусажжаънинг иккинчи хили қуйидагича  
қофияланади:

\_\_\_\_\_ о, \_\_\_\_\_ а,  
\_\_\_\_\_ а,  
\_\_\_\_\_ б, \_\_\_\_\_ б,  
\_\_\_\_\_ а,

ва ш. к.

Мисол:

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,  
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?  
Кўзи қаҳринму дейин, кипреки заҳринму дейин,  
Бу кудурат ора рухсори сапосинму дейин..  
Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эп,  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, III том, 376- бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, II том, 487- бет.

Кўпинча ғазали мусажжаъ формасидан фойдаланиб, ғазали мувашшаҳ, ғазали муламмаъ ва бошқалар, шунингдек, мусамматлар яратилган.

**Ғазали муламмаъ.** Ғазал турларидан бири ғазали муламмаъдир. *Муламмаъ* арабча (لمع) сўзидан келиб чиққан, бу сўз бошқа маънолари қаторида ҳар хил рангга бўялиш маъносини ҳам беради<sup>1</sup>. Муламмаъ (ملمع) эса турли рангга бўялган демакдир<sup>2</sup>. Бу унинг луғавий маъноси. Адабий термин сифатида икки (ёки ундан ортиқ) тилда ёзилган шеър. (Демак, тил жиҳатидан рангбаранглик.)

*Муламмаъ* терминини кўпроқ адабиёт ва унинг назарияси билан шуғулланувчилар қўллайдилар. Кенг ўқувчилар оммаси уни «ширу шакар» (баъзан «ширин шакар»), агар шеър уч тилда ёзилса, «шаҳду ширу шакар» деб атаганлар. «Ширу шакар» сўзи тожикча бўлиб, сут ва шакар демакдир, «шаҳд» сўзи эса асал. Бу термин образли маънода қўлланган. У халқлар ва тиллар ҳамкорлигини чиройли ифодалаган.

Маълумки, ўзбек классик адабиётимизнинг жуда кўп вакиллари зуллисонайн — икки тил эгаси эдилар. Хоразмий, Лутфий, Навоий, Гулханий, Махмур, Мунис, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Мирий, Ҳамза сингари кўпгина шоирлар ўзбек ва форс-тожик тилида чиройли ва етук шеърлар битганлар. Бу халқлар орасидаги қадимий дўстликнинг, маданий-маънавий алоқаларнинг мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, кўпгина форс-тожик шоирлари ўзбек тилида ҳам шеърлар битганлар. Бундай ҳолни буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийда ҳам кўриш мумкин. У уч тил эгаси эди. Фузулий бир вақтнинг ўзида озарбайжон, форс ва араб тилларида юксак савияда шеърлар ёзган эди.

Ғазали муламмаъ ўзбек классик ғазалчилигида ана шундай заминда пайдо бўлган. Шоир турли тилда алоҳида-алоҳида шеърлар битиш билан қониқмай, бир шеърнинг ўзини турли тил рангида жиловлашга интилади. Натижада муламмаъ ҳосил бўлади.

---

<sup>1</sup> Х. К. Баранов. Арабско-русский словарь, стр. 933.

<sup>2</sup> Ушаасар, 934-бет.

Муламмаъ санъати ўзбек классик шеъриятида, асосан, XVII, XVIII ва XIX асрларда кенг тарқалган. Жумладан, XVII—XVIII асрларда яшаб ижод этган оташнафас шоир Бобораҳим Машраб ғазали муламмаъ усталаридан эди. Унинг қуйидаги ғазали бу жиҳатдан характерлидир:

Мендин саломе ба сўйи жонон,  
Эй бод, еткур арзи ғарибон.  
Ҳам дардмандам, бехонумонам,  
Жоно, ту буди дардимға дармон.  
Ҳарчанд моҳи қурбон келодур,  
Ҳар дам қилурман жонимни қурбон.  
Эй дўст, ту рафти, то дийда рўят,  
Елғуз қолибман дар шаҳри хирмон.  
Аз дарди ту номанда сабрам,  
Эмди нетарман тахти Сулаймон.  
Бечора Машраб куйди ғамингдин,  
Монанди зулфат ҳолим паришон<sup>1</sup>.

Ғазали муламмаъ тилларнинг нисбати, алмашиб келиши жиҳатидан бир неча турда бўлиши мумкин: бир байт бир тилда, иккинчи байт бошқа тилда, бир мисра бир тилда, иккинчиси—бошқа тилда, мисранинг бир қисми бир тилда, иккинчиси—бошқа тилда ва ҳоказо.

**Ғазали мувашшаҳ.** *Мувашшаҳ* ( **موشع** ) термини арабча **وشع** сўзидан олинган бўлиб, боғламоқ, зийнатламоқ маъноларини ифодалайди.

Мувашшаҳ адабий термин сифатида махсус бир усул—санъат бўлиб, шеърнинг байт ёки мисраларидаги биринчи ҳарфлар олиб тизилса, уларнинг бирикмасидан маълум бир исм (ёки умуман)—сўз ҳосил бўлади. Бу усул ғазал, мураббаъ, мухаммас ёки бошқа жанрлардаги шеърларда қўлланиши мумкин. Мувашшаҳ қўлланилган ғазал *ғазали мувашшаҳ* деб номланади.

Мувашшаҳ санъати қадимдан маълум. Греklar шундай шеърӣй формани *акростих* деб номлаганлар. Акростих бошқа Европа халқлари адабиётида ҳам, жумладан, рус адабиётида ҳам бор. Араб адабиётида мувашшаҳ IX асрнинг охири X асрнинг бошларида Кордова (Испания)да яшаган араб шоири Муқаддам ибн Муофо ал-Қабрий томонидан ихтиро қилинган. Мувашшаҳ

<sup>1</sup> М а ш р а б. Танланган асарлар, 141- бет.

форс-тожик классик адабиёти, шунингдек, туркий халқлар адабиётида бой тарихга эга.

Ўзбек адабиётида мувашшаҳ XIV—XVI асрлар адабиётида учрамайди. Бу ҳам, эҳтимол, шу даврда форс-тожик ва туркий, жумладан ўзбек адабиётида, муаммо жанрининг анча кенг тарқалганлиги билан боғлиқдир. Маълумки, муаммо жанридаги шеърда бирор сўз (кўп ҳолларда шахс номи) яшириб берилди ва у шоир ишоралари асосида топилади. Муаммога хос бу хусусият баъзан бошқа жанрларга ҳам сингдирилган. Масалан, Восифий муаммо йўли билан Кўчкунчихоннинг Самарқанддаги вазири Хожа Юсуфни фош қилган<sup>1</sup>. Навоий эса «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод номини икки тарзда муаммо усулида қуйидаги мисраларда ифодалаган:

Жамолидин кўрингач фарри шоҳи,  
Бу фардин ёруди маҳ то ба моҳи.  
Қўюб юз ҳиммату иқболу давлат,  
Ҳам ул фар соясини топди зийнат.  
Бу жавҳарларга чу иснод топти,  
Мураккаб айлагач Фарҳод топти...  
Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,  
Ҳуруфи маъҳазин беш қисм қўйди,  
Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,  
Бирар ҳарф ибтидодин айлабон фард.

Аввалги тўрт мисрада «Фарҳод» исми «фарри шоҳи» (шоҳлик нури)дан «фар— فر, ҳиммат — هيمت, иқбол —

اقبال ва давлат — دولت дан биринчи ҳарфларни олиб тизиш, охириги икки мисрада фироқ — فراق, рашк — رشك ҳажр — هجر, оҳ — آه, дард — درد сўзларидаги биринчи ҳарфларини олиш билан ҳосил қилинади.

Эҳтимол, муаммо жанри унинг сўз — номни яшириб бериш усули мувашшаҳ формасига алоҳида эҳтиёж учун ўрин қолдирмагандир. XVII асрдан бошлаб муаммо жанри шеърятда деярли қўлланмади. Бу жанр гўё «ўтмиш»га айланди.

XVIII—XIX асрларда лирик поэзияда янгилик қидиришга интилиш, қадимги формаларни қайта тиклашга уриниш кучайди. Натижада шеърятнинг янги формалари вужудга келди, айрим қадимий формалар ва санъатлар қайта тикланди. Албатта, буларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётчан бўлавермади. Сунъий мураккаблик, ортиқча бе-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Н. М а л л а е в. Ўзбек адабиёти тарихи, I китоб, 217- бет.

жамадорликка асосланган айрим шеър формалари узоқ яшамади, халқ уларни қабул қилмади. Аммо айрим янги формалар, қайта тикланган санъатлар, жумладан ғазали мувашшаҳ, яшовчан янгилик бўлди.

Ғазали мувашшаҳ ўзбек классик шоирларидан Мунис, Огаҳий, Увайсий, Нодири, Фурқат, Муқимий, Мирий, Ҳамза сингари шоирларнинг ғазалиётида кўп учрайди. Прогрессив шоирлар томонидан яратилган ғазали мувашшаҳлар фақат бадий-формал жиҳатдан етук бўлиб қолмай, ғоявий жиҳатдан ҳам пухтадир.

Ғазали мувашшаҳда киши исми икки хил йўл билан ифодаланади:

1. Ғазал байтларидаги *тоқ* (биринчи, учинчи ва ҳ. к.) мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади.

2. Ғазалдаги *қофиядош* мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўзбек классик шеърятини араб алифбесига асосланган эски ўзбек ёзувида яратилганлиги сабабли улар ҳозирги жорий ёзувга кўчирилганда, биринчи қарашда кишилар ёки нарсаларнинг номлари ҳар қачон ҳам чиқавермайди. Шунинг учун классик мувашшаҳларни ўқиб, улардаги исмларни топмоқ учун эски ўзбек ёзуви орфографиясидан хабардор бўлиш керак. Масалан, «Муҳаммаджон» деган исмда ҳозир 11 та ҳарф бор. Аммо шу ном араб графикасида битилганда ( محمدجان ) 7 та ҳарф бўлади.

Мувашшаҳда айрим шоирлар ғазал охирида маълум бир ишора билан киши номини қандай қилиб топиш мумкинлигини кўрсатадилар.

Масалан, Увайсий ёзади:

Увайсий сонли мисраъ бошига бир ҳарфи тож этти,  
Мурод улдур, чиқар бир исми ўқур бўлсанг боимло сан<sup>1</sup>.

Бу ерда шоира сонли (қофияли) мисраларнинг биринчи ҳарфлари қўшиб ўқилса, исм чиқишига ишора қилаётир. Ғазали мувашшаҳларнинг иккинчи хилида номни топиш тўғрисида ҳеч қандай ишорат бўлмайди. Огаҳий, Фурқат, Муқимий сингари шоирларнинг ғазали мувашшаҳларида бундай ишоралар деярли учрамайди.

Масалан, Муқимийнинг қўшиқ қилиб айтиладиган қуйидаги шеърида «Адолхон» номи тоқ мисраларнинг биринчи ҳарфлари орқали ифодаланган.

<sup>1</sup> У в а й с и й. Девон. Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1963, 112-бет.

Ақлу ҳуш учти бошимдин, эй пари, девонаман,  
 Бир иложи қил, эл ичра бўлмайин афсона ман.  
 Дарду сўзу ашку оҳимни қиёс эт шамъдин,  
 Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.  
 Ул<sup>1</sup> замонеким, йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам,  
 Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.  
 Лаҳзан заҳри ғаминг, ютмоққа тоқат қолмади,  
 Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман.  
 Хома мужгон, қўз қаросидин ёзиб рози дилим,  
 Арзан қилдим, эшит маъюсу муштоқонаман.  
 Оҳким, сенсиз қарору сабру оромим кетиб,  
 Бир илон чаққон кишидек ҳар тараф тўлғонаман.  
 Навбати жомим тўла қуйғил, қарамдин, соқиб,  
 Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастонаман<sup>2</sup>.  
 Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,  
 Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман<sup>3</sup>.

Мувашшаҳлар биргина ғазал жанрида эмас, мусамматларда ҳам ёзилиши мумкин.

Мувашшаҳ, жумладан ғазали мувашшаҳ, совет шеъриятида ҳам традицион бир санъат сифатида яшаб келмоқда. Бизнинг давримиздаги ғазали мувашшаҳ ўтмишдаги ғазали мувашшаҳдан айрим томонлари билан фарқланади. Бу фарқ, асосан, қуйидагилардан иборат:

1. Классик адабиётдаги ғазали мувашшаҳларда номи яширилган кишининг характери, хулқи ва портрети ни чизиш шарт эмас эди. Ундай ғазаллар ўша кишининг шарафига ёзиларди. Шоир ўз шеърини ўша кишининг номи билан зийнатлар ёки шеърни ўша кишига бағишлар эди. Аммо совет даврида яратилган мувашшаҳларнинг кўплари номи яширилган киши характерини, унинг маълум жиҳатларини очади.

2. Агар классик адабиётдаги мувашшаҳларнинг ҳаммаси арузда ёзилган бўлса, бизнинг давримизда аруз билан бир қаторда бармоқ вазни билан ҳам яратилмоқда.

3. Агар классик адабиётдаги мувашшаҳларда тоқ ёки қофияли мисралардаги биринчи ҳарфлардан киши номи чиқса, ҳозирги замон *бармоқ вазнида* ёзилган мувашшаҳдаги ҳар бир мисранинг биринчи ҳарфларидан киши исми ё исм ва фамилияси келиб чиқади. Бу ҳол ҳозирги

<sup>1</sup> «Ул» сўзи اول шаклида ёзилиб, ундан биринчи ҳарф «ل» — «о» олинади.

<sup>2</sup> Лағзиши мастона — мастлик жазаваси, ҳаракатлари.

<sup>3</sup> Муқимий. Таълафган асарлар. ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1958, 159- бет.

мувашшаҳларни рус ва Европа акростихларига яқинлаштиради.

4. Ўзбек совет поэзиясида ғазали мувашшаҳлар бор. Аммо кўп ҳолларда уларни араб графикаси билан ёзилса, киши номи чиқмайди. Уларни фақат жорий алфавитда ёзиб, билиш мумкин. Бу эса табиий ҳолатдир. Чунончи, Турсуной номига ёзилган Уйғун мувашшаҳи:

Тарк этма назокатни, хулқингга жафо қилма,  
Иззатни бериб елга, беҳуда сафо қилма.  
Умрингни хароб этма ўткучи ҳавас бирла,  
Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма.  
Рухсори гўзалларга одобу илм лозим,  
Инсоний камолотни ҳуснингга бино билма.  
Сен сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно,  
Ишқингни кўча-кўйда юргувчи гадо қилма.  
Уйгонди чаманларда, чок этти яқо булбул.  
Куйдирма у шайдони, бас, энди наво қилма.  
Ноз этма, садоқатли ошиққа тарахҳум қил,  
Қўнглига ғараз тўлган номардга имо қилма.  
Одоби гўзалларнинг санъатда топар равнақ,  
Санъатга хилоф ишни руҳингга физо қилма.  
Ед<sup>1</sup> айла гаҳи, Уйғун исмингни баён этди,  
Шеърига қилиб маржон, сен унга жафо қилма<sup>2</sup>.

**Ғазали мушоира.** «Мушоира» сўзи икки ёки ундан ортиқ шоирнинг ўзаро шеърӣ суҳбати маъносидадир<sup>3</sup>. Бироқ адабий терминологияда икки ё ундан ортиқ шоирнинг биргаликда шеър ёзмоғи маъносини билдиради<sup>4</sup>. Мушоиранинг ғазали мушоира, мушоираи мусаммат каби турлари бор. Ғазал асосида яратиладиган мусамматларни ҳам мушоиранинг бир кўриниши деб билиш керак. Аммо булар биз назарда тутаётган мушоиралардан фарқлидир. Бу фарқ, аввало, ситуациядан келиб чиқади. Мусамматлар яратилаётганда, ғазал автори бевосита иштирок этмайди. Шунинг учун узоқ ўтмишда яшаган шоир ғазалига бемалол мусаммат битиш мумкин. Иккинчидан, бундай ҳолларда лирик турнинг янги жанри — мусаммат пайдо бўлади. Учинчидан, кейинги шоир томонидан киритилган мисралар ҳам мантиқан, ҳам вазнан, ҳам шаклан ғазал байтларига тўла ҳамоҳанг бўла-

<sup>1</sup> Шеър лотин алфавитида битилган.

<sup>2</sup> Уйғун. Танланган асарлар, Ўзбекистон ССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1955, 136- бет.

<sup>3</sup> Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. 223- бет.

<sup>4</sup> Адабиётшунослик терминлари луғати. 126- бет.

ди. Шунинг учун тахаллусни ҳисобга олмаса, бундай асарлар тўла кейинги шоирники каби туюлади.

Биз назарда тутаетган мушоира қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Қўпинча мушоиралар икки ёки ундан ортиқ шоир томонидан бир вақтда яратилади.

2. Мушоира лирик турнинг қайси жанрида бошланган бўлса, ўша жанрда давом этиб тугалланади, яъни жанрда ўзгариш юз бермайди.

3. Одатда, шеърнинг қайси банд ёки байтлари кимга тегишли экани сезилиб туради.

4. Мушоирадаги ҳар бир авторнинг яратган банд ёки байтлари ўзича мустақил бўлади, гарчи умумий вазн ва умумий қофия (радиф), умумий мавзу бўлса-да, ҳар бир байт ёки банд теманинг бошқа-бошқа қирраларини очишга қаратилган бўлади.

5. Мушоира жуда кўп ҳолларда бадиҳа (экспромт) йўли билан яратилади.

6. Мушоира конкрет шароитда туғилиб, маълум воқеа-ҳодиса билан боғлиқ бўлади.

Мушоира ҳам аввал «сўз санъатининг бошланиши» (*М. Горький*) фольклорда вужудга келди. Кейин ёзма адабиётда ҳам анъанага айланди. Ўзбек адабиётидаги мушоиранинг илдизлари қозоқ, қирғиз ва бошқа халқларнинг айтишмалари каби халқ ижодиётига бориб тақалади. Ўзбек халқи орасида ҳам шоирлар йиғини, уларнинг ижодий беллашуви бир одатга айланиб кетган. Тўй-маърака, байрам ва бошқа маросимлар муносабати билан шоирлар йиғилар, шеър айтишар, бири бошлаганини иккинчиси давом эттирар, жавоб қайтарар эди. Ғолиб чиққан шоирни эл олқишлар, соврин топширар эди.

Шоирлар йиғини ёзма адабиётга ҳам хос. Ёзма адабиёт намояндалари худди бахшилар каби бадиҳа йўли билан шеър айтишар, бири бошлаганини иккинчиси давом эттирар, куч синашар эди. Шоирлар даврасида, жумладан, Ҳусайн Бойқаро саройи, Навоий, Жомий ва бошқалар уйида — шеърый давраларда шундай шеърлар кўп вужудга келган бўлиши шубҳасиз. Афсуски, улар аксар ҳолларда девон ёки мажмуаларга кирмай қолган. Ўзбек мушоира ғазалларидан кейинги даврларга мансуб намуналар кўпроқ сақланган. Шундай ғазали мушоиралардан бири Фазлий ва Маҳзунага мансуб бўлиб, ушбу мушоирани тўла келтирамиз:

- Фазлий: Юз офарин сўзингга «лубби лубоб» кўрмай<sup>1</sup>,  
Арзу жамол этарму ойна, об кўрмай.
- Маҳзуна: Кимдин чиқар бу сўзлар, бағрин кабоб кўрмай,  
Ганж ўлмағай муяссар, ҳолин хароб кўрмай.
- Фазлий: Мастуран суҳанга пўшидалиг муносиб,  
Маъни арусин, бас, мен бешқоб кўрмай.
- Маҳзуна: Йўқ айби сўзларимни, гар бўлмаса муаддаб,  
Алдоққи, ўт кўкармас, ҳеч офтоб кўрмай.
- Фазлий: Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғойибона,  
Кайфият ўлди зоҳир, Жоми шароб кўрмай.
- Маҳзуна: Бир вазҳи буки, табъим хом асрамиш замона,  
Чарх силеҳрдин ул печу тоб кўрмай.
- Фазлий: Мундоққи пуктадонсан, ким эрди устодинг?  
Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай.
- Маҳзуна: Кўп наҳрлар йиғилса, дарёин нурдур ўлғай,  
Илм аҳлидин бу мискин, бир шайху шоб кўрмай.
- Фазлий: Бир нукта айла зоҳир, Фазлийини қўйма маҳзун,  
То кетмайини Намангон, сендан жавоб кўрмай.
- Маҳзуна: Байтул ҳазан ичинда узлат тутиб бу маҳзун,  
Фазли илоҳийдур бу, йўқса китоб кўрмай<sup>2</sup>.

Фазали мушоира совет даврида ҳам яратилаётир. Чунончи «Адабиётшунослик терминлари луғати»да шоира Музайяна ва шоир Мунир Муинзоданинг қуйидаги чиройли мушоираси келтирилган:

- Мунир: Жаҳонда ҳар кишига меҳрибон жонон китоб  
ўлғай,  
Унга ёндошгучи дил мақсадига комёб ўлғай.
- Музайяна: Бу жонон лутфидин ҳар бир киши тенг баҳраманд  
ўлса,  
Жаҳонда кулли мушкил одамига беазоб ўлғай.
- Мунир: Агар сўз бир-бирига бўлса уйғун завқ келтирғай,  
Бу дурким суҳбат ичра гар шароб ўлғай, кабоб  
ўлғай.
- Музайяна: Билим дарёсига ғаввос бўлиб кирмоқ тилак эрди,  
Дури мақсадга еткунча дариг умрим ҳубоб ўлғай.
- Мунир: Билим йўлида ёр ўзни ясантирмоқчи бўлганда,  
Қулоғ зеби учун сўз гавҳари ғоятда боб ўлғай.

<sup>1</sup> «Лубби лубоб», Мақсуд Шайхзоданинг таъкидлашича, Муҳаммад Авфийнинг (XIII аср) «Лубобул-албоб» тазкирасидир. (Мақсуд Шайхзода. Асарлар, Олти томлик, IV том, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 309- бет.)

<sup>2</sup> Увайсий. Маҳзуна, Нодира, Шейрлар. Ўзбекистон ССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958, 40- бет.

Музаъйяна: Кишининг зийнати илму ҳунар эрмиш ҳақиқатда,  
Бу сўз шарҳини ёзган вақтда ўзи бир китоб ўлғай.  
Мунир: Музаъйянонинг ашъори музаъйя этди таъйимни,  
Агар кўзгуга сайқал берсалар, нур обу тоб ўлғай.  
Музаъйяна: Мунир ашъоридин бўлди Музаъйя хотири равшан,  
Кишининг завқи яхши сўз туфайли беҳисоб ўлғай<sup>1</sup>.

Бизнинг давримиздаги ғазали мушоираларни икки турга бўлиш мумкин:

1. Икки ёки ундан ортиқ шоир бир вақтнинг ўзида ғазали мушоира яратадилар.

2. Ўтмишда яшаб, ижод этган шоирнинг бирор ғазали олинади-да, унинг ҳар бир байтига жавоб ёзилади, натижада ғазали мушоира ҳосил бўлади.

Биринчи турнинг классик адабиётдаги ғазали мушоирадан принципиал фарқи йўқ. Аммо иккинчи турдаги ғазали мушоиралар яратилиш жараёни, ғоявий мазмуни ва мақсади эътибори билан олдингидардан фарқ қилади. Бундай ҳолларда ўтмишдаги шоир байтлари тезис, ҳозирги шоир байтлари антитезис вазифасини ўтайди. Ҳозирги замон шоири бундай ҳолларда ўз ҳаётини ўтмиш шоир ҳаётига қарама-қарши қўяди, қиёслайди, ўзининг бахтли ҳаётини куйлаб, фахрланади. Шундай қилиб, мушоиранинг бу турига маълум ғояни ўқувчига тезроқ етказишнинг бир усули деб қаралмоғи керак.

**Ғазали зуқофиятайн.** Ғазалнинг энг кам учрайдиган турларидан бири ғазали зуқофиятайндир<sup>1</sup>.

Агар ғазалдаги байтлар бошдан-оёқ иккитадан қофия билан ёзилса, ундай ғазал *ғазали зуқофиятайн*<sup>2</sup> дейилади. Ғазалнинг бу тури ҳам катта ва юксак санъаткорликка интилиш натижасида вужудга келган.

Бундай ғазалларнинг ўзбек адабиётида илк намунасини Алишер Навоий яратган.

Масалан:

Кўзунг не боло қаро бўлуптур,  
Ким жонға қаро боло бўлуптур.  
Мажмуи давони дард қилди,  
Дардингки, манго даво бўлуптур.

<sup>1</sup> Адабиётшунослик терминлари лугати, 127-бет.

<sup>2</sup> *Зуқофиятайн* (زوقافيه تين) арабча сўз бўлиб, икки қофияли демакдир.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки, **санго фидо** бўлуптур.  
Бегона бўлуптур ошнодин,  
Бегонага **ошно** бўлуптур.  
То қилди юзунг ҳаваси жоним,  
Юз сори **анго ҳаво** бўлуптур.  
Боқий топар улки, бўлди фоний,  
Раҳравга **бақо фано** бўлуптур.  
То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли **аро наво** бўлуптур.<sup>1</sup>

Бундай ғазалларни кейинчалик бошқа ўзбек шоирлари ҳам ёздилар.

**Ғазали зебқофия.** Ўзбек классик адабиётида энг кам учрайдиган ғазал турларидан бири *ғазали зебқофия*дир. Бундай ғазалларнинг асосий формал хусусияти шундан иборатки, ғазалнинг ҳамма байтлари худди матлат каби, яъни *а-а, а-а, а-а* ва ҳоказо схемасида қофияланади.

Масалан:

Дилбаримнинг зулфи сунбул, чеҳраси гулзор эрур,  
Бўйина ошиқ санавбар, юзина гул зор эрур.  
Оғзи фастуқ, кўрки тангсуқ, ўзи мушфиқ ёр эрур,  
Ҳуснининг чови Хитоу Чин ичинда бор эрур.  
Асли алчин, сўзлари чин, кўзлари тотор эрур,  
Минг яшар ҳар ким дудоги шарбатин тотор эрур.  
Ишқининг элчисина кўнглум мунаққаш дор эрур,  
Зулфина тушган кўнгулларнинг мақоми дор эрур.  
Нечаким ишқи ўти бу жон ичинда бор эрур,  
Қаҳрабо узра кўзумдин дамбадан дурбор эрур.  
Шаҳд сўзи, ориф ўзи, воқифи асрор эрур,  
Васл бўстонида хуш ошиқларин асрор эрур.  
Васфина Сайфи Саройининг иши ашъор эрур,  
Андин ўзга бирла ошиққа емак ош ор эрур<sup>2</sup>.

Ғазали зебқофия шоирдан катта маҳорат талаб қилиши кўриниб турибди. Чунки оддий ғазалларга нисбатан бундай ғазаллар учун икки баравар кўпроқ қофия керак бўлади, демак, шоирдан тил ва унинг ресурсларини яхши билиш талаб этилади.

Ғазали зебқофия ўзбек ғазалчилигининг илк даврига хос бўлиб, уларнинг намуналарини Аҳмадхўжа ас-Са-

<sup>1</sup> А ли шер Н а в о и й. «Хазойинул-маоний», I том, 179- бет.

<sup>2</sup> С а й ф и С а р о й и. Шеърлар, 18- бет.

ройи, Сайфи Саройи шеърятисида учратилди, холос. Афтидан, адабий тур ва жанрларнинг кўпайиб бориши натижасида бундай ички вариацияларга ортиқча эҳтиёж қолмаган.

Ўзбек ва форс-тожик классик ғазалиётига тематик жиҳатдан ёндашсак, унинг ғоявий-тематик доираси кенглигини, образлар системаси хилма-хил эканлигини кўрамыз.

Эронлик олим доктор Эҳсонийёр Шотир ўзининг «Шеъри форсий дар аҳди Шоҳрух»<sup>1</sup> деган китобида XV асрда яратилган форсий ғазалларни ўрганиб, уларни ғоявий-тематик жиҳатдан уч гуруҳга бўлади: 1. Ошиқона ғазаллар. 2. Орифона ғазаллар. 3. Қаландарона ғазаллар. Бундай ғазаллар Навоийгача бўлган ҳамма ўзбек шоирлари учун ҳам хосдир. Аммо Алишер Навоий ғазалиёти ҳам бошдан-оёқ шу доирага сиғади деб айтиш нотўғри бўлур эди. Гарчи Навоий ғазалиётининг катта қисмини ошиқона, орифона ва риндона (қаландарона) ғазаллар эгалласа-да, унда ғазалнинг ҳали шоир салафлари томонидан ёзилмаган янги ғоявий-тематик турлари ҳам учрайди.

Навоий ғазалиётининг ғоявий-тематик доираси ҳақида А. Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» асарида кенг ва чуқур мулоҳаза юритилган. Китобнинг «Навоий лирикасининг тематик хусусиятлари» деган катта бир боби шу масалага бағишланган. Проф. Ҳайитметов Навоий ғазалиётини: 1. Ишқий, 2. Сўфиёна, 3. Май темасидаги, 4. Сатирик, 5. Фалсафий, 6. Ватанпарварлик, 7. Пейзаж (асрсан, баҳор) темасидаги ғазаллар деган гуруҳларга ажратади.

Маълумки, ғазалнинг ғоявий-тематик тараққиёти Навоийдан кейин тўхтаб қолмади. Ўзбек классик шоирлари ғазалдаги у ёки бу ғоявий-тематик томонни янада тараққий эттирдилар ёки ғазалга янги тема ва образларни олиб кирдилар. Масалан, Заҳириддин Бобир ёрдиёр ва унга бўлган оташин муҳаббат темасини ривожлантирган бўлса, сатирик ғазаллар ва бундай ғазаллардаги янги амалдорлар, савдогарлар образлари Махмур, Мунис, Завқий номлари билан боглиқ бўлди. Муқимий эса шайхлар, руҳоний, авлиёларнинг иккиюзламачилигини, рус ва маҳаллий эксплуататорлар образларини янгича бадий тасвир воситалари ёрдамида фош қилди. XIX аср охири ва XX аср бошларида, ҳажвий ва

юмористик ғазаллардан ташқари, публицистик ғазаллар ҳам пайдо бўлди. Бу, айниқса, Аваз, Муқимий, Фурқат, Ҳамза ва бошқа шоирлар ижодида ёрқин кўрилади. Ҳазалнинг ана шу янги турларида янги образлар (шоир-гражданин, шоир-исёнкор ва бошқалар) пайдо бўлди.

Биз мана шу мулоҳазалар асосида ўзбек классик ғазалиётини шартли равишда ғоявий-тематик жиҳатдан қуйидагича тасниф этдик:

1. Ошиқона ғазаллар.
2. Орифона ғазаллар.
3. Риндона ғазаллар.
4. Ҳажвий (сатирик ва юмористик) ғазаллар.
5. Ахлоқий-таълимий ғазаллар.
6. Пейзаж тасвирланган ғазаллар.
7. Публицистик ғазаллар.

Бундай тасниф ўзбек ғазалиётининг илк даври ва Навоий даври ғазалиёти учун айниқса шартлидир. Чунки кўп ҳолларда конкрет бирор ғазалда фақат, айтилиқ, ошиқона ғояларгина эмас, орифона, риндона ғоялар, ҳатто ҳажвий ва юмористик элементларни, тема ва образларни учратиш мумкин. Бунинг сабаби шуки, кўпинча шоирлар бир ғазалда ўзларининг ишқий, фалсафий қарашларини берганлар, айрим воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини ифода этганлар, ўрни келиб қолса, у ёки бу реал бир воқеа-ҳодиса тўғрисида ўзларининг «сиёсий репликаси»ни (*Шайхзода*) бераверганлар. Шунингдек, соф «ишқий» ғазал деб аташ мумкин бўлган шеърларда ҳам ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил масалалари ҳақида, «луқма» тарзида бўлса ҳам, фикр юритилар эди.

Гарчи кўпчилик ғазаллар кўп планли, кўп темали бўлса-да, уларда қандайдир бирор тема етакчи ўрин тутиб, ғазалнинг асосий ғоявий-тематик замирини ташкил қилади.

**Ошиқона ғазаллар.** Ҳазалларнинг тематик жиҳатдан энг кенг тарқалган тури ошиқона ғазаллардир.

Ошиқона ғазалларнинг ғоят катта қисми учун ёр ва унинг жамоли тасвири, унинг жафокорлиги, ҳақиқий ошиққа шафқатсизлиги, олижаноб, юксак муҳаббатга муносиб бўлмаган рақибга меҳрибонлиги, унга муҳаббат қўйганлиги, шунинг учун чин ошиқнинг алам ва рашкдан ёниши тасвир этилган. Бинобарин, бундай ға-

залларнинг етакчи хусусияти ҳақида Мақсуд Шайхзода ёзган эди:

«Ошиқона ғазалларнинг асосий мазмуни бир таъбир билан айтганда, ошиқнинг ялиниши ва маъшуқанинг жабру-жафосидан, шикоятдан нборат бўлган ва, албатта, бунинг устига маҳбубанинг жамоли асосий ўринни эгаллаб олган»<sup>1</sup>.

Ошиқона ғазаллардаги кайфиятларни бевосита шоир кайфиятларига айний нарса деб англаш, маъшуқ ва ошиқ муносабатларини шоир биографиясидан қидириш хатодир. Ошиқона ғазалларнинг асосий темаси бўлган ишқ-муҳаббат кўпинча катта ижтимоий-фалсафий категорияга айланади. Лутфий, Навоий маълумотига кўра, «ўтар олдида»

«Гар кори дили ошиқ ба кофири Чин афтад,  
Беҳ э-онки ба бадхўи бемеҳри чунин афтад»

матлаи билан бошланувчи ошиқона ғазал ёзмоқчи бўлган, аммо уни тугата олмаган ва охирига етказиб, ўз девонига киритишни Жомийга васият қилган<sup>2</sup>. Ҳолбуки, бу вақтда Лутфий 99 ёшда эди. Шундай ҳодисани Жомий ва Фузулийлар ижодида ҳам кўриш мумкин.

Шоир ўз даврининг кўзи ва қулогидир. Бас, шундай экан, шоирнинг «мен»и, умуман, инсонлар, замондошлар, ғазалда тасвир этилаётган образнинг кечинма ва кайфиятларидир.

Ошиқона ғазалларда шоир ҳар қачон ҳам бевосита ўз интим кайфиятларини ифодаламай, фикрини бошқа ошиқ ва маъшуқа тилидан баён қилган, бошқача айтганда, ўзини севги тароначиси—куйчиси деб ҳисоблаган. Кўпинча иккинчи ҳолат етакчидир.

Ошиқона ғазалларда одатда уч анъанавий образ (ошиқ, маъшуқа, рақиб) бўлиб, улардан ошиқ энг асосий образдир.

«Ошиқона ғазалларда ошиқ образи доимо барча имкониятлардан маҳрум, бенаво, ожиз, содда, гўл, ақли паст, даъвоси йўқ қувғин, ҳоксор бўлиб тасвирланади,—деб ёзади Шайхзода<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Ғазал мулкнинг султони.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. «Мажолисун-нафоис». Илмий-танқидий текст, 73-бет.

<sup>3</sup> Мақсуд Шайхзода. Ғазал мулкнинг султони.

Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам ошиқона ғазаллардан ҳар қачон ҳам автобиографик моментларни қадриш тўғри бўлавермаслигини кўрсатади. Масалан, Заҳриддин Муҳаммад Бобир реал ҳаётда жуда кўп истакларини амалга ошириш имкониятига эга бўлган подшо эди. Аммо унинг ошиқона ғазалларидаги лирик қаҳрамон ундай эмас. Шу нуқтаи назардан унинг қуйидаги ошиқона ғазалини кўздан кечирайлик:

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,  
Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста етгаймен.  
Тараҳхум юзидин юзунгни кўрмакка буюргайсен,  
Хуш улким оразингни кўргамен, сўзунг эшитгаймен.  
Итингдурман, сочинг занжирини бўйнумга маҳкам қил,  
Ки водийи фироқинг ичра қўрқарменки, йитгаймен.  
Тараҳхум қилмасанг ё боқмай, истиғно билан ўтсанг,  
Тазарруъ қилгамен ё йиғлагаймен, ўзга нетгаймен.  
Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик аёғига,  
Бошимни олиб, эй Бобир, аёқ етганча кетгаймен<sup>1</sup>.

Шеърда ошиқ маъшуқага бўлган муҳаббатини баён қилмоқда. У ўзини итга ўхшатади. Маъшуқадан тараҳхум илтимос қилади. Ошиқ қаршисида маъшуқа ҳоким. Агар у тараҳхум қилмаса, ошиқ тазарруъ қилади ё йиғлайди. Ўзга ҳеч нарса қилолмайди. Ошиқ ўз бошини маъшуқа оёқларига қўйишни катта бахт деб билади. Қўринадики, Бобирнинг бу ғазалида автобиографик элементлар эмас, анъанавий бир услубда лирик қаҳрамоннинг романтик кайфияти ва кечинмалари очиб берилади.

Ўтмиш адабиётидаги ошиқона ғазалларни ғоявий жиҳатдан уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Юсак ахлоқий принципга асосланган самимий, пок ишқ тўғрисидаги ғазаллар.

2. Сохта ишқ, ўткинчи ҳиссиёт, нопок эҳтирос тўғрисидаги ғазаллар.

3. Ишқи илоҳийга бағишланган ғазаллар.

Булардан биринчиси илғор, мутараққий ғояларни тарғиб қилувчи гуманист шоирлар томонидан яратилган бўлиб, инсоннинг энг олий бахти бўлмиш дунёвий пок севги тўғрисидаги ғазаллардир. Бундай ғазалларда шоирлар дунёвий муҳаббатни илоҳий севгига, ўткинчи

---

<sup>1</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобир. Асарлар, I жилд. 90-бет.

ҳиссиётга қарши қўядилар, уни ҳақиқий инсон бахти ва шодлиги сифатида куйлайдилар ва улуғлайдилар.

Ўзбек дунёвий поэзиясининг туғилиши ва камолотида катта роль ўйнаган Атоий, Саккокий ва Лутфийларнинг ошиқона ғазаллари чинакам дунёвий ишқ тараннумидир. Уларнинг ғазалларидаги севги чинакам пок инсоний туйғудир, инсон ҳаётининг маъноси, гўзаллиги ва ҳуснидир.

Масалан, Лутфийнинг қуйидаги ғазалини кўрайлик:

Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг,  
Мен хаста гадо ҳолини султонима айтинг.  
Ўртанмаку кўз ёши-ю ўлмак дурур ишим,  
Бу қиссани у шамъи шабистонима айтинг.  
Қат-қат юрагим боғлади қон ғунча менгизлик,  
Бу дарди дилимни гули хандонима айтинг.  
Қон ёшим эрур юз уза юлдуз киби сонсиз,  
Ул кўзлари чўлпон, маҳи тобонима айтинг.  
Лутфийи дилафгор тилар ҳажр элидин дод,  
Аҳволини ул бегимау хонима айтинг<sup>1</sup>.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони — ошиқ учун жонон (ёр) ҳаётдир. Агар у бўлмаса, ошиққа ўлим келади. Ошиқ ўзини гадо, маъшуқани султон деб атади ва ундан тарахҳум кутади. Ошиқ маъшуқа ишқида шамдек ёнади, ўртанади, унинг кўз ёшлари ёнаётган шамнинг эриб оқишига ўхшайди. Аммо унинг шамъи шабистони (мунаввар жамолли маъшуқаси) бундан беҳабар. Маъшуқа — очилган гул. Шунга мутаносиб ҳолда ошиқнинг юраги ҳам қат-қат қон боғлаган. Ошиқ бундан ғунча менгизлик ёрнинг хабардор бўлишини истади. Ошиқнинг қон ёшлари юзлари узра юлдуздек ҳисобсиз. Аммо бундан кўзлари чўлпон, тўлин ой юзли дилбар беҳабар. Чиндан ҳам ошиқнинг бундай аҳволда бўлмоғи адолатсизликдир. Шунинг учун у дод (адолат) талаб этади ва буни маъшуқа (бек, хон)га билдиришни истади.

Келтирилган мисолда чинакам пок муҳаббат эгаларига хос бўлган ибо, назокат, хотин-қизларга нисбатан чуқур ҳурмат, уларнинг инсонлигига катта эътибор яққол сезилиб туради. Бугина эмас, маъшуқани лирик қаҳрамон ўзидан юксак даражада кўради (султон, бек, хон, шамъи шабистон, гули хандон, маҳи тоб).

Алишер Навоийнинг машҳур бир ғазалида ҳам дилбарга нисбатан ҳурмат, унинг кўнглини заррача оғритмасликка бўлган интилиш яққол билиниб туради:

---

<sup>1</sup> Л у т ф и й. Девон. 148-бет.

Қўнғлум ўртансун агар гайрингга парво айласа,  
 Ҳар қўнгул ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.  
 Ҳар киши васлин таманно айласам, навмид ўлай,  
 Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.  
 Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,  
 Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.  
 Ғайри зикрин ошкоро қилса лол ўлсун тилим,  
 Қайси бир тил ҳамки, зикринг ошкоро айласа...  
 Даҳр шўҳига, Навоий, сайд бўлмас нечаким,  
 Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа<sup>1</sup>.

Прогрессив шоирларнинг ошиқона ғазалларида куйланган муҳаббатнинг маъноси жуда кенг. Бу муҳаббат умуман инсонга, реал дунёга бўлган оташин муҳаббат сифатида улуғланади.

Ошиқона ғазаллар реакцион феодал сарой ва клерикал адабиётга ҳам кириб келди. Бироқ реакцион адабиётдаги ошиқона ғазаллар сохта, ўткинчи ҳиссиётларни тарғиб қилувчи, айрим ҳолларда баъзан ошкор порнографик шеърлардир. Ишқи илоҳийга бағишланган ғазаллар эса ҳаётдан, инсоннинг инсонга бўлган муносабати, севгисидан йироқдир. Бундай ғазалларнинг айримлари илоҳий севги учун ҳаётдан воз кечишни, ўзлигини рад этишни тарғиб қилади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, давр анъанасига кўра, прогрессив шоирлар ҳам ишқи илоҳий мавзуида ғазаллар битганлар. Шунинг учун ғазалларнинг муаллифлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг ижодиётини кенг ва чуқур ўрганиш, айрим мавзу, гоя ва ҳодисаларнинг моҳияти ва сабабиятини ёритиш ва етакчи тенденцияларини аниқлаш, шулар асосида баҳолаш керак.

**Орифона ғазаллар.** Орифона ғазаллар ошиқона ғазаллардан сўнг энг кўп тарқалган турдир. Бундай ғазалларнинг етакчи темаси фалсафий масалалардир. Уларнинг «орифона» деб аталиши ҳам шундан. Орифона ғазалларнинг темаси, гоёвий мазмуни ва образлар системаси тўғрисида Мақсуд Шайхзода қуйидагиларни ёзган эди:

«...Орифона ғазалларнинг мазмуни вужуд бутунлиги (тангри) бўлиб, тасаввуфнинг маънавий таянчини ташкил этади. Ваҳдати вужуд (ёки вужуд ваҳдати) бутун ғазалиётга тафсилот, суратлар, деталлар бахш этади. Бу хил ғазалларнинг образлари ҳам, йўналиши ҳам

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳазойинул-маоний, I том, 43-бет.

бошқа оқимлардан тамомила айрилади. Обид ва маъбуд, қосид ва мақсуд, нозир ва манзур, холиқ ва махлуқ, маст ва махмур, шоҳ ва дастур, фоний ва боқий, одам ва олам, Мусо ва Фиръавн, зоҳир ва ботин, зарра ва офтоб ва ҳоказолар орифона лирикани чуқур озиқлантириб туради»<sup>1</sup>.

Орифона ғазаллар тасаввуф ва тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ. Кўп олимларнинг таъкидлашича, Шарқда тасаввуф бошлаб ортодоксал мусулмончиликка нисбатан норозиликнинг ифодаси сифатида пайдо бўлди. Бироқ у кейинчалик икки асосий йўналишда — прогрессив ва реакцион йўналишда давом этди. Тасаввуф оқимлари, унинг мактаблари жуда кўп ва хилма-хилдир. Уларнинг бир-бирига яқин, муштарак, бир-биридан фарқли ва ўта зид эканини ҳам кўрамиз. Аммо тасаввуф фалсафаси негизида асосий уч йўналишни белгилаш мумкин. Булар важҳ (мистицизм), зуҳд (аскетизм) ва вужудия (пантеизм)дир. Биз мазкур ўринда тасаввуф фалсафасидаги адабиётга тегишли муҳим бир момент — пантеизм тўғрисида бир оз тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Тасаввуф фалсафасининг пантеистик таълимоти объектив борлиқни илоҳийлаштиради. Бу таълимотга кўра, бутун олам абсолют ҳақиқат — худо («ал-ҳақ»)нинг инъикосидан, зуҳур этишидан иборат. Қишининг «мен»лиги «ал-ҳақ»нинг ожиз бир заррасидир, киши ўлганидан кейин аслига — «ал-ҳақ»қа қўшилади. Аммо модомики, кишида илоҳиёт зарраси бор экан, демак, у шарафлидир, у ҳурмат ва муҳаббатга лойиқ.

Тасаввуфнинг важҳ ва зуҳд йўналишлари дунёни рад қилиш, ўлмасдан бурун ўлиш каби реакцион ғояларни пропаганда қилди. Аммо вужудия оқими бу дунёни ҳам юксак қадрлар, ҳаётни худонинг неъматидеб билар, шунинг учун у дунё деб, бу дунёни унутмаслик («дил ба ёр, тан ба бозор» — «кўнгил худода, тан бозорда») ғояларини пропаганда қиларди.

«Пантеистик фалсафий қараш ва унинг айрим радикал элементлари баъзи прогрессив мутафаккир ва ёзувчиларда ҳам мавжуд бўлиб, улар бу таълимот орқали объектив борлиқни эътироф қиладилар, кишиларни ўз-лигидан воз кечишга, ўлимга эмас, балки яшашга, ҳаёт-

---

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Ғазал мулкининг суятони.

нинг қадр-қимматига етиб, яхшиликка интилишга даъват қиладилар, ўз тараққийпарвар фикрларини тарғиб қилишда ундан фойдаланадилар. Масалан, Навоийнинг пантеизми мана шундай ҳаётий ва оптимистик моҳиятга эга эди»<sup>1</sup>.

Оптимистик пантеизм ғояси позициясида турган шoirлар яратган орифона ғазаллар дунёвий руҳда бўлиб, дунё, ҳаёт ва инсон малакаларини ёритар, ҳаёт ва инсонни қадрлаш, улуғлашни тарғиб қилар эди<sup>2</sup>.

Навоийдан бир орифона ғазални мисол тарзида келтирамиз:

Зиҳи зуҳури, жамолинг қуёш киби пайдо,  
Юзунг қуёшига зарроти кавн ўлуб шайдо.  
Юзунг зиёсидин ар субҳ айн, ичра баёз,  
Сочинг қаросидин ар шом бошида савдо.  
Зуҳури ҳуснунг учун айлабон мазохирни.  
Бу кўзгуларда они жилвагар қилиб амдо.  
Чу жилва айлади ул ҳусн истабон ошиқ,  
Салойи ишқни этиб офариниш ичра нидо.  
Пари қабул эта олмай они, магарким мен,  
Қилиб отимни зулуму жаҳул бирла адо.  
Демайки мен, ўзи маъшуқ ўлуб, ўзи ошиқ,  
Ки тийғи ғайрат ўлуб анга нақш ғайри эудо.  
Навоий, ўлмади тавҳид гуфтугў биле фаҳм,  
Магарки айлагосен тилни қатъу жонни фидо<sup>3</sup>.

I байт: Эй худо, қандай яхшики, жамолингнинг зоҳир бўлиши худди олам ичра қуёшга ўхшайди. Қоинот зарралари юзинг қуёшига шайдодир.

II байт: Юзинг зиёсидан агар тонг оқарса, сочинг қорасидан шомнинг боши қораяди.

III байт: Ҳуснингни зоҳир қилмоқ учун мазохирни (кўриниш ўрини) яратдинг, уни кўзгуда жилвагар қилдинг.

IV байт: У ҳусни истаган ошиқ ўз ишқи овозини яратилаётган вақтидаёқ нидо қилган эди.

V байт: Бу нидони пари қабул эта олмади, мен эса нодон ва жоҳил бўлганимдан уни (яъни ишқ ва ошиқликни) қабул этдим.

VI байт: Мен эмас, ўзи (худо) ўзига (худого) ошиқ ва маъшуқ бўлди, ғайрат тийғи қалбида нақш қолдирди.

VII байт: Навоий, сўз билан тавҳидликни билиб бўлмайди, бунинг учун тилни кесмоқ, жонни фидо қилмоқ керак.

---

<sup>1</sup>Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. I китоб, 2-нашр, 110-бет.

<sup>2</sup>Қаранг. Е. Э. Бертельс. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература, изд «Наука», М., 1965. В. Зоҳидов. Тасаввуф ҳақида (Ўзбек адабиёти тарихи, I том, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1977).

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, II том, 7-бет.

Мазкур ғазалда Навоийнинг пантеистик қарашлари акс этган, унда шоир бутун коинотни илоҳиётнинг зуҳури сифатида тасвир этади, инсонни ҳам мана шу зуҳриётнинг бир зарраси деб ҳисоблайди.

Ғазалнинг охирида фано бўлиш, илоҳиётга қовушиш ғояси ифодаланса ҳам, у коинотга, инсонга нафрат эмас, муҳаббатни ифодалайди. Шу ўринда бошқа бир нарсга ҳам эътибор берган маъқул: шоир ўзининг орифона қарашларини ошиқона образлар, тасвирий воситалардан фойдаланиб ёритади. Бу ерда реал ғўзалга хос жамол, соҳ атрибутлари ва ошиқ кечинмаларини билдирувчи сўзлар бор. Аммо улар мажозий маънодадир.

Шуни ҳам айтиш керакки, барча орифона ғазаллар учун хос бўлган бир хусусият бор: бундай ғазалларнинг тили ошиқона, ахлоқий-таълимий ва пейзаж ғазалларининг тилига қараганда анча оғир, образлар системаси мавҳумроқ бўлади. Бунини Навоий, Бобир, Машраб, Нодира, Ҳувайдо ва бошқа шоирларнинг орифона ғазаллари тили ва услуби исбот этади.

Орифона ғазаллар яратган жуда кўп ўзбек прогрессив шоирлари ўзларининг инсонпарварлик ғояларини тасаввуф фалсафаси пардасига ўраб тарғиб қилдилар. Демак, орифона ғазаллар маълум даражада прогресс учун хизмат қилди. Шунинг учун ўзбек классик шоирларининг деярли ҳаммаси (бири нисбатан кўпроқ, бири камроқ) орифона ғазаллар битдилар. Ҳатто шеърий девонларни орифона ғазаллар билан бошлаш одат тусига кирди.

**Риндона ғазаллар.** Классик лирикада кенг тарқалган ғазал турларидан бири риндона ғазаллардир. (Риндона ғазаллар кейинчалик қаландарона ғазаллар номи билан ҳам юритилган.) Ҳаётга муҳаббат, шодлик, бахтсаодатга интилиш, бадбинлик ва таркидунёчилик майлларига қарши нафрат, шайх ва зоҳидларни фош қилиш, зулм-зўрликка қарши норозилик ва исёнкорлик риндона ғазалларнинг мазмунини ташкил этади. Бу мазмун кўпинча май темаси, май образи орқали ифодаланган, «май» социал-фалсафий моҳият касб этиб, ҳаётга муҳаббат, бахт ва қувноқлик символикага айланган.

Риндона ғазалларнинг бош қаҳрамони «ринд» ҳаётга муҳаббат, шодлик ва қувноқликка интилиш, зулм-зўрликка қарши норозилик, исёнкорлик, ҳозиржавоблик

каби хусусиятлари билан мужассамланади. Бинобарин, прогрессив шоирлар ижодидаги риндона ғазаллар, ринд образи «майи ваҳдат» («ягона — плохий май») темасидаги тасаввуфона ғазаллардан, шундай майга интилишни ҳаётнинг бош мақсади қилиб қўйган шайхлардан, шунингдек сарой шеъриятидаги ишратпарастликни куйлаган ғазаллардан, улардаги «айёш» (ишратпараст) образидан тубдан фарқ қилади.

Риндона ғазалларнинг етакчи хусусиятлари тўғрисида гапириб, Мақсуд Шайхзода ёзган эди:

«XV асрдаги қаландарона ғазалларнинг асосий куйлари дарвишлик (риндлик) ва мастликни мақташ, зоҳид ва сўфийлар устидан кулиш, майхона, бода ва соқийни улуглаш, дунёни бир жом шаробга сотиш. Тавбани бузмоқ, тўнни (жомани) майхонада гаровга қолдирмоқ, масжидни тарк этмоқ, пири муғонга камарбасталик, соқийга маҳлиё ва мафтун бўлиб, ўзини йўқотмоқ қаландарона ғазалларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Жаҳл, қайсарлик ва ўзига ортиқча бино қўйишнинг надомати ҳам қаландарлар поэзиясининг севиб ёқтирган мавзуларидан бўлган»<sup>1</sup>.

Май мавзуи адабиётда хийла узоқ тарих ва ўзига хос анъанага эга. Май ҳақида қадимги юнон файласуфи Эпикур ва шоир Анакреон (эрамизгача VI аср) куйлаган. Бу мавзу форс-тожик адабиётида ҳам қадимийдир. «Одамуш-шуаро» («Шоирлар одам Атоси») номини олган Рудакий қатор шеърларида ва «Модари май» қасидасида бу темага мурожаат қилди. Умар Хайём ижодида эса май етакчи темага айланди. Май ўзбек шеъриятида ҳам кенг тарқалган қадимий темалардан биридир.

Мусулмон дини ақидаларига кўра, бу дунё инсонни синаш, унинг жаннат ёки дўзахга муносиблигини аниқлаш учун яратилган фоний бир дунёдир. Шунинг учун одамлар фоний дунёда худога ибодат қилмоқлари, ундан шафқат тиламоқлари, дунёга кўнгил бермасликлари, зулм ва золимга, адолатсизлик ва фақирликка чидамоқлари, кўзлари ёшли, қалблари ғамли бўлмоғи, шодлик ва хурсандчиликдан холи яшамоқлари лозим. Бундай талаб илк тасаввуф вакиллари қарашларига ҳам, прогрессив мутафаккирлар қарашларига ҳам зид эди. Объ-

---

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Ғазал мулкининг султони.

ектив борлиқни эътироф этиш, ҳаётга муҳаббат, инсон ва унинг ўзлигини ҳимоя қилиш, унинг бахт-саодати учун кураш, шодлик ва қувноқлик майллари бадбинлик ва таркидунёчиликни рад этади, дин ва шарият ақидаларига қарши норозилик кайфиятларини туғдиради. Худди шу кайфиятлар шарият тақиқлаган бир қанча нарсаларни, чунончи, май ва майхона, санам ва бутхона кабиларни мақташ орқали ифода этила бошланди.

Прогрессив адабиёт вакиллари — Навоий, Бобир ҳамда улардан кейин яшаган шоирлар кўплаб риндона ғазаллар яратдилар. Бу шоирларнинг риндона ғазаллари шодлик ва ҳаётга муҳаббат, шарият доғмаларига нисбатан исён рамзи бўлган майни таъриф этади, куйлайди. Бироқ бу майни натурал май билан асло аралаштирмаслик керак. «Маълумки, мусулмон руҳонийлари май ичишни таъқиқ қилар, давлат маъмурлари эса ичувчиларни таъқиб этар эдилар. Шунинг учун натурал маънодаги майни тўғридан-тўғри тарғиб этиш эски зороастризм динини ёқлаш, исломга ва мавжуд маъмуриятга қарши бориш деган гап эди. Навоий эса ана шу маъмуриятнинг устунларидан бири, таниқли мусулмон шоири ва идеологи сифатида очикдан-очик шу йўлдан бориши мумкин эмас эди»<sup>1</sup>.

Яна шуни ҳисобга олиш керакки, Навоий майхўрлик ва майшатбозликни қаттиқ қоралар эди. У айрим шеърларидагина эмас, балки «Ҳайратул-аброр»нинг махсус боби, айрим ҳикоя ва танбеҳларида майхўрлик ва майшатпарастликни фош этади. Жумладан, у «Муншоот» даги хатларидан бирида «чоғир» (май—шароб) ичмоқнинг зарарини таъкидлаб, айтади: «...ҳеч наҳифи ижтиноб чоғир таркича бўлмас.. Ва чоғирни уммул-ҳабоис (ярамасликларнинг онаси) дебтурлар. Жамъи ёмонлиг андин мутаваалид бўлур»,—деб ёзган эди<sup>2</sup>. Шунингдек ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида Мавлоно Садр Котибий, Паҳлавон Ҳусайн, Сайид Қуразо ва бошқа шоирларнинг майга мағлۇб бўлганликларини кўрсатиб, уларни ичкилик орқасида ўз истеъдод ва саломатликларини йўқотганликлари учун танқид қилади. «Ҳайратул-аброр»да маст-аласт шахснинг кулгили ва аянчли қиёфасини яратиб, майхўрликка қарши нафрат ҳиссини уй-

<sup>1</sup> А. Ҳайитметов. Навоий лирикаси, 142- бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Асарлар, XIII том, 401- бет.

ғотади. Достоннинг «Жаҳл майининг дурдкашлари шаънидаким...» деб бошланган ўн бешинчи мақолотида, жумладан бундай дейди:

Улки ичиб бодани паймонадин,  
Маст чиқар кўйга хумхонадин.  
Манглайиким томға тегиб, қон бўлуб,  
Бошида дастори паришон бўлуб.  
Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби,  
Қайси ёмон ит, қопоғон ит киби...  
Май қилибон беҳуда ҳолин анинг,  
Қай қилиб олуда сақолин анинг...  
Қай соқолин ҳар неча нопок этиб,  
Ит яламоқ бирла яна пок этиб.  
Мастлик уйқуси чу чойил бўлуб,  
Кўз очибон бодаға мойил бўлуб.  
Не топибон бошида дасторини,  
Не кўрубон белида динорини...<sup>1</sup>.

Май мавзун, май образи прогрессив шоирлар ижодида муҳитнинг бемаъниликларидан, бир зум бўлса-да ором олиш (бу ором олишда норозилик кайфияти ҳам бор), таскин топиш воситаси сифатида ҳам ифодаланган<sup>2</sup>.

Энди Навоийнинг майга бағишланган қуйидаги ғазалини кўрайлик:

Ссқие, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,  
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лаболаб сипқорай.  
Бўғзима жоме қуюб, қутқар гадолиғдин мени,  
Ваҳ неча бўғзум чекиб, бир журға учун ёлборай.  
Бир қадаҳ май берсалар, ваҳ, ғояти ифлосдин,  
Неча лаъли қиймати топқон гадодек олдорай.  
Тортай ўзумни эваз, ким қилса эҳсон бир қадаҳ,  
Бу баҳона бирла ўзлукдан ўзумни қутқорай.  
Важҳи май жон нақдию тан доғидур, эй муғбача,  
Хилқатим ганжинасин юз қатла гар худ ахторай.  
Жонға еттим ақл васвоси била, тенгри учун,  
Соқие, жомимда афъюн эски, ботроқ телборай.  
Эйки, дебсен ғайрдин айру келу чек жоми васл,  
Гар бу хилватда Навоий маҳрам эрмас, қайторай<sup>3</sup>.

Ғазалда ифодаланишича, ошиқ маъшуқанинг васлини излаб гадодек бўлган. Шунинг учун у соқийга мурожаат қилиб, май сўрайди: у бир лаҳзагина ўзини унутмоқчи. II—III байтларда Навоий диққатга сазовор фикрларни беради: ихтиёрий май ичмоқ гуноҳ, аммо унинг кўнгли май тилайди. Шунинг учун у соқийга жомдаги майни ўз бўғзига мажбуран қуйиб юборишни айтиб мурожаат қилади. Шариатга кўра, май ҳаром, аммо

<sup>1</sup> Хамса, 1960, 11- бет.

<sup>2</sup> Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, I китоб, 445- бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, I том, 407- бет.

агар унга мажбур қилиб ичирсалар, у ифлосликлар орасидан қимматли лаъл топган гадодек шодланган, шодликдан довдираб қолган бўлур эди.

Қўринадики, Навоий кўпинча ўз риндона ғазалларида майни ҳаётдан чеккан озор ва ғамларини унутишнинг баҳонаси сифатида тасвирлайди.

У риндона ғазалларидагина эмас, балки бошқа турдаги ғазалларида ҳам шу усулдан фойдаланади. Масалан, Навоий ўзининг «Ул муқаххал кўз жафосидин агар бўлсам қатил» деб бошланувчи ошиқона ғазалида соқийга мурожаат қилиб, ёзади:

Соқие, тут бир қадах майким, эритгай тошни,  
Ким ғаму андуҳ гизосидин эрур кўнглум сақил<sup>1</sup>.

Бундай риндона ғазалларни, уларга хос хусусиятларни Бобир, Мунис, Огаҳий, Нодира сингари шоирлар ғазалиётидан кўплаб келтириш мумкин.

Шундай қилиб, риндона ғазаллар прогрессив шоирларнинг ҳаётга, инсонга муҳаббат кайфиятларини, адолатсизликка қарши норозиликларини ифодалаган ўзига хос ғазал тури сифатида характерлидир.

**Ҳажвий ғазаллар.** Инсон ҳаёт экан, унга кулгу ҳамдамдир. А. И. Герцен таъбири билан айтганда, кулгу, шубҳасиз, йўқ этувчи энг қудратли қуроллардандир<sup>2</sup>. Шунинг учун кишиларнинг энг қадимий ижодиётидан тортиб бизнинг кунларимиздаги ижодигача бўлган бадний асарларда ҳаётда учрайдиган камчилик ва қусурларни кулгу воситаси билан танқид қилиш усули яшаб келмоқда.

Ҳажв Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларида элемент ҳолида бўлса-да, кўрина бошлайди. Кейинчалик Лутфий, Юсуф Амирий, Яқиний сингари шоирларнинг асарларида ҳажв алоҳида образлар, эпизодлар воситасида памоён бўлади. Аммо ўзбек адабиётида Навоийгача махсус сатирик ва юмористик асарлар ёзган шоирларни учратмаймиз. Шундай бўлса-да, ҳажвий элементлар маълум эстетик-ғоявий вазифани ўтаб, алоҳида ғазаллар турининг, ҳажвий ғазалларнинг вужудга келишига маълум замин бўлди.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, I том, 407- бет.

<sup>2</sup> А. И. Герцен. Полн. собр. соч. и писем, т. X, стр. 12.

Атойининг ҳажв элементи, хусусан юмор билан диққатни ўзига жалб этувчи қуйидаги ғазалини кўрайлик:

Сени мен онгладим: бевафо эмиштуксан,  
Кўнгулга офату жонга бало эмиштуксан.  
Бул мунча жонлар олиб, тўймадинг халойиқдин,  
Эй ҳусн боби, не кўзи қаро эмиштуксан.  
Азалда не гунаҳ эттинг, кўнгул, ки хублардин,  
Бу мунча меҳнату ғамга сазо эмиштуксан.  
Ғаҳе, ки босса оёғин юзумга, ноз ила дер:  
«Аёғим оғриди, не бўрё эмиштуксан?»  
Юзига кўп тика боқсам, манга кулуб айтур:  
«Атойи, не кўзи тўймас гадо эмиштуксан?»<sup>1</sup>.

Келтирилган ғазални бошдан охиригача юмористик деб бўлмайди, албатта. Аммо IV — V байтларда ширин бир юмор бор. Ўз йўлида ётган ошиқ юзини босган маъшуқа ноз билан оёғи оғриганини айтиб, уни бўйрага ўхшатади. Ошиқни «кўзи тўймас гадо» деб атайди.

Бундай байтлар, албатта, ҳажвий ғазалларнинг шаклланиши ва ривожига аҳамиятли бўлди.

Ўзбек классик шеъриятида ҳажвий ғазалларнинг чинакам ихтирочиси Навоий бўлди. Навоий ҳажвий ғазалларининг тематикаси кенг ва ранг-барангдир. Навоий ўз ҳажвий ғазалларида асосан дин-шариат пешволари — мунофиқ ва ҳийлакор шайхлар, худбин, бадбин зоҳидлар, жоҳил воизлар устидан кулади ва уларни фош этади. Унинг «Мени ишқдин манъ этар сода шайх», «Ул шайхки, минбар уза афсунга берур тул», «Неча ёлғон сўзу музҳик ҳарокот, эй воиз», «Хонақаҳда ҳалқаи знкр ичра ғавғо қилди шайх», «Масиҳ ойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз» сингари ғазаллари шулар жумласидандир.

Бу ғазалларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, шоир, аввало, бир мавзунини (дин-шариатни қурол қилиб олган, халқни алдаб, риёкорлик қилувчи шайхларни фош қилиш мавзунини) ёритади. Иккинчидан, бошқа тур ғазаллардан фарқли ўлароқ, бундай шеърларда реалистик тенденция устун бўлиб, шайхлар, воизларнинг қилмишлари реалистик картиналарда тасвирланади.

Кейинчалик Турди, Махмур, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Завқий ва бошқа кўпгина ўзбек прогрессив шоирлари ҳажвий ва юмористик ғазаллар яратдилар. Улар

---

<sup>1</sup> О т о й и. Танланган асарлар, 150-бет.

ҳажвий ва юмористик газалларнинг тематик доирасини анча кенгайтирдилар, ғазалга янги-янги проблемалар ва образларни олиб кирдилар.

Сатирик ғазалларнинг йирик намояндаларидан бири шоир Махмурдир.

Махмур ҳажвий газалларида яшаган муҳитининг реалистик манзараларини тасвирлади, турли социал гуруҳларнинг намояндалари образини яратди. Уларнинг ташқи қиёфаси билан бирга ички дунёсини ҳам ёритди, тинч хислатларини топди.

Махмур ўз сатирик газалларида тасвир этилаётган объектни фош этиш учун кўп ҳолларда оригинал приёмдан фойдаланади: қаҳрамонларни ўз тилларидан гапиртиради — нутқий характеристика усулини қўллайди. Натижада ахлоқсиз, бузуқ, адабсиз, одамларга зулм қилувчи, эл нафратига учраган кишининг тўла ҳажвий характеристикаси келиб чиқади. Шу жиҳатдан шоирнинг «Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор халта будур» сарлавҳали ҳажвий ғазалини кўриб чиқайлик:

Биҳамдиллоҳ, табиби шаҳру Буқрот<sup>1</sup> халойиқман,  
Ажалдин ҳам бани оламни ўлдирмоққа фойиқман.  
Табиби шаҳр номи ойда бир бемор ўлдирса,  
Вале мен кунда юз бемор ўлдирмоққа ҳозирман.  
Мени бадбахт то зарбулмасал бўлдим табибликда,  
Жаҳон ворича акиун кўп ҳақоратларга лойиқман.  
Ҳакими шаҳр деб олдимга ҳар ким келди—ўлтирдим,  
Тариқи ростим шулдирки, жаллоди халойиқман.  
Эрур кўп ноҳақ (ишлар) гарданимга тавқи собиқким,  
Жаҳаннам садрига бу журм илан сардори собиқман.  
Адамдин то келибман даври оламда ҳисолим шул,  
Мусулмонларга ҳосидман, мунофиққа мувофиқман.  
Туробий, қайда кўрсам, позанин рўйи мураббақини,  
Анга бир нулли кўрмай мушти, ноиҳўрларга ошиқман<sup>1</sup>.

Ҳаким Туробий шаҳар ҳакими (табиби) эканидан ғоят хурсанд, у ўзини Буқрот (Гиппократ) деб билади. Аммо у одам ўлдиришга келганда, ажалдан ҳам ўтиб тушади. Агар шаҳардаги бошқа табиблар ойда бир беморни ўлдирса, у кунда юз бемор ўлдирувчи «ҳозиқ». Шунинг учун у одамлар оғзида «зарбулмасал» (мақол) бўлиб кетган. Энди у қиёматгача эл ҳақоратига лойиқдир. Унинг олдига ким даво истаб келса, уни албатта ўлдиради. «Гапнинг рости, мен жаллоди халойиқман»,— дейди у. Шу ўринда халқ афсонасидаги қабристон олди-

<sup>1</sup> А. Қаюмов. Махмур, ЎзФАН, Тошкент, 1956, 87- бет.

дан ўтмайдиган, борди-ю ўтса ҳам, юзини беркитиб оладиган табиб образи киши хотирига келади.

Гарчи мазкур ғазал конкрет бир киши образини яратишга мўлжалланган бўлса-да, у катта умумлаштирувчи кучга эга. Аҳамиятли жойи шундаки, шоир Туробийнинг ўзини гапиртириб, эл олдига шарманда қилади.

Ўзбек сатирачилигида янги давр ўзбек демократик адабиётининг тугилиши билан — Муқимий ва унинг даври прогрессив ўзбек адабиёти намояналари номлари билан боглиқ бўлди. Бу давр сатирасининг тараққиёти учун асос бўлган омиллар тўғрисида гапириб, адабиётшунос А. Абдуғафуров қуйидагиларни ёзади:

«Ўзбекистон территориясининг Россияга қўшиб олиниши натижасида кенг тарқалган рус ижтимоий онги, маданияти, фан-техникасининг, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларнинг таъсири остида, биринчи навбатда, унинг пешқадам намояналари дунёқарашида турмуш ва ҳаёт масалаларига, табиат ва жамият ҳодисаларига янгича муносабатнинг тугилиши, бир томондан, икки ёқлама эксплуатациянинг, адолатсизликнинг ниҳоятда кучайиб кетиши, капиталистик муносабатларнинг тобора кўпроқ юзага чиқа бориши, халқимизнинг зулм ва адолатсизликларга қарши ўз озодлиги учун курашининг активлашиши, ҳукмрон синфлар ва тузумнинг тартиб-қоидаларидан норозилигининг кундан-кунга орта бориши, иккинчи томондан, халқнинг интилиши, орзу-истакларига яқин турган ўзбек демократик адабиётида танқидий реализм методининг шаклланишига, бу адабиётда, айниқса, шу метод асосида сатиранинг, сатирик йўналишнинг кенг ривожланишига олиб келди»<sup>1</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек сатирасининг тараққиётида, унинг гоявий-тематик камолотга эришуви ва кенгайишида Муқимийнинг роли, айниқса, жуда катта бўлди. Шоир сатирик ва юмористик асарлар ёзганда, кўпроқ ғазал жанрига мурожаат этди. Бунинг сабаби, бизнингча, ғазалнинг бошқа жанрларга нисбатан халққа яқинлиги, адабиётда кўп асрлик тажриба ва анъанага эга бўлишидир. Сатирик ва юмористик ғазаллар халқ орасига жуда тез тарқалар, ҳатто қўшиқ қилиб айтилар эди. Бу нарса ҳажв қилинаётган объект-

---

<sup>1</sup> А. Абдуғафуров. Ўзбек демократик адабиётида сатира, 64-бет.

нинг тезда ҳаммага маълум бўлиб, уни тезроқ йўқотиш учун ҳаракат қилинишини таъминлайди.

Муқимий ўз ҳажвий ва юмористик ғазаллари тематик доирасини ва образлар системасини ғоят кенгайтирди, ўз салафлари тил тегизмаган ҳаёт воқеаларига мурожаат қилди, янги замон — Урта Осиёда капиталистик муносабатларнинг туғилиши ва шаклланиши замонида яшагани сабабли шу давр учун характерли бўлган темаларда ҳажвий ва юмористик асарлар ёзди. Муқимийнинг ҳажвий ва юмористик ғазаллари фақатгина дин-шариат пешволарини фош қилишга қаратилмади. Шоирнинг «Сайлов», «Дар мазаммати замона», «Уруғ» сингари ғазаллари сиёсий сатиранинг ёрқин намуналари бўлиб ҳам майдонга чиқдики, бу Муқимийни ҳақли равишда сиёсий сатиранинг асосчиларидан бири деб аташга имкон беради.

**Ахлоқий-таълимий ғазаллар.** Ёш авлод тарбияси масаласи ҳамма асрларда барча халқлар адабиётида катта ўрин тутган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётида ҳам дидактик асарлар жуда кўп яратилди. Ахлоқий-таълимий темада яратилган илк туркий адабий намуналарни Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»ида учратамиз. «Девон»да қадимги туркий халқлар томонидан яратилган қатор мақоллар ва ҳикматли сўзлар келтирилган. Кейинчалик Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларида ахлоқий-таълимий қарашлар етакчи ўрин эгаллади. Шунинг учун ҳам бу икки шоир яшаган даврдаги прогрессив адабиёт дидактик адабиёт деб ҳам юритилади.

Ахлоқ синфий тушунча бўлиши билан бирга тарихий тушунча ҳамдир. Ҳар бир синфнинг ўз ахлоқ системаси бўлгани каби турли даврларнинг ҳам ўз ахлоқ принципи ва нормалари бўлган. Меҳнаткаш халқ ҳамма замонларда ҳам ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, илм-ҳунарга интилиш, дўстга садоқат, каттага ҳурмат, кичикка шафқат, ватанпарварлик, халқпарварлик, ватан ва халқ душманларига, золим ва маккорларга, ўғри ва рпёкорларга нисбатан нафрат каби энг олижаноб хислатларни улуғлаб келди.

Аммо феодал эксплуататорларнинг ахлоқ принципи ҳам бор эдики, бу принцип фатализм, худо ва унинг ердаги сояси бўлган подшоларга сўзсиз итоат, эзувчи ва золимларга бўйсунуш каби халқ манфаатларига мутла-

қо зид бўлган ғояларга асосланган эди. Реакцион ҳукмрон гуруҳларнинг идеологлари бўлган шайхлар, воизлар, носихлар, клерикал адабиёт вакиллари (чунончи, Ясавий, Боқирғоний ва б.) тобелик ва бадбинлик майлларини меҳнаткаш халқ вакиллари онгига сингдиришга интилар эдилар.

Илғор прогрессив адабиётда ахлоқ-одоб темасининг ишланишига келганда тамоман бошқача манзарани кўрамиз: бу адабиётда оддий меҳнаткаш омманинг энг яхши ахлоқ нормалари улуғланади. Чунончи, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакийларнинг ахлоқий-таълимий қарашлари, маҳдудлигига қарамай, прогрессив аҳамиятга эга бўлди.

Кейинчалик, ўзбек дунёвий адабиёти тараққий этган даврларда ахлоқ-одоб масалалари такомиллашиб борди, ахлоқ-одобга доир масалалар катта ҳажмдаги асарлардан (достон, қасида каби), кичик ҳажмли лирик асарлардан ҳам кенг ўрин олди. Дидактик достонлар, ахлоқ-одоб масалаларига бағишланган рубоий, қитъа ва ғазаллар пайдо бўла бошлади. Сайфи Саройи, Саккокий ва Атоийи каби шоирлар ғазалида ахлоқ-одоб масалалари алоҳида мисраларда ифодаланса, кейинчалик бошдан-охир ахлоқ-одоб масалаларига оид махсус ғазаллар пайдо бўлди.

Дидактик тема бошқаларга қараганда Лутфий ғазалиётида кенгроқ ўрин ола бошлади. Ахлоқий-таълимий ғазалларнинг энг яхши намуналарини буюк Алишер Навоий яратди. У бу ғазалларида ахлоқ-одобга тегишли бўлган жуда кўп масалаларни тилга олди. Шоир ошиқона, орифона, риндона, ҳажвий ва бошқа ғазалларида, гарчи етакчи тема бошқа бўлса-да, ўрни билан ўз ахлоқий-таълимий қарашларини ҳам сингдириб юборади, бу билан ўзидан олдинги шоирлар анъанасини давом эттиради. Шу билан бирга, у махсус ахлоқий-таълимий ғазаллар битди ва энг яхши ахлоқий принципларни тарғиб қилди.

Масалан, Навоийнинг қуйидаги шеъри, айрим зиддиятларга қарамай, ахлоқий-таълимий ғазалнинг бир намунасидир:

Аввал иста манзили амну ҳарифи сода топ,  
Чунки бу икки муяссар бўлди, нуқлу бода топ.  
Иктифо қилма буларга, истар эрсанг лаҳзае,  
Нуқта сурмак бир ҳарифи фонийи озода топ.

Ким кўнгул сайд этса лўли бўлсаким тут мугтанам,  
 Ойтмон арлот ё барлосдин мирзода топ.  
 Эй парируҳ, ишқ келмас тахт ила тож аҳлидин,  
 Истасанг ошиқ, менингдек бедили афтода топ.  
 Неча ишқ аҳлини айлаб имтиҳон, рад қилгасен,  
 Ҳар жафо айларга кўнглум истаю омода топ.  
 Эй кўнгул, гар шайх ишқинг манъ қилди, қилма айб,  
 Олам ичра боре аввал бир анингдек лода топ.  
 Эй Навоий, умринг ўтти неча бут зикрин демак,  
 Ёшасе тут эмди, бир тасбеҳ ила сажжода топ<sup>1</sup>.

Ахлоқ темасидаги ғазаллар Навоийдан кейинги ўзбек поэзиясида ҳам кўп яратилди. Мунис, Нодири, Увайсий, Огаҳий сингари кўпгина шоирлар ижоди шундан шаҳодат беради.

Дидактик шеърлар, айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жуда тараққий этиб кетди. Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз, Мирий, Нодим, Ҳамза шеърлари орасида ахлоқий-таълимий ғазалларни кўплаб учратиш мумкин.

Масалан, Фурқатнинг

Умр қарори йўқ, чунон барқ гузар, ўтар-кетар,  
 Даҳр мадори ҳам яна мисли шарар ўтар-кетар,

деб бошланувчи ғазалида шоир кишининг умри чақмоқ сингари тез ўтиб кетишини кўрсатиб, бу умрни эзгу ишларга сарф қилиш, уни чиройли ва мазмунли ўтказиш кераклигини айтади.

Асримизнинг бошларида Ҳамза ўзининг қатор педагогик асарларини ёзиб, уларда илм-маърифатни тарғиб қилди. Унинг «Ўқи!», «Илм иста», «Қитоб», «Қалам» сарлавҳали ахлоқий-таълимий ғазаллари бу тур ғазалларнинг энг яхши намуналаридандир.

Авазнинг «Мактаб» ғазали ҳам дидактик ғазалларнинг энг яхши намунаси бўлиб, шоир мактаб-маърифат ва гўзал ахлоқ-одоб учун фидойилик билан курашди:

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,  
 Ўқусин ёшларимиз, кўнглини шод этгуси мактаб.  
 Дилу жон бирла эл мактаб очарга ижтиҳод этсин.  
 Нединким, бизни ғам-қайғудин озод этгуси мактаб.  
 Кўнгулларнинг сурури, доғи кўзлар нуридур фарзанд,  
 Аларнинг умрипи, албатта обод этгуси мактаб.  
 Ота бирла онага фарз ўқитмоқ бизни мажбурий,

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, II том, 74-бет.

Қи бизни яхшилик қилмоққа муътод этгуси мактаб.  
Қаю миллатга биздек гар насими инқироз етса,  
Анга, албатта, мустақамлик ижод этгуси мактаб.  
Бу не навмилликдур, мактаб очсак, оқибат бизни,  
Арўси ком ила мақсудга домод этгуси мактаб.  
Аваз, ҳимматни қил олий очарга эмди мактаб, ким  
Балои жаҳли нодоиликни барбод этгуси мактаб<sup>1</sup>.

Ахлоқий-таълимий ғазаллардаги фактлар шуни кўрсатадики, одатда, бундай ғазалларда ахлоқ масалаларининг конкрет бир томони олиниб, у чуқур баён қилинади. Бинобарин, у ёки бу тема атрофлича ишланади. Натижада ўқувчида шонрнинг фикри, панд-насиҳатларига ишонч уйғонади.

Революциядан сўнгги ўзбек шеъриятида ҳам ахлоқий-таълимий ғазаллар бор. Уларнинг кўпчилиги (масалан, С. Абдулла, Ҳабибий, Уйғун) классик ғазалиётимизнинг яхши анъаналарини давом эттиради. Жумладан, Уйғуннинг «Жафо қилма» ғазали фикримизнинг ёрқин далилидир.

**Пейзаж ғазаллар.** Пейзаж ғазаллар ҳам классик ва ҳозирги замон поэзиясида анча кенг тарқалган. *Пейзаж ғазал* термини остида табиат, бепоён қир-адирлар, дала-боғлар, юлдуз тўла осмон, қорли тоғлар, булоқ ва дарёлар, яшил водийлар тасвири ва унга лирик қаҳрамоннинг оташии муҳаббатини ифода этувчи ғазалларни тушунамиз.

Ватанга муҳаббат, унинг гўзал манзаралари билан фахрланиш доимо меҳнат кишиларининг юксак ва муқаддас туйғуси бўлиб келди. Шунинг учун ҳам кишилар дастлаб табиат манзаралари ва йил фасллари ҳақида бадий асарлар яратганлар.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида киритилган лирик парчаларнинг анчагина қисмини ҳам табиат тасвирига бағишланган шеърлар ташкил қилади. Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарида кирган

Қун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи.  
Кечти Баҳман замҳарир қиш, қолмади қори, бузи,

деб бошланувчи шеър ва пейзаж ғазалнинг илк намуналаридан биридир.

---

<sup>1</sup> Аваз. Девон. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976, 38-бет.

Ўзбек дунёвий адабиётининг йирик вакиллари Сайфи Саройи, Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий ғазаллари орасида табиатнинг гўзал лавҳаларини тасвирловчи ўринларни кўп учратамиз. Кўпинча шоирлар табиатнинг гўзал лавҳаларидан маҳбуба жамолининг тасвири учун фойдаланганлар. Табиат маҳбуба тасвири учун муқояса предмети ёки фон бўлган. Бундай усул, жумладан, Лутфий ғазалиётига хосдир.

Масалан:

Улким янгоқи кўзума гулзор кўрунур,  
Хублар кўзума андин учун хор кўрунур,  
Кетти хирадим бошта чу ул қошини кўрдум,  
Ой бошта пайваста ҳилол ор кўрунур.  
Нозуклигинин бодан лаъл ирнини қўйса,  
Ул ерга ет анчаки боруб бор кўрунур.  
Мен фахр қилурмен манга дашном берурда,  
Билмас кишиларга агар ул ор кўрунур.  
Манъ этган учун Лутфийга ишқи йўли ичра,  
Ҳар қайдаки бир ёр дурур, аёёр кўрунур!<sup>1</sup>

Шуни айтиш керакки, Навоийга қадар ўзбек ғазалиётида пейзаж ғазаллар жуда оз яратилган. Пейзаж ғазали Навоий ижодиётида салмоқли ўрин олди, такомиллашди. Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний» лирик куллиётида баҳор, ёз, қиш ва куз манзараларини тасвирловчи, табиат неъматларини улуғловчи, табиатнинг чиройли лавҳаларини чизувчи ўнлаб ғазаллар бор. Мана шундай ғазаллардан бирини намуна сифатида келтирамиз:

Булут ҳайвон зилоли бирла тиргузди ҳаво жонин,  
Севунмак ашкидин шодоб қилди сабза мужгонин.  
Эмастур сабзау лола ки жола тошидин гардун,  
Кўкартиб ер юзин ҳар сори зоҳир айлади қочин.  
Ирик невчундурур шох узра гулбун барги суҳондек,  
Ититмас бўлса булбул жони учун гунча пайконин,  
Чаман Лайлосидин айру дегайсен лола Мажнундур,  
Ки гардун жола тошидин қопатиниш доғи ҳижронин,  
Чаман баҳри латофат бўлди найсон дурлари бирла,  
Қизил тошдин муҳайё қилди ҳарён шохи маржонин.  
Бу фасл ичра маломат тошидин солим биров қолғай,  
Ки чеккай май сумурмақда юзига жони қалқонин.  
Майним оташин чиқғай сориг гуллар, агар деҳқон,  
Томизса қатран андин суворур чоғда бўстонин.  
Бировким даҳр боғининг фирибин билди наргисдек,  
Қадаҳдин бош кўтармай сурди ишрат бирла давронин.

---

<sup>1</sup> Л у т ф и й. Девон. 87- бет.

Мазкур ғазалда баҳор келгач, табиатда юз берган ўзгаришлар, баҳорнинг гўзал манзараси тасвир этнлади.

**Биринчи байтда** шоир баҳор булутидан ёққан ёмғирини ҳаёт суви (хайвон энлоли)га ўхшатади ва у орзу-тилақлар, муҳаббат туйгуларини уйғотганини, жонлантирганини тасвирлайди. Сабзалар устидagi шудрингни севинч ёшларига ўхшатади.

**Иккинчи байтда** тасвирланмишча, баҳор келиб, далалар кўм-кўк сабзалар билан қопланган, лолалар очилган. Бирок шоир кўқарган ерларни дўл зарбидан кўқарган баданга, лолаларни қонли яраларга қиёслайди. Шоир бу ўринда гардун золимлигини жуда ҳам катта усталик билан кўрсатган.

**Учинчи байтда** гуллар барги тасвирланади. Шоир баргининг зеҳини эговга ўхшатади. Агар гунча булбул ноласидан очилмаса, шу эгов уни қирқиб ташлайди.

**Тўртинчи байт** лола тасвирига бағишланган. Лола чаманзорда эмас, бағри доғ, қонга бўялиб, саҳрода ўсган. Шу ҳолатни шоир Лайли ва Мажнун образларига қиёслайди. Чаманзор — Лайли, саҳрода ўсган лола — юрак-бағри қонли, доғли Мажнун. Қизиги шуки, лола бағрини гардун жоласи, тошлари доғ қилган деб кўрсатади шоир.

**Бешинчи байтда** чаман латофати тасвирланган. Найсон (апрель) ойидаги ёғин-сочин таъсирида чаман латофат денгизига айланади. Дарахт шохлари ва улардаги гунчалар денгиз маржонларига қиёсланади.

**Олтинчи байтда** баҳор фаслининг яна бир фазилати баён қилинади: баҳорда май ичилса, кишилар маломатдан омон қоладилар, чупки улар май жомини қалқон қила оладилар. Байтнинг асл маъноси шуки, баҳор кишилар қалбида ҳаётга севги ҳиссини уйғотади.

**Еттинчи байтда** шоир майни ўсимликларга ҳаёт берувчи сувга, одамларни эса бог (дунё)даги сариқ гулларга ўхшатади.

**Саккизинчи ва тўққизинчи байтларда** Навоий баҳор тасвирига боглиқ ҳолда ўзининг фалсафий қарашларини баён қилади. Гарчи ҳаёт шунчалик гўзал бўлса ҳам, даврон фирибгардир. Даврон фирибини билиб қолган кишилар қадаҳдан бош кўтармайди, баҳор гулларн чўл муғилопларига (тиканли ўсимликларига) ўхшаб кетади.

Айтилганлардан маълум бўладики, Навоий табиат тасвирига бағишланган ғазалида кишилар қалбида ўлкага, унинг гўзал табиатига муҳаббат уйғотибгина қолмайди, шу билан бирга, ўзининг ҳаётга, даврга бўлган муносабатини ифодалашда табиат манзараси ва ҳодисаларида фойдаланади, табиат тасвирига социал масалаларни уйғунлаштирадн, шодлик ва алам-ҳасрат тўла

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, I том, 458-бет.

кайфиятини ифодалайди. Навоий традициялари асосида кўпгина пейзаж ғазаллар битган шоирлар (Бобир, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва бошқалар) ҳам ўз ғазалларида худди шундай йўл тутадилар. Чунончи, Фурқатнинг «Чаманда ғунчадин бўйнингга тақмишсан жарас булбул», «Баҳор айёми бўлди-ю, тушубдур бошима савдо», «Баҳор айёми бўлди, келинг, эй аҳбоблар», «Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар», Муқимийнинг «Неъмат ичра хуш латофатликда мустасно анор», «Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар» деб бошланувчи ғазаллари шундай ғазаллардир.

Фурқатнинг қуйидаги пейзаж ғазалида ҳам табиат тасвири орқали ижтимоий фикрлар тараннум қилинади:

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар,  
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.  
Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,  
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.  
Настаран ювиб юзни, ёсумон тузуб ўзни,  
Наргис очибон кўзни шитизорни ёронлар.  
Бир саҳар эдим уйгоқ: ўт тугошти оламга,  
Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар.  
Қумрилар қилиб куку, булбул айлабон чаҳчаҳ,  
Сарв гул уза доим тортар оҳу-афғонлар.  
Булбул ўқуғоч йнглаб субҳидам хазон фаслин,  
Ғунча қон ютуб, юз чок этди гул гирибонлар.  
Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутуб савсан,  
Қийди кўк қилиб сулбул зулфини паришонлар.  
Куймасун бу савдода не учун димоғимким,  
Ранжу гуссада доно, кечса шод подонлар<sup>1</sup>.

**Публицистик ғазаллар.** Публицистик шеър энг жанговар, энг таъсирчан поэзия туридир. У ўзининг оташинлиги, ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради. Ўзбек классик адабиётида ҳам жанговар публицистик шеърларни кўп учратамиз. Атойти, Саккокий, Гадоний каби шоирлар шеъриятида махсус публицистик ғазаллар бўлмасанда, айрим публицистик байт ва мисраларни учратамиз.

Навоий ғазалиётида ҳам шунга ўхшаш байтларни кўраамиз. У махсус публицистик ғазаллар ҳам яратди ва бу билан ўзбек шеъриятида ғазалнинг янги турини бошлаб берди. Шоирнинг «Қилди душман раҳм бас ким, қилди жавр изҳор дўст», «Чекти булбул киби минг лаҳн

<sup>1</sup> Ф у р қ а т. Тапланган асарлар, I том, 198- бет.

ила дoston ҳофиз», «Ўртанур эл, фурқатингдин навҳа бунёд айласам», «Бу кун аҳли жаҳондин хаста хотирмен, жаҳондин ҳам», «Ёр ила ағёр озоридин андоғ зормен», «Гарчи ёр этмади ҳаргиз мени ношодни ёд», «Не рафиқеким, давосиз дарди ҳолимни десам», «Қимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим», «Жилваи қилдинг кўруб, сарви равондин ким десун» деб бошланувчи шеърлари публицистик ғазалиётнинг энг яхши намуналаридандир. Шоирнинг бу ғазаллари ўз замонасининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган. Уларда Навоий ўз замонасига прогрессив позициядан туриб назар ташлайди ва даврининг илғор кишиси сифатида ижтимоий-сиёсий масалаларга ўз муносабатини билдиради.

Навоийнинг қуйидаги газалини кўриб чиқайлик:

Қимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим,  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.  
Қимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға,  
Ҳар тарафдин юз туман тиғи жафосин кўрмадим.  
Қимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошқим,  
Ҳар вафоға юз жафо, онинг жазосин кўрмадим.  
Қимга жопимни асир эттимки, жопим қатлиға,  
Ғайри сорп хулқу лутфи жон физосин кўрмадим.  
Қимга солдим кўз қарову оқини ишқ ичрақим,  
Қон аро пинҳон кўзум, оқу қорасин кўрмадим.  
Сен вафо ҳусн аҳлидин қилмай таваққуъ, эй рафиқ,  
Қим мен ушбу хайлнинг ҳусн вафосин кўрмадим.  
Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх олдида,  
Қим бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим<sup>1</sup>.

Публицистик газал ўзбек прогрессив адабиётида кенгроқ тарқалиб, давр билан ҳамнафас бўлиб борди. Янги тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни тасвирловчи ғазаллар пайдо бўлди. Уларда феодал-клерикал муҳитдан норозилик кайфиятлари кучайди. Муниснинг «Сўз», «Шуаро», Огаҳийнинг «Рамазон» каби ғазаллари бунга мисол бўла олади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида, бутун ўзбек адабиёти каби, публицистик ғазаллар ҳам янги тараққиёт bosқичига кўтарилди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши натижасида бу ерга кибл келган илк буржуа муносабатлари, маҳаллий эксплуататорларнинг буржуалашуви, рус ва ма-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, III том, 436-бет.

ҳаллий бойлар орасидаги рақобат; эксплуататорларга қарши халқ норозилигининг янада кучайиши, ўзбек халқи орасига рус маданияти ва техникасининг кириб келиши, халқнинг илм-маърифатга бўлган интилиши — буларнинг ҳаммаси XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек демократик адабиётидаги публицистик ғазалиёт учун асосий тема бўлди. Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз, Нодим, Ҳамза, Айний, Авлоний каби энг етук публицист шоирлар шундай ғазаллар битдилар.

Фурқатнинг «Кўнгул дардиға топмай бораман ҳаргиз даво истаб», «Биз истиғно эли қичқирмоғон маъвоға бормасмиз», «Оҳким, йўқтур менинг таъбимга лойиқ улфатим», «Жаҳонни кездиму, офоқни сарбасар кўрдум», «Оҳким, ҳамдард йўқ, дард ошкор айлай десам», «Аламли қумриман, бир гул бадандин айрилиб қолдим», «Ғариб бу вилоят хонимонидин адашганман» ва кўпгина бошқа ғазаллари публицистик ғазалдир.

Фурқат фақат публицист шоир бўлибгина қолмай, биринчи ўзбек журналистларидан ҳам эди. 90-йилларда унинг жуда кўп корреспонденциялари «Туркистон вилояти газети»да босилиб чиққан.

Давр ва унинг ижтимоий-сиёсий масалалари Завқийнинг қуйидаги ғазалида айниқса яққол ифодаланган:

Ғаддор фалак ситам пишона,  
Қаждор, мариш, эй замона!  
Яхши ҳама даҳр аро нигунсор,  
Ҳар ерда ривождур ямона.  
Ҳеч камбағал ўлмагай қариндош,  
Бойларни биров демас бегона,  
Пул бўлса кифоя, майли, душман,  
Бепул қарамайди дўст жона.  
Зоғу зағани юрибди озод,  
Булбулга қафас берур замона.  
Инсон шарафи-ла қадрсиздир,  
Ҳайвон жасади-ла мардумона.  
Сардорлар ўлди беҳирадлар,  
Ақл аҳли юраги тўла қона.  
Эй тез забону мардум озор,  
Қил фикр, не иш эрур чаёна?  
Эл таънидин шикваи замондин,  
Завқий, ишнинг ўлди фасона<sup>1</sup>.

Бу ғазал шоир замонасининг зўр сиёсий характерис-

---

<sup>1</sup> Ўзбек шеърятини антологияси, III том, Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1961, 402—403-бетлар.

тикаси эди. Шоир ўз замонасини ғаддор, каждор деб атайди ва кейинги байтларда бунинг сабабини кўрса-тади.

Авазнинг публицистик ғазаллари ҳам ўзбек ғазалиётида алоҳида ўрин тутди. Унинг «Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ», «Топар экан қачон, ё раб, ҳаёти жовидон миллат?», «Фидойи халқим ўлсун танда жоним», «Нега мунча зулм этиб миллатни айларсан хароб», «Эйки сизлар, то таассуб бирла даврон эттингиз» деб бошланувчи ғазаллари сиёсий публицистик ғазалнёт дурдоналаридандир.

## МУСТАЗОД

Ўзбек классик поэзиясида кўп тарқалган лирик жанрлардан бири мустазоддир.

Алишер Навоий «Мезонул-авзон» асарида мустазодга бундай таъриф беради:

«Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт боғлаб битиб, анинг мисраини сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға келтурурлар эрмиш ва ани «мустазод» дерлар эрмиш, андоқким (мустазод):

Эй, ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,  
Мафъулу мафойилу мафойилу фаулун  
мазҳар сенга ашъ,  
мафъулу фаулун.  
Сен лутф била кавиу макоп ичра мувалли,  
олам санга мавло»<sup>1</sup>.

Навоий таърифидан маълум бўладикки, мустазод ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мафъулу мафойилу мафойилу фаулун) вазнида ёзилиб, охириги икки рукнига мос тўла бўлмаган мисра орттирилар экан. Мана шунинг учун бу жанр бир-бири билан алоқада бўлган орттирма маъносини берувчи мустазод (зиёдалиқ) деб аталади. Бошқа муаллифлар ҳам мустазоднинг шу хусусиятларини ифодалаб, мулоҳаза юритганлар. Мустазоднинг ғоявий-тематик мундарижаси худди ғазалники сингари бўлганидан ўтмиш муаллифлар мус-

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар, XIV том, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967, 180—181-бетлар.

тазоднинг тематик-ғоявий хусусиятларини алоҳида ёритмаган бўлишлари мумкин.

Янги замон адабиётшунослари мустазод ва унинг келиб чиқиши, хусусиятлари тўғрисида, газалга алоқаси ҳақида қимматли фикрлар берадилар. Чунончи, турк адабиётшуноси Огоҳ Сирри Левенд<sup>1</sup>, Е. Э. Бертельс<sup>2</sup> А. Ҳайитметов<sup>3</sup>, Э. Рустамов<sup>4</sup>, М. Зокирий<sup>5</sup> ва бошқалар мустазод, унинг хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, унинг газалга ўхшашлигини, ундан ўсиб чиққанлигини таъкидлайдилар. Жумладан, профессор Е. Э. Бертельс қуйидагиларни ёзади:

«Мустазод инсбатан камроқ учрайдиган формалардандир. Бундай шеърлар қуйидагича тузилади: ўз шаклига эга бўлган одатдаги газалга ҳар мисра охирида қофиядап сўнг ўша вазининг бир ёки икки стопаси қўшилади. У янги қофияга эга бўлиб, газалнинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Бу қўшимча ўзига хос нақаротдир»<sup>6</sup>.

Бошқа олимларнинг фикрлари ҳам шунга ўхшашдир. Бироқ Э. Рустамов ўзининг «XV аср биринчи ярмидаги ўзбек поэзияси» китобида Гадоийнинг:

«Эй гамзаси фитна, кўзи фаттон, ўзи офат,  
рахм айла бу жона»,

деб бошланувчи мустазоди ҳақида фикр юритиб, «бу мустазодда иккита турли вазн ва қофиядаги газал бор», деб ёзади. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки Гадоийнинг мазкур мустазодида ҳам, ундан кейин яратилган барча мустазодларда ҳам қўшимча рукнларга мос келувчи сўзларни алоҳида ёзиб чиқилса, мустақил бир газал ҳосил бўлмайди. Шунингдек, Э. Рустамов биринчи газал деб атаган асосий қисмнинг ўзини кўчириб ўқисак, бу ҳолда ҳам маънога катта зарар етади ва шеър ўзининг асли қиёфасини йўқотади.

Шеър мисраларининг бир режада узун ва қисқа бў-

<sup>1</sup> Agâh Sirri Levenn. Devan edebiyati, Istanbul, 1941, s. 419.

<sup>2</sup> Е. Э. Бертельс. Навои и Джами, стр. 88.

<sup>3</sup> А. Ҳайитметов. Навоий лирикаси, 87- бет.

<sup>4</sup> Э. Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV в., ИВЛ, М., 1963, стр. 139—140.

<sup>5</sup> М. Зокирий. Машраб, 94—95- бетлар.

<sup>6</sup> Е. Э. Бертельс. Навои и Джами, стр. 88.

либ келиши, қисқа мисраларнинг узун мисралар вазнининг бир бўлагини ташкил этиши ҳодисаси халқ шеъриятида ҳам бор. Бу ҳолат мустазод шаклининг ёзма поэзиядан мустаҳкам ўрин олишига ёрдам берди. Худди шундай хусусиятнинг нисбатан илгарироқ мустазод жанри шаклланган араб ва форс-тожик шеъриятига ҳам хос бўлганини кўрамыз.

Мустазод учун асос-замин бўлган жанр ғазалдир. Ғазал билан мустазоддаги ғоявий-тематик умумийлик, образлар системаси, бадий тасвирлаш воситалари, лирик қаҳрамон ва унинг хусусиятлари масалалари, шунингдек, қофияланиш усули, матлаъ ва мақтаъ, байтлар сони ва бошқалар шундай деб айтишга имкон беради. Бироқ ғазал арузнинг жуда кўп баҳрларида яратилгани ҳолда мустазод ҳазажнинг ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнидагина битилади. Бу вазн арузнинг янада ўйноқ, товланувчи бир вазни бўлиб, шеър ўқувчи қалбида ўзига хос кучли тўлқинланиш, ҳаяжон ҳиссийетини пайдо қилади. Вазн охирига яна икки рукннинг қўшилиши қалб тўлқини, қайноқлигини янада оширган. Бундан ташқари, мустазод оҳанги мақомлар оҳангига жуда мос тушган. Мустазод шу хусусиятлари билан шоирлар ва тингловчилар, мақомчилар ва шинавандалар орасида алоҳида шуҳрат топган.

Ўзбек классик шоирлари орасида энг кўп мустазод ёзган киши Бобораҳим Машрабдир. Назаримизда, Машраб лирикасидаги ҳарорат, исёнкорлик, қайноқлик шоирнинг кўпроқ мустазодлар яратишига сабаб бўлган.

Ўзбек классик поэзиясида мустазоднинг қўшалок қисқа мисрали шаклини биринчи марта Огаҳийда учратамиз.

Масалан:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул  
бир ошиқи ҳайрон,  
дийдорига шайдо.  
Бир шуйфта<sup>1</sup> дур кокули мушкинга сунбул,  
ҳам ҳоли паришон,  
ҳам бошида савдо<sup>2</sup>.

Мустазод жанри ўзбек совет шеъриятида ҳам мав-

---

<sup>1</sup> *Шуйфта* — ошифта, ошиқ, мафтун.

<sup>2</sup> Огаҳий. Таъвизул-ошиқин, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1960, 383-бет.

жуд. Бу жанрда ғазалнавис Ҳабибий яратган шеърлар хийла шуҳрат қозонган.

Тожиқ шеъриятида Лоҳутий, Пайров Сулаймоний, Боқи Раҳимзода ва бошқа шоирлар битган мустазодлар бу қадимий жанрнинг янги намуналаридир.

## МУСАММАТЛАР

Мусамматлар ўзбек классик шеъриятида энг кўп тарқалган лирик жанрлардандир.

*Мусаммат* арабча *مُسَمَّمَة* сўзидан олинган бўлиб, ипга ўтказилган марварид деган маънони билдиради<sup>1</sup>. Бу сўзнинг луғавий ва терминологик маънолари тўғрисида Қабул Муҳаммад қуйидагиларни ёзади:

«Билгилки, тасмит (яъни мусаммат — *О. Н.*) луғатда ипга ўтказилган марваридни англатади. Истилоҳда шундайки, олдин ёзилган мисралар охирига вазн ва қофияга мувофиқ мисралар қўшадиладар. Аксарият (мусаммат) саккиз хил бўлади деб ҳисоблайдилар: мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, таснеъ, машруъ»<sup>2</sup>.

Келтирилган таърифдан маълум бўладики, Қабул Муҳаммад ғазаллар асосида яратиладиган мусамматларнигина назарда тутди. Классик поэзияда ғазалларга янги мисралар қўшибгина эмас, балки батамом мустақил равишда ёзилган мусамматлар ҳам кенг тарқалган.

Мусамматлар анча кенг тарқалган лирик жанрлардан бўлгани сабабли ҳам Е. Э. Бертельс<sup>3</sup>, А. Ҳайитметов<sup>4</sup>, Р. Мажидий<sup>5</sup>, М. Гулизода<sup>6</sup> сингари адабиётшунос олимлар унга катта эътибор берганлар ва муҳим назарий фикрларни билдирганлар. Уларнинг асарларида мусамматнинг тўла ва атрофлича таърифи берилмаган бўлса ҳам, у ёки бу муносабат билан мусамматга хос бўлган ғоявий-тематик ва формал-поэтик жиҳатлар бирмунча ёритилган.

<sup>1</sup> Х. К. Баранов. «Арабско-русский словарь», стр. 469.

<sup>2</sup> Қабул Муҳаммад. Ҳафт қулзум, VII қисм, 52-бет. (Таржима бизиқи — *О. Н.*)

<sup>3</sup> Е. Э. Бертельс. Навои и Джами, стр. 59.

<sup>4</sup> А. Ҳайитметов. Навоий лирикаси, 67-бет.

<sup>5</sup> Р. Мажидий. Оғаҳий лирикаси, 86—96-бетлар.

<sup>6</sup> Мирзага Гулузаде. Фузулининг лирикаси, 192—201-саҳифалар.

Мусаммат ҳақида анча кенг маълумотларни Р. Орзибековнинг асаридан олиш мумкин.<sup>1</sup>

Классик поэзиямиз намуналари, ўтмиш ва ҳозирги замон адабиётшунослари берган маълумотларга асосланиб мусамматларнинг формал-поэтик ва тематик-ғоявий хусусиятлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

Мусамматлар яратилишига қараб икки гуруҳга бўлинади:

1. Мустақил мусамматлар (таъби худ мусамматлар).

2. Ғазал асосида яратиладиган мусамматлар (тазмин мусамматлар).

**Мустақил мусамматлар.** Мусаммат бандлар асосида тузилган шеър турларидандир. Мусамматлар сирасига мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, таснеъ, машруъ киради. Ўзбек классик адабиётинда мусамматдан айниқса мураббаъ (тўртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусаббаъ (еттилик) ва мусамман (саккизликлар) кенг тарқалган.

Е. Э. Бертельснинг фикрича, форс-тожик классик шеъриятида мусаммат дастлаб XI аср шоири Манучеҳрий ва Қатрон Табризий ижодида кўринади<sup>2</sup>. XII—XIII аср шоирларида, масалан, Саъдийда кенг ривожланади<sup>3</sup>. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, мусамматнинг илдизлари ёзма шеърятдан анча илгари халқ ижодида пайдо бўлган эди. Худди шунингдек ҳолатни туркий халқлар, жумладан ўзбек адабиётида ҳам кўриш мумкин.

Бунинг ёрқин мисоли Маҳмуд Қошғарий «Девон»ига кирган банд асосига қурилган кўпгина шеърлардир. Шунинг учун ҳам ўзбек классик адабиётидаги мусамматларнинг пайдо бўлиш омиллари ва замин илдизлари тўғрисида гапирганда, биринчи навбатда, туркий халқларнинг бой оғзаки меросини назарда тутмоқ керак. Чунки бой оғзаки мерос туюқ, рубойи, ғазал сингарини лирик жанрларнинг пайдо бўлиши ва камолотга эришувида катта роль ўйнагани каби мусамматларга ҳам маълум замин бўлди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Р. Орзибеков. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат, 69- ва ундан кейинги саҳифалар.

<sup>2</sup> Е. Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы, стр. 360.

<sup>3</sup> И. С. Брагинский. Из истории таджикской народной поэзии, стр. 350.

<sup>4</sup> Э. Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV в., стр. 45—84.

Ўзбек классик шеърлятида мусаммат Алишер Навоий ижодиётдан бошланади. Навоий мусамматнинг ҳар икки турида асарлар яратди. У «Муҳокаматул-луғатайн»да асарларнинг шакл ва услуб хилма-хиллиги ҳақида сўзлаб бундай деган эди: «...Ажам шуароси ва форс фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига тил ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, маъно акборига зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чигатой лафзи била рақам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлгон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимга бу даст бермайдур ва ҳечроқимга муяссар бўлмайдур...».

Навоийнинг кўпгина мусамматлари Лутфий, Ҳусайний ғазалларига, шунингдек, унинг ўз ғазалларига боғланган. Ўз ғазалига мусаммат битиш кам учрайдиган ҳол бўлиб, шоир ғазалидаги фикр ва образларни ривожлантириб, мухаммас ёки мусаддас яратади. Аммо унинг «Субҳидам махмурлиқтин тортибон дарди сари», «Даҳро чун қайғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ», «Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени» каби мусамматлари мустақил, яъни бошдан-охир шоирнинг ўз мисраларидан ташкил топган.

Навоийдан кейин ўзбек классик шеърлятида мусаммат ёзиш кенг тарқалди. Авваллари кўпроқ мухаммас, мусаддас каби жанрларда шеърлар битилган бўлса, Машрабдан (XVII аср) бошлаб мураббаъ жанри ҳам салмоқли ўрин олди.

Мусамматларнинг қофияланиш схемаси қуйидагича:

1. Мураббаъ: *а-а-а-а, б-б-б-а* ва ҳ. к.
2. Мухаммас: *а-а-а-а-а, б-б-б-б-а* ва ҳ. к.
3. Мусаддас: *а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а* ва ҳ. к.  
ёки *а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а* ва ҳ. к.
4. Мусаббаъ: *а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а* ва ҳ. к.  
ёки: *а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а* ва ҳ. к.
5. Мусамман: *а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а* ва ҳ. к.  
ёки: *а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а* ва ҳ. к.

Мусамматларнинг иккинчи усулда қофияланиши кўпинча шундай шеърларда учрайдики, уларда охириги икки мисра нақарот сифатида такрорланиб келади. Ма-

салан, Фурқатнинг «Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мендек», деб бошланувчи мусаддасида:

Ҳижрон ўқидин жисми қўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари, бағри садпора экан мендек

мисралари ҳар бир банд охирида такрорланиб келади.

Бундай шеърларда такрорланиб келувчи байтлар ўзига хос нақарот бўлиб, шоирнинг асосий етакчи фикри шу ўринда берилади. Жумладан, Фурқатнинг мазкур мусаддасида тутқунлик азобини чекаётган оҳунинг аянчли аҳволни тасвирланар экан, шоир ўзининг (демак, кенг меҳнаткаш омманинг ҳам) аҳволни ўша асоратдаги оҳуники каби эканини уқтирмоқчи. Бу мусаддаснинг етакчи гоёси бўлганлигидан худди шу маъноларни ташийдиган мисраларни Фурқат ҳар банд охирида такрорлайди ва ўқувчи диққатини шунга тортишга интилади.

Биринчи банддаги тўртинчи мисранинг нақарот тарзида барча бандларда такрорланиши мураббаъ жанридаги шеърларга ҳам хосдир. Масалан, Муқимийнинг «Эмди сендек жонажонон қайдадур» мураббаи шу усулдадир.

**Ғазал асосида яратиладиган мусамматлар.** Бундай мусамматларнинг хусусияти шуки, улар бошқа шоирлар томонидан яратилган ғазал ва баъзан шоирнинг ўз ғазали асосида битилади. Бу тур мусаммат ижод қилмоқчи бўлган шоирнинг имкон доираси қаттиқ чегараланган бўлади, яъни у олдин яратилган шеърнинг темаси, гоёвий мазмунини давом эттириши, вазн, қофия, радифлари ни ўз ҳолича сақлаб қолмоғи лозим. Бу гўё ижодий мусобақа ва ҳамкорлик эди, синов эди. Шунинг учун шоирлар бундай мусамматларни маълум поэтик маҳоратни эгаллаганларидан кейин ярата бошлаганлар.

Шубҳасиз, бундай ижодий мусобақа ва ҳамкорлик адабиёт тараққиётига, адабий анъаналар ривожига, анъана асосида янги ижодий ютуқларнинг пайдо бўлишига хизмат қилган. Аммо баъзан мусаммат авторлари ижодий мусобақа ва ҳамкорлик синовига етарли бардош беролмаганлар, уларнинг мисралари ғазални гоёвий-бадиний ривожлантиришга ожизлик қилган. Бундай ҳолатни баъзан тажрибали шоирлар мусамматларида ҳам кўриш мумкин. Профессор В. Абдуллаев машҳур шоир Нишотийнинг айрим мухаммаслари ҳақида бундай деган эди:

«...Нишотийнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари тема ва мазмун эътибори билан маълум да-

ражада тор доирада чегараланиб қолган. Яъни шоир Алишер Навоийнинг маърифатпарварлик, тараққийпарварлик руҳидаги шеърларига мухаммас боғлаш, Навоий сатиралари изидан бориб, лирикада кенг қўламда ўз даврининг ошкора танқидини бериш даражасига кўтарила олмаган. Шунинг билан бирга, Нишотийнинг мухаммаслари бадий жиҳатдан ҳам Навоий ғазалларига нисбатан кўп ўринларда (назирачилик, тахмисчиликдан мақсад ўша шоир билан тенглашиш, яна тўғриси, ҳам гоёвий мазмун ва ҳам бадий маҳоратда ундан ҳам ўтказиб юбориш лозим деган шартни асосга олганда) паст туради»<sup>1</sup>.

Кўринадики, мусамматчилик чинакам поэтик мусобақа бўлишдан ташқари, кейинги шоирнинг қандай гоёвий позицияда турганини аниқлашга ёрдам берувчи омиллардан бири ҳамдир.

Маълумки, қарама-қарши гоёвий платформадаги шоирлар бир-бирларини ғазалларига мусаммат боғламайдилар ёки боғласалар ҳам, олдинги шоирлар ижодларидан ўз гоёвий позициясига мос бўлган ғазални танлаб оладилар.

Демак, мусамматларнинг муваффақиятли чиқиши учун биргина талантининг ўзи кифоя эмас, олдинги ғазал авторини билан кейинги мусаммат авторини ўртасида муштарак дунёқараш, эстетик позиция, ижтимоий-сиёсий концепция бўлмоғи зарур. Фақат шундагина мусаммат авторини ғазал авторини фикрларини мантиқан давом эттириши, теманинг олдинги ғазалда очилмай қолган томонларини ўз даври талаблари асосида ёритиши мумкин. Натижада ҳар икки шоир шеъри ўртасида шундай уйғунлик юзага келадики, бундай шеър икки автор томонидан эмас, балки бир шоир томонидан ёзилгандек туюлади.

Оғаҳий мусамматларидаги юқорида айтилган каби ҳолларни кузатган олим Р. Мажидий қуйидагиларни ёзади:

«Оғаҳий бу жанрга мурожаат қилганида, мухаммас боғлаш учун тема танлаганида, унинг муносабати, мақсади ниҳоят чуқур. У дастлаб ўзбек ва бошқа халқлар адабиётидаги прогрессив шоирлар ижодига мурожаат қи-

---

<sup>1</sup> В. А. Абдуллаев. Хоксор ва Нишотий, СамДУ нашриёти, Самарқанд, 1960, 57—58-бетлар.

ладн. Шу билан бирга, у шоирлар ижодидан ўзининг дунёқарашига мос келаётган, ҳаёт, жамият ҳақидаги фикрларини кенгайтиришга ёрдам берадиган ғазалларни танлаб олади».<sup>1</sup>

Бундан ташқари, шоир у ёки бу газални танлаб олар экан, унда ўз замонаси учун актуал бўлган масалаларни бериш мумкинми ё йўқми эканига ҳам диққат қилади. Ўша газалдаги фикрларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга интилади.

Масалан, Навоийнинг «Ёр бўлмоқ тонг эмас мен зору расво бирла дўст», деб бошланувчи ғазалига Фурқат томонидан боғланган мухаммасни кўриб чиқайлик: Алишер Навоий ғазалида инсоннинг инсон билан дўст бўлиши, ҳаётнинг гўзал ва маъноли бўлмоғи учун дўст (ёр) орттириш кераклиги, ҳақиқий дўстлар бўлган ерда зоҳидларнинг душманлиги писанд эмаслиги, чунки дўстлик кишига мадад бериши ҳақида сўзланиб, ғазал дўстликда вафодор бўлиш ғоясини тарғиб қилувчи қуйидаги оташин байт билан тамомланади:

Эй Навоий, печа душман бўлса, ёнма дўстдин,  
Чун санга бўлмушдур ул юз минг таманно бирла дўст<sup>2</sup>.

XV асрда ўзини дўст деб кўрсатган, аслида бевафолик ва хонлиқни касб қилиб олган ҳукмрон табақа орасидан ўзига садоқатли дўст тополмаган Навоий қарашлари билан XIX асрда яшаган Фурқат қарашлари ўртасида катта муштарақлик бор эди. Шунинг учун ҳам Фурқат Навоийнинг ушбу ғазалини танлади ва мухаммас боғлади:

Қўнғлум истар ўлғолн ул ҳур сиймо бирла дўст,  
Яъни ул поз офарину жилва пиро бирла дўст,  
Телба қилмоқ қасдида бўлганда доно бирла дўст,  
Ёр бўлмоқ тонг эмас мен зору расво бирла дўст,  
Қим пари гоҳи бўлур мажнунн шайдо бирла дўст<sup>3</sup>.

Келтирилган парчада Фурқат Навоийнинг дўстликка интилиш, дўст бўлишга умид қилиш тўғрисидаги тезисларини давом эттириб, лирик қаҳрамоннинг кўнгли ҳурсимон нозли бир гўзал билан дўст бўлшни орзу қилганини ёзади. Телба киши доно билан дўст бўлишга

<sup>1</sup> Р. Мажидий. Огаҳий лирикаси, 95-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, III том, 87-бет.

<sup>3</sup> Фурқат. Танланган асарлар, II том, 84-бет.

интилар экан, мен зор ул пари билан дўст бўлишга интилсам, ажабланарли эмас деган фикрни ўтказди ва Навоийнинг баъзан мажнун кишилар билан парилар дўстлашар эмишлар деган афсонага асосланган далилини реал элементлар билан бойитади.

Шундай қилиб, биргина ғоявий-тематик уйғунлиқкина эмас, ҳам мантиқан, ҳам услуб жиҳатидан бирлик келтириб чиқарилади.

Навоий ғазалининг охириги байтига боғланган мисраларда ҳам худди шу каби умумий муштараклик келтириб чиқарилганини кўрамыз:

Фурқато, ич заҳр аёғи келса, қонма дўстдин!  
Талхком ўлдум дема! Ҳаргиз ўсонма дўстдин!  
Тошмаслик қилса ҳам ҳарчанд, тошма дўстдин!  
Эй Навоий, печа душман бўлса, ёнма дўстдин!  
Чунки бўлмушдур сенга юз минг таманно бирла дўст<sup>1</sup>.

Бу ерда ҳам Фурқат Навоий байтининг биринчи мисрасидаги дўстан кечмаслик, унга вафодор бўлишга чақириш мотивларига жўр ҳолда, ҳар қандай вазиятда ҳам дўстан воз кечмаслик, унга содиқ қолиш лозимлигини ўқтирувчи мисраларни қўшади ва Навоийнинг фикрларини мантиқан давом эттириб, тўлдиради.

Алишер Навоий Лутфий ва Ҳусайнийнинг айрим ғазалларига мухаммас ва мусаддас боғлаши билан бирга ўзининг «Очмағай эрдинг жамолнинг олам аро қошки» ғазалини тахмис қилади, «эй рафиқ» радифли ғазалига мусаддас боғлайди.

Ғазал асосида ёзилган мусамматлар қуйидагича қофияланади:

1. Муҳаммас: **а-а-а-а-а**, **б-б-б-б-а** ва ҳ. к.
  2. Мусаддас: **а-а-а-а-а-а**, **б-б-б-б-б-а** ва ҳ. к.
  3. Мусаббаъ: **а-а-а-а-а-а-а**, **б-б-б-б-б-б-а** ва ҳ. к.
  4. Мусамман: **а-а-а-а-а-а-а-а**, **б-б-б-б-б-б-б-а** ва ҳ. к.
- (Қора ҳарфлар мусаммат учун асос бўлган ғазал қофияларидир.)

Мусамматларнинг бандлар чегараси ғазалдаги байтлар сони билан бир хилдир. Бироқ ғазал асосида мусаммат ёзилаётганда, ғазалдаги айрим байтларга мусаммат боғланмаслиги, яъни мусаммат ёзган шоир ғазални «қисқарттириб» олиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Ф у р қ а т. Танланган асарлар. II том, 85-бет.

Ҳазал асосида яратиладиган мусамматлар лирик шеърятнинг энг гўзал ва мароқли турларидандир. У шоирлар, адабиёт тараққиёти босқичлари алоқасини вужудга келтирувчи халқлардан биридир. Муҳаммаснинг шу хусусиятларини кўзда тутган хоразмлик шоир ва ҳаким Аҳмад Табибий бундай деган эди:

Муҳаммас яхшироқ ашъордур,  
Тариқи ҳаммага намудордур.  
Қўшилғонда чу икки шоир сўзи,  
Малоҳатлиғ ўлғуси нукта тузи.  
Қаю назмимким тузи бор эрур,  
Ҳама сомияға лаззат осор эрур.  
Муҳаммас чу лаззатлиғ абъёт эмиш,  
Деган они ширин мақолот эмиш<sup>1</sup>.

Ўтмиш шоирлари ҳазаллари асосида мусамматлар яратиш ўзбек совет поэзиясида ҳам яхши бир анъана сифатида давом этиб келмоқда. Ғафур Ғуломнинг Алишер Навоий ҳазалларига, Собир Абдулланинг Навоий, Лутфий, Нодири, Фурқат ва Муқимий ҳазалларига боғлаган қатор мусамматлари ва бошқалар бунинг мисолдир.

Бизнинг замонамиздаги мусамматларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, буларда совет шоирлари ўтмишда яшаб ижод этган шоир ғояларини ўқувчига етказиш, пропаганда қилиш билан қониқмай, совет кишиларининг бахтиёр ҳаётини ўтмиш билан қиёслайдилар, кишиларимизнинг меҳнат ва муҳаббатдаги ютуқларини яққолроқ кўрсатишга интиладилар. Бунга ёш шоир Омон Матчоннинг Огаҳийнинг «Мушкин қошининг ҳайъати...» деб бошланувчи ҳазалига боғлаган «Муҳаммаси мулоқот»и ёрқин мисол бўла олади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, адабиётда севги, садоқат, одамийлик, одоб-ахлоқ поклиги каби доимий, мангу мавзу ва мафҳумлар бор. Бундай мавзу ва мафҳумларга турли давр шоирлари мурожаат қиладилар. Бундай шеърлар, айрим тафовутларига қарамай, муштаракликни ташкил этади. Мангу мавзуга бағишланган ҳазал асосида яратилган мусаммат мисралари ҳазалга тамомила уйғун ва муштарак бўлиши табиийдир.

---

<sup>1</sup> Мажмуаи муҳаммасоти аш-шуарои фирӯз шоҳи, Беруний номидagi Шарқшунослик институти, инв. № 1134, 2-бет.

## ТАРЖЕЪБАНД

*Таржеъбанд* (ترجیع بند) арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси қайтиш, илгариги нарсани такрорлашдир<sup>1</sup>.

Таржеъбанд ҳар бир банднинг охирида бир хил байтнинг такрорланиши усулидан фойдаланиб яратилган асардир. Бунда шоир вазни бир, қофияланиши газалга хос бўлган бир неча банд ёзади. Ҳар банд охирида биричи банд мақтаи такрорланиб келади. Мазкур мақтаъ мисралари ўзаро мустақил қофияланган бўлади. Такрорланаётган байтнинг мазмуни бутун банднинг мазмуни билан боғланган бўлиши керак. Бу ҳолат таржеъбандда баён қилинадиган фикрлар, ғоялар доирасини торайтиради, демак, шоирдан катта маҳорат талаб қилади.

Таржеъбанд фалсафий поэзия жанри бўлган.

Форс-тожик адабиётида таржеъбанднинг дастлабки намуналарини Носир Хисрав девонида кўрамиз. Хожуи Қирмоний, Хотиф Исфаҳоний, Нур Алишоҳ ва бошқалар Носир Хисравга эргашиб таржеъбанд ёзганлар. Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Хожа Ҳофиз Шерозий каби улкан санъаткорлар бу лирик жанрнинг гўзал намуналарини яратганлар.

Ўзбек классик адабиётида бу жанрнинг мукаммал намуналарини Алишер Навоий ижодида кўрамиз. Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний» девонида 369 байтдан иборат бўлган 4 та таржеъбанд бор. Навоийнинг таржеъбандлари фалсафий шеъриятнинг ғоявий-бадний хусусиятларини равшан намоён этади.

Шундай шеърлардан бири «Ғаройибус-сиғар» девонинда ўнта ўн байтли банддан иборат таржеъбанд бўлиб, унда шоир реал ҳаёт жараёнида юз берган ғамгин кайфиятини, муҳитдан норозилигини, исёнкорлигини сўфизмга боғлаб тасвирлайди.

Шоир лирик қаҳрамоннинг оғир кайфиятини таржеъбандда ифодалашда май, майхона, хароба, соқий, ишқ сингари символик образлардан фойдаланган:

Кетур, соқий, ул майки, субҳи аласт,  
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маест.  
Майким, қилур қуйсалар жом аро,  
Ўзи маесту кайфияти майпараст.  
Эшит саргузаштеки, букун манга  
Неча майпараст ўлдилар ҳамнишаст.

<sup>1</sup> Х. К. Баранов. Арабско-русский словарь, стр. 364.

Май олмоққа пири муғон жазбаси  
Мени чекти андоққи, моҳини шаст.  
Қилиб хирқа май раҳнию зарфнинг  
Этиб оғзини мум ила сангбаст.  
Келур эрдим илгимда майлиқ сабу,  
Бўлуб тўққуз афлок оллимда паст.  
Шикастим менинг онча эрмас эди,  
Ки май зарфи топти арода шикаст...  
Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,  
Май истарға илгимда сингон сафол<sup>1</sup>.

Лирик қаҳрамон бу ерда ўзининг калтакланганидан кўра кўпроқ май идишининг синганига ачинади. У қўлидаги синган сафол билан шундай ғамгин бир кайфиятда кўнгил шишасини синдирувчиларга ўз нафратини билдиради.

Шоирнинг улкан маҳорати шундаки, у таржеъбандда сўфиёна гоёларни символик тарзда талқин этар экан, ринд образи кечинмалари билан ўзининг кечинмаларини уйғун ҳолда тасвирлайди:

Нечук май билан бўлмасун улфатим,  
Ки жон қасди айлар ғаму меҳнатим.  
Назар айла бу корғаҳ ваъзига,  
Ки ортар тамошосида ҳайратим.  
Қуёш йўқки, бир зарра моҳиятим,  
Топа олмади саъй ила фикратим.  
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,  
Не маблаъ яқин бўлди, не рижъатим.  
Не касби улум этти ҳал мушкилим,  
Не тутти илм тақвию тоатим.  
Тонай деб хабар ушбу мақсуддип,  
Туташти баса қавм ила сўхбатим.  
Не қилди бу дардим иложин ҳаким,  
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.  
Не қилмоққа пир амридин ҳосилим,  
Не кечмакка бу фикрдин журъатим.  
Менинг бошима баса қатиқ тушти иш,  
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.  
Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,  
Май истарға илгимда сингон сафол<sup>2</sup>.

Бу сатрларда буюк шоирнинг руҳий драмаси тўлалигича акс этган. Унда ҳаёт муаммоларига жавоб тополмаган, илм-фазилати қадрланмаган, бошига оғир кунлар тушиб, чуқур руҳий изтироб ичида нима қилишини билмай, нажот йўлини тополмай, ҳайрон бўлган шахснинг

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том, 687-бет.

<sup>2</sup> Шу китоб. 696-бет.

руҳнй кайфияти акс эттирилган. Асарда ринд образи билан лирик қаҳрамон образининг уйғунлашуви натижасида шеър лириканинг ҳақиқий намунаси даражасига кўтарила олган. Навоийнинг бошқа таржеъбандларида ҳам ана шундай ғоявий-бадий ҳамоҳангликни, лиризмга интилишни кўрамиз.

Кейинги даврларда Навоий анъаналарини давом эттирган Паҳлавонқули Равнақ, Киромий, Мунис, Оғажий, Увайсий каби шоирлар лириканинг ўзга жанрлари қатори таржеъбандлар ҳам ёздилар. Таржеъбанд жанридаги шеър ҳозирги замон ўзбек поэзиясида Ҳабибий «Девон»ида учратилди<sup>1</sup>.

## ТАРКИББАНД

**Таркиббанд** (ترکیب بند) арабча сўз бўлиб, бириктириш, бир қанча нарсани бириктириб, бир нарсга ҳосил қилиш, бирикма маъноларини англатади.<sup>2</sup> Поэзияда бандларни бириктириш усули билан яратилган каттагина ҳажмдаги лирик асар **таркиббанд** дейилади. Таркиббанддаги бандлар сони турлича бўлиб, ҳар бир банддаги мисралар ғазал формасида қофияланади. Банднинг мақтаи ўзаро қофияланган бўлади. Бу қофия бандлардаги асосий қофиялардан фарқ қилади. Бандларнинг ҳар қайсиси ҳар хил вазнда бўлиши мумкин.

Таркиббанд шеърйй форма сифатида ўзбек адабиётига форс-тожик поэзияси орқали ўтган. Ўзбек адабиётида таркиббанднинг илк намунасини Алишер Навоий ижодида кўрамиз. Шоирнинг «Наводируш-шабоб» дево-нида 7 банд—56 байтдан иборат бир таркиббанд бор. Бу асар Сайид Ҳасан Ардашер вафоти муносабати билан ёзилган. Унда шоирнинг энг яхши, энг азиз киши-сидан айрилиш туфайли юзага келган қалб огриқлари, дардли ҳиссиётлари, алам-изтироблари баён этилади. Навоийнинг ота-онаси вафот этгандан кейин Сайид Ҳасан Ардашер унинг тарбиясига катта ғамхўрлик қилган, у билан умрининг охиригача дўст бўлиб қолган, даври-нинг илм ва ахлоқда етук кишиларидан эди. Шоирнинг аламига алам, дардига дард қўшган нарсга шуки, Сайид Ҳасан Ардашер вафот этган вақтда Навоий Ҳиротдан

<sup>1</sup> Ҳ а б и б и й. Девон, 309-бет.

<sup>2</sup> Х. К. Б а р а н о в. Арабско-русский словарь, стр. 391.

узоқда бўлган, ўз дўсти ва устозининг дафн этилиш маросимида қатнаша олмаган, у билан видолаша олмай қолган.

Бу тўғрида шеърнинг олтинчи бандида шундай ёзади:

Мана зулм ўлди фалакдинки, чу бўлдуни бемор,  
Керак эрдик, мен ўлсам бошини узра ғамхор.  
Шарбатнинг эзсам эди шираи жоним қўшибоп,  
Ичирурга қилибон жаҳд, неким мумкин бор.  
Ҳам ғизо мен, керак эрдик, тутуб оллингда,  
Рағбат айларга десам эрди мулойим гуфтор.  
Гаҳ бошингни тузатиб, гаҳ аёғингни ёпиб,  
Эврулуб бошинга, фарзандлиғ айлаб изҳор.  
Гар қазо етса, қилиб мўй ила оламини қаро,  
Яқо йиртиб, этибон тош ила кўксумни фиғор.  
Навҳалар тортибу наъшини кўтариб эғнимга,  
Бош яланг айлабу беҳудлиғ этиб мажнунвор.  
Тарк этиб олам ишин, қабрини уза сокин ўлуб,  
Кўрсатиб элгаки, не навъ керак эрмиш ёр.  
Чора йўқтурки, бу навъ эрмас экандур тақдир,  
Мумкин эрмас киши тақдирга бермак тағйир<sup>1</sup>.

Ҳар банд мана шу тарзда шоирнинг реал руҳий кечинмаларини ҳаққоний равишда чуқур лиризм билан ифодалайди.

Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» тўпламига кирган, Абдурахмон Жомий вафотига бағишланиб ёзилган,

Ҳар дам аз анжумани чархи жафойи дигар аст,  
Ҳар як аз анжуми ў доғи балон дигар аст

байти билан бошланган етти банд — 70 байтдан иборат асари ҳам таркиббанднинг энг яхши намунаси ҳисобланади.

Навоийнинг таркиббандлари аслида чин инсоний ҳис-туйғулар асосига қурилгани учун ҳам катта эстетик моҳият касб этади.

Навоий таркиббандларини кузатиш бу жанр ҳам кўпроқ фалсафий, дидактик масалаларни қамраб олгани, шу мавзуларда яратилганини кўрсатади.

Навойдан кейин яшаган шоирлар ҳам бу жанрга мурожаат қилганлар. Бироқ кейинги даврлар адабиётида таржеббанд каби таркиббанд жанрида ҳам нисбатан кам асарлар яратилди. Бу жанрнинг мураккаблиги ва ҳажмининг катта бўлиши уни чегаралаб қўйган бўлиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳазойинул-маоний, I том, 688-бет.

## МАСНАВИЙ

*Маснавий* ( *مثنوی* , кўплиги — маснавиёт) арабча сўз бўлиб, иккилик деган маънони билдиради. Шеърый терминологияда эса ҳар икки мисраси алоҳида-алоҳида қофияланиб борадиган (банди икки мисрадан тузиладиган) шеърлар *маснавий* — иккилик дейилади<sup>1</sup>.

Бундай шеърнинг формал-поэтик хусусиятлари тўғрисида «Ал-мўъжам фи маори ашъор ул-Ажам» асаринда Қайс ар-Розий бундай деб ёзади: «...Ажам шонрлари ҳар бир байтдаги мисраларнинг ўзаро қофиядош бўлиши нуқтанг назаридан уни маснавий деб атайдилар»<sup>2</sup>.

Классик адабиётда сюжетли кичик шеърый асарлар ҳам, достонлар ҳам маснавий деб юритилган.

Туркий адабиётда маснавий формаси биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида қўлланган. Ўзбек дунёвий адабиёти пайдо бўлиши билан маснавий жанри катта шухрат тутди. Қутбнинг «Хусрав ва Ширин», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳа», Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзанул-асрор», Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» сингари асарлари маснавийда битилди.

Буюк Навоий даврига келиб маснавий эпик шеърининг асосий жанри бўлиб қолди. Чунки бундай асарларда юз бераётган катта соҳнал воқеаларни анча кенг қўламда ёритиш, у ёки бу проблемани атрофлича ишланган сюжет ва образлар ёрдамида ҳал қила олиш имконияти кўп эди. Буни яхши тушунган Алишер Навоий маснавий ва унинг адабий жанрлар орасида тутган ўрни ҳақида бундай деб ёзган эди:

Лекин ул барчадин дағи хуби,  
Бордурур маснавининг услуби...  
Маснавиким бурун дедим они,  
Сўзда келди васеъ майдони.  
Вусъатида юз ўлса маърақағир,  
Кўргузур санъатин бори бир-бир<sup>3</sup>.

Маснавий классик поэзиядаги эпик ва лиро-эпик асарларда кўп истифода қилинган. Ўзбек классик поэзияси босиб ўтган узоқ даврлар давомида маснавий йўлида ёзилган бадний асар хиллари кўпайган.

<sup>1</sup> Адабиётшунослик терминлари луғати, 104- бет.

<sup>2</sup> Қайс ар-Розий. Ал-мўъжам..., 308- бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Хамса, 469- бет.

Бундай асарлар қаторига дostonлар, тарихий асарлар, номалар, масаллар ва манзумаларни киритиш мумкин.

**Достон**<sup>1</sup> ўзбек классик адабиётидаги энг йирик лиро-эпик тур жанрларидандир. Достон дастлаб халқ шеърлятида вужудга келди. У ёзма адабиётдаги дostonчиликка бир замин бўлди. «Юсуф ва Зулайхо» (Дурбек), «Гул ва Наврўз» (Лутфий), «Хусрав ва Ширин» (Қутб) каби асарлар эски ўзбек тилида ёзилган биринчи дostonлардир. Бу дostonларда маснавий формаси истифода этилган.

Навоий «Хамса»сига кирган дostonлар ўзбек классик дostonчилигининг энг юксак чўққисн бўлди. Навоий ўзининг буюк орзуларини, мутараққий фикр ва қарашларини худди мана шу дostonларида ҳар томонлама мукамал ифода этди.

Дostonларнинг ишқий-романтик («Юсуф ва Зулайхо», «Гул ва Наврўз», «Лайли ва Мажнун»), саргузашт («Сабъан сайёр», «Қиссан Сайфулмулк»), қаҳрамонлик («Садди Искандарий»), фалсафий-аллегорик («Лисонут-тайр»), ахлоқий-дидактик («Ҳайратул-аброр») каби жанрлари мавжуд.

**Тарихий дostonларда** шоирлар бўлиб ўтган реал воқеалар тасвирини берганлар. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Андалиб, Мутриб, Дони асарлари ва Шавқий Намангонийнинг «Жомеул-ҳаводис» асари шундай дostonлардандир.

**Нома** ва **масал** жанрининг ҳам кўпчилиги маснавийда берилган<sup>2</sup>.

Классик поэзиямизда манзума деб номланаётган Фурқатнинг «Суворов ҳақида», «Илм хосияти», «Виставка хусусида» сингари асарлари ва уларга ўхшаш бошқа кўпгина асарлар ҳам маснавий йўлида ёзилган. Бундай асарларда кичик сюжет ёки сюжет элементлари бўлади. Айни замонда шоирнинг лирик кечинмалари, туйгулари ҳам тасвир этилади<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда Б. Валихўжаевнинг «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» номли монографиясида кенг ва атрофлича маълумот берилган.

<sup>2</sup> Бу ҳақда ушбу китобнинг нома ва масал жанрлари ҳақидаги бобларига қаранг.

<sup>3</sup> Классик маснавиёт ва унинг юқорида кўрсатилган турларининг ғоявий-тематик хусусиятлари, образлари, ундаги тил ва бадий маҳорат масалалари адабиётшунослигимизда анча кенг ёритилгани учун айтилганлар билан чегараландик.

Ўзбек совет поэзиясида ҳам маснавийлар яратилмоқда. Жумладан, Ҳабибий «Девон»ига кирган «Замон фарҳодлари» достони классик анъана асосида (арузда, а-а, б-б ва ҳ. к. қофия системасида) ёзилган<sup>1</sup>.

Шунингдек, шаклан маснавийга ўхшаш, аммо бармоқ вазнидаги шеърлар ёзилмоқда (масалан, Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри)<sup>2</sup>. Ғафур Ғуломнинг «Кўкан», «Эгалари эгаллаганда» каби дostonлари ҳам ўзбек совет маснавийчилигининг энг яхши намуналаридир.

## ҚАСИДА

Қасида ( قصيده ) арабча қасд ( قصد ) сўзидан олинган, ният, интилиш маъноларини беради<sup>3</sup>. Адабий термин сифатида лирик тур жанрларидан биридир. Қасида муҳим тарихий воқеалар ва машҳур тарихий шахслар ҳақида тантанали услубда ёзилган асардир. Шу билан бирга, классик адабиётда табиат лавҳалари, чолғу асбоблари ва бошқаларга бағишлаб ҳам қасидалар ёзилган<sup>4</sup>.

Қасида араб, форс-тожик ва туркий халқлар адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида кенг тарқалган жанрдир.

Ўзбек адабиётида қасида жанрининг шаклланишида туркий халқларнинг қадимги шеърияти ҳамда форс-тожик ва араб қасидачилиги асос бўлди. Қадимий туркий шеърятда қасида хусусиятлари бўлган «қўнуғ» деб аталган жанр мавжуд эди. Унинг баъзи намуналари Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асари-дан ўрин олган.

Масалан:

Таркан қотун қутинга  
Текур мандин қўнуг,  
Айил сизнинг тобугчи,  
Ўтиур янги тобуг<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Ҳ а б и б и й. Девон, 412- бет.

<sup>2</sup> Адабиётшунослик терминлари лугати, 105- бет.

<sup>3</sup> Х. К. Б а р а н о в. Арабско-русский словарь, М., 1958, стр. 821—822.

<sup>4</sup> Адабиётшунослик терминлари лугати, 264- бет.

<sup>5</sup> Ўзбек адабиёти, тўрт томлик, I том, ЎзССР бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, 27- бет.

(Маъноси: Малика Туркон хотунга мендан шу қўнуғ (қасида)ни топшир ва унга сизнинг содиқ қулингиз сизга янги бир хизмат арз қилаётир дегин.)

«Девон»да келтирилган яна бир тўртликда гап ўша аввалги ҳиммати баланд, меҳр-шафқатли малика ҳақида боради.

Урмуш ожун бусугин қилмиш ани болиғ,  
Эм-сем ангар тиланиб сизда бўлур ёқиғ,  
Тутчи ёгор булоти олтун томар ариғ,  
Оқса анинг оқини қонли манинг қониг<sup>1</sup>.

(Маъноси: Замони кутилмаганда уни яралади. Унга даво сиздагина топилади. Маликанинг ҳимматидан донм соф олтин томади. Унинг ҳаммаси мени тамом мамнун этади.)

Бу каби парчалар мазмун эътибори билан тугалланган бутун қасиданинг кичик бўлагига ўхшайди.

Традицион ўзбек классик қасидаси учун иккинчи муҳим бадий замин форс-тожик ва араб қасидачилигн бўлди. Хусусан, форс-тожик тилида қасида яратган Рудакий, Унсурий, Салмон Соважий, Хоқоний, Анварий каби шоирлар ўзбек китобхонлари ва адабиёт аҳлларига яқиндан маълум ва манзур эдилар.

Шарқ қасидалари мавзу ва тасвир объектига қараб бир неча туркумни ўз ичига олади. Булар асосан қуйидагилар:

1. Васфий қасидалар:

- а) баҳория (баҳор ва унинг манзаралари васфи);
- б) ҳолия (шоирнинг ўз ҳоли, кечинмалари тасвири);
- в) ишқия (ишқий кечинмалар васфи);
- г) хамрия (май, унинг сифатлари, кайфу нашидаси ҳақидаги қасидалар).

2. Мадҳ қасидалар:

- а) мадҳия (бирор шахсга бағишланган, уни мақтовчи, мадҳ этувчи қасидалар);
- б) фаҳрия (шоирнинг ўзини, ўз фаолияти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини мақтаган қасидалар);
- в) ҳамд (худо мадҳига бағишланган анъанавий қасидалар);
- г) наът (пайғамбар Муҳаммад мақтовига бағишланган анъанавий қасидалар).

---

<sup>1</sup> Уша жойда.

3. Қасидан марсия (вафот этган бирор кишининг фаолиятини улағловчи қасидалар).

4. Қасидан ҳажвия ёки қасидан замм (бирор кишини ҳажв қилувчи, музаммат қилувчи қасидалар).

5. Қасидан муножот (шоирнинг ўз «гуноҳ»лари учун худодан нажот сўраб ёзган қасидалари).

6. Орифона ёки тасаввуфона қасидалар (фалсафий фикр-мулоҳазалар акс эттирилган қасидалар).

Бу турдаги қасидаларни биз Рудакий, Унсурий, Фаррухий, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Носир Хусрав, Саной, Хоқоний, Анварий, Жалолиддин Румий, Саъдий, Салмон Соважий каби форс-тожик шоирлари, Саккокий, Лутфий, Атоий, Гадоий, Навоий каби машҳур ўзбек шоирлари ижодиётида учратамиз.

Қасида ҳажм жиҳатидан қатъий чегараланмаган. Унда байтлар сони 12 тадан кам бўлмаслиги керак. Охирги чегараси неча байт бўлиши ҳақида классик адабиётшунослиқда ҳам, ҳозирги замон адабиётшунослигида ҳам барқарор фикр айтилган эмас. Ҳар ҳолда, кичик ҳажмли қасидалар билан бирга ўрта ва ниҳоят катта (бир неча юз байтли) қасидалар ҳам яратилган.

Қасида, одатда, ғазал каби қофияланади. Унинг жуфт мисралари қофияланиб, тоқ мисралари очиқ қолади: *а-а, б-а, в-а...*

Анъанавий қасидалар композицион жиҳатдан 2 хил бўлади:

1. Қасидан том.

2. Қасидан мужаррада.

Қасидан том (тўлиқ қасида)да қуйидаги бўлимлар мавжуд бўлади:

1. Насиб.

2. Гүризгоҳ.

3. Мадҳ.

4. Қасд.

Қасидан мужаррадада (тўлиқ бўлмаган, «яланғоч» қасидада) юқорида кўрсатилган компонентларнинг айримлари бўлмаслиги мумкин.

«Қутадғу билиг», «Ҳибатул-ҳақойиқ» туркий ёзма адабиёт обидаларида, «Хусрав ва Ширин» (Қутб), «Гул ва Наврўз» (Лутфий) каби дostonлар таркибида қасида ёки унинг компонентларини кўриш мумкин. Ўзбек классик адабиётида қасида махсус жанр сифатида Саккокий девонидан ўрин олган бўлиб, улар жанрнинг

ҳамма талабларига жавоб беради. Саккокийдан бизга 10 та қасида етиб келган. Улардан тўрттаси шоирнинг замондоши, буюк астроном ва математик Улугбекка, қолганлари Халил Султон, Шайх Муҳаммад Порсо, Арслонхожа тархонга бағишланган.

Саккокий ўз қасидаларида жанр талабларига қатъий риоя қилади, яъни унинг кўнчилиқ қасидалари лирик кириш (насиб) билан бошланади. Насибда шоир баҳор келиб, табиатнинг гўзал тусга кириши, гулларнинг очилиши ҳақида, шунингдек, севимли ёр, ёрнинг бевафолиги тўғрисида, висол орзуси, ҳижрон изтироби ҳусусида сўзлайди.

Лирик киришдан сўнг қасиданинг **гуризгоҳ** деб номланувчи кичик қисми бошланади. Тўрт-беш байтдан иборат бўлган бу қисм гўё ўқувчини қасиданинг асосий қисмига ўтишга ҳозирлайди, асосий қисм бошланганлигидан дарак беради. Қисқаси, гуризгоҳ кириш билан асосий қисм ўртасида бир кўприк вазифасини ўтайди.

Шундан сўнг қасиданинг асосий қисми—**мадҳ** бошланади. Бу қисмда шоир тасвир объекти қилиб олинган шахснинг фазилатларини мақтайди.

Қасиданинг сўнгги қисми—**қасдда** шоир тавсифтаъриф қилаётган шахсга яхши истаклар билдиради, ўзининг матлаб-мақсадини баён қилади. Анъанага мувофиқ, ўзининг хоксор, фақирлигини, ҳомий иноятига муҳтож эканлигини айтади.

Саккокийнинг айрим қасидаларида насибга кўпроқ ўрин берилади. Масалан, унинг Улугбек мадҳига бағишланган бир қасидадан 54 байт бўлиб, шундан 22 байти насибни ташкил қилади. Айрим қасидаларда эса насиб 6–7 байтдан ошмайди. Қасиданинг ҳамма қисмлари ҳам асосий гоёни ифодалашга хизмат қилади, бир хил таътанавор услубда ёзилади.

Қасидадаги мана шу ҳусусиятларни кўриш мақсадида Саккокийнинг бир қасидадан билан танишайлик. Қасида баҳор келишини тасвирловчи қуйидаги насиб билан бошланади:

Гулистон аҳлига бу кун эрур ҳам йилду, ҳам наврўз,  
Алар гул сочдилар: мен ҳам кетурдум хуш бу ҳалвони.  
Ёхуд гул васлаларинини тикиб бир хилъати зебо,  
Бу мажлиста кетурмакка тилодим асли волони.  
Тил очти бандатек савсан кўпуб озод ўриндин,  
Ўқумоқлиққа шаҳ мадҳин ясоди қадду болони.

Манга ул кўб хитоб этди ким. эй девонаи доно,  
Не бўлди, кетиму ақлинг, ким англамассен ончони?  
Бу хилъатлар даги ул шаҳ эрур, мен бир дуочиси,  
Анинг қўллари ўзингга тенг этмас ҳоли Дороши.  
Эрур ул шоҳ Улуғбекким, ҳаммаша тигу адлидин  
Қилур дин шинин равшан, биҳишти соний дунёш<sup>1</sup>.

Баҳор келиши билан табиат гўзал тусга киради, олам яшаради, ҳамма парса янгиланиб, ўз кўркини намойиш қилади. Лирик қаҳрамон кўтаринки кайфият, туйғулар оғушида. Унинг кўнгли висол онларини истайди. Шу тариқа шоирнинг бошқа бир қасидасида насибнинг севимли ёр мадҳига битилган мисралари яратилади:

Тилар кўнглим ўзин солса ва бўлса зулфина мола,  
Вале юз минг жонш елга охир берди бу савдо.  
Ушал гултек юзунг ҳаққи, даги парне кўзунг ҳаққи.  
Мени титратма тол янглиқ, эй қадди сарвдин раъно<sup>2</sup>.

Насиб ва гуризгоҳнинг характерли томони шундаки, унда ҳаётнинг мураккаб, қарама-қарши томонлари тўғрисида фикр юритилади, ошiq қалбининг тугёни ифода қилинади:

Санамлар зулфидин ўзга онин аҳдида йўқ золим,  
Уларнинг кўзлари қилгай магар турк элларин яғмо.  
Рубобу уд эшикинда магар ингрогаю куйгай.  
Йўқ эрса йўқ бу дунёда куйибон интраган қатъо.  
Жаҳонда ноҳақ айш кечти дегон худ йўқ магар дам-дам,  
Сароҳи соқидин қилгай ҳаром қон тўкти деб даъво<sup>3</sup>.

Қасиданинг бу қисми гуризгоҳдир. Унда шоир Улуғбекнинг тахтга ўтириши билан янги давр бошлангани ҳақида лирик планда хабар беради. Шунингдек, ҳаётнинг мураккаб масалалари ҳақида гапириб, Улуғбек подшолигидан уларга жавоб излайди. Демак, Саккокий қасидада Улуғбек образини яратар экан, қуруқ мақтов, ўз матлабини баён қилиш билангина чегараланмайди. Шоир масалани кенг қўяди. У Улуғбек қиёфасида ўз даврининг идеали бўлмиш адолатли шоҳ идеалини кўради.

Саккокийнинг айрим қасидалари насиб ва гуризгоҳсиз, бевосита мадҳдан бошланади. Шоир бунда янги

<sup>1</sup> Э. Рустамов. Узбекская литература в первой половине XV века, стр. 55.

<sup>2</sup> Қўрсатилган китоб, 56-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда.

қасиданинг бошлангани ҳақида икки-уч байт традицион кириш қилади-да, қасиданинг асосий мазмунини баён эта бошлайди. Қасиданинг бу турини қасидаи мужаррада, қасидаи маҳдуд ёки қасидаи муқтазаб деб номлаганлар.

Улуғбек мадҳига бағишланган 34 байтдан иборат қуйидаги қасида ана шундай асарлардандир. Бу қасиданинг катта қисмида асарнинг асосий мазмунини ифодалаган. Қасиданинг мадҳ қисминини бошлаб берувчи биринчи байт диққатга сазовор:

Аламтек барча бекларнинг боши кўкка керак тегса,  
Ким онлар таъя қилғоли бу қутлуғ остон келди<sup>1</sup>.

Феодал давлатининг барқарорлиги марказий ҳокимиятнинг феодал аристократиянинг қўллаб-қувватлашига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шоир ўз даврнинг илғор кишиси сифатида бу нарсани Улуғбек салтанати барқарорлигининг асосий омили деб қарайди. Бу қасидада Улуғбек атоқли жамоат арбоби ва тадбирли лашкарбоши сифатида берилган. У мамлакат ва қўшинини бошқаришда афсонавий Сулаймон, Хисрав, Нўширавон сингари тадбиркор. Шунинг учун Улуғбек беклари ундан рози, унга садоқат ила хизмат қилади:

Жаҳондин Аҳраман кетиб, мўсаҳхар ўлғай инсу жон  
Ким, уш тахтини ел кўториб Сулаймони замон келди.  
Бойитди тахтининг қадри, ўзин тож кўкка ташлоди,  
Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўшини равон келди.  
Керак жон булбули тун-кун наводин тинмаса ҳар дам,  
Чу дўстлариға хуррам ёз, адуларға хазон келди<sup>2</sup>.

Салтанат барқарорлигининг асоси, таянчи, раият-элдир. Эл-улус бу улуғ донишманд ҳукмдорни ёқтиради, уни ҳомий, отадек меҳрибон киши деб билади:

Раният қўй эрур, султон анга шубон ё бўри,  
Бўри ўлгаю қўй тинғой, чу Мусотек шубон келди...  
Қўнғиллар бўлди хуш, равшан, кўриб қолмоди бир зарра,  
Қоронғулуғ кетиб, ҳоли чу хуршеди замон келди...  
Эшининг туфроқи мажруҳ бўлгон жону тапларга,  
Шифолиқ марҳами бўлди, бисоти паринён келди...  
Салотин дунёда кўп келдию кечти, сенингтеки бир,  
Фалакнинг гир тили бўлса айинтсунким, қачон келди?<sup>3</sup>

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти», I том, 375- бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Кўрсатилган китоб, 375—376- бетлар.

Шоир бу қасиданинг катта бир қисмида Улуғбекнинг ўткир қилич соҳиби эканлиги, Улуғбек қўшинларининг ғолиблигини баён қилади. Темур авлодларининг ўзаро урушлари авжга чиққан бир шароитда Улуғбекни ғолиб лашкарбоши, унинг қўшинини енгилмас қўшин сифатида тасвирлаш (бундай ўринларда истак етакчилигини ҳам ҳисобга олиш керак) маърифатпарвар ва адолатпарвар подшоҳ бошлиқ марказлашган ҳокимият учун кураш ифодаси ҳам эди. Қасида сўнгида шоир подшога яхши, самимий истаклар билдиради. Унинг салтанатига авж, ўзига узоқ умр тилайди. Асар Улуғбекнинг ижтимоий фаолиятига бағишлангани учун, қасиданинг сўнги байтларида шоир яна шу масалага қайтади:

Шаҳо, лутфунгни топқум деб дуочи банда Саккокий  
Белин жони билан боғлаб, бу хизматга равон келди.  
Эрурмен хонадонингнинг кўнгул бирла дуочиси,  
Менга бурҳон тиласалар, сўзим худ чин, аён келди.  
Мамолик назмию диннинг қўруғидир шариф зотинг,  
Набийтек шаръ ишинда замиринг хурдадон келди.  
Жаҳонда қарнлар тирик бўлуб, иззат била турғил,  
Азал вақтида чун отинг шаҳи соҳибқирон келди<sup>1</sup>.

Шуниси характерики, Саккокий асарларида подшо ёки бирор шахс қанчалик улуғланмасин, у ёки бу тарихий шахс замонаси қанчалик мақталмасин, у қасидаларда замондан шикоят қилувчи мисралар ҳам учраб туради. Бу мисраларда шоир фалакнинг кажрафторлигидан нолийди, мулкдор табақанинг жоҳиллиги ва бемурувватлигини айтади, доноларнинг хор-зорлигига ачинади:

Фалакнинг тавсани бахинги лаком уруб қилибон ром,  
Қўюбтур давлатинг онинг суруни узра ой тамго.  
Басе мажруҳ бўлур кўнглум фалакнинг торту айшидин,  
Улоши айш этиб нодон, мудом меҳнат кўрар доно.  
Шаҳаншоҳо, фалак кимдур санингтек шоҳ давринда,  
Мунингтек кўб жафо қилғай манингтек хаста жониго.<sup>2</sup>

Шоир бу мисраларда ўз замонаси иллатларини қоралайди. Улуғбекнинг илмий-маърифий фаолиятига қарши кучайиб бораётган хурофот ва жаҳолат хуружига ишора қилади. Ҳақиқатан ҳам, феодал ўрта асри подшо Улуғбекни эътироф этса-да, олим ва маърифатпарвар Улуғбекни инкор қилади. Шунинг учун ҳам 1449 йилда буюк олим жаҳолат ва хурофот қурбони бўлди.

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти, I том, 377- бет.

<sup>2</sup> Э. Рустамов. Узбекская литература в первой половине XV века, стр. 58.

Навоий ижодида қасида формал-поэтик ва тематик-ғоявий жиҳатдан янада камол топди. У ўзбек тилида «Ҳилолия» қасидасини ёзди. Форс-тожик тилида жами 10 та қасида яратди. Навоий—Фоний форс-тожик тилидаги қасидаларини икки туркумга жам этган: 4 қасидадан иборат «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») ва 6 қасидадан иборат «Ситтаи зарурия» («Олти зарурият»). «Фусули арбаа» тўрт фаслнинг моҳияти, манзараси ва уларнинг ўзига хослигини ажойиб файласуф шоир ва рассомнинг сўзлари билан мужассамлантирган қасидалардир<sup>1</sup>.

Ситтаи зарурия: «Рухул-қудс» («Муқаддас руҳ»), «Айнул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси»), «Тухфатул-афкор» («Фикрлар совғаси»), «Қутул-қулуб» («Қалбларнинг озуқаси»), «Минҳожул-нажот» («Нажот йўли») ва «Насимул-хулд» («Жаннат насими») қасидаларини ўз ичига олади. «Бу қасидалар фалсафий ҳам диний-ахлоқий қасидалардир. Улар Анворий, Хисрав Деҳлавий, Хоқоний, Шервоний ва Абдурахмон Жомий каби буюк қасида нависларнинг қасидаларига татаббуъ сифатида яратилган. Уларда Навоий устоз қасида нависларнинг анъаналарини давом эттириб қолмай, яшаган даврининг ҳаёти ва муаммоларини, ижтимоий-фалсафий мушоҳидаларини, дин ва тасаввуф ҳақидаги қарашларини акс эттириди, шу билан бирга сеҳрли санъаткорлик қаламини намойиш этади»<sup>2</sup>.

Бу ўринда Навоийнинг ўзбек тилида яратган «Ҳилолия» қасидаси билан қисқача танишайлик. Қасида Султон Ҳусайн Войқаронинг тахтга чиқиши муносабати билан қутлов тарзида яратилган. Қасиданинг ҳажми анча катта—89 байтдан иборат. Унинг насиб ва гуризгоҳ қисмлари ўзига хос, Саккокий қасидаларидан катта фарқ қилади. Насиб ва гуризгоҳда шоир анъанавий ёрнинг гўзаллигини мақташ, табиатнинг хушманзара кўринишларини мадҳ этиш ва шу кўтаринки кайфият таъсири ила қасида мазмуни баёнига ўтиш билангина чегараланиб қолмайди. Автор, булардан ташқари, шу қисмда осмон сайёралари орасида «сайр» қилади. Шоир у ерда ҳам худди ердагидек қувончни, улуғ байрам («ийди ак-

---

<sup>1</sup> Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб, учинчи нашри, 1976, 415-бет.

<sup>2</sup> Н. М. Маллаев. Ўша асар, ўша саҳифа. Н. М. Маллаев дарслигида «Тухфатул-афкор» қасидаси батафсил таҳлил этилган.

бар») ни кўради. Шоир осмон фаришталарига, гўзалларга, гўзалларнинг гўзали Зухра (Венера) га дуч келади. Зухра чангда дилпазир куй чалмоқда. Унинг нияти шоҳ қалбида ишқ алангасини ёқиш ва майга майл уйғотиш. Зухра чалаётган осмоний куйнинг сўзлари Алишер Навоийники. Зухра ва шоир ажойиб куй, жонбахш сўз ва ёқимли овоз билан шоҳнинг тахтга чиқиши тантаналарига сурур бахш этадилар. Зухра учинчи осмондан шоҳнинг хос хонасига тушади. Бунда у шам ўрнида шоҳнинг хонасини ёритади. Лирик қаҳрамон осмон саёҳатини давом эттиради. У бешинчи осмонда ҳарбий шуҳратларга бурканган Миррих (Марс) ни учратади. Миррих ўз ҳарбий маҳоратини янада ошириш мақсадида камон отишни машқ қилади. Чунки осмон баҳодири султон Хусайн Бойқарога ясовул бўлишни истайди. Осмон султон тахтини ўраш мақсадида бутун оламга ўзининг нурафшон атласини ёйган. Ниҳоят, шоир осмон саёҳати давомида Аторуд (Меркурий) ёнига кўтарилади. Аторуд баҳодир шоир қасидасига аллақачон жавоб ёзиб қўйганини айтади ва ўз қасидасининг матлаини ўқиб, мушоирада шоирни енгилни ўйлайди. Шу тариқа осмонда султон Хусайн шаънига ёзилган қасидалар мушоираси бошланади.

Аторуд матлаи:

Эй сенинг қошинг қилиб зоҳир янги ой хижлатин,  
В-ей юзунг шарманда айлаб ийди акбар талъатин<sup>1</sup>.

Шеър баҳсида лирик қаҳрамон Аторуддан енгилмайди. У келтирган матлаъ ҳам юксак ғоявий ва бадий савияда:

К-ей қошингнинг рашки айлаб ҳам янги ой қоматин,  
Йиду рухсоринг қилиб нобуд байрам зийнатин<sup>2</sup>.

Аторудни шеър баҳсида енгган шоир тантанага келган севгилисининг ёнига киради. Унга Аторуднинг матлаини ва ўз матлаини ўқиб бериб, севгилисидан мақтов сўзларини кутади. Аммо шоирнинг севгилиси ҳам шоира, у ҳам матлаъ айтади:

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти», II том, ЎзССР бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, 96-бет.

<sup>2</sup> У ш а ж о й д а.

К-ей юзинг зоҳир қилиб байрам сабоҳу сарватин,  
Анда қошинг айлабон пайдо янги ой ҳайъатин<sup>1</sup>.

Севгилисининг табъи назмига қойил қолган шоир  
учала матлаъни тантана бўлаётган анжуманга —  
Султон муҳокамасига олиб келади. Султон буларга ўз  
жавоб матлаини айтади:

К-ей ҳилолинг майли айлаб тоқ кўнглум тоқатин,  
Жон бериб ёд айлагач ийди висолинг жаннатин<sup>2</sup>.

Шундан сўнг қасиданинг асосий қисми—мадҳ бошланади. Шоир султон Ҳусайн Бойқарони кўкларга кўтариб мақтайди. Уни золимларнинг додини берувчи, мазлумлар ҳомийси, мамлакатнинг буюк посбони, илм-маърифат жарчиси, ақл ва саховатда мисли йўқ шахс сифатида талқин қилади, «шоҳлар дарвиши-ю, дарвишлар шоҳи» деб атайдди. Тўғриси, Навоий Ҳусайн Бойқаронинг шундай шоҳ бўлишини орзу қилади, мисраларида реал ҳақиқатни эмас, балки романтик хаёлотини ифодалайди. Шу билан Ҳусайн Бойқарога таъсир этиб, уни —тахтга чиққан янги ҳукмдорни адолат йўлига йўллайди. Қасиданинг аҳамияти ҳам шунда.

Демак, Алишер Навоий ижодида қасиданинг жанр имкониятлари бойиди. Унинг «Ҳилолия» қасидаси қуруқ мадҳхонликдан иборат бўлмасдан, даврнинг ижтимоий-сиёсий масалаларини чуқур ёритган фалсафий асар сифатида майдонга келди.

Классик адабиётимизнинг Мунис, Огаҳий каби прогрессив намояндалари қасидада Саккокий ва Навоий анъаналарини давом эттирдилар.

Қасида феодал-сарой поэзиясида етакчи жанрлардан эди. У қасидаларда подшоларнинг серҳашам ҳаёти, подшо ва унинг амир-амалдорлари муболағалар билан мадҳ қилинади, идеаллаштирилади, феодал ўзаро уруш ва ихтилофлар оқланади, хушомадгўйлик, мақтанчоқлик авж олади, шеърят ҳаётдан, ҳақиқатдан, жамият ва халқ эҳтиёжидан узоқлашади. Баъзан бундай қасидалар умидсизлик ва бадбинлик кайфиятларига жўр бўлиб кетади. Булар феодал-клерикал муҳит ва унинг ҳукмронлари таназзулидан дарак берар эди.

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти, II том, 97- бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб. 98- бет.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин тамомила янги ғоявий-эстетик замин ва моҳиятга эга бўлган янги қасидалар пайдо бўлди. Бу қасидалар она юрт—Ватан, Партия, Революция ва унинг доҳийси В. И. Ленинга, замонамизнинг улуғ кишилари шаънига айтилган қасидалардир. Улар янги ҳаёт ва янги кураш ифодаси, Ватан ва партияга халқ меҳри ифодаси сифатида янграйди. Улар формал-поэтик жиҳатдан ҳам ўтмиш қасидалардан катта фарқ қилади.

Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Шайхзода ва бошқа шоирларимизнинг партия ва В. И. Ленинга бағишлаган шеърлари янги қасидалардир.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида қасиданинг яхши намунаси сифатида Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» асарини кўрсатиш мумкин. Шоирнинг бу асарини қасидаи фахрия туркумига киритиш мумкин. Аммо «Ўзбегим» классик адабиётимизда яратилган қасидаи фахриялардан тубдан фарқ қилади. Классик қасидаи фахрияларда шоир ўз фазилати, билими, истеъдоди, ёзган асарларининг қиммати ҳақида фикр юритади, ўз халқининг катта шоири бўлиб қолганлигидан фахрланади. «Ўзбегим»да эса юрт мадҳини, юксак гражданлик туйғусини, қаҳрамонона ўтмиш ва ижодкор кунларимизнинг лирик ифодасини кўрамыз. Бу қасидадаги ифтихор улуғ Советлар юрти, қардош республикалар ихтифориدير.

## НОМА

*Нома* хат маъносини ифодалайди. Адабий термин сифатида нома мактуб тарзида ёзилган бадий асардир. Ўзбек ва форс-тожик адабиётида нома асосан шеърӣ формада яратилган. Бу хусусияти билан нома рус ва Ғарбий Европа адабиётидаги эпистоляр жанрдан фарқ этади.

Ўзбек классик адабиётида бу жанрнинг илк намунасини шоир Хоразмий яратди. Унинг 1353 йилда яратган «Муҳаббатнома» асари ўзбек дунёвий адабиётининг ишқ-севгини шарафлаган илк йирик асарларидан бири бўлиб, унда ошиқнинг маъшуқага бўлган оташин севгиси, унинг бу йўлда чеккан изтироблари тасвиридан иборат.

«Муҳаббатнома» лирик-эпик асар бўлиб, турли шеър-ий жанрларни — нома, маснавий, газал, қитъа ва мадҳияни ўз ичига олган. Бироқ ундаги етакчи жанр номадир.<sup>1</sup> Нома маснавий усулида қофияланади:

Сочинг бир торино минг ҳур етмас,  
Юзунгнинг нурина минг нур етмас.  
Агар берса суюрғаб ҳақ таоло,  
Қеракмас сенсизин фирдавси аъло.<sup>2</sup>

Кейинчалик Хоразмий асари таъсирида «Латофатнома» (*Хўжандий*), «Даҳнома» (*Амирий*), «Таашшуқнома» (*Сайид Аҳмад*) каби номалар пайдо бўлган.

Нома мустақил асар бўлиши билан бирга бирор асар тўқимасидан ўрин олиши, унинг таркибига кириши ҳам мумкин.

**Мустақил номаларда** бу жанр ё етакчи бўлади («*Муҳаббатнома*»), ёки асар бошдан-оёқ шу жанрдангина иборат бўлади (Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеър-ий мактуби — «*Маснавий*», Муқимийнинг шеър-ий мактублари, унинг «*Саёҳатнома*»си, Фурқатнинг Тошболтута ёзган хати ва б.).

**Бирор асар тўқимасидаги номалар** катта элик асарларда учрайди. Бундай номалар ўша асарлар қаҳрамонлари номидан бир-бирларига ёзилган бўлади. Уларда ҳам қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, орзу-интилишлари ифодаланади. Бу хил номаларнинг хусусияти шундан иборатки, улар қайси асар тўқимасида бўлса, ўша асар вазни ва қофияланиши усулида битилади.

Бундай номаларнинг энг гўзал намуналарини Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларида учратамиз. Уларда Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун номларидан ёзилган ажойиб ҳароратли мактублар бор.

Кейинги даврларга келиб номаларнинг хили кўпайди. Жумладан, Муқимий, Фурқат, Завқий, Тажаллий каби шоирлар томонидан ёзилган саёҳатномалар<sup>3</sup> нома жанрининг янги тури сифатида юзага чиқди. Бу нома-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, I китоб. II нашр, 297-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти тарихи, I том, 166-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Ғ. Каримов. Ўзбек адабиёти тарихи, III китоб, 129-бет.

ларнинг формал-поэтик жиҳатлари ҳам «Муҳаббатнома» ёки Навоий дostonларидаги номалардан фарқ қилади.

Жумладан, Муқимий «Саёҳатнома»си мураббаъ жанри формасида ёзилган бўлиб, *а-а-а-б, в-в-в-б* ва ҳ. к. усулида қофияланган, унда арузнинг ражази мусаммани солим (мустафъилун мустафъилун) баҳри истифода этилган.

Номалар жанр хусусиятларига кўра икки хил бўлади:  
1. Лиро-эпик нома. 2. Лирик нома.

Лиро-эпик нома маълум сюжет хусусиятларига эга бўлган асардир. Масалан, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си ёки Муқимийнинг «Саёҳатнома» ва «Танобчилар» сатирасида ана шундай жиҳатлар мавжуд. Агар «Муҳаббатнома»да лирик қаҳрамон кечинмалари тадрижий равишда тасвирланса, «Саёҳатнома»да лирик қаҳрамоннинг кўрганлари баён қилинади. Айни замонда ҳар икки шоир ҳам тасвир этилаётган нарсаларга ўз муносабатини билдиради.

**Лирик нома** аксарият ҳолларда шоирлар томонидан дўстларига, устозларига, маъшуқа ёки ошиқ номига ёзилади. Бундай номаларнинг энг яхши намуналарини Навоий яратган. Унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларидаги ошиқ ва маъшуқлар мактублари, шунингдек, Муқимийнинг Фурқат, Нодим ва бошқаларга, Фурқатнинг Муқимий, Тошболтуга ёзган шеърӣ мактублари лирик номалардир.

Бундай номаларда шоирнинг шахси лирик қаҳрамон шахси билан уйғунлашиб кетади. Кечинмалар тасвири хийла реал ва конкрет бўлади.

Октябрь революциясидан кейинги поэзиямизда ҳам бу жанр яшаб келмоқда. У янгича сифат, янгича шаклда ривожланмоқда. Замонамиздаги номалар реалистик асарлар бўлиб, асосан, бармоқ вазнида яратилган.

«Шеърӣ нома ўзбек совет адабиётида янги моҳиятга эга бўлди. У халқ номидан ёзилган, унинг ғалаба ва ютуқларини, партия ва Совет ҳукуматига миннатдорлигини баён қилувчи коллектив ижод тусини олди. «Коммунизм съездига — элимиз армуғони», «Ташаккурнома» (Улуғ рус халқига ўзбек халқидан мактуб), Ўзбекистон ССРнинг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети номига ўзбек халқи номидан ёзил-

ган «Саломнома» ўзбек совет адабиётининг кейинги йиллардаги шеърий мактублари — коллектив шоирлар ижодидир»<sup>1</sup>.

## СОҚИЙНОМА

Соқийнома шарқ классик адабиётидаги шеърий формалардан биридир. Соқийнома ҳам поэзиянинг таржебанд, таркиббанд турлари каби бир неча банддан иборат бўлади. Ҳар бир банд маснавий формасида қофияланади. Соқийнома аксар соқийга мурожаат билан бошланади. Унинг соқийнома деб аталишининг боиси ҳам ана шунда. Соқийнома ўзининг баъзи бир хусусиятлари (ҳажмининг катталиги, бирор масалага бағишланиши ва бошқалар) билан воқеабанд асарга ўхшаб кетади. У ўзбек адабиётига форс-тожик адабиёти орқали кириб келган.

Ўзбек адабиётидаги соқийноманинг энг яхши намунаси сифатида Навоийнинг «Фавойидул-кибар» девонига киритилган 158 байтли асарни кўрсатиш мумкин. Асар 32 банддан иборат бўлиб, бандлар ҳажми ҳам, вази ҳам турлича. Лекин уларни ягона мавзу, ғоявий-эстетик ният бир бутун асар шаклига келтирган. Навоийнинг қариган чоғларида ёзган бу асари ҳам ранг-баранг ҳистуйғулар билан суғорилган. Шоир бунда вафот этган дўстларини, ҳаётда, адабиёт соҳасида ўзи билан яқин муносабатда бўлган, ўз таланти билан маданият ва санъат тараққийсига катта ҳисса қўшган кишиларни эслайди, уларни соғиниб, юраги эзилади, ўтдай ёнади.

Меҳрибонлар қани, аҳбоб доғи?  
Ҳамнишинлар қани, асҳоб доғи?  
Барча гурбатга хиром айладилар,  
Хулд боғини мақом айладилар.  
Ҳар бири ҳажрида кўп ўртандим,  
Кўпга чун чекти фироқ ўртандим<sup>2</sup>.

Бунда шоир самарқандлик талантли шоир, йигитлик палласида вафот этган дўсти Мирзобекни, марҳум Муҳаммад Муаммой, Хожа Камол Мир Садр, Суҳайлий, Паҳлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер ва бошқаларни эслайди, уларнинг фазилатларини улуғлайди. Масалан, у Паҳлавон Муҳаммад ҳақида шундай ёзади:

<sup>1</sup> Адабиётшунослик терминлари луғати, 136- бет.

<sup>2</sup> Ҳ а з о й и н у л м а о н и й, IV, 702- бет.

Ҳар бағир ёрасининг марҳами ул,  
Қирқ йиллик бу гадо ҳамдами ул.  
Махфий асрорда дамсоз манга,  
Ҳар ниҳон розда ҳамроз манга.  
Бори ҳамдамлар ичинда фардим,  
Ёриму ҳамнафасу ҳамдардим<sup>1</sup>.

Ута таъсирчан, қалб торлари нозик шоир ўз қайғу-аламларини, руҳий изтиробларини май билан енгиллатмоқчи бўлади ва ҳар банднинг бошида соқийга мурожаат қилади:

Соқие, тут қадаҳи шавқангез,  
Сув каби софу ўт янглиғ тез<sup>2</sup>.

Ҳаётни севган, ундан баҳраманд бўлишни тарғиб этган шоир қанча қайғуга ботмасин, умидсизликка берилмайди. У вафот этган дўстлари билан бир қаторда барҳаёт, бадий-ижодий иш билан шуғулланаётган қаламкаш дўстларини ҳам тилга олади, улар билан бир вақтда яшаётганлигидан фахрланади:

Нутқнинг гарчи шикоят дери бор,  
Шукрдин доғи ҳикоят ери бор.  
Ким агар бордилар андоқ асҳоб,  
Яна жамъи ҳам эрурлар аҳбоб<sup>3</sup>.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, шоир асарнинг формал талабларини жуда чуқур ўрганган, унинг қаламини форма эмас, балки бу формани шоирнинг ҳис-туйғулари, фикрлари етаклаб боради. Унинг инсоний қиёфаси, шоирона қалби, гуманистик фазилатлари шу лирик форма ойнасида мумкин қадар тўла ва чуқур акс этган.

Алишер Навоийдан кейин ҳам соқийнома жанрида тапиқли шоирлар ижод этганлар, лекин кейинчалик бу жанрда асар камроқ яратилади.

## МУНОЗАРА

*Мунозара* (منظره) тортишув, фикр олишув маъноларини билдиради. Поэтик термин сифатида эса форс-тожик ва ўзбек классик поэзиясида маълум жанрнинг

<sup>1</sup> Ҳатойишул-маоний, IV, 713- бет.

<sup>2</sup> Ш у к и т о б, 692- бет.

<sup>3</sup> Ш у к и т о б, 719- бет.

номидир. Мунозарада турли нарса, ҳодиса, тушунча, ҳолат ва бошқалар конфликтга киришади. Образлар кўпинча рамзий моҳият касб этиб, мунозара қиладилар.

Мунозара жанри форс-тожик, ўзбек ва бошқа халқлар классик поэзиясида муҳим ўрин тутган бир жанрдир.

Ўзбек ва бошқа туркий халқлар поэзиясида мунозара замири халқ оғзаки ижоди — қадимги обидаларга бориб тақалади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ёз ва қиш мунозараси берилган. «Девон»даги бу мунозара тўртлик формасида яратилган бўлиб, *а-а-а-б, в-в-в-б* типига қофияланган. Мазкур тўртликлар «Девон»нинг турли ўринларида учрайди. Агар улар бир жойга жамланса, ёз билан қиш ўртасида мунозара тикланади. Мазкур мунозара турли хрестоматияларда эълон қилинган. Бу мунозарада ёз ва қишнинг ўзига хос хусусиятлари жуда чиройли, образли мисраларда тасвир этилган. Мунозара жанрига хос парчалар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» дostonларида бор.

Кейинчалик бу жанр XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмидан ўзбек ёзма адабиётида кенг тараққий қилди. Бу давр мунозаралари тараққиётига форс-тожик адабиётида яратилган мунозараларнинг ҳам таъсири катта бўлди.

Маълумки, XI асрда яшаган Асади Тусий «Мунозараи шабу рўз» («Тун билан кун мунозараси»), «Мунозараи осмону замин» («Осмон билан ер мунозараси»), «Мунозараи габру муслим» («Қофир ва мусулмон мунозараси»), «Мунозараи арабу Ажам» («Араб ва ажамлик мунозараси») сингари асарларни яратган эди. Бу асарлар туркий шоирлар орасида ҳам катта шухрат топган эди. XV аср бошларида яшаган Аҳмадий, Юсуф Амирий ва Яқиний томонидан яратилган мунозаралар жуда кўп жиҳатларидан Асади Тусий мунозараларига ўхшаб кетади.

Аҳмадийнинг «Руджоманинг оросинда мунозара ва мубоҳаса» асарида музика асбоблари орасидаги тортишувлар ҳикоя қилинади<sup>1</sup>.

Мунозаранинг бошланишида шоир насрда традицион ҳамд, наът ва китобнинг ёзилиш сабабларини айтади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Э. Р. Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV века, стр. 206—213.

Аҳмадий мунозараси рамали мусаддаси маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилган маснавийдан иборатдир.

Мунозаранинг давомида Тамбура, Уд, Чанг, Қўбуз, Ётуғон, Рубоб, Гижжак, Кунгура ўртасидаги тортишувлар тасвир этилади. Баҳсни Тамбура бошлаб, ўз овозининг ёқимли, роҳатбахш эканини айтади. Айни замонда Удни қорни йўғон хўжа, Чангни ақли калта, нодон, гап уқмас деб айблайди:

Бўлмади ҳаргиз фуқаро ҳамдами,  
Тамбуратек нокасу ноодами.  
Боштин-оёқ қомати талбис эрур,  
Балки ўзи модари иблис эрур<sup>1</sup>.

Айтилганлардан маълум бўладики, Аҳмадий мунозарасида қаётда учрайдиган турли гуруҳ одамлар, уларнинг характер-хусусиятлари мажозий формада тасвир этилган, одамлар орасида учрайдиган кеккайиш, манманлик, худбинлик сингари феъл-атворлар қораланган.

Юсуф Амирийнинг «Банг ва чоғир оросинда мунозара» асари шеърӣ ва насрий йўлда ёзилган.

Мазкур мунозаранинг бошланишида традицион ҳамд, наът, китобнинг ёзилиш сабаблари берилади. Сўнг воқеа баён қилинади:

«Бир кун асҳоб фурқатидин ва аҳбоб ҳасратидин мутафаккир ва мутаҳаййир ўлтурур эрдим, ичим бушти, ногоҳ бошимда боғ ҳавоси тушти, сайр эта чиқтим. Боғ ичра гашт ютиб юрур эрдим сабо бикин, дедимки: «учрагай манга бир сарв қомате!» Ногоҳ бир неча мувофиқи ҳамсухбатни кўрдумки, бир гўшада ўлтуриб эрдиларким, аларнинг орасида мухолиф рост келмас эди»<sup>2</sup>.

Улар шоирга оёқ (қадаҳ) тутадилар, бироқ у рад этади, энди унга маъжун (банг) бермоқчи бўладилар. Аммо шоир уни ҳам рад қилади.

Шундан сўнг чоғир билан банг ўртасида мунозара бошланади. Ҳар бири ўзини мақтайди, ўз сифатларини улуғловчи далиллар келтиради.

Юсуф Амирий чоғирни ёш, кучга тўлган йигит сингари, бангни эса таркидунё қилган дарвеш сўфи қиёфасида тасвирлайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти, I том, 507- бет.

Ў ш а к и т о б, 240- бет.

Юсуф Амирий мунозараси чинакам дунёвий ғояларни тараннум этувчи, оптимизм, дунёни севишни тарғиб қилувчи асардир. Унда шоирнинг таркидунёчилиikka бўлган салбий муносабати яққол кўриниб туради.

Амирий мунозараси, филология фанлари доктори Э. Рустамовнинг кўрсатишича, озарбайжон шоири Фуззулийнинг «Бангу бода» мунозарасига катта таъсир этган<sup>1</sup>.

Яқинийнинг «Ўқ-ёй оросинда мунозара» асари кўпроқ прозаик йўлда ёзилган. Бунда чол қиёфасидаги ёй билан йигит қиёфасидаги ўқ ўртасидаги мунозара тасвир этилган.

Мунозара катта ҳажмли бошқа жанрдаги асарлар таркибига ҳам кирган. Масалан, Нишотийнинг «Хусн ва Дил» достонида созлар ва гуллар мунозараси бор. Мунозара жанри элементларини «Хисрав ва Ширин» (*Қутб*), «Юсуф ва Зулайҳо» (*Дурбек*), «Лисонут-тайр» (*Навоий*) каби асарларда кўрамиз.

Мунозаралар яратиш анъанаси кейинги давр ўзбек поэзиясида ҳам давом этди. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида ҳам мунозара элементлари мавжуд. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Мевалар мунозараси» классик поэзиямиздаги энг сўнгги мунозаралардандир.

Ўзбек совет поэзиясида ҳам бу жанрда асарлар яратилган. Султон Жўранинг «Тиниш белгилар мажлиси» асари бунинг мисолидир.

## МАРСИЯ

*Марсия* (مرثیه) арабча сўзидан олинган бўлиб, йиғламоқ, аза тутмоқ, қайғурмоқ маъноларини билдиради. Шеърий терминологияда эса вафот этган бирор шахс сифатларини таърифловчи, уни мақтовчи, унга бўлган шоир муносабатини ифодаловчи, лирик қаҳрамоннинг қайғу-ҳасратларини тасвирловчи асардир.

Марсия рус ва Европа поэзиясидаги элегияларга ўхшайди.

Марсия туркий поэзияда жуда қадимий анъаналарга эга. Бизгача Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали Алп Эртунга (Афросиёб) ўлимига

<sup>1</sup> Э. Рустамов. Кўрсатилган китоб, 222- бет.

бағишланган марсия етиб келган<sup>1</sup>. Тўққиз тўртликдан иборат мазкур марсиянинг бошида Афросиёб ўлими муносабати билан бутун юрт қайғуда экани тасвирлангач, унинг сифатлари баён этилади: у баҳодир, огир ишларни бажарувчи, бардошли, дастурхони очиқ — сахий одам эди. Унинг ўлиmidан амирлар юзлари заъфарон бўлиб, ўкириб-ўкириб йиғлайдилар.

«Девон»да Афросиёб тўғрисидаги марсиянинг ҳаммаси келтирилмаган бўлиши мумкин. Аммо келтирилган парчаларнинг ўзи ҳам қадимий туркий марсияларнинг хусусиятлари тўғрисида маълум тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бундай марсиялар *а-а-а-б, в-в-в-б* типдаги тўртликлардан иборат бўлган ва бармоқ вазнида яратилган.

Е. Э. Бертельснинг кўрсатишича, араб поэзиясидаги марсиянинг келиб чиқиши исломгача бўлган хотин-қизлар ижодкорлиги билан боғлиқ<sup>2</sup>. Форс-тожик ёзма адабиётида эса марсия Рудакий давридан бери маълум. Чунончи, Рудакийнинг Шаҳиди Балхий вафотига бағишланган марсияси сақланиб қолган. Айрим форс-тожик шоирлари (масалан, Амъақи Бухорий<sup>3</sup>) марсия жанрида шуҳрат қозонганлар.

Ўзбек дунёвий поэзиясида марсия XIV асрдан бошлаб тараққий қилди. Марсия прогрессив адабиётдан ҳам, реакцион адабиётдан ҳам ўрин олган. Бинобарин, марсияларда бир-биридан фарқ этувчи ёки зид бўлган ғоя ва эстетик ниятни кўрамиз.

Подшолар, амирлар, диний арбоблар вафотига бағишланган марсияларда феодал-сарой ёки диний-мистик адабиёт намояндалари уларни идеаллаштирганлар, хушомадгўйлик қилганлар ёки бадбинлик ва таркидунёчилик майлларини тарғиб қилганлар.

Ўзбек адабиётида Улуғбек, Лутфий, Навоий, Бобир, Мунис, Огаҳий, Муқимий каби буюк шахсларга бағишланган марсиялар ҳам борки, уларда тасвирланган хислатлар ва лирик кечинмалар ҳаққоний ва реалдир.

Шунингдек, айрим шоирлар ўз фарзандлари, рафиқалари, ота-оналари ва қадрдон дўстлари вафотига бағишлаб ҳам марсиялар ёзганлар.

---

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Ўзбек адабиёти, I том, 28—31-бетлар.

<sup>2</sup> Е. Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы, стр. 93.

<sup>3</sup> Ш у к и т о б, 461-бет.

Одатда, қадимги марсиялар кўпинча фалсафий характерга эга бўлган. Уларда шоирлар дунё ва унинг қурилиши, чархнинг яхшиларга нисбатан адолатсизлиги тўғрисида; яхши одамлардан фақат яхши ном қолиши, бу эса энг катта эзгулик эканлиги ҳақида фикр юритганлар. Марсияларнинг ушбу хусусиятлари уни фалсафий поэзия билан яқинлаштиради.

Ўзбек совет поэзиясида илк марсия намуналарини Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий яратган. Унинг «Турсуной марсияси» асари ўзбек санъатининг қалдирғочи, жоҳил эри Ҳожиқул томонидан ваҳшиёна ўлдирилган Турсуной хотирасига бағишланган.

Ҳамза марсиясининг ўзига хос хусусияти унинг чуқур оптимизм билан суғорилганлигидир. Марсияда шоир курашчанлик ғояларини олға суради. Ҳамза марсияси озодлик, эрк учун курашга чақириқдай янграйди. Шунга ўхшаш ҳолни Сўфизоданинг Ленинга бағишланган марсиясида ҳам кўриш мумкин.

Марсия жанридаги шеърлар қаторига Шайхзоданинг Ғ. Ғулом вафотига, Абдулла Ориповнинг Ғ. Ғулом ва Шайхзода вафотига бағишланган шеърларини киритиш мумкин. Шоира Зулфиянинг Ҳ. Олимжонга бағишланган «Баҳор келди сени сўроқлаб» типидagi шеърлари ҳам марсиянинг яхши намуналаридандир.

## МАСАЛ

*Масал* (مَسْأَلَة) арабча сўз бўлиб, ўрнатма, мақол, ҳикоят маъноларини билдиради<sup>1</sup>. Классик адабий истилоҳда *масал* термини мақол ёки фразеологизм маъноларида ишлатилган. Зарбулмасал (ирсоли масал) санъати деганда бирор шеърда байтда мақол ёки фразеологик бирикма келтириш тушуниладиган.

Чунончи, Навоий «Мажолисун-нафоис»да Мирза Ҳожи Сугдийнинг қуйидаги байтини келтириб, ёзади:

Ўхшотти қоматингга санубарни боғбон,  
Бечора билмас эрмиш алифдин таёғни.

Бугина масални яхшигина боғлогон учун умид улким, тенгри таоло анга раҳмат қилмиш бўлғай<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Х. К. Баранов. Арабско-русский словарь, стр. 948.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Илмий-танқидий текст, 76-бет.

Навоийнинг қуйидаги байтида ҳам зарбулмасал санъати билан мақол келтирилган:

Оразин кўрдум ниҳон ашк айлади сиримни фош,  
Ёшурун қолмас ўгурлуқ уй ароким бўлса ёш<sup>1</sup>.

Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида *масал* сўзи мақол, фразеологизм маъносида ишлатилган.

*Масал* термини ҳозирги замон ўзбек адабиётшунослигида русча *басня* маъносида ишлатилади<sup>2</sup>. Ҳозирги маънодаги масал ўтмишда *панд*, *ҳикоят* деб аталган<sup>3</sup>.

Масалда турмуш ва ундаги воқеалар, инсонлар ҳаёти киноявий образлар орқали тасвир этилади. Унда аксар ҳолларда ҳайвонлар, қушлар, баъзан эса нарсалар предметлар образи яратилади.

Масал ўзбек классик адабиётида ҳам қадимий жанрлардандир.

Масалнинг келиб чиқиш заминлари қадимий халқларнинг тотемизми, ҳайвонлар тўғрисидаги эртақ ва афсоналари билан боғланади. Халқ эртақ ва афсоналарида ҳайвонлар ҳаёти тарзини кўрсатиш орқали кўпинча дидактик гоёлар тарғиб қилинади. Шоирлар мана шу хусусиятдан ёзма адабиётда фойдалана бошлаганлар.

Масал ҳақида гап кетганда, баъзан олимлар шоир ёки ёзувчи ўз фикрини очиқ-равшан баён этиш имкониятини тополмагач, масалга мурожаат қилади, деб ҳисоблайдилар. Гарчи айрим ҳолларда бу қараш ўринли бўлса-да, умуман, масал ҳаёт воқеалари ва кншилари бадий тасвирлашнинг ўзига хос тури—жанри бўлиб, услуб ва образ яратиш жиҳатидан бошқа жанрлардан катта фарқ қилади. Масал жанри ёки унинг услубига хос компонентлардан турли гоёвий-эстетик масалдаги ёзувчилар, реакцион адабиёт вакиллари ҳам, прогрессив адабиёт намояндалари ҳам фойдаланаверганлар.

Масал образларининг ўзига хослигини унинг жанр хусусиятларидан излаш керак. Масал турмуш ва ундаги

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, I том, 277-бет.

<sup>2</sup> Н. Т. Ҳотамов. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1969, 29-бет.

<sup>3</sup> И. С. Брагинский. Из истории таджикской народной поэзии, стр. 259; Н. Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти, Ғафур Ғуллом номидаги бадий адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1974, 186-бет.

воқеа-ҳодисаларни, инсонлар ҳаётини ўзига хос оригинал формада тасвирлайди. Ғоят жўн, адабий асарга кiritиб бўлмайдигандай туюлган воқеа-ҳодисалардан ҳам масалчи шоир янги хулосалар чиқариши мумкин.

Масалнинг асоси бўлган аллегорик образлар масалда икки муҳим вазифани бажаради: биринчидан, улар орқали инсон характери ифодаланади, ундаги бирор белга маъқулланади ёки қораланади; иккинчидан, уларда ҳайвонлар, қушлар ва бошқаларнинг табиий хусусиятлари ифодаланади. Масалда мана шу икки хусусият маҳорат билан юзага чиқарилсагина, асарнинг асосий мазмуни ойдинлашади.

Шуниси характерлики, халқ эртак ва афсоналарида узоқ асрлар давомида кўпгина ҳайвон ва қушларнинг характер-хусусиятлари, қилиқ-одатлари ҳақида маълум тасаввур шаклланган. Масалан, *йўлбарс* — паҳлавон; *бўри* — йиртқич; *айиқ* — қўпол, галварс; *тулки* — айёр, муғамбир; *қўй* — содда, ювош; *эчки* — доно, меҳнаткаш, меҳрибон; *қуён* — доно, қўрқоқ; *ит* — садоқатли дўст; *ҳўкиз* — меҳнаткаш ва ҳоказо.

Масалчи мана шу «тайёр» образлар билан иш кўради.

Масалда бир-икки кичик воқеа ҳикоя қилинади, кўпи билан тўрт-беш аллегорик образ иштирок этади, воқеа-ҳодисалар тезликда бўлиб ўтади. Агар узоқ давом этадиган воқеа-ҳодисалар тасвирланадиган бўлса, уларнинг энг асосий қисми — масал учун зарур бўлаги танланади.

Масалан, Сами Абдуқаҳҳорнинг «Така билан Эчки» масалини олайлик: Тарғил Ҳўкиз меҳмондорчилнк уюштириб, қадрдон Такани ҳам меҳмонга таклиф этади. Така ўзига оро бериб, юнглари тараб, туёқларини тозалаб зиёфатга отланаётганда Эчки ҳам бориш истагини билдиради. Бироқ Эчки қариб, хунук бўлиб қолгани учун Така уни олиб боришга ор қилиб, зиёфатга ўзи кетади. Шоир қиссадан:

Баъзан учраб қолади шундай такалар  
Ёки акалар<sup>1</sup>,—

деган ажойиб ҳисса чиқаради.

---

<sup>1</sup> Сами Абдуқаҳҳор. Қаҳрим ва фаҳрим, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1972, 17- бет.

Агар шу сюжетга инсонлар образини қўйиб тасвирланса, ё бутунлай бадний асар чиқмайди, ёки асарга янги ситуация, тўқима образлар киритишга тўғри келади. Натижада асарнинг масалдагидай таъсир кучи бўлмайди.

Демак, масал композицион қурилиши жиҳатидан содда, ништирок этувчилари оз, ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган лиро-эпик асардир.

Ўзбек классик адабиётида бу жанр XIV асрдан кўрина бошлайди. Унинг ривожига, хусусан, Алишер Навоий муҳим роль ўйнади. «Ҳайратул-аброр»даги «Шербилан Дуррож», «Салли Искандарий»даги «Булбул ҳикоятини», «Қабулар ҳикоятини» масаллари масал жанрининг барча формал-поэтик ва ғоявий талабларига тўла жавоб беради.

Кейинчалик масал жанридаги яхши асарларни Нишотий, Гулханий ва бошқалар ижодиётида кўрамиз.

Нишотийнинг «Ҳусн ва Дил» дostonида анчагина масаллар берилган. Улар «Шаҳбоз ва Булбул», «Гул ва Даф», «Най ва Шамшод», «Косан Чин ва Наргис», «Би-нафша ва Чанг» масалларидир<sup>1</sup>.

Шуниси характерлики, ҳар бир масалда иккитадан лирик-аллегорик образ бор. Улар масалда ўзаро мунозара қиладилар. Бирини ўзи ҳақида мақтов гапларини айтади, иккинчиси унга қарши фикр айтади. Шоир икки аллегорик образни бир-бирига қиёслаш орқали масал мазмунини биён қилади. Улардан хулоса чиқаришни эса ўқувчига ҳавола қилади. Шу хусусиятлари билан айрим масаллар мунозара жанридаги асарларга ўхшаб кетади.

Мана унинг «Шаҳбоз ва булбул» масали. Шаҳбоз ва булбул гўзал чаманзорда баҳслашадилар. Булбул Шаҳбозни «жаҳл асар», «бадмақол» ва «баджамол» деб атайдн. Булбул гапларидан ширин сўзли бўлиш, ёқимли куйдан завқлана олиш, жоҳилликдан қочини лозим деган хулоса чиқарилади:

Бозга Булбул деди:— Эй жаҳл асар!  
Санда қани савту наводиш хабар?  
...Қушлар аро сен киби бир бадмақол  
Мумкин эмас бўлмоғи, эй баджамол.

---

<sup>1</sup> Қаранг: В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. II китоб, 206—209- бетлар.

...Манман ўшул булбул гўёу хуш,  
Нағмам ўшул эл аро Довудаш<sup>1</sup>.

Бироқ Булбул ибратомуз гапларни айтиш билан бирга манманликка берилади. Шунинг учун Шаҳбоз ўз ўрнида Булбулга насиҳат қилади. Масалда камсуханлик ҳақида, худбинликнинг зарари ҳақида ажойиб фикрлар баён қилинади, соддалик, самимийлик энг юксак инсоний ғазилат сифатида тарафмун этилади:

Боз деди ангаки:— Хомуш бўл,  
Бўлма тил, иззат тиласанг, гўш бўл.  
...Англа яқинким мангодур ёзу-қиш —  
Юзни қилиб, бирин демослик равиш.  
...Ҳар киши худбин эса-у худпараст,  
Сен киби иқболи нетонг бўлса наст.  
...Манзили мақсад тиласанг, сода бўл,  
Жода киби сар-басар афтода бўл<sup>2</sup>.

Шоир қуруқ вайсақиликни қоралаб, сўзнинг қадр-қиммати юқори бўлиши лозимлигини уқтиради.

Нишотий «Гул ва Даф» масалида Даф (чилдирма) образи орқали ўзи яшаган даврда санъат аҳлларининг хор-зор эканлигини поэтик ишоралар билан баён қилади. Санъатнинг ривожланиши учун шарт-шароит йўқ эканлигини айтади.

Шоирнинг «Най ва Шамшод» масали ҳам диққатга сазовордир. Бунак Най Шамшод дарахтига ўткир панд-насиҳат қилиб, адл ва тик бўли билан мақтанмаслигини айтади. Қанчалик баландга кўтарилмасин, унинг оёғи лой нчида эканлигини, муддати етгач, хазон оли уни хароб қилишини уқтиради.

«Най ва Шамшод»нинг бошқа масаллардан фарқи шуки, унда иккала образнинг камчиликлари айтилади. Бировларнинг устидан кулиб яшаш одати танқид қилинади. Шоир бировларни назар-инсанд қилмайдиган калондимоғлар устидан қаттиқ ҳукм чиқаради.

Ўзбек классик масалчилигининг атоқли намоянчаси Муҳаммад Шариф Гулханийдир. Унинг «Зарбулмасал» асари ижтимоий ҳаётдаги иллатларни ўткир сатира тили билан фош қилади. Шоир ўз замонаси учун характерли бўлган воқеа-ҳодисаларни ёритади. Асарда феодал-

<sup>1</sup> Нишотий. Ҳусн ва Дил, Фафур Ғулом номидаги бадний адабиёт нашриёти. Тошкент, 1967, 198-бет.

<sup>2</sup> Нишотий. Ҳусн ва Дил, 198—199-бетлар.

зодагонларнинг лабдабали ҳаёти, очкўз, тамагир, қаллоб, мақтанчоқ, худбин, мансабпараст экапликларни очиб ташланади.

Асарда хондан тортиб оддий иш юритувчигача бўлган кишиларнинг аллегорик образлари яратилган. Ёзувчи турли ижтимоий гуруҳ вакиллари образини қушларга кўчириш билан қаноатланмайди: авторнинг ижтимоий гуруҳларга муносабати маиший ҳаёт тасвирини бериш орқали очилади. Япалоққуш билан Бойўғлининг қудачилик можаролари, яъни маиший ҳаёт тасвири асарнинг аллегорик асосини ташкил қилади. Япалоқнинг ўғлини баландпарвоз номлашида, ҳазиначи Қордонни назаринсанг қилмаганлигида, тўйга ясама дабдаба беришга уринишида, Бойўғлини камситишида, Гунашбонуга муносабатида XIX аср феодал зодагони характеридаги гайринисоний иллатлар тажассум топган. Қулонкир султон эса ҳарбий аристократиянинг ҳажвий образи даражасида тасвирланган. Қулонкир Маликшоҳида дангаллишини—ҳарбий бошлиқ бўлиб, катта-кичик ҳарбий зафарлар уни подшога яқин қилиб қўйган. Шунинг учун Қулонкирнинг кўзлари доим тамаъ иштиёқи билан ёнади. Қулонкирнинг назарида унинг «оласи» бор, «бераси» йўқ. Ҳатто у уйланаётган қиз ҳам Қулонкирга «мукофот» бўлмоғи лозим. Подшога яқинлик Қулонкирни шу даражага олиб борганки, у ҳатто элементар одоб нормаларини ҳам унутган. Унда ҳарбий аристократияга хос қўпол жисмоний куч ва жаҳолат мужассам.

Мақсадни аллегорик ифодалаш нуқтанан назаридан «Зарбулмасал»да берилган масаллар ҳам қимматлидир. «Маймун билан Нахжор»<sup>1</sup>, «Туя билан Бўталоқ», «Тошбақа билан Чаён» масаллари асар тўқимасига сингдириб юборилган.

Ўзбек классик ва ҳозирги замон масаллари аксар ҳолда шеър билан, баъзан эса насрда ёзилади. Масалан, Алишер Навоий, Нишотий, Гулханий, Ҳамза каби шоирлар ўз масалларини шеър билан ёзганлар, Гулханий эса масалларини ҳар икки хил ифода усулида (назм ва насрда) яратган. Гулханий «Зарбулмасал»нинг асосий сюжетини ташкил этувчи Япалоққуш ва Бойўғлининг қудачилик можаролари, шунингдек, «Тошбақа би-

---

<sup>1</sup> Қ а р а н г: «Ўзбек тили ва адабиёти» журн. 1973, № 5, 60-бет.

дан Чаёи» масали ҳам наерта битилган. Ҳамза кейинчалик бу масаланинг шеърӣй вариантыни яратган.

Классик адабиётдаги шеърӣй масалларнинг ҳаммаси маснавий усулида (а-а, б-б, в-в ва ҳ. к) қофияланган. Ўтмиш масалчилиги учун етакчи бўлган хусусият шундан иборат эдики, улар аксарият ҳолларда бирор асар тўқимасида келган. Уша асар ғоясини бирор жиҳатдан тўлдириш, қаҳрамон характеридаги бирор белгини таъсирли ва ёрқинроқ ифодалаш ниятида баъзан масаллар келтирилган. Жуда кўп ҳолларда ўтмиш масаллари дидактик ғояларни ифодалаган.

Ўзбек совет масалчилигида традицион маснавий формасидан ташқари, бошқа шеърӣй формалар ҳам истифода қилинмоқда. Уларда бармоқ вазни етакчи бўлиб қолди. Бизнинг давримизга келиб масал ғоявий жиҳатдан такомиллашди, унинг тематик доираси янада кенгайди, ижтимоий-сиёсий мавзуда кўплаб масаллар яратилди. Ҳозирги кунда Сами Абдуқаҳҳор, Ямин Қурбон, Азиз Абдураззоқ, Мухтор Худойқулов каби яхши масалчилар етишди.

## ҚИТЪА

*Қитъа* (قطعه) арабча сўз бўлиб, бўлак, қисм, парча маъноларини англатади. Х. К. Баранов қитъани: 1) парча (адабий асар); 2) кичик шеър; 3) музика асари деб изоҳлайди<sup>1</sup>. У адабий терминологияда классик поэзиянинг лирик жанрларидан биридир.

Қитъа араб, форс-тожик, туркий, жумладан ўзбек классик шеъриятида, кенг тарқалган жанрлардан биридир.

Бу жанр рус ва Ғарбий Европа поэзиясидаги фрагмент деб номланган шеърларга ўхшайди.

Одатда, қитъа икки ва ундан ортиқ байтдан иборат бўлади (а-б, в-б, г-б ва ҳоказо), баъзан эса а-а, б-б, в-в схемасида қофияланади.

Масалан:

Камол эт касбким, олам уйилин  
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотаом ўтмак биайниҳ,  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Х. К. Баранов. Арабско-русский словарь, стр. 831—832.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Ҳазойинул-маоний, I т., 725-бет.

Кимки ўзлук иморатин бузди,  
Бўлди нақди фано анинг музди.  
Ул иморатни бузмайин солиқ,  
Бўла олмас бу нақдга молик<sup>1</sup>.

Қитъа ўзбек классик шеъриятида, хусусан, Алишер Навоий ижодиётидан бошлаб катта ўрин эгаллайди. Проф. Ҳамид Сулаймоннинг кўрсатишича, «Хазойинул-маоний» тўнламига шоирнинг 503 байтдан иборат 210 қитъаси кирган<sup>2</sup>.

Қитъа турли мавзуда яратилган. Шоирлар кўпинча фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларини, ахлоқ-одоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини қитъада ифодалаганлар. Шунингдек, прозаик асарларда — бадий наср, тарих, хотира ва бошқа асарларида маълум бир масала ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини якунлаб, кўпинча қитъа келтирилганлар. Қитъа «қиссадан ҳисса» вазифасини ўтаган (масалан, Саъдийнинг «Гулистон»и, Жомийнинг «Баҳористон»и, Навоийнинг «Маҳбубул-қуллуб»и ва бошқалар).

Навоий қитъанинг тематик-гоявий ва эстетик-бадий қимматини таърифлаб қўйидагича қитъа яратган:

Мундоқ муқаттаотки, мен йиғмишам эрур,  
Ҳар бири ҳадиқаи хирад айлар учун фароғ,  
Мажмуин уйла кишваре, англаки сатҳини,  
Қикмат суйидин айламишам қитъа-қитъа боғ<sup>3</sup>.

Қитъаларда таҳаллус қўллангани шарт бўлмаган. Бироқ айрим қитъаларда, хусусан 7 байтдан ортиқ бўлган қитъаларда, шоир таҳаллуси ҳам келиши мумкин.

Масалан, Навоийнинг:

Важҳи маош учун кишиким деса фикр этай,  
Қисмат ризосидин анга бегоналиқ керак,

деб бошланувчи 9 байтли қитъаси қўйидаги таҳаллуси байт билан тамом бўлади:

Десаиғ халос ўлай борисидин Навоийдек,  
Беҳудлугу май нимаку давоналиғ керак<sup>4</sup>.

Тўлалигича келтирилган қўйидаги қитъада таҳаллус биринчи байтдадир:

<sup>1</sup> Алишер Навоий, Хазойинул-маоний, I том, 735- бет.

<sup>2</sup> Шу асар, XIV бет.

<sup>3</sup> Шу асар, IV том, 735- бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий, Хазойинул-маоний, I том, 723- бет.

Эй Навоний, кишига берма кўнгул,  
Агар ул хурурдир, йўқса пари,  
Васли нафъи буки чеккайсен жоп,  
Ултурур лек фиروقи зарари<sup>1</sup>.

Классик девонларда қитъалар алоҳида туркум қилиб жойлаштирилган. Авторлар уларнинг ҳар бирига шу қитъа гоёсини ифодаловчи сарлавҳа қўйганлар. Масалан, Навоний ёзди:

Пок рў нисо таърифндаким инсон онсиз холидур ва олудаваш рижолким нурсизликдан дажжол бемисол-дур:

Юз туман попок эрдин яхшироқ  
Пок хотунлар аёғининг изи,

Лут ўғлини кўрки солди тийралик,  
Динга нафс илгида таби оқиши.

Даҳр аро ёқти саёдат машъалини,  
Пок равлиқтин расулуллоҳ қизи<sup>2</sup>.

Қитъа ўзбек классик адабиётида Навонийдан кейин ҳам салмоқли ўрин тутди. Мунис, Огаҳий, Аваз ва бошқа шоирларнинг девонларидаги қитъалар бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга, бадий наср, таърих, хотира ва бошқа турдаги насрий асарларда ҳам биз кўпгина қитъаларни кўрамизки, улар, одатда, фикрни яқунлайди, «қиссадан ҳисса» чиқаради.

## РУБОИЙ

*Рубоий* (رباعی) арабча сўз бўлиб, *тўртлик* деган маънони англатади<sup>3</sup>. Поэтик терминологияда эса тўрт мисрадан иборат, *а-а-б-а* ёки *а-а-а-а* тарзида қофияланиб келувчи ўзига хос вазнда ёзилган мустақил шеър *рубоий* дейилади.

Рубоий дастлаб форс-тожик шеъриятида Рудакий ижодида пайдо бўлди. Унга халқ тўртликлари замин бўлди. Бу жанр араб адабиётидан ҳам салмоқли ўрин олди. Ўзбек классик шеъриятида рубоийнинг поэтик формасига, бир томондан, форс-тожик тилидаги рубо-

<sup>1</sup> Алишер Навоний, Хазойинул-маоний, 738-бет.

<sup>2</sup> Ш у а с а р, II том, 696-бет.

<sup>3</sup> Х. К. Баранов. Арабско-русский словарь, стр. 358.

ийлар, иккинчи томондан, ўзбек халқ шеърляти муҳим асос бўлди. Ўзбек халқ оғзаки ижодида рубойга ўхшаб кетадиган асарлар қадимдан буён мавжуддир. Ўзбек фольклоридаги кўпгина қадимий лирик шеърлар формал жиҳатдан рубойни эслатади. Бунга «Девону луготит-турк»даги кўпгина тўртликлар мисол бўла олади.

Рубой ва унинг формал-поэтик хусусиятлари тўғрисида ўтмиш олимлари ва ҳозирги адабиётшунослар қимматли фикр-мулоҳазаларни билдирганлар.

Шу фикр-мулоҳазалар асосида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Рубойлар тўрт мисрадан иборат бўлиб, ҳазаж баҳрининг «аҳрам» ва «ахраб» шажараларидаги 24 шуъбада яратилади. Бобирнинг кўрсатишича,<sup>1</sup> булар қуйидаги вазнлардир:

I. Аҳрам вазнлари:

1. Мафъулун фоънлун мафоъийлун фаъ
2. Мафъулун фоънлун мафоъийлун фоъ
3. Мафъулун фоънлун мафоъийлу фаъул
4. Мафъулун фоънлун мафоъийлу фаъувл
5. Мафъулун мафъулун мафъулун фаъ
6. Мафъулун мафъулун мафъулун фоъ
7. Мафъулун мафъулун мафъулу фаъул
8. Мафъулун мафъулун мафъулу фаъувл
9. Мафъулун мафъулу мафоъийлун фаъ
10. Мафъулун мафъулу мафоъийлун фоъ
11. Мафъулун мафъулу мафоъийлу фаъул
12. Мафъулун мафъулу мафоъийлу фаъувл.

II. Ахраб вазнлари:

1. Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун фаъ
2. Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун фоъ
3. Мафъулу мафоъийлу мафоъийлу фаъул
4. Мафъулу мафоъийлу мафоъийлу фаъувл
5. Мафъулу мафоъийлу мафъулун фаъ
6. Мафъулу мафоъийлу мафъулун фоъ
7. Мафъулу мафоъийлу мафъулу фаъул
8. Мафъулу мафоъийлу мафъулу мафъул
9. Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун фаъ
10. Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун фоъ
11. Мафъулун мафъулу мафоъийлу фаъул

---

<sup>1</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобир, Мухтасар, ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971, 55- ва ундан кейинги бетлар.

## 12. Мафъулу мафъийлу мафъийлу мафъул.

Характерли ўрни шундаки, Навоий ва Бобир даврларида яратилган рубоий ва рубоияларнинг кўпчилигида учинчи мисра бошқа вазнда яратилган. Чунончи, Бобир «Мухтасар»ида келтирилган рубоий ва рубоияларнинг дсярли ҳаммасида шу ҳолни кўриш мумкин:

Эй сендин ўлуб бағрим ҳам кўксум доғ,  
Кўнглум ўту ул ўтқа тўқуб ашким ёғ,  
Тан ўлса ғамнинг ичра жонингга фидо,  
Жон куйса муҳаббатингда, сен бўлғил соғ.

Бобир мазкур рубоийнинг 3- мисраси ахрабининг мафъулу мафъийлун мафъулу мафъул (қолган мисраларида охирги рукн фоъ) вазнида битилганини кўрсатади<sup>1</sup>. Бобир келтирган мисолларнинг кўпчилигида бир рубоийнинг ўзп 2 хил вазнда ёзилган. Бизнингча, бунинг сабаби шуки, шоир шеърхон диққатини асосий фикрга тортиш учун ўша фикр ифодаланган мисрани (аксарият 3- мисрани) бошқа вазнда яратади.

2. Рубоий қофияланишига қараб икки хил бўлади:

1) **Ҳосий рубоий** — а-а-б-а шаклида қофияланади;

2) **Рубоия ёки таронаи рубоий** — ҳамма мисралар қофиядош бўлади (а-а-а-а).

3. Рубоий форс-тожик поэзиясидаги «ду байти» (ёки «ду байтий»)дан ғоявий-тематик ва формал-поэтик хусусиятлари билан фарқ қилади. «Ду байти» вази жиҳатида ҳам, қофияланиши жиҳатидан ҳам эркинроқ бўлади.

Рубоийда хийла қатъий композиция ҳам мавжуд. Энг яхши ёзилган, жанрнинг барча талаблари эътиборга олинган рубоийларда, асосан, тўрт элемент бўлади. Бу элементлар тўрт мисрада айтилмоқчи бўлган фалсафий, ахлоқий ёки дидактик фикрининг тўғри, бадий юксак композицион жиҳатдан пишиқ бўлишини таъмин этади. Шунга кўра, рубоийнинг биринчи мисраси *тезис* бўлиб, унда шоир мазкур рубоийда айтмоқчи бўлган фикрни ўртага ташлайди. Бошқача айтганда, рубоийнинг биринчи мисраси унинг темасини ифодалайди. Иккинчи мисрани маълум маънода *антитезис* дейиш мумкин. Бунда биринчи мисрага қарама-қарши фикр айтилади. Рубо-

<sup>1</sup> «Мухтасар», 59-бет.

ийхон биринчи мисра билан иккинчи мисрани, ундаги фикрларни қиёслайди, ижобий мазмун билан салбий мазмунни, тасдиқ билан инкорни, уларнинг ҳаёт, жамият қонун-қоидалари билан қанчалик мос келиш-келмаслигини муҳокама қилиб кўради.

Рубойининг учинчи мисраси *моддан рубоия* деб аталади. Бу мисра шоирнинг тўртинчи мисрада айтмоқчи бўлган хулосаси учун кўприк вазифасини ўтайди. Рубойининг тўртинчи мисраси *синтез* деб аталади. Бунда шоир аввалги уч мисрадан ғоявий хулоса чиқаради. Бу хулоса шоирнинг асосий ғоясидир.

Рубойнинг бу намунаси форс-тожик адабиётида Умар Хайём ижодида тўла шаклланди.

Бу жапрнинг яна бир томони борки, талант билан ёзилган ҳар бир рубойга, ҳатто унинг ҳар бир мисрасига мақол ва ҳикматли сўзлардан эквивалент топиш мумкин. Айни пайтда кўпгина рубойларнинг мисралари халқнинг мақол ёки ҳикматли сўзларига айланиб кетган. Маълумки, мақол ва ҳикматли сўзлар оғзаки ижоднинг энг кичик намуналаридандир. Ўзбек рубойсининг шаклланишида ўзбек фольклори муҳим фактор бўлди, деган тезисни мақол ва рубойнинг мана шу яқинлиги ҳам тасдиқлайди.

Ўзбек классик адабиётида Алишер Навоий ва Бобир рубойининг энг яхши намуналарини яратдилар.

Навоий рубойларида дастлаб кўзга ташланадиган нарсалар уларнинг тематик ранг-баранглиги ва формал-поэтик жиҳатдан баркамоллигидир. Жумладан, Навоий рубойларида меҳнатни улуғлаш, риёкор шайхларни қоралаш, золимлар зулмига лаънат тошини ёғдиришу мазлумлар ҳолига ачиниш, дўстликни ёқлаб, мунофиқликни фош қилиш, эзгуликни тараннум этиб, ёвузликка нафрат билдириш, эркинлик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишу эркисизлик даҳшати, сўнмас ишқ созию вафо таронаси ўз ифодасини топган. Қисқаси, шоир XV аср ўзбек адабиёти учун муҳим бўлган деярли барча масалаларга рубой бағишлаган.

Навоий рубойларида ҳам классик рубой учун хос бўлган тўрт элемент (тезис, антитезис, моддан рубоия, синтез) мавжуд:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтун қафас ичра ғар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш<sup>1</sup>.

Бу рубойидаги биринчи мисрада гурбатда умр кечи-  
раётган одамнинг барча шодликлардан маҳрумлиги баён  
қилинган. Иккинчи мисрада элнинг ҳамроз ва меҳрибон  
эмаслиги ҳақида фнкр юритилади ва бу «шафиқу меҳри-  
бонлик» биринчи мисранинг огир руҳига, мазмунига қа-  
рама-қарши қўйилади. Учинчи мисрага «олтун қафас»,  
«қизил гул» образлари олиб кирилади, тўртинчи мисра-  
даги булбул ва унинг яшаш тарзини баён қилиш учун  
замин ҳозирланади. Тўртинчи мисра эса аввалги уч  
мисранинг синтези, улардан чиқарилган мантиқий ху-  
лосадири.

Бу рубойида Навоий ижоди учун характерли бўлган  
ғоялардан бири — эрк идеали куйланган, эрксиз, тутқун  
ҳаёт даҳшатлари баён қилинган.

Навоийнинг «Хазойинул-маоний» девонида эрксиз-  
лик даҳшатларини, дўсту ҳамрознинг, ҳомий ва меҳри-  
боннинг йўқлигини, фалакнинг бераҳмлиги-ю, даврон-  
нинг бемеҳрлигини ифодаловчи рубойлар кўп. Улар-  
нинг айримларида шоир ҳаётининг баъзи нуқталари акс  
этган:

Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ,  
Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ,  
Теграмда аниси жон гудозим ҳам йўқ,  
Бошимда шоҳи банда навозим ҳам йўқ<sup>2</sup>.

Алишер Навоий рубойларида мангу барҳаёт ва ҳа-  
миша навқирон бўлган дунёвий муҳаббат темасига ҳам  
кенг ўрин берилган. Шоирнинг бу темадаги шеърларида  
рубойининг қатъий формасига, яъни унда тўрт элемент  
бўлишига амал қилилмаганини кўрамиз. Бу ҳол унинг  
рубойи тароналарида кўпроқ учрайди. Буларда одат-  
даги тўрт элемент эмас, маъшуқа сифатлари ё ошиқ ке-  
чинмаларини ифодалаш устун туради. Шоир 1—2—3-  
мисраларда маъшуқа сифати ва ошиқ кечинмаларини  
баён қилиб, тўртинчи мисрада ўз хулосасини — рубой  
синтезини беради. Демак, бундай рубойларда тезис,  
антитезис эмас, аксар ҳолларда моддаи рубоия берила-  
ди. Шоир бундай рубойларда шеър мисраларининг афо-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Хазойинул-маоний», I том, 754-бет.

<sup>2</sup> «Хазойинул-маоний». 759-бет.

ризм тарзида ихчам ва кенг мазмунли бўлишига эришади:

Қўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши,  
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,  
Бир-бир не дейни, боштин-аёғинг яхши<sup>1</sup>.

Шоирнинг айрим ижтимоий мазмундаги рубойлари ҳам мана шундай усулда яратилган. Бу ҳол ҳар бир мисрага кучли гоаявий салмоқ бериш имкониятини яратади:

Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,  
Ўз ҳолига саргашту ҳайрон мендек,  
Ғам куйида хонумони вайрон мендек,  
Яъники, алохону аломон мендек<sup>2</sup>.

Алишер Навоийнинг айрим рубойларида қиёслаш кучли. Уларнинг биринчи ва иккинчи мисраларида инсон ҳаёти, инсоний муносабатлар, инсонга алоқадор воқеа-ҳодисалар баён қилиниб, учинчи ва тўртинчи мисраларда шунга параллел ҳолда қиёс объекти берилади. Натижада образли фикрлашга тўғри келади, рубой мазмуни равшанлик, эмоционаллик касб этади:

Бераҳмдурур оламу золим афлок,  
Бемехрдурур анжуму даврон бебок.  
Қай сарви чаманки, жилва қилди чолок,  
Ким ерга тўкулмади нечукким хошок<sup>3</sup>.

Бу рубоияда замон ва давр бемурувватлигига чамандаги сарвнинг табиий хусусиятлари параллел ҳолда бериляпти. Натижада дунёнинг кажрафторлиги, золимлиги тагин ҳам равшанроқ ва таъсирлироқ ифода қилиняпти.

Бобир рубойларида тазод санъатидан фойдаланилган. Жумладан, қуйидаги рубойнинг ҳар бир мисраси тазод асосига қурилган:

Сен гулсану, мен ҳақир булбулдурмен,  
Сен шуъласану, ул шуълага мен кулдурмен,  
Нисбат йўқ деб ижтиноб айламаким,  
Шоҳмен элга вале сенга кулдурмен<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Хазойинул-маоний, 772- бет.

<sup>2</sup> Ўш асар, 760- бет.

<sup>3</sup> Ўш ерда.

<sup>4</sup> Бобир. Танланган асарлар. ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1958, 148- бет.

Бундаги 1—2—4-мисралардаги сўзларни антипод томонларга ажратиб чиқсак, ўзига хос шеърӣ таносиб ҳосил бўлади (*сен—мен, гул—булбул, шуъла—кул, шоҳ—қул*). Бу рубойда фикр динамик равишда ўсиб боради. Ундаги ҳар бир мисра фикрни эҳтиросли баён қилишининг ўзига хос лирик поғонасидир. Бу рубойни мисрама-мисра кўриб чиққанимизда, ундаги тадриж ҳодисасини пайқаш қийин эмас. Биринчи мисрада шоир томонларни, асосан, тенг ҳолатда қўяди. Бунда лирик қаҳрамон ва маъшуқа ҳали бир-биридан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас: бири булбул, бири эса гул; иккови ҳам ижобий маъноли сўз. Биринчи мисрада иккала лирик образ ҳам ҳаммага маълум парсаларга қиёсланаётганди. Шоир иккинчи мисрадан бошлаб қиёс учун антонимлар танлайди ва улардан бирини (ошиқ қиёсини) қофия қилиб келтиради. Натижада иккинчи мисранинг эмоционал кучи ортади, классик традициядаги ошиқнинг хоксорлиги ва камтарлиги билан лирик қаҳрамон характери тўлдирилади. Агар лирик қаҳрамон шоҳ бўлмаганда, шу билан бу фикр якунланар эди. Бироқ орада шоҳлик андишаси бор. Лирик қаҳрамон назарида ўзини кулга, севимли ёрини шуълага қиёслаши носамимий туюлади. «Нисбати йўқ», мамлакатда беқиёсу беназир бир кимсанинг—шоҳнинг бу гапларига маъшуқа ишонмаслиги мумкин. Шунга кўра, учинчи мисра тугал фикр айтиш учун ажойиб кўприк вазифасини ўтайди. Ошиқнинг маъшуқага садоқати мазмунини (рубойнинг асосий мазмунини) тўлдиради. Учинчи мисрадаги мантиқ тўртинчи мисрага замин тайёрлайди. Бундаги қиёслар ва тазод образлар бир-бирига шу қадар киришиб, чатишиб кетганки, улардан бирортасини тушириб қолдириб ҳам, бошқа бирор образ билан алмаштириб ҳам бўлмайди. Шоир булбул ва гул каби сиртдан қараганда анча жўн, ҳатто шаблон образлардан лирик қаҳрамоннинг айна пайтдаги ҳолатини тасвирловчи ўзига хос мазмун топа билган.

Бобирнинг айрим рубойларида фикр умумийдан хусусийга, мавҳумликдан конкретликка томон ўсиб боради. Бунда лирик қаҳрамон дастлаб давр ва замоннинг, толе ва тақдирнинг носозлиги ҳақидаги фикрни ўртага ташлайди. Сўнгга ўз ҳаётидан бирор ҳодисани, бирор фактни келтиради. Рубой охирида ўз бошидан кечган бу воқеа-ҳодисани баҳолайди. Бу баҳо рубойнинг хулосаси бўлиб хизмат қилади:

Толёй йўқи жонимга балолёғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолёғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин, не юз қаролёғ бўлди<sup>1</sup>.

Шоир қуйидаги рубойида ўзининг мураккаб тақдири мисолида инсон ҳаёти мураккаблигини тасвирлаб, даврондан зорланади:

Даврон мени ўткарди сару сомонди,  
Айирди бир йўли мени хонумондин.  
Гаҳ бошма тож, гаҳ балоу таъна.  
Неларки бошимга келмади даврондин<sup>2</sup>.

Бу каби рубойларнинг Бобир ижодида кўплаб яратилиши бежиз эмас, албатта. Улар лирик қаҳрамон ҳаётининг ғоят мураккаб, характерининг серқирра бўлишини тақозо қилади. Шоир ўз шахсий ҳаётидан рубой учун материал топа билган.

Навоий ва Бобирдан кейин ўзбек классик адабиётида Пошшаҳўжа, Мунис, Огаҳий, Увайсий, Қомил Хоразмий, Муқимий каби шоирлар рубойлар ижод этдилар. Навоий ва Бобир рубойлари бу шоирлар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди. Бу ҳақда Мунис шундай рубой битган:

Сўз ичра Навоийки жаҳонғир дурур,  
Мунисга маоний йўлида пир дурур.  
Йўқ ғайрият андин ўзгаким айтурлар,  
Бу Шермуҳаммад, ул Алишер дурур<sup>3</sup>.

Мунис Навоийнинг «Қўрқутма мени тамугдин, эй зоҳиди ях» деб бошланувчи рубойси таъсирида янги рубой яратади. Бунда устозни рубойидаги қофия ва вазндан фойдаланади. Риёли шайхларнинг нариги дунё, дўзах ҳақидаги сафсаталари фош қилинади. Шоир рубойининг тўртинчи мисрасида айниқса янги, оригинал фикрни баён этади: шоир шайхнинг нариги дунё ҳақидаги сафсаталарининг ўзи дўзах деб ҳисоблайди:

Совуқ юзунг совутма, эй зоҳиди ях,  
Ишқ аҳлига таъна бирла кўп урма занах.

---

<sup>1</sup> Б о б и р. Танланган асарлар, 145-бет.

<sup>2</sup> М у н и с. Танланган асарлар. ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1957, 335-бет.

Сўзунгни бас эт, айлама изҳори азоб,  
Йиғ маъракани, қилмай намоён дўзах<sup>1</sup>.

Муниснинг айрим рубойларида фикр умумийдан хусусийга томон бориши тўртала мисрада, яъни рубойнинг бошидан охиригача давом этади. Бундай рубойларда келтирилган деталлар тобора конкретлашиб, ёрқинлашиб боради, лирик қаҳрамон туйғулари тагин ҳам ҳаётийлик касб этади. Мазмунни очиш учун келтирилган деталлар, лирик образларнинг ишontiриш кучи орта боради:

Ҳар дамки ҳаёлини қилурман, эй шўх,  
Умиди висолини қилурман, эй шўх,  
Улган танима равон кирар ширии жон,  
Чун ёди зулолини қилурман, эй шўх<sup>2</sup>.

Рубойда, одатда, шоирнинг бой турмуш тажрибалари натижасида пайдо бўлган хулосалар акс этади. Маълумки, панд-насиҳатлар аксар ҳолларда ёшларга қарата айтилади. Шоир ўз бошидан ўтказган ҳаёт ҳодисалари асосида ёшларга у ёки бу масалани ибрат қилиб кўрсатади. Мунис эса бир рубойида кексаларга насихат қилади, қариялар ахлоқи учун зарур бўлган фикрларни айтади:

Эйким, сенга етмушдур улуғлик сари ёш,  
Ёшлар билла тутма суҳбату қилма маош,  
Гар бу ўгутимни тутмасанг, маҳзал ўлуб,  
Ёрсан бошингга ёшлар илғидин тош<sup>3</sup>.

Қуйидаги рубойда лирик қаҳрамоннинг сурати билан сийрати (ташқи ва ички ҳолатлари) бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Бобир сингари тазоддан фойдаланиб, ижодкор инсоннинг мураккаб лирик образи яратилади:

Пурбарқмену гияҳга етмас зарарим,  
Пурраъмену кулоқга етмас хабарим,  
Пурашкмену этак тар ўлмас мендин,  
Пуроҳмену қўнғилни бузмас асарим<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> М у н и с. Танланган асарлар, 334- бет.

<sup>2</sup> У ш а а с а р, 334- бет.

<sup>3</sup> У ш а а с а р, 336- бет.

<sup>4</sup> У ш а а с а р, 338- бет.

Шоир маъиони кучайтириш мақсадида қуйдаги рубоийнинг синтези (тўртинчи мисраси)ни бир сўзнинг такроридан тузади:

Раҳм этмади ул кофири худрой, нетай,  
Холмига дами қилмади парвой, нетай,  
Ўлдурди мени қаҳр илаву қилмади лутф,  
Эй вой, нетай, вой, нетай, вой, нетай!<sup>1</sup>.

Бунда лирик қаҳрамон фиғонлари худди тошқин сувни эслатади. Тошқиннинг куч-қудрати мисрама-мисра ортиб боради ва шу даражага бориб етадиги, рубоий охирида лирик қаҳрамон «худрой» жафоларини айтиб нола чекишга ожизлик қилиб қолади, унинг фиғонида фақат бир бирикма («вой, нетай») қолади, холос. Муҳими шундаки, ўқувчи лирик қаҳрамоннинг бу ҳолатига ишонади. Бунда ошиқ фиғонининг чексизлиги, унинг қалбига сиғмай отилиб чиқаётганлиги аввалги уч мисра мазмунининг қонуний хулосаси сифатида берилган.

Шоирнинг қуйдаги рубоияси Бобирнинг «Даврон мени...», «Толе йўқи...» рубоийларига ҳамоҳангдир:

Гаҳ оқил ўлдинг, гаҳи жунуилиг қилдинг,  
Фикри шарафу хаёли дунлиг қилдинг,  
Ҳар ишга қўл урдинг забунлиг қилдинг,  
Мўниси, охир буқаламуилиг қилдинг<sup>2</sup>.

Даврон жафоларидан шикоят ўтмиш илғор фикр намоёндалари ижодида жуда кўплаб ифодаланган.

Огаҳийнинг қуйдаги рубоияси кучли социал мазмун билан суғорилган:

Дарду аламин эрур баче бедармон,  
Ҳар тун не ажаб тонггача бўлсам гирён.  
Ким, аҳли ҳасад менга қилса бўҳтон,  
Бовар қилиб они, ғазаб айлар султон<sup>3</sup>.

Бунда шоир султоннинг ҳасадчи ва бўҳтончилар ҳимоячиси, улар разолатини авжга чиқарадиган разил шахс эканлигини айтади. Мана шундай кажрафтор осмон остида яшаш шоир учун гоят огир. Шунинг учун унинг

<sup>1</sup> М у н и с. Танланган асарлар, 339- бет.

<sup>2</sup> Ў ш а а с а р, 337- бет.

<sup>3</sup> О г а ҳ и й. Танланган асарлар, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958, 256- бет.

қалбидан ёмонликка қарши ғазаб ва нафрат алангалари  
отилиб чиқади:

Қилмоқ била парвариш тикон гул бўлмас,  
Ҳам тарбиат ила зог булбул бўлмас,  
Гар асли ёмонға яхшилик минг қилсанг,  
Яхшилик онинг нияти билкул бўлмас<sup>1</sup>.

Классик шеъриятимизга назар ташласак, рубойлар-  
ни кўпроқ атоқли шоирлар ёзганини кўрамиз. Бу ҳол  
рубойининг ғоявий-тематик жиҳатдан мураккаб, шоир-  
дан катта шеърӣй маҳорат талаб этадиган лирик жанр  
эканлигини кўрсатади.

\* \*  
\*

Совет даврида рубойлар ҳам ғоявий-тематик, ҳам  
формал-поэтик жиҳатлардан тараққий этди. Уларнинг  
кўпчилиги бармоқ вазнида ёзиладиган бўлди. Энди ру-  
бойӣ ва соф туркий тўртликлар умумий хусусиятларига  
эга бўла бошлади.

Ўзбек совет поэзиясида яхши рубойӣ ва тўртликлар-  
нинг хусусиятлари умумлашди. М. Шайхзода, Ҳаби-  
бий, Р. Бобожон, Ш. Шомухамедов, Т. Йўлдош ва бошқа  
шоирлар яратган энг яхши рубойӣ ва тўртликларда кат-  
та ҳаётӣй ҳақиқат, зукко кузатувчанлик мавжуд. Буни  
ўзбек совет шеъриятида илк рубойӣлар яратган Мақсуд  
Шайхзода ижоди мисолида равшан кўриш мумкин.

Шоир Мақсуд Шайхзода В. И. Ленин ва Коммунист-  
тик партия тўғрисида, дўстлик ва қардошлик, баҳор ва  
Май байрами тўғрисида, шунингдек, рубойининг асрий  
темаларидан бири эзгулик ҳақида, Советлар юрти ва мил-  
лий урф-одат тўғрисида, пахтамик мадҳида, жонажон  
Москва ва Ленинград ҳақида ажойиб рубойӣлар ярат-  
ган. В. И. Ленин ҳақидаги рубойӣсида бугунги кун ру-  
бойисининг энг актуал темаси, бугунги асарларнинг ёр-  
қин образи В. И. Ленин эканлигини айтади:

Нималар мақтади у даҳрий Хайём?  
Бошқа бир замона, бошқа бир айём,

---

<sup>1</sup> О га ҳ и й. Танланган асарлар, 256-бет.

Биринчи рубой Ильяча онд,  
У менинг қофиям, илҳомим, дунём<sup>1</sup>.

Табиийки, Ленин образини тўрт мисрада ифодалашнинг сира иложи йўқ. Шунинг учун шоир Ленин мавзуга асосан бир лаҳзалик кичик, миниаюрт воқеа-ҳодисаларни танлайди. Шу кичик деталь ёрдамида улуғ доҳийнинг барҳаёт образини яратади. Мана, улардан бири. Шоир бунда ихчам деталлардан фойдаланади. Рубойга қизча образи киритилади:

Ёгингар бир оқшом ўтиб майдондан,  
Ҳайкали олдида тўхтадим ҳайрон:  
— Ленин пивмасин, чодирни тутгин!—  
Қизча опасини қистарди ҳар он<sup>2</sup>.

Яна бир рубойсида қизча образи орқали доҳийга меҳр-муҳаббатни ёрқин баён этади:

Биринчи синфда кўп зийрак бир қиз  
Деди муаллимга:— Домла, сўраймиз:  
«А»дан бошлангиз сиз алифбени,  
«Л»дан бошлаб беринг: «Ленин» ёзамиз<sup>3</sup>.

Бахтиёр болаларимизнинг В. И. Ленинга чексиз муҳаббатлари ҳақида минглаб асарлар яратилган. Аммо бу муҳаббатни рубойда ифодалаш новаторликдир.

Шоир «Уч саволга бир жавоб» шеърида Коммунистик партиянинг инсон шахсининг ўсишида, унинг маънавий юксалишида қудратли омил эканини кўрсатади:

— Қим берди дилингга ёруғ тарбия?  
— Қимга сен қойилсан устозим дея?  
— Қим сени яшатар ва яшартирар?  
— Лениннинг коллектив ўғли—Партия!<sup>4</sup>

Рубойдаги уч саволда шоир ғоят ҳассослик ва синчковлик билан инсоннинг камолотга эришувидаги деярли барча жиҳатларни тўплай олган ва буларни саволга айлантирган. Савол мисралари бир-бирини қатъий манتيқ асосида тақозо қилади, яъни инсон дилидаги ёруғлик, равшанлик фақат келажаги ёрқин ва аниқ авлодда бў-

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар, Олти томлик. II том, Ғафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1971. 306-бет.

<sup>2</sup> Уша асар, 307-бет.

<sup>3</sup> Уша ерда.

<sup>4</sup> Уша китоб, 307-бет.

лади, бундай авлод тарбиясини Коммунистик партия берган. Иккинчи мисрада шеърга устоз образи олиб килилади. Буюк устоз тарбияси билан Коммунистик партия раҳнамолиги уйғунлаштирилади. Ёруғ келажак, башариятга замонавий тарбия бериш, коммунистик жамият қуришдаги буюк раҳбарликни Партия мудом давом эттиради. Инсон ақл-заковатининг, гармоник ўсишининг чеки бўлмайди. Совет воқелиги абадий бўлганидек, унга КПСС раҳнамолиги ҳам абадийдир. Шу тариқа учинчи саволда фикр тараққиёти ўсиб, юксак чўққига кўтарилади. Мавзу ифодаси учун яна савол-мисралар тузишининг ҳожати қолмайди, саволларга жавоб келтирилади.

М. Шайхзоданинг «Уч дўст» номли рубоияси юқоридаги асарнинг мантикий давомига ўхшайди. Шеърдаги *Ғайрат, Меҳнат, Билим* образлари классик асарларда ҳам бор. Сиртдан қараганда шоир ўз салафларининг ғайратли бўлиш, меҳнат билан яшаш ва маърифатпарварлик гояларини такрорлагандек туюлади. Аммо бу нарсаларнинг ҳаммаси тамоман янгича идрок қилинган. Бу айниқса, рубоиянинг охириги мисрасида яққол кўрилади:

Ғайрат: мен тўхтамай жадал юрдим дер,  
Меҳнат: экканимни барвақт ўрдим дер,  
Билим: мушкулларни тез кемирдим дер,  
Уч дўстнинг кучидан ўлка баҳра ер<sup>1</sup>.

Бу уч элемент, «уч дўст» совет кишисининг яшаш формасига айланиб кетган. Совет кишиси ҳаётида бу уч буюк ирмоқнинг бирлашувидан ўлкамиз гуллаб-яшнайдди. Бу рубоияда беш йилликларнинг гигант қурилишлари ўз аксини топган, озод инсон қўлидан нималар келиши лирик планда баён қилинган.

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек поэзиясида ҳам классик анъаналар асосида рубоий ва рубоиялар яратилмоқда.

## ТУЮҚ

Ўзбек классик шеърятининг ўзига хос жанрларидан бири туюқдир. Туюқ сўзи туслаш ва туймоқ маъносини билдиради. *Туюқ* сўзи адабий термин сифатида XIV аср охири ва XV аср бошларида ишлатила бошланган. Бу

---

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар, II том, 308-бет.

ҳол мазкур жанрнинг поэзиямизда ўша даврларда тўла шаклланишдан далолат беради.

Туёқнинг келиб чиқishi замни-миллиларни халқ поэтик ижодида бориб тақалади<sup>1</sup>. Туёқларнинг формал-поэтик хусусиятларига ilk бор эътибор берган киши буюк Алишер Навоийдир. «Мезонул-авзон» асарида бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

«...Бириси «туёғ»дурким, икки байтқа муқаррардур  
ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали  
мусаддаси мақсурдур, мунодоқким (туёғ):

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабмудур?  
Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?  
Фонлотун фонлотун фоилон

Жонима пайваста новак отқолн  
Ғамза ўқш қошиға ёлабмудур?<sup>2</sup>  
Фонлотун фонлотун фоилон

Бу ерда Навоий туёқнинг уч формал — поэтик жиҳати — унинг икки байт (тўрт мисра)ли, қофияларни омоним сўзлардан иборат бўлиши ва рамал баҳрида ёзилишига диққат қилади. Айни замонда шоир бундай жанр форс-тожик ва араб поэзиясида бўлмаганлигига, у «турк шуароси хоссаси ва сортда йўқ»<sup>3</sup> эканлигига эътибор этади.

Форс-тожик шеъриятида тажнис ва ийҳом санъати бўлган, аммо маҳсус шаклланган туёқ жанри вужудга келмаган. Шунинг учун бу жанр ҳақида форс-тожик адабиётшунослари асарларида маълумот йўқ.

Алишер Навоийдан кейин туёқ тўғрисида Заҳириддин Муҳаммад Бобир аруз рисоласида — «Мухтасар» асарида маълумот бериб, унинг формал-поэтик хусусиятлари ва турларини кўрсатади. У ёзади:

«Туёқ неча навъдур. Бири улким, уч қофияда тажнис риоят қилурлар. Нечукким:

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қараи: Н. М. Маллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи», I китоб, 253-бет; И. В. Стеблева. «К вопросу о происхождении жанра туёг» («Туркологический сборник», М., 1970, стр. 135—147); Б. Валихўжаев. «Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туёқ» («Адабий мерос», 3-том, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти. Тошкент, 1973, 148—151-бетлар).

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-том, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1967, 179-бет.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар. 113-бет.

...То чиқорди хат узори поки дин,  
Гул юзи озурда бўлди покидин.  
Истар эрди эл бурун юз меҳр ила,  
Эмди ул юз меҳри кетти покидин.

Яна бири улким, қитъадек бурунги байтнинг аввалги мисраида қофия риоят қилмай, байтларнинг қофиясида тажнис келтирурлар. Нечукким:

...Бир пари ишқида мен девонапи.  
Эйки, истарсан, келиб гулханда кўр.  
Бир қадаҳ ул гулни хандон айлади,  
Эй кўнгул, наззора қил, гул ханда кўр...<sup>1</sup>

Туюқда яна бир неча навъ хотирга етибтурким, ҳеч ерда кўрулмайдур. Бири улким, ҳар тўрт қофияда тажнис риоят қилинибтур. Нечукким:

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга,  
Ҳажр аро раҳм айла, кел, ёро, манга.  
Ўқунг этти кўп ямон ёро манга,  
Марҳами лутфунг била ёро манга.

Яна бири улким, уч ерда тажнис радиф ўрнида бўлбтур. Тажнисдин юқори доғи қофия риоят қилибтур. Нечукким:

Меҳрким, кўкка қилур оҳанг тонг,  
Олида бўлса эмас, **беранг** тонг.  
Холию икки лабидек бўлмагай,  
Ҳинду ар келтурса шаккар **танг** тонг<sup>2</sup>.

Келтирилган иқтибосдан маълум бўладики, Бобир туюқларнинг қуйидагича формал турлари бор деб ҳисоблайди:

1. Уч мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
2. Тўрт мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
3. Икки мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
4. Радифи тажнис бўлган туюқ.

Булардан ташқари, Бобир мазкур асарида тажнисли қофияларга эга бўлмаган туюқлар ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатади<sup>3</sup>. Бироқ ўзбек классик шеърлятида

<sup>1</sup> Қ а р а н г: «Хазойинул-маоний», III том, 721-бет.

<sup>2</sup> Захириддин Мухаммад Бабур. «Трактат об арузе», факсимиле рукописи. Издание текста И. В. Стеблевой, М., 1972, стр. 1386, 139а, 139б.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қ а р а н г: Б. В а л и х ў ж а е в. «Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ», 151-бет.

одатда, туюқ қофиялари тажнисли бўлган. Мунис, Огаҳий, Муқимий, Аваз каби шоирларнинг барчаси қофияси тажнисли тўртлик шеърларнигина туюқ деб ҳисоблаганлар.

Туюқ жанрининг иккинчи етапчи формал-поэтик хусусияти унинг рамали мусаддаси мақсур (фоилотун фоилотун фоилон) вазнида ёзилишидир. Ўтмишда яратилган туюқларнинг ҳаммасида шу вази истеъфода қилинган. Шунинг учун бўлса керак, Навоий ва Бобир бу вазни «туюқ» деб ҳам номлаганлар.

Туюқ гоаявий-тематик жиҳатдан хийла кенг бўлган. Лутфий, Навоий, Бобир ва уларнинг издошлари томонидан яратилган туюқларда дидактик, психомоний-снѳсий ва фалсафий масалалар ифодаланган. Шу жиҳатлари билан туюқлар рубоийларга яқинлашади.

Туюқ жанри ўзбек совет шеърлятида ҳам анъанавий жанр сифатида яшаб келмоқда. Ҳозирги замон туюқларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Жанрнинг традицион вазнида ёзилган туюқлар.

2. Бармоқ вазнида ёзилган туюқлар..

Традицион вазнида ёзилган туюқлар кўпроқ Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий сингари шоирлар қаламига мансубдир. Чунончи, Ҳабибий туюқлари классик жанр талабларига формал-поэтик жиҳатдан батамом мос келади:

Кўп садо бергай чолинса катта занг,  
Мўл узум қилмасму бўлса катта занг.  
Лекин инсон зийнати — камтарлиги,  
Элга ёқмайду керишган катта занг<sup>1</sup>.

Келтирилган туюқ рамали мусаддаси мақсурда ёзилган бўлиб, қофияларида тажнис қўлланган.

Бармоқ вазнида ёзилган туюқлар туюқ жанрининг замонамиздаги қонуний тараққийсидир. Октябрь революциясидан кейин ўзбек поэзиясининг етапчи вази бармоқ бўлиб қолди.

Туюқ жанрида сатира ва юмор ҳам кенг қўлланади. Хусусан, «Муштум» журналида шундай туюқларга кенг ўрин берилади.

---

<sup>1</sup> Ҳ а б и б и й, «Девон». Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриѳти, Тошкент, 1971, 398-бет.

## ФАРД

*Фард* ( فرد )нинг кўплиги — *муфрадот* — арабча сўз бўлиб, ёлғиз, ягона, якка деган маъноларни билдиради<sup>1</sup>. Адабий термин сифатида эса «классик лириканинг энг кичик жанри, ёлғиз бир байтдангина иборат бўлган шеър»<sup>1</sup>.

Бу жанр форс-тожик, араб ва туркий халқлар адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида кенг тарқалган. Фард алоҳида асар бўлиб, мустақил ҳолда келади, лекин шу билан бирга у катта ҳажмли асарлар тўқимасига кириб, хулоса яшаш, «қиссадан ҳисса» чиқариш вазифасини ўтайди.

Алишер Навоий *фард* термини қаторида *байт* сўзини ҳам қўллайди. Унинг «Маҳбубул-қулуб», «Муншаот» асарларида шундай ҳолни кўриш мумкин. Лекин турли текстлар орасида келган байтлар ҳамма вақт ҳам фард бўлавермайди. Улар авторнинг бирор бошқа асаридан ажратиб олинган ва ситуацияга мос ҳолда келтирилган бўлиши мумкин.

Масалан, Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида шундай деб ёзади:

«Ҳар кимгаким, бир вафо кўргуздум, юз бевафолни кўрмагунча қутулмадим. Ва ҳар ким билаким бир меҳру муҳаббат ойини туздум, минг жавру мазаллат тортмагунча халос бўлмадим.

Байт:

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим<sup>2</sup>.

Бу ерда келтирилган мисраларнинг фард эмаслиги ойдин. Навоий ўзининг машҳур газали матлаини вафо тўғрисида фикр юрита туриб келтиради.

Фард гоъвий-тематик жиҳатдан дидактик ва фалсафий поэзияга яқин туради. Уларда шоирлар кўпинча ўзларининг ахлоқий-тарбиявий фикрларини, фалсафий қарашларини берадилар. Шунинг учун фардлар ҳикматли сўзлар, мақол-маталлар даражасида бўлади.

Масалан, Навоийнинг айрим фардларини кўрайлик:

<sup>1</sup> Адабиётшунослик терминлари луғати, 234- бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий, Асарлар, 13- том, 53- бет.

Етар чу ризқини, агар хорадур ва гар ёқут,  
Ўзунига юклама андуҳ тоғин, истаб қут<sup>1</sup>.

Бу ерда Навоий қорни тўйғазиш учун тоғдек гам  
чекниш керак эмас деган фикрни айтади.

Гофил ўлма, назардин итса адув,  
Шамъ ўчурғонда, ел кўрунурму<sup>2</sup>.

Бу фардда шоир душман ҳаракатларини ҳушёрлик  
билан кузатиб боришга даъват қилади.

Классик шоирларимиз ўз фардларини юксак бадии-  
ят билан ёзишга ҳаракат қилганлар, кўпинча халқ ма-  
қоллари, образли ифодаларини фардга сингдириб юбор-  
ганлар.

Масалан:

Юқар ямонлиг ангаким, кирар ямон эл аро,  
Кўмур аро илк урғон қилур илгини қаро<sup>3</sup>.

Ёки:

Дунёу уқба иккиси жам, ўлмас, эй рафиқ,  
Кимки икки кема учини тутар, бўлур ғариқ<sup>4</sup>.

Баъзи ҳолларда эса шоирлар томонидан яратилган  
фардлардаги ҳикматомуз гаплар кейинчалик халқ ора-  
сида шуҳрат топган, мақолга айланиб кетган:

Кўп демак бирла бўлмағил подон,  
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

Фардлар ҳамма даврлардаги ўзбек поэзиясида бор  
эди. У мақоллар каби сиқик, ихчамлиги, эса осон қоли-  
ши, ҳикматларга бойлиги билан шоирларни қизиқтириб  
келган. Шунинг учун ҳам фард ёзмаган шоирни учратиш  
қийин.

Фард ўзбек совет адабиётида ҳам яшаб келмоқда.  
Бу жанрдаги асарларни Ҳабибий, Собир Абдулла, Чар-  
хнй сингари шоирлар ижодида учратиш мумкин. Бар-  
моқда ёзилган шу тарздаги байтлар Ямин Қурбон шеъ-  
риятида учрайди.

Айрим мисоллар келтирамиз:

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар, IV том, 447-бет.

<sup>2</sup> 1, 2, 3, 4. Шу китоб, 448-бет.

Жоҳил бўлса агар онланг боши.  
Айланур бошингда тегирмон тоши.

Кимки эрур бетга чопар,  
Бол ўрнига оғу топар.

Ёмонликдан яхшилик кўрибди ким,  
Ғумай экиб, жавдари ўрибди ким?!

Кўрма ёмонлики дўстнингга раво,  
Дўст кўнгли оғриса, топилмас даво<sup>1</sup>.

## МУАММО

*Муаммо* (معما) арабча сўз бўлиб, яширилган, берки-тилган маъноларини англатади. Адабий термин сифатида бир (ёки баъзан бир неча) сўз—кўпинча исм яшириб берилган кичик лирик жанрдир. Муаммо, одатда, бир, баъзан икки байтдан ташкил топади. У *а-а* ёки *а-а, б-а* шаклида қофияланади. «Яширин» сўз шоирнинг турлитуман ишоралари (маънодош ёки шаклдош сўзларини топиб олиш, бир тилдаги сўзнинг иккинчи бир тилдаги эквивалентини қўллаш, сўзлардаги маълум ҳарфларни тизиб янги сўз ясаш, абжад ҳисобини ишлатиб, рақамлар асосида сўз тузиш ва бошқалар) асосида топилади<sup>2</sup>.

Масалан:

Чок бағрим тарафини айладинг икки парканд,  
Бирини ташлабон охир, бирин эттинг пайванд<sup>3</sup>.

Бу муаммонинг биринчи мисрасидаги «бағрим» (بَغْرِيْمَ) сўзи чок этилиб, бир ҳарф «м» (م) тушириб қолдирилади ва ўрнига бир ҳарф — бошда келган «б» (ب) охирига пайванд қилинади, натижада «ғариб» (غَرِيب) сўзи келиб чиқади.

Ёки:

Қасди жонимга чу мужғони икки саф тузди,  
Бири қош ёси, бири ғамзанг ўқин кўргузди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Я мин Қурбон. Масаллар, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 58—61-бетлар.

<sup>2</sup> Н. М. Маллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи», I китоб, 254-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоӣ, «Хазойинул-маонӣ», II том, 721-бет.

<sup>4</sup> Кўрсатилган китоб. 720-бет.

Бу муаммода «саф» сўзи берилган, лекин бу сўз икки марта қайтарилади, яъни «саф», «саф» бўлади. Муаммонинг иккинчи мисрасидаги ишорага кўра биринчисига **ى** (қош ёси), иккинчисига ғамза ўқи қўшилади. Натижада «сафи» (**سفى**) ва «сафо» (**سفا**) сўзлари келиб чиқади.

Муаммо жанри XI—XIII асрларда форс-тожик адабиётида шаклланган бўлса ҳам, у XV асрга келиб Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий муҳитида кенг тарқалди. У ҳатто шоирлар ва китобхонларнинг билымдонлигини синашда бир ўлчов вазифасини ҳам ўтайдиган бўлиб қолди<sup>1</sup>. Алишер Навоий «Мажолисун-нафос» асарида фақат муаммо ёзиш билан шуғулланган Мавлоно Муҳаммад Муаммоий, Мавлоно Муҳаммад Номий, Мавлоно Арғун, Мавлоно Низом, Мавлоно Дарвеш Али, Мир Ҳусайн Муаммоий каби бир қанча шоирлар ҳақида маълумот беради.

Муаммо жанри XV асрда шу қадар кенг тарқалдики, натижада даврнинг йирик илм-маърифат намояндалари Жомий, Навоий, Бодий Табризий, Шарафиддин Али Яздий ва бошқалар бу жанрнинг хусусиятларини ёритиб берувчи махсус асарлар яратдилар.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам даврининг адабий анъаналарига амал қилиб, муаммо ёзиш ва ечиш билан кўп шуғулланган. Унинг муаммо билан, муаммони тез ечувчилар билан, бу соҳада янги пайдо бўлган талантлар билан жуда қизиққанини Зайниддин Восифий ўзининг «Бадоеъул-вақое» асарида алоҳида таъкидлаган.

Навоий муаммолари ўзининг ғоявий-тематик хусусиятлари билан ҳам, бадий-поэтик хусусиятлари билан ҳам мароқлидир. Уларда биз енгил юмор, ҳазил-мutoйиба билан бирга, муҳитининг, айрим кишиларнинг иллатларини танқид қилишни ҳам кўрамиз. Навоий ўзбек тилида 50 дан ортиқ муаммо ёзган ва уларнинг ҳаммасини «Наводируш-шабоб»га киритган. Бу муаммолар мазкур жанрнинг ҳамма талабларига жавоб берадиган энг яхши намуналар ҳисобланади.

Навоий ўз муаммоларида кишиларнинг жонли характерларини нозик чизиқларда акс эттириб, китобхонга завқ ва шавқ бағишлайди, сунъийлик ва бежамадорликка берилмайди.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Н. М. Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи. I китоб, 255-бет.

Мажлисга шайх бу кеча кўп шайн бошлади,  
Синдурди шамъу нуқлини ҳавз ичра ташлади<sup>1</sup>.

Мажлисида ўтирган шайх маст бўлиб, кўп тўполон қилади, шамни синдириб, нуқл—газак (закуска)ни ҳовузга ташлайди. Бунда шоир одамларни май ичмасликка ундайдиган, аслида хилватда ўзи ичаверадиган, маст бўлиб, бошқаларнинг ҳаловатини бузадиган бебурд шайхнинг сатирик образини яратади. Бу муаммодан «Муҳсин» исми келиб чиқиши керак. Муаммодаги ишорага кўра шайх «мажлис» (مجلس) сўзидаги тенага тика чиққан ل ҳарфининг таёқчасини — шамни синдиргандек синдирган ва натижада бу сўз مجلس формасига кирган. Бундан ташқари, шайх нуқлни ҳовуз ичига, яъни چнинг остидаги нуқтани ҳовузга ўхшашнинг ичига ташланган. Шундан сўнг ن сўзи ҳосил бўлади. Қўринадики, киши исмини топиш учун муаммода айтилган имо-ишоралар жуда маантиқий характерга эгадир.

Навийнинг чуқур фалсафий мазмунини ифодалаган

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от<sup>2</sup>

муаммосидаги سعادت сўзидан «от» (ات) чиқариб ташланса, «Саъд» (سعد) исми келиб чиқади.

Навий форс-тожик тилида ҳам кўп муаммо яратган. Унинг «Девони Фоний» тўпламига 400 га яқин муаммо кирган.

XV—XVIII асрларда яшаган илгор сўз санъаткорлари муаммо жанридан ўзларининг тараққийпарварлик фикрларини илгари суриш, ўзлари яшаган муҳитнинг ярамас иллатларини фош этиш, айрим золим, мунофиқ кишиларнинг қиёфаларини очиб ташлашда фойдалаганлар.

Аммо айрим муаммочи шоирлар муаммода мазмунга мутлақо эътибор бермай, шаклбозликка берилдилар. Ҳатто айрим шоирлар фақат шаклбозликдан иборат бўлган муаммо ёзишдан бошқа иш қилмаганлар. Бу ҳол бадний-эстетик ва ижтимоий фикр тараққиётига хиз-

<sup>1</sup> II. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, I китоб, 724-бет.

<sup>2</sup> Қўрсатилган китоб, 719-бет.

мат қилиши лозим бўлган адабиётнинг ривожига эмас, балки инқирозига олиб борар эди.

## ЧИСТОН

Бирор предмет ёки ҳодисанинг характер ва белгиларини таъриф-тавсиф этиш орқали ўқувчини ўша предмет ёки ҳодисани топишга далолат қиладиган шеър чистондир. Лириканинг бу тури халқ оғзаки ижодидаги топишмоқлар асосида юзага келган бўлиб, X—XII асрларда форс-тожик адабиётида *луғз* номи билан аталган. Бу шеърӣ форма XV асрдан ўзбек ёзма адабиётида форс-тожик сўзи *чистон* (*чист* — нима, он — у) номи билан яратила бошлади.

Алишер Навоӣ ўзбек ёзма адабиётида бу лирик жанрнинг дастлабки намуналарини яратиб, унинг адабиётдаги ўрнини қонулаштирган ва «Бадосўл-васат» девонига ўнта чистон киритган. Навоӣ чистонлари, бошқа жанрлардаги асарлари каби, диққатга сазовордир. Уларда шоир ўз атрофини ўраб турган предметларни, ижтимоӣ муносабатларни, турмуш ҳодисаларини акс эттиради. Шунинг ҳам айтиш керакки, бу асарлар бошдан охиригача нозик юмор билан суғорилган бўлиб, асосий гоӣ шу юмор орқали ифодаланади. Масалан, шоир танганинг номини айтмасдан, унинг ташқи белгилари ва нчки моҳиятини шундай тасвирлайди:

Не шўх эрурки, улус қўнган нчра савдоси  
Анинг юзидаги хатлар каби муҳаррардур.  
Кумушдурур тани-ю қиймати анинг, лекчи  
Ўн икки ўз танидек ваҳҳ ила муҳаррардур.  
Ишида ул ўн икки ҳар бириендур дийдор.  
Қи ади суккасида юзларида зевардур.  
Магарки англади ҳумсул-муборак асрорини.  
Қи сони бу адад ўлминин, агарчи юз мардур.  
Гадога ҳумсидин ар салтанатдурур, не ажаб,  
Қачонки беклик анинг рубийдин муъясардур<sup>1</sup>.

Бунда шоир танганинг маъшуқа каби кишилар қалбига ўз муҳаббатини солганлиги, танасига нисбатан қиймати ўн икки баробарлиги, юзларига тамға босилганлиги каби хусусиятларини тасвирлаш билан чекланмайди, балки мавжуд социял тузумдаги ижтимоӣ муносабат-

<sup>1</sup> Алишер Навоӣ, Асарлар, III том, 408-бет.

лар ва унда танганинг тутган ўрнини ҳам кўрсатиб, асарнинг ижтимоий-ғоявий моҳиятини кучайтиради. Навоийнинг игна, ўқ, бек ва бошқалар ҳақидаги чистонлари ёқимли кулгига боис бўладиган ибора ва тасвирларга бойдир.

Чистон XV асрдан кейин яшаб ижод этган сўз санъаткорлари, жумладан, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Жаҳонотин Увайсий ва бошқа шоирлар ижодида ҳам учрайди. Прогрессив шоирлар чистон орқали ҳам социал масалаларни ифодалашга интиланлар.

Масалан:

Бу на гумбаздур, эшиги, туйнуғидин йўқ нишон,  
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур, макон.  
Туйнуғин очиб, аларнинг ҳолидин олсам хабар,  
Юзларида парда тортуғлиқ, туларлар бағри қон<sup>1</sup>.

Увайсий қаламига мансуб бўлган бу чистонда анор тасвирланган. Лекин автор анор тасвири воситаси билан ўзи яшаган муҳитдаги ҳуқуқсиз, бағри қон аёлларнинг аянчли аҳволни кўрсатишга муяссар бўлган, асарнинг социал моҳиятини оширган.

Огаҳий ҳам чистон жанрини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган санъаткордир. У танга ҳақидаги чистонда Навоийнинг шунга монанд чистони анъаналарини давом эттиради:

Ул на дилбарким, тани симин ўлуб,  
Бадр янғлиғ сурату симосидур.  
Хат битиб икки юзида сарбасар,  
Зийнат афзойи рухи зебосидур.  
Жуссаси тирноқ юзи янғлиғ кичик,  
Лек улуғлар ишқининг расвосидур.  
Васлини истаб жаҳон бозорида,  
Олам аҳли бошида савдосидур.  
Ҳам фақир, ҳам ғани девонаси,  
Ҳам қарию, ҳам йиғит шайдосидур.  
Топса ҳар адно висолин ногаҳон,  
Эътибор ичра улус аълосидур.  
Етса ҳар аълоға гар ҳажри онинг,  
Жумла адно халқининг адносидур.  
Топмаса гар илтифотин ҳар киши,  
Хордур, гарчи жаҳон доносидур<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Тўхтасин Жалолов, «Ўзбеки шоирлари», II нашри, Фафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1970, 76- бет.

<sup>2</sup> «Ўзбек адабиёти», 3- том, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, 736- бет.

Муҳим томони шундаки, Огаҳий ўзи яшаган замонда кишининг қадр-қиммати фақат пул билан ўлчанишини, пули йўқ одам агар жаҳон доноси бўлса ҳам, хор-зорликка маҳкум этилишини кўрсата олган.

Огаҳий чистон ёзишда, таърих жанрида бўлгани каби, «абжад» ҳисобидан ҳам фойдаланди:

Ул печук фаррух ҳумоким, боши онинг тўртдур,  
Бўйиндур олти, тани ўттуз, оёқи тўрт юз.  
Соя ҳар ким бошига солса толиб иқболу жоҳ,  
Гулситон ўлғай онинг олида жумла тоғу туз.  
Топмоғонга соясин базму тараб зиндон ўлуб,  
Хам қад ила пола айлар ҳар тун андоқким қўбуз<sup>1</sup>.

Бу чистондаги 4, 6, 30, 400 рақамлари абжад ҳисоби бўйича و, ز, ل, ت ҳарфларини англатади. Бу ҳарфларни қўшганда, «давлат» ( دولت ) сўзи келиб чиқади.

Ёки:

Ул на янглиғ турфа қушким, олтидур онинг боши,  
Турфaroқ буким, оёқ бирдур, қанот саксан анго.  
Гарчи онинг бу замон аҳли аро бордур оти,  
Леки йўқлуг ошнени ичрадур маскан анго<sup>2</sup>.

Бу чистонда ҳам 6, 1, 80 рақамлари келтирилади. Улар абжад ҳисобида و, ا, ف ҳарфларига тенг. Аммо қушнинг оёқлари қанотдан кейин тургани учун «алиф» ( ا ) охирига ўтади. Натижада «вафо» ( وفا ) сўзи келиб чиқади. Ўз замонидан нолиган шоир «вафо» оти бору, ўзи йўқ деб, чуқур социал мазмунни жасорат билан ифодалаган.

Чистонлар рубоий, туюқ ёки газал каби ҳажм, қофия ва бошқа формал-поэтик жиҳатлардан қатъий қонуниятга эга эмас. Улар кўпинча қитъага ўхшаб кетади ва қитъа каби қофияланади. Вазн, байтлар сони жиҳатдан қатъий чегара бўлмайди.

Чистон — топишмоқ ҳозир болалар адабиётининг муҳим жанри бўлиб, у болаларнинг оламни билиши ва ўрганишида, ақлий фаолиятининг ўсишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

<sup>1</sup> Огаҳий, «Таъвизул-ошиқин», ЎзССР Фанлар Академияси пашриёти, Тошкент, 1960, 567- бет.

<sup>2</sup> Уш а ж о й д а.

## ТАЪРИХ

*Таърих* (تاريخ) — арабча сўз бўлиб, содир бўлган бирор воқеани англатади. Шарқ шеъриятида ана шу воқеалар санасини шеърда ҳарфлар воситаси билан бериш усули *таърих* дейилади. Таърих махсус жанр сифатида мустақил асар ҳам бўлади, бошқа асар таркибига бир бўлак сифатида ҳам киритилади.

Таърих ўзининг айрим хусусиятлари билан муаммога ўхшаб кетади. Муаммода бирор ном яшириб берилса, таърихда бирор рақам яшириб берилади. Шоирлар айрим тарихий воқеаларга бағишлаб шеър битар, аммо одатдаги рақамларни ҳар вақт ҳам шеърга киритиш мумкин бўлмас, бунга шеър вазни ва қофияси имкон беравермас эди. Шунинг учун ҳам шоирлар шеърда воқеа тарихини кўрсатиш учун арабча ҳарфларнинг сон қийматидан — абжад ҳисобидан фойдаланар эдилар. Бу кўпинча муаммога ўхшаш мураккаб усул ва ишоралар қўллашни талаб этар, йил бир жумбоққа айланар эди.

Араб алифбесидagi ҳарфларнинг сон қиймати қуйидагича:

|   |     |   |      |   |       |
|---|-----|---|------|---|-------|
| ا | —1  | ی | 10   | ر | —200  |
| ب | —2  | ك | — 20 | ش | —300  |
| ج | —3  | ل | - 30 | ت | — 400 |
| د | — 4 | م | —40  | ث | —500  |
| ه | — 5 | ن | — 50 | خ | —600  |
| و | —6  | س | - 60 | ذ | —700  |
| ز | —7  | ع | - 70 | ض | —800  |
| ح | — 8 | ف | — 80 | ظ | —900  |
| ط | —9  | ص | —90  | غ | —1000 |
|   |     | ق | —100 |   |       |

Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, кейинчалик араб алифбесига қўшилган پ (п), چ (ч), ژ (ж), گ (г) ҳарфлари шакли аслида ز, ج, ب ва ك дан олинганлиги сабабли саноқда ҳам ўша ҳарфларга мос рақамларни билдиради.

Алишер Навоий хуросонлик шонрлардан Мавлоно Тўтий вафотига бағишлаб қуйидаги таърихни айтган:

Фасиҳи замон Тўтий, он шоире,  
Ки будаш зи-бакри маоний арус.

Чу Тўтий рафт, ин ажаб турфа буд,  
Ки таърих шуд фавти ўро: «Хурус»<sup>1</sup>.

Мазмун:

У шоир Тўтий замона фасихидир,  
Маънолар келинининг ягона бокираси — қизи эди.  
Тўтий кетди, аммо ажабланарлиси шу бўлдики,  
Унинг ўлимига «хурус» таърих бўлди.

Бу ерда таърих моддаси خر س (хурус) сўзи бўлиб,  
ҳарфлар қиймати 866 ҳижрий (мелодий 1462) йилни  
билдиради.

Навоий Мозандаронда қатл этилиб, калласи Ҳиротга  
олиб келинган золим амалдор Муҳаммад Амин ҳақидаги  
таърихда унинг вафот этган йилини қуйидагича бе-  
ради:

Золимеро кушта сўйи шаҳр оварданд сар,  
Он чи оварданд қатлашро ҳамон, таърих буд<sup>2</sup>.

Мазмун:

Золимин ўлдириб, бошини шаҳарга олиб келдилар,  
Ишманки олиб келган бўлсалар, ўша унинг таърихидир.

Байтдаги ишорага кўра, золимининг бошидан муддао  
ظالم сўзидаги бош ҳарф ظ дир, унинг қиймати 900 га  
тенг. Демак, бу воқеа ҳижрий 900 (мелодий 1495) йилда  
содир бўлган.

Шоир Дурбек «Юсуф ва Зулайҳа» достонининг му-  
қаддимасида достоннинг ёзилш тарихини бундай кўр-  
сатади:

«Зот» эди таърих тақи «ҳею» «дол»,  
Муддати хижратдин ўтуб моҳу сол<sup>3</sup>.

Бу ерда асарнинг ёзилиши таърихи د ح ض ҳарфла-  
рининг қиймати билан берилган бўлиб, у 812 (1409 ме-  
лодий) йилга тўғри келади.

Юқорида келтирилган мисоллардан шунинг кўриш  
мумкинки, таърих бир сўзда, сўздаги бир ёки бир неча  
ҳарфда берилиши мумкин. Лекин ҳамма вақт ҳам таъ-  
рих бундай осон йўл билан берилавермайди.

<sup>1</sup> А. Жуванмардиев, «Ҳарфлар рақамга айлانганда»,  
ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966, 5- бет.

<sup>2</sup> Н. М. Малласев, «Ўзбек адабиёти тарихи», I китоб, 257- бет.

<sup>3</sup> Дурбек, «Юсуф ва Зулайҳа», ЎзССР «Фан» нашриёти, Тош-  
кент, 1966, 27- бет.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, бир жумла, бир сўз ва ҳарфлардан таърих моддаси чиқмайди. Бундай вақтда баъзи ҳарфлар ёки айрим сўзларни чиқариб ташлаш ёки қўшиш, бир тилдаги сўзнинг иккинчи тилдаги эквивалентини олиш йўли билан таърих моддаси чиқарилади.

Масалаи, «Таърихи касира» асарининг автори Мир Саид Шариф Абулқосим Бобир вафотига шундай таърих ёзган:

Ҳар каски зи-таърихи вафоташ пурсад,  
Бар гўйики сар ниҳод шоҳе Бобирхон<sup>1</sup>.

Мазмуни:

Кимки унинг вафоти таърихини сўрса,  
Дегилки, бошини қўйди шоҳе Бобирхон.

Байтда таърих моддаси «Шоҳ Бобирхон» شاه بابرخان сўзи бўлиб, «бошини қўйди» сўзи эса исқот (чиқариб ташлаш)га ишорадир. «Шоҳ Бобирхон» сўзи абжад ҳисобида 1162 га баробар. «Бошини қўйди» ишорасига кўра «шоҳ» сўзининг бош ҳарфи «Ш» (ش) нинг қиймати 300 чиқариб ташланса, 862 (1458) қолади. Бу Абулқосим Бобир вафот этган йилдир.

Убайдулла Солиҳ ўгли Завқий ўзининг «Ҳажви Ғигчи эшон» сатирасида Дукчи эшон исёни таърихини бундай берган:

Ҳар киши сўрса нишон бу шўриши Фарғонадин,  
Завқий айтур жон чиқиб таърихидир игво эшон<sup>2</sup>.

Байтдаги таърих моддаси «игво эшон» (اغوا ايشان) сўзлари бўлиб, унинг рақам қиймати (1370) дан «жон» сўзининг қиймати (54) чиқариб ташланади. Шунда Дукчи эшон исёнининг таърихи — 1316 ҳижрий (1898 мелодий) йил келиб чиқади.

Демократик шоир Муқимий томонидан Тошкентда қайта тикланган бинолардан бирига шундай таърих ёзилган:

Кўруб ушбу фараҳ афзо бинони,  
Муқимий сўрди ақлидин ниҳони.

<sup>1</sup> А. Жуванмардиев, Кўрсатилган китоб, 5-бет.

<sup>2</sup> Завқий, «Танланган асарлар», ЎзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958.

Деди аз рўйи лутф оҳиста ногоҳ,  
Хирад таърихина таъмири соний<sup>1</sup>.

Бу ерда бинонинг таърихи «таъмири соний» (تعمير ثانی) сўзида яширинган бўлиб, унинг қиймати 1281 га тенгдир. Аммо шеърдаги ишорага кўра, «лутф» сўзининг биринчи ҳарфи ل (лом)нинг қиймати (30) қўшилиши керак. Натижада 1311 ҳижрий (1893 мелодий) йил келиб чиқади.

Қўқонлик олим, шоир ва хаттот Мулла Сулаймонқул Рожий Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асарини кўчириб, унга таърих ёзади:

Юз шукурки, таҳрир топиб ушбу китоб,  
Сўз аҳлининг аҳволида келмиш неча боб.  
Битмакчи эдим мен рақами таърихин,  
Дафтар юзини тазкира ўраб олди қуршаб<sup>2</sup>.

Бу ерда таърих моддаси «тазкира» (تذکره) сўзи бўлиб, унинг қиймати 1325 га тенгдир. Шеърдаги ишорага кўра, «дафтар» сўзи юзи (боши)даги дол (د)нинг қиймати (4) қўшилиши керак. Натижада асар кўчирилган йил (1329) келиб чиқади.

Таърихнинг яна бир тури талмеҳ аталиб, унга таърих айтувчилар бирор зарбулмасал ёки машҳур шеър, ҳикоя ҳамда осмон жисмлари, шунингдек, мусиқий терминологиядан бирор сўз олиб, унга маъно бериб, таркиб ва таъдид йўли билан таърих чиқарганлар.

Масалан, Мавлоно Дарвешали Алишер Навоий томонидан Ҳиротда қурилган масжидга шундай таърих ёзган:

Таърихи имораташ агар меҳоҳи,  
Арқом аносираст ва сифри афлок<sup>3</sup>.

Талмеҳ қондасига кўра, аносир (сув, шамол, олов, тупроқ)—4, сифр—0 ва афлок (фалаклар, классик шарқ астрономиясига кўра)—9 га баробар. Маълумки, араб хати ўнгдан чапга қараб ёзилади. Юқоридаги рақамларни ҳозирги тартибда қўйсак, 904 ҳосил бўлади. Демак, бу бино 904 (мелодий 1498) йилда қурилган экан.

Бундан ташқари, таърих моддаси ҳандасий йўл билан, абжаднинг ўзидан, жумладаги нуқтали ҳарфлар

<sup>1</sup> А. Жуви мардонев, Кўрсатилган китоб, 6-бет.

<sup>2</sup> Шу китоб, 28-бет.

<sup>3</sup> Шу китоб, 10-бет.

(мужавҳар), нуқтасиз ҳарфлар (муҳмал)ни олиш йўли билан ва бошқа йўллар билан ҳам топилади.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, классик адабиётимиздаги таърих поэзиянинг мураккаб жанрларидан бўлган. Бу жанр, айниқса, форс-тожик адабиётида кенг қўлланган. Ўзбек адабиётида эса XV—XVI асрларда ривожланган ва кейинги давр адабиётида ҳам алоҳида жанр сифатида камол топган.

Таърих жанри ҳажм жиҳатидан ҳам, мисраларнинг қофияланishi жиҳатидан ҳам белгили, қатъий бир қондага эга эмас. Махсус таърих жанридаги асарлардан ташқари, таърих усули бошқа жанрдаги асарларда ҳам қўлланган. Кўпинча муаллифлар асарларининг ёзилган йилини таърих йўли билан баён этганлар. Муҳташам биноларга шу иморатнинг қурилган йили ҳақидаги таърихларни нақш қилганлар. Демак, таърих муҳим тарихий воқеа ва меъморчилик обидалари санасини аниқлашда қимматли манба сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Таърих жанри ўзбек совет поэзиясида деярли учрамайди. Бироқ Ҳабибий «Девон»ида бир неча традицион таърихлар учрайди.

Масалан, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қаяумов вафотига бағишлаб Ҳабибий шундай таърих битган:

Боқиб халқимга таърихни, Ҳабибий,  
Дедим ўчмас «ёниб турган чароғи»<sup>1</sup>.

Иккинчи мисрадаги «ёниб турган чароғи» ( *يانیب تورگان چراغی* ) сўзларининг рақамлар сони 1964 йилни билдиради.

Ёки Ҳабибий ўз «Девон»ининг тузилган йил таърихини шундай баён қилган:

Ғазалхон, ёру дўстим, жонажоним,  
Бўлур сизларга девоним — иншоим.  
Ажабким, арзимас девонга таърих  
Бўлибдур «бу шарафли армуғоним»<sup>2</sup>.

Охириги мисрадаги «бу шарафли армуғоним» ( *بوشرفلى ارمغانيم* ) сўзлари 1970 йилни билдиради.

<sup>1</sup> Ҳ а б и б и й, «Девон», 308- бет.

<sup>2</sup> Ў ш а а с а р, 400- бет.

# МУНДАРИЖА

|                                                                |     |
|----------------------------------------------------------------|-----|
| Сўз боши                                                       | 3   |
| Ғазал                                                          | 10  |
| Ғазал — лирик тур жанрларидан бири                             | 10  |
| Ўзбек ғазалиётининг вужудга келиш замани                       | 23  |
| Ўзбек ғазалиётининг етакчи тараққиёт тенденциялари             | 34  |
| XIV— XV асрнинг биринчи ярми ўзбек ғазалиёти                   | 35  |
| XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср ўзбек ғазалиёти             | 42  |
| XVII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган ўзбек ғазалиёти    | 49  |
| XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалиёти | 54  |
| Ўзбек ғазалиёти классификацияси                                | 70  |
| Мустазод                                                       | 110 |
| Мусаммат                                                       | 113 |
| Таржеъбанд                                                     | 121 |
| Таркиббанд                                                     | 123 |
| Маснавий                                                       | 125 |
| Қасида                                                         | 127 |
| Нома                                                           | 137 |
| Соқлийнома                                                     | 140 |
| Мунозара                                                       | 141 |
| Марсия                                                         | 144 |
| Масал                                                          | 146 |
| Қитъа                                                          | 152 |
| Рубоний                                                        | 154 |
| Туюқ                                                           | 166 |
| Фард                                                           | 170 |
| Муаммо                                                         | 172 |
| Чистоп                                                         | 175 |
| Таърих                                                         | 178 |

*На узбекском языке*

НАСЫРОВ АДЫЛДЖАН,  
ДЖАМАЛОВ САЛАХУТДИН,  
ЗИЯВИДДИНОВ МУХАММАДЖАН

**ЖАНРЫ УЗБЕКСКОЙ  
КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ**

Учебное пособие для студентов филологических  
факультетов педагогических институтов

*Ташкент—«Ўқитувчи»—1979*

Редактор *М. Собирова*  
Будинный редактор *П. А. Бродский*  
Техн. редактор *Т. Грешникова*  
Корректор *Д. Умарова*

Теришга берилди 5. 02. 1979 й. Босишга рухсат этилди  
4. 09. 1979 й. Формат 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Тип. қоғози № 3. Кегли 10.  
шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли 6. л.  
9.66. Нашр. л. 10,0. Тиражи 15000. Зак. № 148. Баҳоси 50 т.

«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, Павоний кўчаси, 30.  
Шартнома № 247—78.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб сав-  
доси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» поли-  
графия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-бос-  
махона. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.  
1979 й.

Типография № 2 Ташкентского полиграфического произ-  
водственного объединения «Матбуот» Государственного  
комитета УзССР по делам издательства, полиграфии и  
книжной торговли. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.